

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АҲБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ТОШКЕНТ АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ш.З.ТАДЖИБАЕВ**

**ТЕЛЕВИДЕНИЕ  
(Физика асослари)**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томнидан дарслик сифатида тавсия этилган*

**ТОШКЕНТ-2011**

**УДК: 621.397.13  
ББК 32.94+76.032  
Т14**

**T14 Ш.З. Таджибаев. Телевидение (Физика асослари).  
(Дарслык). –Т.: «Fan va texnologiya», 2011, 236 бет.**

**ISBN 978–9943–10–537–9**

**УДК: 621.397.13  
ББК 32.94+76.032**

**Тақризчилар:** Холиков Абдулхақ – ТТЙМИ «Электр алоқа ва радио  
кафедраси мудири, т.ф.д., профессор;  
Нигманов Абдуносир – ФТМТМ «Радиоалоқа,  
Радиоэшиттириши ва телевидение»  
штимий тадқиқот бўлими бошлиги

**ISBN 978–9943–10–537–9**

**© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2011.**

## СЎЗ БОШИ

Ушбу дарслик «Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение» мутахассислиги бўйича «Телевидение» фани дастурига асосан ишлаб чиқилган. Дарсликдан «Телевидение» фани ўқилядиган радиотехник мутахассисликларга йўналтирилган бошқа таълим муассасаларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Телевидение ахборат технологиялари йўналишининг тез ривожланиб бораётган соҳаларидан биридир. Буни телевидениенинг жуда кўп амалий масалаларини, чунончи, реал вақтда жаҳонда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни, умуман, талаб қилинган ахборотни бутун дунё бўйлаб кенг оммага етказиша асосий восита эканлиги, видеотехниканинг бевосита хонадонларга кириб бориши (видеомагнитафон, DVD, видео, рақамли фото камера ҳамда бошқалар), кино, астрономия, мудофаа, хавфсизлик ва бошқа соҳаларда муҳим масалаларни ҳал этишда катта роль ўйнаши билан тушунтириш мумкин.

Яқин ўн йиллар ичida телевизион техника фақат тубдан ўзгариб қолмасдан, балки унинг янги йўналишлари юзага келди. Булар ҳаммаси маъруза ўқилганда ва амалий дарс олиб борилганда инобатга олинниши лозим. Шу сабабли мутахассисларни тайёрлашда ўқитишни жадаллаштириш усулларини кўллаш ва ниҳоят, бугунги кунда амалий қиймати йўқола бораётган масалаларни ёритишга ҳам илмий-услубий жиҳатдан ёндашилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур масалаларни илмий-амалий нұктаи назардан тадқиқ этиш мақсадида ушбу дарслик тайёрланди.

Дарсликни яратишида телевидение фанининг асосий йўналишларини қамраб олишга ва бу соҳадаги замонавий ҳолатни тўлиқ ёритишга ҳаракат қилинди. Услубий жиҳатдан вақт чекланганлиги сабабли маърузаларда ёритилмаган алоҳида масалалар талаба

томонидан дарслик ёрдамида мустақил ўзлаштирилиши учун мослаштирилди. Шу сабабли телевизион техниканинг янги йўналишларини кенга ёритишга тўғри келди.

Талабалар ва соҳага қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси учун ушбу дарслик материалларини тезроқ етказиш мақсадида унинг биринчи нусхаси электрон шаклда нашр этилди. Дарслик да ёритилиши кўзда тутилган масалалар алоҳида 7 рисолага ажратилди. Рисолаларга ажратиш ривожланаётган фан ютуқларини ўқувчиларга етказилишини осонлаштиради ва китоб тўлиқ қайта нашрга тайёрлашдан аввал, янгилик кўпайган бобларини рисола сифатида тез нашр қилиш мумкин бўлади.

Китобхонлар дикқатига ҳавола этилаётган ушбу дарслик биринчи бор, 2005 йили ТАТУнинг «Алоқачи» кичик босмахонасида 100 нусхада нашр қилинганди, бироқ нашрда техник имкониятлар чеклангани сабабли дарслиқдаги тасвирий ахборотлар тўлиқ очиб берилмаган. Умид қиласизки, камчиликлари тузатилиб, бундан ташқари, дарслиқдаги рангли телевидение, рақамли телевидение, телевизион тасвирини баҳолаш боблари қайта ишлаб чиқилган. Тасвия этилаётган дарслик бу соҳа бўйича ўзбек тилида яратилган дастлабки изланиш самараси бўлганлиги учун айрим камчилик ва хатолардан ҳоли бўлмаслиги мумкин.

Муаллиф мазкур дарсликни яратишда ўз ҳиссасини қўшган, фойдали маслаҳат ва кўрсатмалари ҳамда нашрга тайёрлашда ҳамкорлик қилган барча мутахассисларга, шунингдек, ушбу китоб ҳакида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирган китобхонларга самимий миннатдорчилик билдиради.

**Муаллиф.**

## КИРИШ

«Телевидение» атамаси 1890 йили юзага келди. Парижда ўтказилаётган халқаро анжуманда рус инженер-электриги К.Д. Перский ўз маъruzасида биринчи бор, «Электрическое телевидение» (Электрли телевидение) сўзини ишлатган.

Телевидение деб, телекоммуникация воситаси орқали масофа ва тўсиқ бўйича чекланмаган, фазодаги ҳаракат ва ҳаракатсиз борликни реал вақт масштабида кузатиш имкониятини берувчи радиоэлектрон тизимга айтилади.

Телевидение инсон ҳаётида кенг имконият яратди, дунё бўйича ҳодиса ва жараёнларни инсонлар хоҳлаган вақт ва жойда қурилма ёрдамида кузатишлари имконияти пайдо бўлди. Албатта, ўз кўзи билан бевосита кўра олмайдиган мұхитни онгда тўла тиклаш учун инсон беш сезгисининг барчасини ишга солиши зарур.

Бу масаланинг ечими бугун тўлиқ ҳал қилингани йўқ, лекин келажакда ҳал бўлишига умидвормиз. Бугун телевидение орқали ясси ҳажмли рангли тасвири кўриш ва уни кузатиб борувчи овозни эшлиши имконияти мавжуд. Бу имкониятни ўзи инсон онгининг қанчалик юксалишига сабаб бўлди. Масалан, телевидение кўз кўра олмайдиган нурлар ёрдамида (рентген, ультрабинафша, инфрақизил) нарсаларни синчиклаб кўриш имкониятини беради. Ультраовоз тўлқинлари орқали нурлантириб оддий шароитда коинотни, ер остини, сув тубини ва инсон ички органларини кўриш имкониятини беради.

Телевидение ахборотларни намойиш этиш техник тизимdir. Телевидение воситасида томошабиннинг кўриш имконияти кенгаяди. Шу сабабли, телевизион тизим кўриш органларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилади. Реал борлик ҳажмли ва ҳаракатда, у кўзимизда рангли жилоланади. Демак, асл борликни телевидение ёрдамида кузатилганда фазовий хусусиятлари намоён бўлиши керак. Фазони инсон икки кўзи билан мукаммал қабул қиласи.

визион техникада нарсаларнинг рельефини кузатиш учун бинокуляр кўриш принципи ишлатилади.

Телевидение техникасининг бугунги кунги юксалиши телевизор пардасида узатилган объект тасвирининг буткул ўзига ўхшашлигини таъминлашдан иборат. Бу масала айлантиргич, узатувчи, кодловчи, декодловчи, акслантирувчи ва бошқа тасвир сигналига ишлов берувчи мураккаб жиҳозлар мажмуасида бажариладиган операциялар орқали амалга оширилади.

Телевидение фани кўп ёндаш билимлар, радиотехника, электрон техника, ёруғлик техникаси ва бошқалар ютуғига асосланади. Шу билан бир қаторда телевидение математика, физика, кимё, ахборот назарияси ва бошқа билимларга суянган ҳолда хусусий масалаларни ечади. Шунинг учун телевидение, фан ва техниканинг умумий юксалиши билан чамбарчас боғлиқ.

Инсоният тараққиётининг ҳар бир юксалиш поғонасида алоқа воситаларининг мукаммаллашиши кузатилган. Телевидение, энг аввало, (бошланғич амалга ошмаган лойиҳадан, механик телевидение орқали, то ҳозирги замон телевидениесигача) техник восита сифатида узоқ юксалиш йўлини босиб ўтди. Агар инсон оладиган ахборотнинг 85 фоизи(%)ни кўз орқали қабул қилиши эътиборга олинса, қадимдан нима учун кўриш имкониятини кенгайтириш муаммоси олимлар фикр-зикрини чўлғаб олганлиги ойдинлашади.

Телевидение асосида уч физик жараён ётади: ёруғлик энергиясини (оптик тасвирни) электр сигналига айлантириш; уни телекоммуникация канали орқали узатиш ва қабул қилиш; электр сигналини оптик тасвирга айлантириб тиклаш.

Тахминан 1875 йилларда, тасвирни масофага узатиш учун, ўлчам билан ўлчаганда, тизимнинг ҳамма энг оддий ҳозирги ташкилий қисмлари ихтиро этилган ёки маълум эди.

1832 йили рус олими П.Л.Шиллинг ҳозирги замон электр алоқа канал тимсоли – электромагнит телеграфни ихтиро қилган. 1858 йили немис олими Г. Гейслер газразрядли найчани ишлаб чиқди, кейинчалик у «гейслер найчаси (трубкаси)» номи билан аталган. Чўғланувчи лампага қараганда, унинг сусткаш-

лиги (инерцияси) йўқ, бу эса тасвирда ҳаракатни тиклаш учун ўта муҳим эди. Бу найчани, электр сигнални оптик тасвирга айлантирувчи асбобнинг биринчи нусхаси дейиш мумкин.

Фотоэлектрик ҳодиса (эффект) нинг кашиф этилиши, телевидениеда бажарилиши лозим бўлган уч асосий вазифадан бирини – ёруғлик энергиясини электр сигналга айлантириш масаласини ҳал қилди. Ёруғлик нурини электр оқимга айлантиришни биринчи бўлиб, 1839 йили француз физиги Э.Беккерель амалга оширган.

1817 йили машҳур кимёгар И. Берцелиус селен элементини ихтиро қилди, 1873 йили инглиз техники К. Мэй селенда фотоўтказгич хоссасини кузатди, мухандис У. Смит эса унинг хоссасини (ички фотоэффектни) тушунтириб берди. Бу эса тасвир узатиш тизими занжирининг охирги қисми эди.

Бу ихтиrolар натижасида янги кўп фикрлар юзага келди. Бир қатор лойиҳалар ва ечимлар таклиф қилинди, лекин у фикрлар моддий базага эга бўлмаганлиги сабаби (у вақтларда техника кучли ривожланмаган эди) улар амалга ошмай қолиб кетди.

XIX асрнинг охирига келиб, телевизион тизимни амалга ошириш учун ҳамма шарт ва шароитлар юзага келди дейиш мумкин. 1878–1880 йиллари асл объектни ва ҳаракатли тасвирни узатишнинг биринчи лойиҳаси эълон қилинди. Ҳаммаси бўлиб, 1900 йилгача 11 давлатдан ихтиорчилар омма мулоҳазасига 25 шундай курилмалар лойиҳасини таклиф қилдилар. Турли давлатлардан телевидение йўналишига ҳиссасини қўшиб, машҳур бўлганлар: Керри, Герберт Айвс (АҚШ), Кемпбелл Сунтон, Джон Бэрд (Англия), Дикман, Шретер (Олмония), де Пайва (Португалия), Костелин (Италия), Б.Л.Розинг, П.И.Бахметьев (Россия). Бундан ташқари, бошқа кўпгина давлатлар мутахассислари ўз фикрларини эълон қилдилар ва уларни амалга оширишга уриниб кўрдилар.

1875 йили америкалик Ж. Керри кўз тузилишига ўхшашиб, содда, тасвир узатувчи ва уни қайта тикловчи тизим таклиф қилди. Узатувчи ва қабул қилувчи томонлар тўр шаклида жойлаштирилган фотоэлементлар ва газоразрядли электр лампалардан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бир


фотоэлемент сим газоразрядли электр лампа билан туташтирилган. Демак, тўр устига туширилаётган оптик тасвир фотоэлемент орқали элементларга ажратилади. Агар тасвир аниқлиги элементлар сонига боғлиқлиги ҳисобга олинса, узатиш учун ўта кўп алоқа канали қуришга тўғри келади. Агар замонавий телевидение стандартига такқосласақ, бир кадрда тахминан 500 минг элементдан маълумот узатилади. Бундан кўринадики, лойиҳани амалга ошириш учун ўта кўп алоқа канали жорий қилиниши лозим. Бу эса бугунги кунда ҳам амалга ошириш муаммо бўлган масала. Аммо бу лойиҳанинг афзаллиги шундаки, Керри биринчи бўлиб, оптик тасвир алоҳида элементларга (кичик қисмларга-элементларга) ажратишни таклиф қилди. Бу фикр эса албатта, назарий томондан бебаҳо эди.

1878–1880 йиллар ичida тасвир элементларини кетма-кет узатишнинг бир неча лойиҳалари таклиф қилинди. Бундай лойиҳалар муаллифларидан португалиялик де Пайва (1878), россиялик П.И.Бахментьев (1880), француз К.М.Сенлек (1879) ни келтириш мумкин. Бу лойиҳаларнинг асосий моҳияти тасвирнинг элементларини бир вақтда эмас, балки бирор вақт оралиғида кетма-кет узатишдир. Тасвирни қабул қилиш томонида тиклаш, кўзни сусткашлигига асосланиб, элементма-элемент синтез қилишдан иборат. Маълум бўлишича, пирилловчи (ёниб ўчувчи) ёруғлик манбанин кўз маълум шароитда (частотаси етарли катта бўлганда) доимий ёниб турувчи манба сифатида қабул қиласи. Кўзнинг бу хусусияти эса кетма-кет узатилаётган тасвир элементларидан қабул қилиш томонда яхлит тасвир тиклаш имкониятини беради.

Тасвирнинг ҳар бир элементи сигналини кетма-кет узатиш ҳозирги замонавий телевидение асосида ётган иккинчи асосий шартидир. Бундай тизимни Керри лойиҳасига ўзгартириш киритиб, яъни узатувчи ва қабул қилувчи томонларни коммутаторлар билан таъминлаб амалга ошириш мумкин. Бу коммутаторларнинг синхрон ва синфазали айланишини таъминланса, унда ҳар бир дақиқада узатувчи томондаги элемент қабул қилувчидағи унга мос ёруғлик манбай билан боғланади. Бу лойиҳалар бир-биридан техник ечими билан фарқланади, лекин мукаммал бўлмагани ёки моддий-техник

таъминланмагани сабабли уларнинг бироргаси амалга оширилмади.

Тасвир элементлари сигналларини кетма-кет узатишнинг амалий ечими, олмония фуқароси, поляк миллатли П. Нипков томонидан 1884 йили унинг оптика-механик қурилмали лойиҳасида амалга оширилди. У «Нипков доираси» номи билан маълум. Бу қурилма ёруғлик ўтказмайдиган катта диаметрли доирадан иборат бўлиб, унда Архимед спирали бўйича кичик тешиклар жойлаштирилган. Бу тешикларнинг диаметри тасвир элементлари ўлчамини аниқлайди.




*1-расм. Нипков доираси тузилиши.*

Ҳар бир кейинги тешикни доирасидаги жойи уни радиуси бўйича олдинги тешикка нисбатан диаметрига баробар марказга силжитилган (1- расм).

Тешикли доира олдида тасвир ўлчамини белгиловчи чегараловчи ром ўрнатилган. Ромнинг баландлиги спералнинг боши ва охирини тўккасига ўлчами билан аниқланади, кенглиги эса тешикларнинг оралиқ масофаси билан аниқланади. Доира айлантирилганда, тешик ром ичидаги ёй кўринишдаги траектория бўйича харакатланади ва тасвир сатрини ифодалайди. Демак ҳар бир тешик бир сатрни чизади ва тасвирни ёювчи сатрлар сони тешиклар сонига тенг бўлади.

Ромнинг баландлиги ва кенглиги тенг бўлганда, тасвирини элементларга бўлиш сони  $n^2$  тенг, бу ерда  $n^2$  доирадаги тешиклар сони. Доиранинг бир айланishiда тасвирининг ҳамма элементлари узатилади ва бир кадрни ташкил қиласди.

Нипков таклиф этган фикр амалга оширилиши ўта соддалиги билан ажралиб туарар эди. Бир қанча мукаммаллаштиришлар киритилгандан сўнг биринчи амалий телевизион тизим Ж. Берд томонидан Англияда ва Ч. Женкинс томонидан АҚШда (1925 йили), Л.С. Термен томонидан собиқ иттифоқда (1926 йили) амалга оширилди. Ж. Берд 1926 йили Лондон яқинида жойлашган радиостанция орқали тажриба сифатида 30 сатрли телевидение узатиш амалга оширилди. 1929 йили Олмонияда «Телегор АГ» концерни Д.Михайли бошлигига эфирга чиқди ва аниқлиги 30 сатрга тенг телевизион тасвирини узатишни амалга оширди.



*2-расм. Нипков доираси тизимининг умумий чизмаси.*

1931 йили апрель ойида Москвада П.В.Шмаков бошлигига Бутун Иттифок электротехника институти лабораторияси жамоаси тажриба сифатида телевизион тасвири Ленинградга узатди. 1931 йил октябриндан бошлаб, аниқлиги 30 сатрли, кадр частотаси 12,5 Гц, 379 м тўлқин узунлигига ва овоз 720 м тўлқин узинлигига доимий телевизион узатишни бошлади. Москва телестанциясининг сигнали Ленинградда, Одессада, Харьковда, Н.Новгородда, Томскда ва бошқа шаҳарларда қабул қилина бошланди. 2-расмда Нипков доираси тизимининг яхлитлаштирилган тузилиш схемаси келтирилган. Бу тизим электр телескоп деб аталган. Саҳна тасвири объектив ёрдамида чекловчи ромдан (2) ўтиб, доира юзасига (1) фокусланади. Доира ортига селен фотоэлементи (3) ўрнатилган.

Доира айланганда унинг ҳар бир тешиги тасвирининг алоҳида элементлари ёруғлик оқимини кетма-кет ўтказади.

Натижада фотоэлемент чиқишида тешикдан ўтган ёруғлик оқимиға мутаносиб электр импульслари кетма-кетлиги ҳосил бўлади. Сўнг бу сигналлар узатувчига киритилади ва эфирга узатилади. Узатувчи тарқатган сигналлар эфир орқали қабул қилувчига етиб боради.

Қабул қилувчи курилмада қабул қилинган сигнал кучайтирилади ва ясси газ разрядли ёритувчи лампага (4) берилиши натижасида унинг ёришиш жадаллиги ўзгариши кузатилади. Лампа билан кузатувчи орасига узатувчи тарафидагига ўхшаш доира (5), чекловчи ром (6) ўрнатилган. Доиralар узатувчи ва қабул қилувчи томонларда бир хил бўлганлиги сабабли, улар синхрон ва синфазга айлантирилганда, ҳар бир дақиқада тешикларнинг хромдаги координацияси бир хил бўлади. Қабул қилувчи доира тешигидан ўтган ёруғлик оқими ҳар бир дақиқада узатилаётган тасвир элементининг равшанлигига teng бўлади. Доира катта тезликда айлантирилганда харакатдаги ёруғ нукталар йигиндиси бир текис тасвирни тиклайди.

1934–35 йиллари механик телевидение ойнадан ясалган барабанлар, винтлар ва бошқа қурилмалар ишлатилиб мукаммаллаштирилди. 180 ва ҳаттоқи, 375 сатрли тасвирни ёйувчи оптик-механик тизимлар яратилди. Тасвирни элементларга бўлиш сони ошган сайн тешик юзаси кичрайиши сабабли тизимнинг сезирлиги кескин камайди, чунки тизим кадр даврида ҳосил бўлган сигнал ёювчи элементдан (доира тешигидан) ёруғлик оқимининг ўтиши натижасидир.

Бу вақтга келиб, оптик-механик тизимнинг келажаги йўқлиги аниқланди, ҳақиқатан оптик-механик тизимнинг асл можияти ҳар қандай унга киритилган мукаммалликка қарамасдан юқори сифатли харакатдаги тасвир узатишни таъмин қила олмайди. Телевидение бошланғич даврида бу камчилик маълум бўлса ҳам электрон телевидениени амалга оширишнинг техник имконияти йўқ эди.

1907 йили Б.Л. Розинг Браун электрон найда пардасида тасвирни тиклашни таклиф қилди ва уни ихтиро сифатида патентлади. Розинг таклиф қилган электрон най оптик-механик қабул қилувчи қўрилмаси икки вазифасини бажаарди:

тасвирни люминафор парда юзида навбатма-навбат ёйиш, яъни оптик-механик тизимдаги доира ўрнини босувчи ҳамда ёруғлик манбаи, яъни газоразряд ёйувчи лампа ўрнини ўтайди.

Браун электрон найига қараганда, Розинг найи электрон нур оқимини бошқарувчи элемент киритилганлиги билан тубдан фарқ қиласди. Электрон тўп диафрагмаси олдида электрон нур ўтувчи бир жуфт пластина ўрнатилган. Тасвир сигналнинг қийматига қараб электрон нур оға бошлайди ва диафрагма тешигидан ҳар хил миқдорда оқим ўтади, натижада парда юзаси турли ёруғликда ёришади. 1911 йилнинг май ойида Розинг ўз курилмаси орқали ҳаракатдаги оддий геометрик шаклларни намойиш қилиб кўрсатди. Бунда тизимнинг узатиш томонида оптик-механик курилма ишлатилган.

Шу вактда Англияда Кембелл Суинтон томонидан телевизион курилма лойиҳаси зълон қилинди. Унда узатиш ва қабул қилиш учун электрон нурли найни кўллаш таклиф қилинган. Кембелл Суинтон 1911 йилнинг нояброда маъruzасини Рентген жамиятига тақдим этди ва 1912 йили электрон телевидение схемасини зълон қилди.

Таклиф қилинган телевизион тизимнинг қабул қилувчи курилмасида кўлланган электрон нурли най Розинг найидан фарқ қилмас эди. Узатувчи тарафда эса, электрон нур найга мозаика кўринишида кўп сонли фотоэлементлардан ташкил топган фотонишон ўрнатилган эди. Суинтон ўз ихтросининг ишлайдиган моделини яратмади. Шу сабабли Б.Л. Розинг адолатли равиша, электрон телевидение асосчиси деб, К.Суинтон эса амалга оширилмаган тўлиқ электрон телевизион тизим лойиҳасининг муаллифи ҳисобланади.

Биринчи тўлиқ электрон тизим лойиҳаси 1925 йили Тошкентда Б.П.Гробовский бошчилигига бир гурӯҳ ихтиро-чилар томонидан таклиф қилинган ва амалий синовдан ўтказилган. Узатиш тарафидаги электрон нурли най, вакуумли шиша кўзачадан иборат бўлиб, уни ичидаги фотоэффект хусусиятига эга ишқор металлдан ясалган плёнка, электрон нурни шакллантирувчи ва оғдирувчи курилма жойлаштирилган. 1928 йили Б.П.Гробовский курилмаси орқали содда ҳаракатдаги тасвирни узатишга муваффақ бўлган.

Аниқлиги 180 сатрга тенг электрон телевизион тизим Я.А.Рыфтин раҳбарлигидаги бир гурух олимлар томонидан 1935 йили намойиш қилиниши амалий телевидениеда сезиларли ютуқ эди. Электрон телевидениенинг кенг юксалиши ва амалий кўлланилиши сезгирлиги ва аниқлиги оптик-механик тизимга қараганда юқори бўлган В.К. Зворыкин иконоскопи ва С.И. Катаевнинг уч қатламли нишони ва П.В. Шмаков ва П. В. Тимофеевнинг супериконоскопи яратилгандан сўнг бошланди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланмасдан аввал, собиқ СССР да кенг тарқалувчи электрон телевидение тизимини куришга замин яратилган эди. Ленинградда мамлакатда яратилган 240 сатрли қурилма билан жиҳозланган, Москвада эса хорижда ясалган 343 сатрли қурилма билан жиҳозланган икки телевизион марказ 1937 йили қуриб битирилди.

Иккинчи жаҳон уриши тугаши билан 1945 йил 7 майда Овропада биринчи бўлиб Москва телемаркази ишлай бошлади. 1948 йилдан бошлаб Москва телевизион маркази С.И. Катаев ва С.В. Новаковскийлар 1944 йилда таклиф қилинган янги 625 сатрли стандартда ишлай бошлади.

Кенг тарқалувчи рангли телевидение жорий қилиниши телевидениенинг юксалишида муҳим босқич бўлди. 1967 йил 1 октябрдан бошлаб мамлакатда мослаштирилган совет-француз SECAM рангли телевидение тизими доимий узатишни бошлади.

Рус инженер-электриги А.А.Полумордвинов биринчи рангли телевизион тизим лойиҳаси муаллифларидан эди. У 1899 йил декабрда, Ломоносов-Юнг-Гельмгольц уч компонентлик рангни кўз қабул қилиш назариясига асосланган рангли телевидение тизими лойиҳасини таклиф қилди. А.А. Полумордвинов рангларни кетма-кет узатувчи рангли телевидение тизимини таклиф этган бўлса, рангларни бир вақтда узатувчи тизим лойиҳасини О.А. Адамян 1907 йилда таклиф қилди.

Биринчи таклиф қилинган лойиҳадан то замонавий тизимгача рангли телевидение техникасининг юксалиши бир текисда бормади. Энг аввал тежамкор ва амалга ошириш осон уч асосий рангларни кетма-кет узатувчи телевизион тизим кенг юксалди.

Бу тизим бўйича бир қанча давлатларда, шу қатори бизда ҳам, бирмунча вақт тажриба сифатида рангли дастур узатилди.

1938 йилда Англиялик ихтирочи Д.Берд аниқлиги 120 сатрли рангли тасвирни катта пардага тушириб намойиш ўтказди. Бу механик ва электрон телевидение комбинациясидан иборат тизим эди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари АҚШ да CBS илмий тадқиқот бўлимида П.К.Голдмарк бошчилигида аниқлиги 343 сатрли рангли телевизион тизим ишлаб чиқилди. 1951 йили Нью-Йоркда аниқлиги 405 сатрга тенг тизим орқали кенг тарқатиш амалга оширилди. Аммо рангларни кетма-кет узатувчи тизим нисбатан қисқа вақтда кенг тарқалувчи телевидения сифатида тутатилди. Бунга асосий сабаб биринчидан оқ-кора ва рангли телевизион тизимларининг мослаштирилмаганлиги, иккинчидан қабул қилувчи курилмадаги телевизион парда юзасини катталаштириш имкониятини чекловчи ва уни қўпаллаштирувчи айланувчи рангли доира мавжудлиги бўлди.

Кенг тарқалувчи рангли телевизион қўрсатув биринчи бор 1953 йили АҚШ да амалга оширилди. Бунда рангли тизим мавжуд оқ-кора тизим билан мослаштирилган бўлиб, унда икки айирма ранг сигналларни бир вақтда ёруғлик сигнални таркибида узатиш имконияти топилди. Бу тизим NTSC рангли телевизион стандарти номини олди. Кейинчалик бу стандарт Япония, Канада ва Америка қитъасининг бошқа давлатларига тарқалди.

Собиқ иттифоқда иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг, рангли телевидение кўрсатувларини амалга ошириш устида жадал изланиш ишлари олиб борилди. 1952 йили В.Л. Крейцер бошчилигида ишлаб чиқилган, айирма ранг сигналларини кетма-кет узатувчи рангли телевидениенинг биринчи тажрибаси ўтказилган. 1954–1956 йиллари Москвада рангли телевидение кўрсатуви синовдан ўтказилган. Унда рангли тасвир «Радуга» номли телевизор орқали қабул қилинган. Тасвир ранги кинескопи олдига ўрнатилган айланувчи уч рангли фильтр доира ёрдамида тикланади.

50 йилларнинг бошларида П.В. Шмаков бошчилигида рангларни бир вақтда узатиладиган мослаштирилган рангли телевидение устида илмий тадқиқот олиб борилган. 1956 йил

март ойида рангли тасвирин узатиш синови ўтказилган. 1958 йили радио бўйича XI Халқаро маслаҳат қўмитаси тадқиқот комиссия делегатларига (МККР) Москва ва Ленинградда рангли телевидение устида олиб борилган иш намойиш қилинган ва у халқаро телевизион бирлашмаси томонидан юқори баҳоланганд. 1961 йили Тошкент телевизион маркази П.В.Шмаков раҳбарлигида ишлаб чиқилган рангли телекино-проекцион қурилмасини олишга мувоғик бўлди ва бу қурилма ёрдамида тажриба ўтказабошлади.

Бир қанча амалий синовлар ва узок баҳслардан сўнг собиқ Иттифоқда франция билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган SECAM телевизион стандарт қабул қилинди. Бу тизим кейинчалик Шарқий Овропа, Африка ва Осиёнинг бир қанча давлатларида қабул қилинди. Шу йиллари Германияда яна бир рангли телевизион тизим стандарти юзага келди ва у PAL номи билан атала бошлади. Бу тизимни Фарбий Европа, Австралия, Осиё ва Африка давлатлари қабул қилдилар. Натижада дунё миқёсида учта рангли телевидение тизими стандарти юзага келди: NTSC, SECAM ва PAL. Шу сабабли бугун бир стандартдан иккинчи стандартга ўтиш учун стандарт айлантиргичи (танскодер) ишлатилади.

1970 йили Бойил ва Смит (АҚШ) қаттиқ жисмларда янги хусусиятни кузатдилар ва шунга асосан зарядли алоқа асбобига асос солдилар. Бу асбобни телевидениеда қўллаш устида 1973 йилдан бошлаб Тошкент электротехника алоқа институти (хозирги ТАТУ) нинг телевидение илмий лабораториясида каминангиз илмий раҳбарлигида зарядли алоқа асбоб матрицасини телевидениеда қўллаш ва ихчам телевизион камералар яратиш устида изланишлар олиб борилди. Натижада 1978 йили биринчи заряд алоқали асбобли матрицада рангли телевизион камера яратилди ва синовдан ўтказиди. Шу йили Ереван шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ конференциясида рангли телевизион камера оммавий намойиш қилинди.

Фан ва техниканинг юксалишида бир фаннинг иккинчи фанга сингиши ва бойитиши яққол кўзга ташланади. Буни қуйидаги мисолда намойиш қилиш мумкин - коинотни ўзлаштиришда телевидениенинг роли бекиёс, натижада бутун бир йўналиш кос-

*мик телевидение* юзага келди. Космонавтиканы юксалиши ва Ерни сунъий йўлдошлари телевизион дастурни ретрансляция қилишига ҳамда кенг тарқатишга ишлатилиши. Ер юзини телевидение билан қоплашни амалга оширилди ва натижада яна бир йўналиш *йўлдошли телевидение* юзага келди.

Телевизион техника коинотни ўрганишда катта ютукларга эришди. 1959 йили октябрида тарихда биринчи бор Ойнинг тескари тараф тасвири Ерга узатилди. Телевизион техника орқали Ойга туширилган «Лунаход» ни бошқариш мумкин бўлди. Бу телевизион тизимни А.С. Селиванов бошчилигига бир гурух изланувчилар амалга ошири (гурухда асосий бајарувчилар қаторида каминангиз қатнашган). Бундан ташқари, телевидение космонавтларнинг учиш жараёнида, очиқ коинотда ишлаганларида, оғирлиги йўқ ҳолатда ҳаёт фаолиятларини кузатиш имконини берди. Телевидение коинотдаги илмий тадқиқотларга кўп миллионли кузатувчи аудиторияни яқинлаштиради, бундай узатишларнинг оммавийлиги жуда катта. Коинот техникаси юксалиши ҳамда сунъий йўлдош яратилиши ва уларда олиб узатувчи радиоалоқа тизимининг ташкил қилиниши телевидениени «ойнаи жаҳонга» айлантириди.

1932 йили С.И.Катаев томонидан таклиф қилинган кам кадрли телевидение коинот телевидениясида узоқ сайёralарни тасвирини узатишда амалий қўлланди. П.В.Шмаков томонидан кенг тарқатувчи телевидение сигналларини самолёт ва ернинг сунъий йўлдоши орқали ретрансляция қилиш усули таклиф қилиниб, провардида у амалга ошди.

Одам фаолиятидаги телевидение ишлатилмайдиган бирор соҳани учратиш мушкул. Ишлаб чиқариш жараёнида ва илмий тадқиқотларда автоматиканинг кенг қўлланилиши, табиийки, телевидениенинг ролини ошириб боради ва телевидение қўлламасдан натижага эришиш мушкул бўлади.

Телевидение энг оммавий тасвирий ахборот узатувчи воситадир. Кунда телевидение дастурини дунёда миллионлаб инсонлар кўради. Ахборотнинг таъсирчанлиги бўйича бирорта бошқа оммавий ахборот воситалари телевидениега тенг кела олмайди. Телевидение билим, янгилик, бадиий, мусиқа, спорт, кўнгил очувчи ва бошқа кўрсатувларни кузатиш имконини бе-

ради. У тезкор воқеа ва ҳодисалардан, томошабинни бевосита шохид қиласы. Матбуот, радио ва бошқа ахборот воситалари воқеаларни телевидениедек түлиқ ва тез намойиш қила олмайды. XX аср давомида дунё телевидение күрсатуви соҳасида йигилган тажриба бунинг исботидир.

Яқин келажакда телевидение юксалишнинг янги сифат поғонасига күтарилади. Компьютер техника ва режаларининг ривож топиши, радиоэлектрониканинг тез ривожланиши, саноатда янги технологик жараёнларнинг ижро қилиниши замонавий телевидение қиёфасини тубдан ўзгартириди. Кабель ва йўлдош телевидение кенг ривожлана бошлади. Юқори аниқликдаги телевидение устида олиб борилаётган ишлар самарали давом эттирилмоқда. Бугунги кунда халқаро майдонда рақамли телевизион стандартнинг уч тури юзага келди (ATSC, DVB, ISDB). Интерактив телевидение секин-аста ривож топмоқда. Интернет ва телевидение күрсатув тармоқлари бир-бирини тўлдириб, келажакда интеграл тармоқ ташкил қилиш эҳтимоли бор. Тошкент ва Бухоро шаҳарларида рақамли телевизион тизим DVB-T (MPEG)-4 стан-дарти бўйича 2010 йили ишчи туширилди.

Телевизорлар хизмат доираси кенгаймоқда ва унинг инсон ҳаётидаги ўрни сезиларли ривожланмоқда. Келажакда телевизор кўп вазифали видеокурилмага айланади ва инсон ҳаётида унинг биринчи ёрдамчи бўлиб қолди.

Ҳажмли рангли телевидениенинг яратилиши виртуал муҳит-ни вужудга келтиришда катта роль ўйнаши керак, буни албатта, келажак күрсатади. Телевизион күрсатувнинг юксалиши билан бир қаторда, амалий телевидение тез юксалиб бормоқда, фан ва ишлаб чиқаришда янги-янги имкониятларни юзага келтирилмоқда. Видео-ахборотларни ёзиб олиш, уларни хажмини сикиш, тасвирда керакли маълумотни таниб ажратиш, ахборотни узоқ саклаш ва бошқа кўп масалалар ўз ечимини топмоқда ва халқ хўжалигини беистесно ҳамма соҳаларида кенг кўлланилмоқда.

# 1. ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТИЗИМИ ТУЗИЛИШИ АСОСИ

## 1.1. ЭЛЕКТРОН ТАСВИР

Телевизион тасвир қабул қилувчи курилманинг электрон нурли трубка (кинескоп) пардасида шаклланади ва кўз билан кўриш учун мўлжалланган. Телевидение тизимида ахборот қабул қилувчи охирги поғона инсоннинг кўзидир; шунинг учун телевизион тизим кўрсаткичлари ва тавсифлари кўзни кўриш хусусияти ва тавсифларига мувофикалаштириб олинади. Шу билан бир қаторда, телевизион тизим ёки унинг бўлаклари лойиҳалаштирилганда, кўрсатиладиган обьектни асосий кўрсаткичлари ҳисобга олиниши шарт.

Бизни қамраб олган борлик телевизион тизим учун ахборот манбаидир. Ҳар бир борлик тушаётган ёруғлик нурини акслантириш, ютиш ва ўтказиш хусусиятига эга. Кўпчилик ҳолларда – аксланиш диффузияли бўлади, шунингдек, ойна каби аксланиш ҳам кўп учрайди. Улар, силлиқ ёки лакланган ҳамда суюқлик юзасидан нур қайтганда содир бўлади. Жисмлар ёки уларнинг қисмлари ёруғлик оқимини турли акслантириши ёки ёруғлик чиқариши (ўзи нурланувчи нарсалар) уларни оптик хусусиятлари билан аниқланади. Жисм қисмидан акслангандан (ёйилган нур) ва кўз орқали қабул қилинадиган ёруғлик оқими, жисм тўғрисида ахборот ташувчи вазифасини бажаради. Жисмни акслантириш хусусияти акслантириш коэффициенти  $\rho(\lambda)$  орқали ифодаланади, яъни

$$\rho(\lambda) = F_o(\lambda) / F(\lambda),$$

бу ерда,  $F_o(\lambda)$  – акслангандан ёруғлик оқими,  $F(\lambda)$  – акслантирувчи юзага тушаётган ёруғлик оқими. Жисм юзасига тушувчи ёруғлик оқими, ёритилганлиги  $E_o(\text{лк})$  билан аниқланади. Уч ўлчамли обьектларнинг турли нукталари ҳар хил ёритилади, чунки ёритувчи манбадан улар ҳар хил узоқликда жойлашган, бир қисми бошқасини тўсади ва ҳоказо. Ёритиш хусусияти

уларнинг қуввати, фазода жойлашиши ва ёруғлик манбай сонига боғлиқ. Тасвирий ахборотни қабул қилишда, кузатувчи кўриш бурчаги чегарасида обьектдан тарқалаётган ҳар бир (аксланаётган ёки нурланадиган) ёруғлик оқими орқали обьект кўринишини тиклади. Ҳар бир элементар ёруғлик оқимнинг жадаллиги, спектрал таркиби, равшанлиги ва оқимни йўналиши – шу нуқтанинг фазодаги жойлашишини таърифлайди.

Кузатувчи фазонинг чекланган қисмини, фазовий бурчак билан чекланган бурчак оралиғида кўришини *кўриш бурчаги* деб аталади.

Айтилганларга биноан, обьект қўйидаги кўрсаткичлар билан таърифланади: **равшанлиги, ранги** ва **нарсанинг жойлашуви**. Объектнинг ҳар бир нуқтаси уч ўлчамли фазода жойлашган. Ҳаракатланувчи ва ёритилиши ўзгарувчи обьект кузатилганда равшанлиги ва ранги ҳамма нуқталарида ўзгариши сабабли обьект математик моделини кўп ўлчамли фазовактда (равшанлиги  $B$ , ранги  $\lambda$  ва рангнинг тозалиги  $\rho$ ) қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$\begin{aligned} B &= f_B(x, y, z, t); \\ \lambda &= f_\lambda(x, y, z, t); \\ \rho &= f_\rho(x, y, z, t); \end{aligned} \quad (1.1.)$$

бу ерда  $x, y, z$  – фазовий координаталар;  $t$  – вақт.

Объект тасвирини электр алоқа усули билан узатиш учун, тасвирни ифодаловчи (1.1) тенглама кўрсаткичларини сигналга айлантириш қулай йўлини излаб топиш телевидениенинг асосий вазифаларидан. Албатта, айлантиришлар натижасида қабул қилинган телевизион тасвир узатилаётган обьектга, имкон борича, ўхшашиб ўзишига эришиш лозим.

Маълумки, электр канали ҳар бир дақиқада фақат сигналнинг бир қийматини узатиш имкониятига эга. Демак, сигнал фақат бир мустақил ўзгарувчи - вақт функцияси бўлиши мумкин, яъни электр алоқа канали бир ўлчамли кучланишни вақтга боғлиқлигини таърифлайди,

$$u = f_u(t) \quad (1.2.)$$

Телевизион тизим чиқишида тикланадиган тасвир аналитик кўринишида уч кўп ўлчамли функция билан ифодаланади:

$$\begin{aligned} \mathbf{B}' &= f'_L(x, y, z, t); \\ \lambda' &= f'_\lambda(x, y, z, t); \\ \rho' &= f'_\rho(x, y, z, t); \end{aligned} \quad (1.3.)$$

Умумий ҳолда чиқиш күрсаткичлари кириш күрсаткичлари билан тұғри тушмаслиги мүмкін.

(1.1) ва (1.3) теңгламалардан күринадыки, телевизион тизимда узатилувчи объектни (1.1.) берилған аникликда (1.3) тасвири тиклашни таъминлаш зарур.

Уч күп үлчамли узатиш функциясини бир үлчамли сигналга тұғридан-тұғри айлантириш мүмкін эмас. Шу сабабли, узатиладиган тасвирни шакллантиришда ва уларни математик ифодалаша қатор соддалаштиришга йўл кўйилади.

Яssi оқ-қора тасвирни математик соддалаштирилиб ифодалаганда куйидаги кўринишга келади,

$$\mathbf{B} = f_L(x, y) \quad (1.4.)$$

Тасвирни ифодаловчи (1.4) теңглама равшанликни юзада тарқалишини, яъни  $x, y$  координатлари бўйича равшанликнинг ўзгаришини, кўрсатади. Соддалаштирилган кўринишда ҳам равшанлик таралиши икки үлчамли таърифлайди ва бевосита оқ-қора тасвирни бир үлчамли сигналга айлантириш имконияти йўқ.

Агар, ҳаракатдаги тасвирни узатиши олинганда, масала яна ҳам мураккаблашади. Ҳаракатланувчи яssi, оқ-қора тасвирни узатишда равшанлик таралиши уч ўзгарувчи функция орқали ифодаланади,

$$\mathbf{B} = f_L(x, y, t). \quad (1.5.)$$

Натижада, равшанликнинг оний  $\mathbf{B}$  қийматидан ташқари, уни координаталарини (бу қиймат объектни қайси нуқтасидан олинаётганини), яъни унинг геометрик жойлашган жойи тұғрисида маълумот узатиш керак бўлади.

Уч үлчамли сигнални бир үлчамлига айлантириш масаласини ҳал қилиш учун икки фундаментал принцип қўлланилади: **тасвирни дискрет элементларга бўлиб, уни вақт бўйича ёйиш**, яъни ҳам фазовий, ҳам вақт бўйича дискретлаш ишлатилади. Фазовий дискретлашда узатиладиган тасвир юзаси чекланган үлчамли  $N$ , элементларга ажратилади. З(а,б илова)-расмдаги тасвирларда  $N_1=1000$  ва  $N_2=25000$  элементга ажра-

тилган шер калласининг фотографияси келтирилган. Назарий томондан элементлар сони чексиз катта бўлиши мумкин.

Амалда кўзимизнинг ажратиш қобилияти чекланган бўлгани сабабли, ҳар қандай тасвир талаб қилинган тасвир сифатига биноан ўлчами чекланган элементларнинг аниқ сони олиниши мумкин.

Берилган кўриш бурчагида объект кузатилганда, кўз илғайдиган шундай кичик деталь мавжудки, уни юзаси равшанлиги ўзгармас бир хил қийматга эга ва ўлчами эса кўз илғаш чегарасида, у энг кичик  $\delta$  бурчак орқали аниқланади. Бу  $\delta$  бурчак *ажратиши бурчаги* деб аталади.

Объект кузатувчи томонидан таҳлил қилиниши (кўрилган қиёфани таниш) учун, аввало, унинг икки ўлчамли тасвири кўзимизнинг тўр қатламида тикланади, сўнг унинг фазовий бурчакда элементар қийматларини таралишига эквивалент ёруғликнинг таралиши сифати таърифланади.

Кўриш ва ажратиш бурчагининг чекланганлиги, ясси тасвирни турли равшанликдан иборат элементар майдонларнинг чекланган сони орқали ифодалаш имкониятини беради. Тасвирни электр сигналга айлантириш жараёни олдидан, унинг ясси оптик тасвирини ҳосил қилиш ва элементма-элемент таҳлил қилиш орқали бажарилади. Ясси оптик тасвирни  $m$  элементар манбалар тартибли жойлаштириб, уларни ҳар бирини жадаллигини ўзgartириш орқали ташкил қилиниши мумкин. Кўз, тасвирни элементлардан ташкил бўлганини илғамаслиги учун элементар манба ўлчами ўта кичик, кузатиш масофасида кўз илғаш чегарасида бўлиши керак, унда тасвирни тикловчи элементар манбалар  $N_1$  сони тасвирни бўлувчи  $N_n$  сони билан тенг бўлиши керак. Демак, тасвир ифодаланган юзада уни элементлари етарли даражада кичик ва унинг сони етарлича кўп бўлиши керак. *Тасвирнинг элементи* деб тасвирни ифодаловчи юза ичida минимал ўлчамли, равшанлиги ва ранги доимий бўлган тасвирнинг деталига айтилади.

Юқорида зикр қилинганлардан холоса қилиб, *телевидениенинг биринчи асосий принципини қўйидагича таърифлаймиз*: узатиладиган тасвирлар *алоҳида элементларга бўлинади*.

Бир вақтда ҳамма элементлар сигнални узатиш мураккаб масала, бунинг учун узатувчи ва қабул қилувчини чексиз кўп алоқа канали билан таъминлаш лозим бўлади.

*Иккинчи асосий принципи тасвир элементлари* (равшанлиги тўғрисидаги ахборотни) *алоқа канали орқали кетма-кет узатилади*. Бу принцип *ёйиш* деб аталади. Бир алоқа канали орқали телевизион тасвирни кетма-кет узатиш ва кетма-кет тиклаш, кўзнинг сустлиги (инерцияси)га асосланган. *Кузнинг сустлиги* деб кўзга ёруғлик таъсири тугаганидан сўнг, уни кўриш бир қанча вақт оралиғида давом этишига айтилади. Сустлик натижасида, пирилловчи ёруғлик манбаси, юқори частотада пириллагандаги, кўз уни узлуксиз таъсир сифатида қабул қиласи, яъни пириллаш сезилмайди.

Тасвир элементларини кетма-кет, тартибли узатиш жараёни *тасвирни ёйиш* деб аталади. Ёйиш принципи икки ўлчамли маълумотни бир ўлчамли сигналга ва аксинча, бир ўлчамли сигнални қайта икки ўлчамли ёришувчи юзага айлантиришга имкон беради.

Ёйишни амалга оширишни, ёйувчи элемент (электрон нурни, ажратувчи тешик ва шу каби)ни бирор қонунга биноан тасвир юзасида суриш орқали бажариш мумкин. Ёйилаётган юза нуқтасининг координатаси вақт функциясидир:

$$x = \phi_x(t); \quad y = \phi_y(t), \quad (1.6)$$

бу ерда,  $\phi_x(t)$  ва  $\phi_y(t)$  – ихтиёрий бир қийматли вақт функциялари.


Агар (1.6) ни (1.4) ўрнига қўйилса, узатиш учун керак бўлган вақт функциясини оламиз

$$B = f_L(x, y) = f_L[\phi_x(t), \phi_y(t)] = f_L(t). \quad (1.7)$$

Шундай қилиб, ёйиш жараёни тасвир ёруғлигини электр сигнал кетма-кетлигига (ёки уни тескарисига) айлантиришни ҳал қиласи. Кетма-кетлик қонунияти тизимнинг хизмат вазифасига қараб танланади.

Ҳар бир аниқ ёйилувчи тизимда ёйувчи элементнинг ҳара-

кат траекторияси бирор қонунга биноан аниқ белгиланган бўлади. Ёйиш аниқ бўлмаган тизимда, юувучи элементнинг ҳаракати тасвирнинг кўринишига қараб автоматик равища ўзгаради. Бундай ёйиш тасвирга ишлов бериш тизимида ёки узатиш тизимини мукаммаллаштириш масадида ишлатилади.



**4-расм. Ёйилиш қонунининг турли кўриниши:**  
а) тўғри чизиқли; б) синиқ чизиқли; в) спираль; г)  
синусоидал; д) радиал- айланма.

Тасвирни ажратиб берувчи ёйувчи элементнинг ҳаракат траекторияси ҳар хил бўлиши мумкин, яъни ҳаракат эркиндир (беихтиёр). Факат оптик-электрон ва электрон-оптик айлантиргичларда (узатувчи ва қабул қилувчи) ёйувчи элементларнинг ҳаракати бир хил бўлиши керак. Тасвир юзасида ёйувчи элементларнинг ҳаракатига қараб ёйишни қуидагича турларга ажратиш мумкин: *тўғри чизиқли, синиқ чизиқли, спираль, синусоидал, радиал* ва бошқалар.

Телевизион тизимларда (ТВ) ёйишни танлашда бир қатор талаблар қўйилади, улардан асосийлари: тасвирнинг ҳар бир элементини узатиш бир хил давом этиши, орқага қайтиш вақти кам бўлиши ва осонлик билан амалга оширилиши.

4-расмдан кўриниб турибдики, тўғри чизиқли ёйишдан бошқа ҳеч қайси ёйиш тури қўйилган шартни тўлиқ қониктира олмайди. Шу сабабли телевизион кўрсатишида ва амалий телевидениенинг кўп турларида тўғри чизиқли ёйиш, жумладан, прогрессив ва сатр ташлаб ёйиш ишлатилади.

Траекторияси аниқланмаган детерминаланмаган тасвирии ёйиш ҳозирги вақтда телевизион автоматларда ишлатилади. У бунда телевизион күрсатышга қараганда оддий тасвиirlар билан иш күрилади. Бу эса объектни геометрик ёки оптик күрсаткичини ёювчи элементнинг ҳаракати билан мослаштириш имкониятини беради.

Бундай тизимлардан биологик микрообъектлар тадқиқотида, петрографияда, металл буюмлар нусхаси тадқиқотида, сунъий олмос ва бошқа соҳаларда сифатни назорат қилиш учун фойдаланилади.

Тасвир ёйиш икки усулда амалга оширилади: излаш ва кузатиш. Излаш усулида ёйувчи элемент күрсатилган траектория бўйича ҳаракатланади, объектнинг тасвирига тўғри келгандан кузатиш ҳолатига ўтади, шу вақт ичидаги ахборотни ўқиди ва унга ишлов беради. Бажарилаётган ишга қараб «кузатиш»нинг бир неча усули мавжуд. Масалан, «кузатув»чи ёйишда объектнинг контуридан, майдонидан фойдаланиши мумкин. Биринчи ҳолда ёйувчи элемент тадқиқ этилаётган объектнинг контурини чизади, иккинчи ҳолда ёйувчи объект ҳар бир элементи тўғрисида алоҳида ахборот олишни таъминлайди.

Телевидениенинг асосий имкониятларидан бири – тасвирда ҳаракатни ифодалаш – кинодаги каби бир сония вақтда ҳаракатсиз алоҳида тасвир кадрларнинг маълум сонини кетма-кет күрсатиш. Ҳаракатсиз тасвирни ифодаловчи кадрларнинг ҳар бирида ифодаланган ҳаракатнинг фазаси, кадрларнинг тез ўзгариши натижасида кузатувчида узлуксиз ҳаракат намоён бўлади. Уч ёки ундан кўп функция билан ифодаланадиган рангли ва ҳажмли обьектларни тиклаш учун бир вақтда уч ёки ундан кўп ёки бир канал орқали кетма-кет сигналлар узатилади. Бир канал орқали мураккаб тасвирларни узатиш кўп ахборот жўнатишни талаб қиласи, бунинг учун дискретлаш оралигини камайтириш керак бўлади, яъни кузатувчи тасвирни пирилламаган ҳолда қабул қилиш учун бир сонияда кузатиладиган кадрлар сони кўпайтирилиши керак бўлади.

Тизимни соддалаштириш мақсадида ёйиш қонуни телевидениеда бир хил олинган. Бундан ташқари, узатиш ва қабул қилиш қурилмаларида ёйиш жараёни синхрон ва синфаз

бажарилади. Шартлар бажарилмаган ҳолда қабул қилувчи курилмада тасвир тўғри тикланмайди. Ёйишнинг синхрон ва синфазлиги натижасида қабул қилувчи курилма экранидаги турли ёритилган элементларнинг жойлашиши узатилаётган объектидаги элементлар жойлашишини қайтаради.

Телевизион кўрсатиш тизимида тўғри чизиқли – сатрмасатр ёйиш қонуни қабул қилинган. Бунда сатрлар чапдан ўнга ва юқоридан пастга йўналган ҳаракат бажарилади. Сатр бўйича элементма-элемент йўналиш ва тезлик, шунингдек, кадрда сатрларнинг алмашиш тезлиги доимий. Ёйишда кадр ва сатр бошланғич нуқтасини аниқлаш учун ҳар бир сатр ва кадрда синхронловчи сигнал узатилади. Сатр ва кадр бўйича синхронликнинг аниқлиги ва ёйилиш тезлигининг доимийлиги узатиш ва қабул қилиш томонларда тасвир деталларининг геометрик мутаносиблигини таъминлайди.

Ёйиш натижасида экран юзида горизонтал йўналишда, элементлар *йигиндисидан* ҳосил бўлган ёруғлик изи *сатр* деб аталади. Экран юзасидаги сатрлар *йигиндиси расстр* деб аталади. Агар элементлардаги ёруғлик жадаллиги турлича бўлса, ўнга мутаносиб тасвир тикланади ва у *кадр* деб аталади. Телевизион тизим ёйишнинг бир кадрида *z* сатрни, бир сониядаги кадрлар сони *n* ни ташкил қиласди.

ТВ тасвир сифати уни кўз билан кўришда, объектни тўғридан-тўғри кузатишга яқинлашиш даражаси орқали баҳоланади. ТВ тасвир сифати ТВ тизимнинг кўрсаткич ва тавсифлари орқали аниқланади. Майда деталларнинг тикланиши ва уларнинг равшанлиги, ҳар турли ёруғлик (ранг) майдонларнинг кескин чегараси (тасвирнинг контури) ТВ тизим узатадиган элементлар сони ёки бошқача айтганда, кадрдаги сатрлар сонига тўғридан-тўғри боғлиқ. Рашибликнинг узлуксиз кўриниши ва объектларни равон ҳаракати вакт оралиғида узатиладиган кадрлар сонига ва танланган ёйиш қонунига боғлиқ. Тасвирнинг тикланадиган равшанлик поғона сони (ёруғлик градация сони) тизимнинг динамик диапазонига боғлиқ. Қабул қилинган тасвир узатилганига ўхшашлиги синхронизациянинг аниқ бажарилишига, ёруғликнинг сигналга ҳамда сигналнинг ёруғликка айлантиргичлар растрининг

дифференциал ўхшашлиги, яъни растр майдонидаги хоҳланган элементнинг вақт бўйича координатасининг нисбий тенглиги орқали аниқланади.

Шундай қилиб, тизимнинг кўрсаткичлари белгиланган тасвир сифати орқали аниқланади. Бошқа томондан, тасвир сифатини яхшилаш тизимнинг мураккаблашувига ва уни қуриш тан нархининг қимматлашувига олиб келади.

## 1.2. ОПТИК ТАСВИРНИ ЭЛЕКТР СИГНАЛИГА АЙЛАНТИРИШ

Бизни қамраб олган борлиқдан ахборот қабул қилиш учун парвардигор инсонга беш сезги инъом этди, улардан учтаси (кўриш, овоз эшитиш, ҳид билиш)- **масофавий**, иккитаси эса (сезиш ва таъм)-**боглангичли**. Ҳар хил сезги органлари орқали биз англашимиз учун етказиладиган уйғотувчи куч бир хил эмас. Физиологларнинг таъкидлашича, инсоннинг барча сезгиси орқали англайдиган ахборотнинг 80–85% кўз орқали олинади. Инсон Кўзи мураккаб тузилган. Биз борлиқнинг чекланган қисмини чекланган имконият билан кўра оламиз. Маълумки, кўриш оралиғи электромагнит тўлқинлар спектри кенглигининг ўта тор қисмини ташкил қиласди.

Электромагнит тўлқинлар спектрининг ҳаммаси шартли равища икки қисмга бўлинади: 3000 ГГц дан пастки *радио* диапазон, ундан юқориси – *оптик* диапазон. Тўлқин спектрининг кўринадиган қисми оптик диапазонда ётади ва унинг тор қисмини (**380–760 нм**) ташкил қиласди. Ушбу қисмда гунафша рангдан то қизилгача ҳамма кўринадиган ранглар жойлашган (иловадаги 5а-расм). 5б-расмда **кўзниг нисбий спектрал сезигирлик эрги чизиги** келтирилган. Кўзниг максимал спектрал сезигирлиги спектрининг кўринадиган қисмидаги сариқ-яшил қисмiga (**0,55 мкм**) тўғри келади.

Кўзниг кўриш эрги чизигининг максимумидан ўнг ва чапида, кўк ва қизил ранглар жойлашган қисмida, кўзниг спектрал сезигирлиги пасаяди. Демак, кўз кўриш оралиғида ҳамма рангларни бир хил ажратса олмайди. Бу ҳолат мос-

лаштирилган рангли телевизион тизимни яратишида хисобга олинган.

Максус телевизион тизим орқали кўзнинг имкониятларини кенгайтириши мумкин, яъни инсон қуролланмаган кўз билан кўра олмайдиган борлиқни қўриш имкониятини очиб беради. Телевизион сигналга айлантиришда объекtnи нурлантириш учун манба сифатида электромагнит тўлқинлар оптик диапазони эмас, балки хоҳланган нурланиш қўлланиши мумкин. Бунда оптик-электрон айлантиргичлар керакли нурланишга сезгир бўлиши керак.

Демак, телевизион тизим ёрдамида оддий кўзга кўринмайдиган объектларни кўринадиган қилиш мумкин.

Оқ-қора ТВ тасвирнинг ҳар бир элементи равшанлигининг оний қиймати билан таърифланади. Ёйиш жараёни, яъни тасвир элементини вақт бўйича кетма-кет узатиш, равшанлик сигналини вақт бўйича функциясини ташкил қиласди. У сигнални олиш учун нурланиш энергиясини электр сигналига айлантириш фотозеффект асосида ишловчи замонавий телевизион курилмалар орқали амалга оширилади.

**Фотозеффект** деганда, ёруғлик нури таъсирида жисмлардан электронларни озод қилиниши тушунилади. Бунда электронлар жисмларни тарқ этса *ташқи фотозеффект* дейилади, жисмларда озод қолиб, унинг ўтказувчалигини оширса *ички фотозеффект* дейилади. Биринчи ҳолатда электронларнинг жисмдан учиб чиқиши *фотозиссия* деб аталади, иккинчи ҳолда электрон, ёруғлик ёрдамида озод бўлиб, лекин жисмда қолишига *фотоўтказувчилик* дейилади.

Ташқи фотозеффектнинг асл моҳияти айрим металлар юзасига ёруғлик тасир этганда электрон эмиссиянинг ҳосил бўлишидир.

Ёруғлик кванти тасирида уйғотилган электрон, чиқиш ишини енголмаса, жисмни ташлаб чиқмайди. Шундай қилиб, ёруғлик нурининг жуда оз энергияли кванти, бирорта ҳам электронни жисмдан узиб ола олмайди, демак, ташқи занжирда ток бўлмайди.

Агар ёруғлик кванти катта энергияга эга бўлса, у электронни озод қиласди ва ташқи занжирда фотозиссия токи

оқа бошлайди. Агар фотоэлектрон асбоб тўйинган иш режаси ҳолатида бўлса, унда ёруғлик оқимига мутаносиб оқим оқади. Бу ҳолда, жисмдан чиқаётган ҳамма электронлар ташки занжирга тушади. Ташки фотоэффектда ёруғлик нурини электр токига айлантириш сустланмасдан бажарилади.

1888–1889 йиллари А.Г. Столетов томонидан ташки фотоэффектнинг асосий қонунлари очиб берилган. Ички фотоэффектли жисмлар нур энергиясини ютиши туфайли, уларда айрим электронларнинг энергияси ошади ва электронларнинг атом ядрои билан алоқаси бузилади, натижада ички фотоқатламда электрон юзага келади. Электронлар моддани тарк этмайди, унинг ичидаги қолади, факат тўлдирилган зонадан ўтказувчи зонага ўтади. Бу фотоқатламнинг қаршилиги ўзгаришига олиб келади. Ёруғлик таъсирида уйғотилган электрон бирор вактдан сўнг қайта тартибланади (рекомбинацияланади), яъни тўлдирилган зонага қайтади. Рекомбинация жараённинг тезлиги электронларнинг фотогенерацияси натижасида тўплашишига боғлиқ. Нурланишни ўзгармас оқимида олиб борувчининг уйғотилиши доимий, қайта тартибланиш тезлиги ошади, шунинг учун бирор вакт ўтгандан сўнг қайта тартибланиш жадаллиги янги фотоэлектронларни уйғотиш (генерация) жадаллигига тенг бўлиб қолади. Тенгланиш ҳолати – ўтказгич қийматининг муқаррар ҳолати юзага келади.

Ёритиш тугатилиши билан электронлар бирдан қайта тикланмайди, шунинг учун фотоўтказувчанлик яна бирор вакт сақланиб қолади. Демак, фотоўтказувчанликнинг ортиши ёки камайиши бир зумда жорий бўлмайди, жараён аста-секин бажарилади.


Квантли чиқиши, яъни фотоэлектронлар сонининг тушаётган ёруғлик квантлари сонига нисбати ички фотоэффектда ташки фотоэффектга нисбатан юқори. Ташки фотоэффектда ёруғлик квантлари уриб чиқараётган фотоэлектронлар ўз мұхитини тарк этиши учун «чиқишиши»ни бажариши керак, яъни энергиянинг катта захирасига эга бўлиши зарур. Ички фотоэффектда фотоэлектронлар чиқишишини бажармайди, улар фақат ўз атомларидан узиладилар ва фотоўтказгич чегарасида қоладилар, бунинг учун анча кам энергия талаб

қилинади. Демак, ички фотоэффект юзага келтирувчи оптик-электрон айлантиргичлар ўта сезгир бўлади. Шунинг учун замонавий телевизион сигнал датчиклари сифатида ички фотоэффект принципига асосланган асбоблар ишлатилади.

### 1.3. ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТИЗИМИНИНГ УМУМЛАШТИРИЛГАН СХЕМАСИ

Телевидениенинг умумий функцияси оптик тасвирини сигналга айлантириб, бу сигнални алоқа канали орқали узатиш ва провардида, қабул қилинган электр сигнални оптик тасвирга айлантиришдир. Щунга биноан, тасвирини узатувчи, сигнални узатувчи, сигнални қабул қилувчи ва ниҳоят тасвирини тикловчи ҳамма техник воситалар комплекси ТВ тизимини ташкил этади. Мақсадга мувофиқ тизим техник воситасилари туркуми ва қурилмалари турлича бўлиши мумкин, лекин уларнинг ҳаммаси тизимнинг умумий хусусияти билан аниқланади. ТВ тизимини ташкил этувчи (аниқловчи) қурилмалар туркуми ва уларнинг бир-бири билан боғланиш схемаси б-расмда келтирилган.

Анализ килувчи қурилма      Синтез килувчи қурилма



*б-расм. Телевидение тизимининг тузилиш схемаси:*

*0- объект; 1-объектив; 2-ёгуликни-сигналга айлантиргич;*

*3-ёйувчи қурилма; 4-синхрогенератор;*

*5-кучайтиргич; 6-узатувчи қурилма; 7-алоқа канали;*

*8-қабул қилувчи қурилма; 9-видеокучайтиргич;*

*10-сигнални ёгуликка айлантиргич; 11- синхронловчи импульсларни аэкратувчи; 12- ёйувчи қурилма; 13- кўз.*

Телевизион тизимда *объектив* (1) орқали, *ТВ датчики* (2) (ёруғликни сигналга айлантиргич) нинг ёруғлик сезувчи юзасига оптик тасвир туширилади. Оптик тасвир фотоэффект ҳоссасидан фойдаланиб электр сигналига айлантиради. Бу ёруғлик сезувчи юза *фотокатод* деб аталади. Тасвирни ифодаловчи, ёруғлик оқимиға мутаносиб *ТВ сигнал*, зарядни йиғувчи қатламда (*нишонда*) электрон нурни (ёйувчи қурилма ёрдамида бошқарилувчи) тасир орқасида юзага келади. Агар фотокатод ва нишон бир-биридан ажратилган бўлса, электрон тасвир фокусловчи тизим ёрдамида фотокатоддан нишонга кўчирилади ва сўнг ундан электрон оқимиға мутаносиб заряд тасвир сигналига айлантирилади.

Замонавий узатувчи асбобларда бу икки элемент – фотокатод ва нишон бирлаштирилган. Нишонга таъсир қилувчи электрон нур ёйувчи қурилма (3) орқали бошқарилиб, электр импульслар кетма-кетлиги юзага келади. Бу тасвирни ифодаловчи узликсиз импульслар, *равшанлик бошлангич сигналы* деб аталади. У тасвир юзасидаги равшанлик жадаллигини ифодалайди.

Анализ ва синтез қилувчи қурилмаларни синхрон ва синфаз ишлашлари, қабул қилувчи тарафда узатувчига нисбатан тасвир элементларнинг тасвирни тикловчи асбобда бир хил жойлашишни таъминлайди, натижада тасвир яхлит тикланади. Синхрогенераторда маҳсус синхронловчи сигналлар генерация қилинади ва улар орқали тизим бошқарилади, яъни мажбурий синхронлаш кўлланилади. Синхронлик, анализ ва синтез қилувчи қурилмалар ёйувчи частоталарининг тенглиги, синфазлик – уларнинг бир вақтда ишга тушиши орқали таъминланади. Синхронлаш сигналлари *синхрогенератор* (4)дан олинади. Бир сатр даврида бир импульс, бир кадр даврида ҳам бир импульс генерация қилинади ва улар бир-биридан давомийлиги ва частотаси ҳар хиллиги билан фарқланади. Бу импульслар *ёйувчи* (3), *кучайтирувчи* (5) қурилмаларга узатилади. Кучайтирувчи қурилмада равшанлик сигнални билан кўшилади, сўнг сигнал *узатувчи қурилмага* (6) ўтади. Телевизион тизимнинг анализ ва синтез қилувчи томонларида ёйувчи қурилмалар автотебранувчи генераторлари синхро-

сигнал ёрдамида синхронлашади. Шунинг учун синхронловчи сигналлар равшанлик сигналлари билан биргаликда телевизион қабул қилгичга узатилади ва ёйувчи қурилмаларнинг узатувчи томондаги ёйувчи қурилмалар билан синхрон ва синфаз ишишини таъминлайди. Бундан ташқари, синхрогенератор узатувчи ва қабул қилувчи асбобларда электрон нурнинг орқага қайтиш вақтида сўндирилиши учун, сўндирувчи импульслар ишлаб чиқаради. Бу импульслар, юқорида айтилгандек равшанлик сигнални билан қўшилади. Сўндирувчи импульслар чўққисига синхронловчи импульслар жойлаштирилади. Равшанлик бошланғич сигнални *видеосигнал (тасвир сигнал)* деб аталади. Унга сўндирувчи импульс қўшилиши натижасида *тўлиқ видеосигнал* юзага келади. Тўлиқ видеосигналга синхроимпульслар қўшилиб *телевизион сигнал* ташкил қиласи. Агар видеосигналга муракқаб синхросигнал кирилса, уни *тўлиқ телевизион сигнал (ТТС)* деб аталади. *Сигнални узатувчи қурилма (6)* модуляторида элтувчи частота ТТС таъсирида модуляцияланади ва *радиосигналга* айланади. Сўнгра телевизион радиосигнал алоқа канали *(7)* орқали узатилади. Алоқа канали вазифасини *радиоузаткич, олиб узатувчи (ретранслятор), кабел, радиореле, йўлдош радиоканали, оптик тола* ва бошқа ўзгартиришларга бажаради. Сигнал алоқа канали орқали узатиш жараёнида турли ўзгартиришлар (кодлаш, модуля-циялаш ва бошқалар) бажарилади. Алоқа канали орқали ТВ сигнал бузилмасдан, халақитларга бардошлиги таъминланиб, қабул қилувчи *қурилма (8)* да ТВ радиосигнали юқори ва оралиқ частоталарида кучайтирилади, сўнг детекторланади. Детек-торланган видеосигнал «*сигнални-ёрглика айлантиргич*» (ки-нескоп, тасвирни тикловчи асбоб) ни бошқариш учун, керакли миқдоргача сигнални кучайтириш учун *videosignal кучайтиргичи (9)га*, бир вақтда *синхронловчи импульсларни ажратувчи (11)га* ўтказилади. Ажратувчи қурилмада сигналдан синхронловчи импульслар ажратилади. Бу импульс сигналлари ёйувчи *қурилма (12)* орқали ҳаракатини синхрон ва синфазлигини бошқаради.

## 2. ЁРУГЛИК МАНБАИ, ОБЪЕКТ ВА ОПТИК ТИЗИМ

### 2.1. ФОТОМЕТРИЯ

Оптикада ёруғлик энергиясини ўлчаш усуулари *фотометрия* деб аталади.

Фотометрия икки йўналишга бўлинади: энергетик фотометрия ва ёруғлик фотометрия. Ёруғлик ўзи элтадиган энергия нуқтаи назаридан бир қатор катталиклар билан характерланади. Бу катталикларнинг энг муҳими *ёруғлик оқими*дир. Ёруғлик энергиясини сезиш учун, табиийки, кўз алоҳида аҳамиятга эга. Биринчи навбатда, электромагнит тўлқинлар элтадиган энергия эмас, балки унинг бевосита кўзга таъсир этадиган қисми қизиктиради. Кўз ёруғлик қабул қилиш хусусиятига биноан (5-расм илова) яшил нурларни жуда яхши сезади ва қизил ҳамда кўк рангларга сезгирилиги паст. Шу сабабли ёруғлик энергиясининг тегишли ўлчаш асбоблари билан қайд этиладиган энергетик микдорлари эмас, балки бу энергиянинг кўзимиз билан бевосита баҳолайдиган катталигини билиш амалий жиҳатдан муҳимдир. Ёруғлик энергиясини бундай баҳолаш учун алоҳида физик катталик – *ёруғлик оқими* киритилган, у  $\Phi$  ҳарфи билан белгиланади.

Бирор сирт орқали вақт бирлигига ўтадиган ва кўриш сезгиси билан баҳоланадиган ёруғлик энергияси *ёруғлик оқими* деб аталади. Ёруғлик оқими ёруғлик манбаидан ҳосил бўлади ва атрофдаги буюмларга таъсир этади. Шунга мувофиқ равишда яна иккита энергиявий катталик киритилган. Бу катталиклардан бири ёруғлик манбани тарифлайди ва манбанинг *ёруғлик кучи* деб, иккинчиси эса ёруғликнинг жисмлар сиртига кўрсатадиган таъсирини таърифлайди ва *ёритилганлик* деб аталади.

Манбада ҳосил бўлган ёруғлик оқими  $\Phi$  нинг  $\Omega$  фазовий бурчакка нисбати манбанинг *ёруғлик кучи* дейилади.

$$I = \frac{\Phi}{\Omega} \quad (2.1)$$

Ёруғлик оқимининг бирлиги қилиб **л ю м е н (лм)** қабул қилинган.

**1 лм – ёруғлик кучи 1 кд бўлган нуқтавий манбанинг 1 ср га тенг фазовий бурчакда ҳосил қиласидиган ёруғлик оқими**dir.

Юзанинг бирор қисмига тушувчи  $\Phi$  ёруғлик оқимининг шу қисмнинг  $S$  юзасига нисбати  $E$  ёритилганлик деб аталади.

$$E = \frac{\Phi}{S} \quad (2.2)$$

Ёритилганлик бирлиги қилиб **л ю к с (лк)** қабул қилинган.

**1 лк – 1 лм га тенг ёруғлик оқимининг  $1 m^2$  юзага бир текис тарқаладиган ҳолдаги ёритилганлиги**dir.

Бинобарин, сиртнинг ёритилганлиги сиртдан манбагача бўлган масофанинг квадратига тескари пропорционалдир.

$$E = \frac{I}{R^2} \quad (2.3)$$

Агар нур юзага тик тушмаса, у ҳолда

$$E = \frac{I}{R^2} \cos \alpha \quad (2.4)$$

Яна бир физик катталик – бу **равшанлик**.

**Равшанлик  $B$**  деб ёруғлик кучи  $I$  ни шу йўналишда  $S$  майдон юзасидан тарқалган ёруғликнинг йўналишига перпендикуляр майдон проекцияси тушунилади.


$$B = \frac{I}{S \cos \alpha} \quad (2.5)$$

Равшанлик ўлчов бирлиги қилиб, **канделага квадрат метр нисбати ( $кд/м^2$ )** қабул қилинган.

## 2.2.ЁРУҒЛИКНИНГ ҚАЙТИШ ҚОИУНИ


Бир жинсли муҳитда ёруғлик нури тўғри чизиқ бўйлаб тарқалади. Икки хил муҳит чегарасида нур синади ва қайтади яъни ўзининг йўналишини ўзgartиради. Айни вақтда ёруғлик қисман иккинчи муҳитга ҳам ўтади, бунда у ўзининг тарқалиш йўналишини ўзgartиради – **синади**.

Мұхитлар чегарасининг хоссаларига боғлиқ равища қайтишнинг характеристи ҳам турлича бўлиши мумкин. Агар чегара сирт нотекисликлари ўлчами ёруғлик тўлқин узунлигидан кичик бўлса, *кўзгу сирт* ҳосил бўлади. Бундай юзага ингичка параллел даста кўринишида тушаётган ёруғлик нурлари қайтгандан сўнг ҳам параллел йўналишда тарқалади. Бундай йўналтирилган қайтиш *кўзгу қайтиши* деб аталади.



*7-расм. Ёруғлик нурининг икки мұхит чегарасида йўналишининг ўзгариши.*

Агар нотекисликлар ўлчамлари ёруғлик тўлқин узунлигидан катта бўлса, у ҳолда нурлар дастаси чегарада ёйилиб (сочилиб) кетади. Қайтгандан сўнг ёруғлик нурлари ҳар қандай йўналишларда кетади. Бундай қайтиш *сочилиб қайтиши* ёки *диффузия қайтиши* деб аталади.



*8-расм. Ёруғлик нурини жисм юзасидан қайтиши:*  
а) *кўзгу қайтиши*; б) *қисман кўзгу қайтиши*; в)  
*диффузия қайтиши.*

Ёруғлик икки мухит чегарасида ўзининг тарқалиш йўналишини ўзгартиради. Ёруғлик энергиясининг бир қисми биринчи мухитга қайтади, яъни ёруғликнинг қайтиши содир бўлади. Агар иккинчи мухит шаффоф бўлса, ёруғликнинг бир қисми маълум шароитларда мухитлар чегарасидан ўтиб, одатда, ўзининг тарқалиш йўналишини ўзгартиради. Бу ҳодиса *ёруғликнинг синиши* деб аталади.

Ёруғлик нурининг қайтиш хусусиятини аксланиш коэффициенти р орқали аникланади. Аксланган ёруғлик оқими  $\Phi_a$  нинг, тушаётган ёруғлик оқими  $\Phi_m$  га нисбати *аксланиш коэффициенти* деб аталади.

$$\rho = \frac{\Phi_a}{\Phi_m} \quad (2.6)$$

Бу ерда,  $\Phi_a$  ва  $\Phi_m$  - мос ҳолда аксланган (қайхтан) ва тушаётган ёруғлик оқимлари.

Диффузия акслантирувчи юзанинг ёритилганлиги ва равшанлиги қуидагича боғланган:

$$B = \frac{\rho E}{\pi} \quad (2.7)$$

Демак, бир хил ёритилган жисмларнинг равшанлиги унинг акслантириш хусусиятига боғлиқ.

Мухит юзасига тушаётган ёруғлик оқимининг бир қисми ичига сингиши ва бир қисми уни кесиб ўтиши мумкин. Бунга қараб жисмлар ҳар хил оптик турга бўлинади. Ёруғлик оқимининг ҳар бир қисми тегишли коэффициентлар орқали аникланади.

$$\text{Аксланиш коэффициенти } \rho = \frac{\Phi_a}{\Phi_m} \quad (2.8)$$

$$\text{Ютилиш коэффициенти } \alpha = \frac{\Phi_{\kappa}}{\Phi_m} \quad (2.9)$$

$$\text{Кесиб ўтиши коэффициенти } \tau = \frac{\Phi_{\kappa_y}}{\Phi_m} \quad (2.10)$$

Агар бу жараёнда энергетик ўзгаришдан ташқари спектрал ўзгариш кузатилса, у ҳолда коэффициентлар шунга муносаб


белгиланади ( $\rho$  (λ);  $\alpha$  (λ);  $\tau$  (λ). Натижада аксланган (кесиб ўтган) ёруғлик нури аниқ рангта ажралади.

## 2.3. ГЕОМЕТРИК ОПТИКА


*Линзалар ва объективлар.* Телевидениеда тасвир оптик курима-объектив орқали узатилади.

Оддий объектив тўпловчи линза бўлиб, у бир ёки икки сферик юзадан иборат (9-расм.) Линза орқали олинган тасвир одатда, бир қанча бузилган бўлади. Шу сабабдан бир неча сферик линзалар ишлатилади ва улар *объектив* деб аталади.

Объектив таркибидағи линзалар шундай танланадики, натижада бузилишлар бир-бири билан ейишиб йўқолади.




9-расм. Йигувчи линзалар.  
а – иккιёқлама қавариқ; б – текис – қавариқ;  
в – ботик – қавариқ.



10-расм. Йигувчи линзадан ўтувчи нурларнинг йўли.

Сферик юзанинг марказидан, яъни линзанинг марказидан, ўтган тўғри чизиқ линзанинг бош оптик ўқи деб аталади.



**11-расм. Фокал юзага параллел нурларни фокусланши**

Объективда ҳамма линзалар оптик ўқлари бир-бирининг устига тушади ва *объективнинг бош оптик ўқини* ташкил қиласиди.

Линза (объектив)нинг энг муҳим ҳусусияти бирор *m* нуқтадан чиқкан (10а-расм) ва линзага тушувчи нур ундан ўтиб яна бирор *F'* нуқтада қайта йигилади (фокусланади). Линзадан ўтган нур тўпланадиган нуқта *боғланган фокус ёки фокус* деб аталади.

Бош оптик ўқка параллел нурлар тўплами (дастаси) линзага тушиб, линзада синганидан сўнг линзанинг *бош фокуси* деб аталмиш *F'* нуқтасида йигилади (10б-расм). Линзанинг маркази 0 дан бош фокус *F'* гача бўлган масофа *фокус масофаси* деб аталади. Линзанинг бош фокусига, бош оптик ўқка перпендикуляр юза *фокал юза* деб номланади. Бош оптик ўқка бир оз оғиб тушаётган параллел нурлар фокал юзада фокусланади (11-расм ).

Линзанинг *F* фокус масофаси сферик юзанинг *r<sub>1</sub>* ва *r<sub>2</sub>* радиуслар (9-расм) ва шунингдек, линза тайёрланган модданинг синдириш кўрсаткичи *n* га боғлиқ. Уни қуйидаги тенглама орқали аниқлаш мумкин:

$$\frac{1}{F} = (n - 1) \left( \frac{1}{r_1} + \frac{1}{r_2} \right) \quad (2.11)$$

**Оптик тасвирнинг тузилиши:** Бинобарин, линзанинг бирор нуқтасига тушиб ва ундан синиб чиқувчи нур бир


объект тасвирини тиклаш учун шундай икки нұктаны топиш кифоя.

Амалда тасвири тиклаш учун қуидаги асосий нурлар ишлатилади:


– бош оптик ўққа параллел бўлган нур (12а-расм) линзадан чиқиб, албатта, бош фокусдан ўтади;

– бош фокусдан ўтиб, линзага тушаётган нур (12б-расм) линзадан чиққандан сўнг бош оптик ўққа параллел кетади;


– линзанинг марказидан ўтган нур (12в-расм) ўз йўналишини ўзгартирмайди. Линзанинг марказлари орқали ўтувчи тўғри чизик линзанинг *боши оптик ўқи* деб аталади. Линзанинг оптик ўқи орқали ўтувчи ҳар қандай бошқа тўғри чизик *ёрдамчи оптик ўқи* деб аталади.



12-расм. Йиғувчи линзада нурлар йўналишининг характеристларни.



13-расм. Р нурини линза юзасида “синиши”.




**14-расм. Буюм тасвирининг кўриниши.**

Бу нурлар линзада эмас, балки уни юзасида синади (13-расм). Аслида, албаттa, нуктанинг тасвири линза юзасига тушаётган нурлардан ташкил бўлади. Ҳар қандай буюмни нукталар йифиндисидан ташкил топган деб қаралса, у ҳолда хоҳланган нарсанинг тасвирини куриш, унинг алоҳида нукталарини куриш билан ифодаланади (14-расм).

**Линзани катталашибтириш коэффициенти.** Линзани катталашибтириш коэффициенти формуласини топиш учун 15-расмга мурожаат қиласиз.  $DOC$  ва  $DB'A'$  учбуручаклар ўхшашлигидан маълум бўлдики,

$$\frac{A'B'}{OC} = \frac{DB'}{DO} \text{ ёки } \frac{h}{H} = \frac{a - F}{F} . \quad (2.12)$$



**15-расм. Линза формуласини чиқариш учун чизма.**

Шу билан бир қаторда,  $ABO$  ва  $A'B'O$  учбуручаклари ўхшашлигидан, маълумки,

$$\frac{A'B'}{OC} = \frac{OB'}{DO} \text{ ёки } \frac{h}{H} = \frac{a}{F} . \quad (2.13)$$

Икки ифодани солиштиришдан кўринади:

$$\frac{h}{H} = \frac{a - F}{F} = \frac{a}{A} = K \quad (2.14)$$

Бу ифода линзанинг чизиқли катталаштиришини кўрсатади. Одатда, телевидение орқали узатиладиган тасвирлар, камера объективидан  $A$  масофада жойлашган бўлиб, у масофа линзадан тасвир юзасигача бўлган оралиқдан бир неча баробар узоқ, шу туфайли катталаштириш бирдан анча кичик.

**Линза формуласи.** (2.14) ифодадан  $aF = aA - aF$  ёки  $aF + AF = aA$  маълум. Бу тенгламанинг икки қисмини  $AF$  га бўлиб, қуйидаги линза формуласини оламиз

$$\frac{1}{A} + \frac{1}{a} = \frac{1}{F} \quad (2.15)$$

Бу формула юқорида кўрсатилган геометрик шаклнинг математик ифодасидир. Формуладан фойдаланиб,  $A$  чексиз бўлганда,  $a = F$  бўлишини осон аниқлаш мумкин, яъни чексиз масофада жойлашган объект тасвири фокал юзада тикланади. Амалда, агар  $A \gg F$  бўлса,  $a \approx F$  деб олиш мумкин.

$A=2F$  ва  $a=2F$  бўлган ҳолда, тасвир линзадан фокус масофасининг икки узунлигида ҳосил бўлади. Бунда катталаштириш (2.15) ифодага биноан бирга тенг бўлади.

**Тасвирнинг равшанлиги ва ёритилганлиги:** Агар катта бўлмаган  $S_1$  майдонли буюм равшанлиги  $B_1$  бўлса (16-расм), унда шу майдондаги ёруғлик қучи  $I_1 = B_1 S_1$  тенг бўлади, линзага тушаётган ёруғлик оқими эса

$$\Phi_1 = I_1 \Omega_1 \quad (2.16)$$


Линзада юзага келадиган йўқотиш-ўтказиш коэффициенти аталмиш  $\tau$  ни ҳисобга олган ҳолда, тушаётган ёруғлик оқимининг қанча қисми ўтиши  $\Phi_2 = \tau \Phi_1 = \tau I_1 \Omega$  орқали аниқланади.

$S_2$  майдонли тасвирнинг ёритилганлиги

$$E_2 = \Phi_2 / S_2 = \tau I_1 \Omega / S_2 \quad (2.17)$$

мувофиқ  $S_2$  майдоннинг равшанлиги

$$B_2 = (\rho/\pi) E_2 = (\rho/\pi) (\tau I_1 \Omega / S_2) \quad (2.18)$$



**16-расм. Оптик тасвирнинг равшанлик формуласини аниқлаши.**

Фазовий бурчак  $\Omega = \pi D^2/4A^2$ , шунингдек  $S_1/S_2 = A^2/a^2$ , ундан  $S_2 = S(a^2/A^2)$  хисобга олинганда, бу ерда D—линзанинг диаметри, унда

$$B_2 = \rho \pi I_1 / 4 S_1 (D/F)^2 \quad (2.19)$$

тeng бўлади.

$(D/F)^2$  ифода линзанинг ёруғлик кучини таърифлайди.  $D/F$  нисбати линзанинг тешиги деб аталади. Одатда, у бирдан кам ва бирнинг бирор рақамга нисбати кўринишида ифодаланади, масалан, 1:2, 1:3,5 ва ҳоказо. Фақат кам ҳолларда, ёруғлик кучи жуда катта бўлган объективларда, унинг қиймати 1:0,7 ÷ 1:0,6 га тенг бўлиши.

**Объективнинг таърифлари.** Юқорида келтирилган фокус масофаси ва ёруғлик кучи кўрсаткичларидан ташқари объективлар нисбий кўриш бурчаги ва ажратиш қобилияти билан таърифланади. Доира шаклида олинадиган тасвир майдони **объективнинг кўриш майдони** деб аталади. Объективнинг оптик марказидан кўриш майдонининг қарамакарши томонига туширилган тўғри чизиқлар натижасида юзага келган бурчак **объективнинг кўриш бурчаги** деб аталади.

Объективнинг кўриш майдонидан тўлиқ фойдаланиш мумкин эмас, чунки кўриш майдони четларида кескинлик ва равшанликнинг пасайиши кузатилади. Амалда кўриш майдонининг кескинлиги ва равшанлиги етарлича юқори бўлган ўрта қисмидан ифодаланилади. Бу ўрта қисм **тасвир майдони** деб

аталади. Оптик марказдан тасвир майдонининг икки карама-қарши томонига туширилган тўгри чизиклар орасида ҳосил бўлган бурчак *тасвир бурчаги* деб аталади.

Теле-, фото- ёки кино олувчи камералар объективини тузилиш конструкцияси ҳам тасвир майдонини тўлиқ ишлатиш имкониятини бермайди. Масалан, телевизион кўриш бурчаги кўпчилик ҳолларда узатувчи датчикнинг фотокатоди майдони билан аникланади ва куйидаги формуладан топилади:

$$tg\alpha/2 = b/2F \quad (2.20)$$

бу ерда,  $b$ —ишлатилаётган узатувчи фотокатодининг кенглиги (ёки баландлиги, вертикал бурчакни аниклаш учун);  $F$ —объективнинг фокус масофаси.

Шундай қилиб, оптик қурилманинг кўриш бурчаги объективнинг фокус масофаси орқали аникланади. Ўзгарувчан фокус масофали объективни кўллаш бир жойда туриб тасвирни ҳар хил масштабда узатиш имкониятини беради.

Кино ва фотография амалиётида кадр диагонали ўлчамига тенг фокус масофали объективлар *нормал объективлар* деб аталади. Улар кўпчилик тасвирларни олиш учун ишлатилади. Бирор объектнинг кенг панорамасини олиш талаб қилинса, фокус масофаси кадр диагоналидан бир ярим - тўрт баробар кам кенг бурчакли объектив кўлланилади.

Узокда жойлашган объектнинг катта пландаги тасвирини олиш керак бўлганда, фокус масофаси кадр диагоналидан анча кам бўлган объектив олинади.

Объектив биринчи бор фото- ва кино олишда кўлланилганлиги сабабли унинг ажратиш қобилияти фотографиянинг синов жадвалида алоҳида кўринадиган параллел чизикларнинг максимал сони билан аникланиш қабул қилинган. Объективнинг ажратиш қобилияти марказида ва четларида алоҳида ўлчанади. Лекин объектив маълумотнома ва паспортларида келтириладиган бу ажратиш қобилиятига тегишли қийматлар, одатда, факат объективга тегишли бўлмай, балки фотоматериал билан кўшилиб баҳолангандиган қийматлардир. Фотоматериаларнинг ажратиш қобилияти 1 миллиметрда 50–60 чизикдан ошмайди, шу сабабли келтирилган қийматлар жуда камайти-

юқори, у бир миллиметрда 600 чизик ва ундан юқори бўлиши мумкин.

## 2.4. КОЛОРОМЕТРИЯ

**Рангни ўлчаш, ўлчаш услуби ва рангни миқдорий ифодалаш.**

Рангни ўлчаш турли математик ифодалаш билан бир қаторда колорометрияни асосий таркибидир. Рангни ўлчаш натижасида (уни қатъий бир стандарт шароитда кўрилганда) рангни тўлиқ аниқловчи *ранглар координатаси* (РК) аталмиш уч рақам аниқланади.

Колорометрияда рангни математик ифодаланиш тажриба орқали аниқланган факт асосида ҳар қандай ранг, уч чизиқли боғланмаган рангларни аралашмасидан (йигиндисидан) ташкил топади, яъни улар шундай рангларки, ҳар бирини қолган икки бошқа ранглар йигиндиси орқали тасаввур этиб бўлмайди. Чизиқли боғланмаган ранглар гурухи чексиз кўп, колорометрияда фақат айримлари ишлатилади. Уч танланган чизиқли боғланмаган рангларни *асосий ранглар* деб аталади.

**Ранг тушунчаси.** Ок ранг кўз тўрпардасига спектр тўлқин узунилиги  $\lambda = 380 \dots 760 \text{ нм}$  бўлган ёруғлик оқимининг бир текисда таъсир этишидан юзага келади. Куввати бир хил, спектр таркиби ҳар хил ёруғлик таъсири турли равшанлик уйғотади. Кўриш сезгирилиги тўлқин узунилигига боғлиқ. Равшанлик  $V(\lambda)$  нинг тўлқин узунилигига нисбатан тикланиши (иловадаги 1.3-б расмга қаранг) *кўзning спектрал сезгирилиги нисбийлигини таърифлайди ва нисбий кўриш эрги чизиги* деб аталади. Энг юқори сезгирилик (сариқ-яшил атрофи)  $\lambda = 555 \text{ нм}$  га тўғри келади. Қисқа (кўк-бинафша атрофи) ва узун (қизил атрофи) тўлқин томонларда кўз сезгирилиги пасаяди.

Кўз объектларни фақат равшанлиги билан фарқлаш орқали эмас, балки унинг спектр таркиби (ранги) бўйича ажратади. Демак, буюмлар ранги ва равшанлиги (ёруғлиги) солиштириллади. Масалан, икки бир хил нурланувчи майдон ёруғлиги (сариқ ва кўк) икки хил ёруғлик майдон кўринишида

қабул қилинади. Бир хил рангли тасвир тикланганда, кўз фақат ёруғлиги бўйича солиштиради.

Спектрда ёруғлик оқимининг кескин нотекис ёйилишидан ранг юзага келади. Ҳар қандай ранг оқ ранг билан қўшимча ёритилганда рангнинг оқариши кузатилади. Шундай қилиб, рангнинг физиологик (субъектив) ёруғлиги ва ранглилиги орқали таърифланади. Ёруғлик оқимининг ранглилиги, ўз навбатида, рангнинг туси ва тўйинганлиги билан аниқланади.

Кўрилаётган обьект рангнинг туси нурланишни спектрал таркибига, тўйинганлик эса ушбу рангни оқ ранг билан қўшилганлик даражасига боғлиқ.

Ёруғлик оқимининг физик (объектив) кўрсаткичи: *равшанлик - B*, устун турувчи тўлқин узунлиги- $\lambda$ , *доминанта* ва оқ қанча қўшилганлигини аниқловчи *рангнинг тозалиги - p*. Ранг тусининг микдорий аниқловчи монохром нурланиш тўлқин узунлиги  $\lambda$  билан аниқланади. Ранг тозалиги  $p$  ранг тўйинганлигини микдорий аниқловчи бўлиб, у спектрал ранг равшанлиги  $B_\lambda$  нинг равшанлик йигиндиси  $B_\lambda B_o$  нисбатига тенг:

$$p = B_\lambda / B_\lambda B_o), \quad (2.21)$$

бу ерда,  $B_o$  – аралашмага кирувчи оқ рангни равшанлиги.

Ранг кўришни ўрганиш асосида М.В. Ломоносов томонидан 1756 йилда айтилган ва бир ярим асрдан сўнг Г. Гельмгольц томонидан батафсил ишлаб чиқилган уч таркибий қисмдан рангларни тиклаш назарияси олинган. Уч таркибий қисм назарияси инсон кўриш аъзосида алоҳида қизил  $R$ , яшил  $G$  ва кўк  $B$  рангларга таъсирланувчи уч турли рецептор борлиги фараз қилинган (иловадаги 17-расм). Эгри чизиклар масштаби шундай қабул қилинганки, кўзнинг уч турли қабул қилувчилари бир хил таъсирлантирилганда оқ рангни ҳосил қиласди.

Будан ташқари тўрт таркибий қисм, етти таркибий қисм ёруғликни қабул қилиш назариялари ҳам мавжуд, кейинчалик рангни қабул қилишнинг ночизиқ назарияси ишлаб чиқилган. Амалиётда тасдиқланган уч рангли кўриш назариясига асосланган рангли телевидение ва кино ҳамда рангли фотография кенг кўлланилмоқда. Учликка биноан қизил  $R$ , яшил  $G$  ва кўк  $B$  ранглар бир-бирига боғланмаган асосий ранглар ҳисобланади,

ранглар ҳисобланади, яъни уларнинг бирортаси қолган иккитасининг қўшилмасидан ҳосил бўлмайди. Инсон кўра оладиган ҳамма ранглар, (оқ ранг ҳам шу ҳисобда) уч асосий рангни қўшиши асосида ҳосил бўлади.

Телевизион тасвирда рангни тиклаш учун узатиладиган тасвир учта рангга ажратилади ва уч ранг сигнали юзага келади. Бу  $E'_R$ ,  $E'_G$  ва  $E'_B$  сигналларини узатиш, умуман олганда, рангли тасвир олиш учун кифоя. Буни исботини колориметрия асослари орқали олиш мумкин (эслатма: ранглар иподасида ишлатилган «'» штрих уларга коррекция кири-тилганлигини ифодалайди).

Рангларни қўшиш орқали олишни тенг томонли гипс призма ёрдамида намойиш қилиш мумкин (иловадаги 18-расм).

Бундай призманинг бир қиррасига текширилаётган ёруғлик оқими  $F$ , бошқасига асосий ранглар  $R$ ,  $G$ ,  $B$  ёруғлик оқими йўналтирилади. Бу оқимларни бошқариш орқали, уни икки қиррасида ёруғлик ва ранг тенглигига эришиш мумкин. Бу ҳолда сифати ва қиймати бўйича колориметрик тенглик куйидагича ифодаланади:

$$f'F = r'R + g'G + b'B \quad (2.22)$$

Бу тенгламада  $R$ ,  $G$ ,  $B$  (қизил, яшил, кўқ) асосий ёруғлик манбайнинг ёруғлик оқим бирлиги -  $F$  оқим таркибий қисми.  $r'$ ,  $g'$ ,  $b'$  коэффициентлар -  $R$ ,  $G$ ,  $B$  ёруғлик оқимларини қўшишда, уларни қандай микдорда олинганда,  $F$  ёруғлик оқими талаб этилган равшанлик ва ранг ҳосил қилишини кўрсатади.

Колориметрик ўлчашлар ўтказилганда куйидаги тўлкин узунлигидаги асосий ранглардан фойдаланиш қабул қилинган:  $R$  учун  $\lambda_R = 700 \text{ нм}$ ;  $G$  учун  $\lambda_G = 546,1 \text{ нм}$ ;  $B$  учун  $\lambda_B = 435,8 \text{ нм}$  (симоб бўғи спектр чизиқлари).

Бу асосий ранглар умумий қабул қилинган  $R$   $G$   $B$  колориметрик тизимини ташкил қиласди.

Мазкур  $R$   $G$   $B$  тизими орқали айрим рангларнинг сифат ва қиймат тенглиги уч асосий ранг ҳар қандай микдори билан таъминланмаслиги мумкин. У ҳолда, рангнинг бирор таркибини ўнг призма қиррасидан чап қиррага ўтказиш керак бўлади. Мисол сифатида (иловадаги 18б-расмда) тўйинган яшил кўқ оқим  $f'F$  олинган, уч асосий рангларнинг ҳар қандай мусбат

қийматлари олинганда ҳам ўхашлик таъминланмайди. Агар,  $F$  оқимини ўзгартирмасдан қизил таркибини чап қиррага ўтказилса ва  $r'$ ,  $g'$ ,  $b'$  қийматларини ўзгартиб, чап ва ўнг қиралардаги оқимлар рангининг тенглашганлигини кузатиш мумкин. Бунда, (2.22) тенглама чап томонга (қизил ранг микдори  $r'R$  мусбат ишора билан киради.

$$f'F + r'R = g'G + b'B \text{ ёки } f'F = g'G + b'B - r'R \quad (2.23)$$

Уч рангнинг равшанилиги, рангнинг тузи ва тўйинганлиги (2.22) тенгламада мужассамланган. Асосан, кўп ҳолларда манбанинг фақат сифат кўрсаткичлари (рангни тузи ва тўйинганлиги) яъни *ранглилиги* керакли ва етарлидир. Бунинг учун (2.22) тенглама бошқа кўринишга келтирилади. Асосий ранглар йигиндиси  $r' + g' + b' = f'$  ва у *ранг модули* деб аталади. (2.22)-тенгламанинг чап ва ўнг томонини  $f'$  модулга бўлиб, куйидаги натижа олинади:

$$\frac{f'}{f'} = \frac{r'}{f'} + \frac{g'}{f'} + \frac{b'}{f'} = 1 \quad (2.24)$$

яъни  $r + g + b = 1$ ,  $F_o$  бирли оқим таркибида нисбий уч ранг коэффициентлари ифодалайди:

$$F_o = rR + gG + bB \quad (2.25)$$

**Ранг учбурчаги.** Турли ранглар қўшилганда, унинг сифатини ва қийматини яққол тасвирлаш учун колориметрияда *ранглар учбурчаги* аталмиш  $R$   $G$   $B$  учбурчак қўлланади. Учбурчак учларида уч асосий рангта мансуб тенг қувватли уч ёруғлик манба жойлаштирилган деб, фараз қиласлилик. Агар фақат битта манба ёқилса, учбурчакни ташкил қилувчи чизик бўйича ундан узоқлашган сайин табиий ёруғлик пасая боради. Фикрни содда англатиш мақсадида  $R$  нуқтадан чиқсан ёруғлик  $G$  ва  $B$  нуқталарда амалий нолга тенглашади, деб фараз қиласлиз (табиийки, реал учбурчак бунинг учун жуда катта бўлиши керак). Бу шарт  $G$  ва  $B$  манбалар учун ҳам тегишли, яъни ёруғлик нурининг қийматлари қарама-қарши чўқкиларда амалда нолга тенг.

Рангларнинг қўшилиш қонунини намойиш қилиш мақсадида тажриба ўтказиш учун ичи бўш шиша шардан фойдаланамиз, у индикатор (*И*) вазифасини ўтайди.

**Биринчи тажриба.** Фақат бир манбани ёқамиз, масалан, **R**. “**I**” шар бу **R** манбага яқин жойлаштирилганда қизил рангга бўялади. Ундан **G** ёки **B** чўққилар тамон узоклаштирилганда қизил ранги сақланиб, фақат хиралаша боради ва **G** (ёки **B**) нуктада қорага айланади.

**Иккинчи тажриба.** **R** ва **G** манбани ёқамиз. Шар бу манбалар олдида (манбага қараб қизил ёки яшил) уларнинг рангига бўялади. **RG** чизик ўртасида шарнинг ранги ўзгаради, яъни шарни **R** манбадан **G** манбага силжитиш натижасида қизилдан атлас(тилла) рангга, атлас рангдан сариқка, сариқдан яшилга ўзгаради. Демак, қизил ва яшил рангларни кўшиш орқали сариқ ва атлас рангларни олиш мумкин. Атлас ранг, сариқ рангдан қизилнинг кўплиги билан фарқ қиласди.

**Учинчи тажриба.** **B** ва **G** манбаларни ёқамиз, шарни **BG** чизик бўйича **B** дан **G** га силжитиш натижасида уни ранги кўқдан кўк яшилга, кўк яшилдан яшилга ўзгаради.

**Тўртинчи тажриба.** **RB** чизик бўйича шарни силжитилганда, у навбатма-навбат қизил, қирмизи, пушти, бинафша ва кўк рангларга бўялади.

Шундай қилиб, **RGB** учбурчакнинг **RG**, **GB** ва **RB** томонларида кўз билан қабул қилинадиган ҳамма амалда ранг туслари жойлашганлигини гувоҳи бўламиз.

**Бешинчи тажриба.** Ҳамма уч манбани ёқиб, **R G B** учбурчак ичидаги шундай Е нуктани топиш мумкинки, у нуктада шар оқ рангга бўялади. Шундай қилиб, асосий қизил, яшил ва кўк рангларни маълум микдорда кўшиш натижасида оқ ранг олиш мумкин бўлади.

**Олтинчи тажриба.** **RE** чизик бўйича шар силжитилганда қизил ранг ўзгармайди, лекин Е нуктага яқинлашган сайин оқара боради ва Е нуктада оқ рангта айланади. Демак, рангнинг тўйинганлиги ўзгаради, яъни қизилнинг оқ ранг билан қўшилиши кузатилади.

Шу каби шар **BE** чизик бўйича силжитилганда ранг ўзгармайди (кўклигича қолади). Фақат тўйинганлиги пасаяди. Шар бу чизик бўйича кўк ранг имкони бўлган ҳамма нимрангларидан ўтиб **E** нуктасида мутлақ оқ рангга айланади.

**GE** чизик бўйича ва **RGB** учбурчак томонларидан чиқиб **E** нуқтаси билан туташувчи ҳар қандай чизикда ушбу ҳолат кузатилади.

Шуни эътиборга олиш лозимки, реал ёруғлик манбаи **100%** ли тўйинганликка эга эмас, чунки у бирор спектрал кенглиқда нурланади. Қандай қизил (яшил, кўк) ранг манбаи олинмасин – қизил фонус, кинескоп катод-люминофори – бу манбаларнинг тўйинганлиги ҳамон **100%** дан кам бўлади. Колориметрик **100%** ли тўйинишга ранг, факат бир тўлқин узунлигига тенг манбагина назарий эга бўлиши мумкин. Тўйинганлиги **100%** га яқин бундай манбалар туркумига амалда бир тўлқин узунлигига нурланувчи лазерларни киритиш мумкин.

Масалан, **RE** чизигида, қизил ранг тўйинганлиги (иловадаги 19-расм) **E** нуқтасидан узоклашгани сайин оша боради, **R** нуқтасида тўйинганлик **100%** дан кам бўлгани сабабли, **100%** га **R**, нуқтасида эришади. Демак, **R**, нуқта монохроматик ранг манбаига тўғри келади. Асосий бўлмаган рангларда ҳам худди шундай ҳодиса рўй беради. Масалан, **100%** тўйинган атлас ранг **O**, нуқтада жойлашган. У **O** нуқтадан юқорида жойлашган. Ҳамма монохроматик **R, O, ...**, бирлаштирилса, сидирға эгри чизик ҳосил бўлади ва у *ранглар ҳудуди (локуси)* деб аталади. Бу эгри чизик бўйлаб **100%** тўйинган ранглар жойлашган, бу *спектрал чизик* бўлиб, у учбурчакка нисбатан жойлаштирилган (иловадвги 20-расм).

**R, G** ва **B** асосий ранглар учбурчаги ичida жойлашган хоҳлаган нуқтани рангини аниқлашни тушунтиришга ҳаракат қиласиз. Бунинг учун, масалан, **A** нуқтасини оламиз (иловадаги 20-расм). Уч ранг коэффициентларини аниқлаш учун, учбурчак баландлигини бирга тенг олган маъкул. Уч бурчак ичida олинган **A** нуқтадан унинг томонларига туширилган перпендикуляр уч ранг нисбий ёруғлик қийматини беради. 18-расмда **A** нуқта ранглилиги

$$A = 0,2R + 0,3G + 0,5B, \quad (2.26)$$

$$r, g, b \text{ йигинидиси} \quad r + g + b = 1 \quad (2.27)$$

*A* манба ранг туси, *E* нуқтадан *A* нуқта орқали ўтиб ҳудуд чизиги билан кесишган *Aλ* нуқта орқали аниқланади (мисолда у  $\lambda=470\text{нм}$ ). Учбурчак ташқарисидаги *N* нуқтага тегишли рангни бир коэффициенти мусбат қийматли, (Масалан *r* нуқтада). *N* нуқтанинг нисбий қийматлари, олдингидағи каби, ундан туширилған чизик узунлиги орқали аниқланади. Аммо бу ерда улардан бири, мисолдаги *r*, ташқи томонига тушади ва *r = -0,15* мусбат қийматта ташкил қиласылады, натижада

$$g + b - r = 0,75 + 0,4 - 0,15 = 1.$$

*N* манба ранг туси эса  $\lambda_N = 510$  нм га түғри келади.

*A* ва *N* нукталар рангини түйинғанлиги күйидаги аниқлаш мүмкін:

$$P_A = \frac{AE}{A'E} 100\% = \frac{4,25}{21,5} 100\% = 19,8\%;$$

$$P_N = \frac{NE}{N'E} 100\% = \frac{12,5}{59} 100\% = 21,2\%$$

**Ранг чизмаси.** *RGB* учбурчак (иловадаги 19-расм) чўққиларида жойлаштирилған асосий ранглар манбай бир хил қувватли (масалан,  $R = G = B = 1 \text{ вт}$ ). Лекин ёруғлик техникаси ва колориметрия амалиётида ёруғлик ўлчов бирлиги – (ёруғлик оқими) кўлланилади *люмен* ёки *люкс* (ёритилғанлиги), ёки *квадрат метрдаги кандель* ( $\text{кд}/\text{м}^2$ ) (равшанлик). Буни, люменда ўлчовчи фотометр асбобни ясаш, энергия бирлигига ўлчовчи асбобни ясашдан осон эканлиги билан тушунтириш мүмкін.

Тенг энергияли *E* оқ ранг (ватт ўлчамида ўлчанганда) асосий ранглар учбурчагида тенг узоқликда жойлашади (учбурчак мувазанат нуқтасида), яъни:

$$E = \frac{1}{3} R(Bm) + \frac{1}{3} G(Bm) + \frac{1}{3} B(Bm) \quad (2.28)$$

Агар учбурчак чўққиларида жойлаштирилған манбалар люменда ифодаланса ва  $R = G = B = 1 \text{ лм}$  тенг олинса, у ҳолда *E* нуқта координаталари учбурчакда кескин ўзгаради ва у *RG* томоннинг юқори қисмига сурилади ва тенг энергияли *E* амалда кўйидаги кўринишни олинади:

$$E(\text{лм}) = 0,177R(\text{лм}) + 0,813G(\text{лм}) + 0,01B(\text{лм}) \quad (2.29)$$

Уч ранг коэффициентларининг сезиларли бир-биридан фарқ қилиши кўзимизнинг спектрал сезгирилиги бир хил эмаслиги (иловадаги 5-расмга қаранг) билан боғлиқ.

Иловадаги 21-расмда  $r_E=0,177$ ;  $g_E=0,813$ ;  $b_E=0,01$  уч ранг коэффициентли тенг энергияли  $E$  оқ ранг жойлаштирилган  $RGB$  учбурчак келтирилган. Бу учбурчакда  $E$  оқ ранги учбурчакнинг  $RG$  томонига сурйилган ва амалда ҳудудни  $\lambda = 570 \text{ нм}$  тўлқин узунлигига тўғри келади. Ранглар масштаб чизиклари ўзгаради, оқ  $E$  ва спектрал  $\lambda = 570 \text{ нм}$  оралиғида ранг учбурчагида ҳисоб олиб бориш аниқлиги пасаяди. Ранг диаграммасини амалда кўллашга қулайлик туғдириш учун қисман айлантириш бажарилади.

Рангли  $RGB$  (лм) учбурчаги ёрдамида амалда ҳисоб бажаришда юзага келадиган ундан ташқари камчиликларни яна бир бор эслатамиз:

- кўп реал ранглар учун асосий колориметрик (2.22) тенглама бир коэффициенти мусбат қийматга эга;
- тенг энергияли оқ  $E$  ранг учбурчак мувазанат марказидан  $RG$  чизик тарафига сурйилган;
- уч асосий рангдан ташкил топган рангнинг ёруғлик оқимини (равшанлигини) аниқлаш учун, уч  $r'$ ,  $g'$  ва  $b'$  оқимларнинг қийматини ҳаммасини билиш керак.

1931 йили Халқаро Ёруғлик комиссия (ХЁК), юқорида келтирилган камчиликлардан холи бўлган янги  $XYZ$  колориметрик тизимни қабул қилди (иловадаги 22-расм).

Бу учбурчакнинг чўққиларида тахминий (нореал)  $XYZ$  ранглар жойлашган, уларни коэффициентларини тегишли қийматларда қўшиш орқали хоҳлаган тўйинганликда бўлган реал рангларни олиш мумкин.

Бинафша ранглар чизиги билан чегараланган ҳамма реал рангларни ўз ичига олувчи ҳудуд  $XYZ$  учбурчаги ичida жойлашган. Бу демакки, асосий колориметрик тенглама

$$F = x'X + y'Y + z'Z \quad (2.30)$$

уни ташкил қилувчилари  $x'X$ ,  $y'Y$ ,  $z'Z$ , ҳамма реал ранглар учун фақат манфий қийматни ташкил қиласди.

Бу  $X$ ,  $Y$ ,  $Z$  тизимда асосий ранг нукталари ҳудуди ва бинафша ранг чизикларидан ташқарида жойлашган. Демак, у

нүкталарда түйинганлик  $100\%$  дан юқори, бу эса физик маънони англатмайди. Демак,  $X$ ,  $Y$ ,  $Z$  ҳақиқий бўлмаган ранглар. Шу билан бир қаторда, уларни амалга ошириб бўлмаслиги колориметрик ҳисоблашлар бажаришни чекламайди.

Иловадаги 22-расмда келтирилган колориметрик  $RGB$  ( $\lambda_R = 700 \text{ нм}$ ,  $\lambda_G = 546,1 \text{ нм}$  ва  $\lambda_B = 435,8 \text{ нм}$ ) ранг учбурчаги  $X Y Z$  учбурчаги ичида жойлаштирилган. Агар  $R$ ,  $G$  ва  $B$  ёруғлик оқим бирлигига олинса, у ҳолда  $XYZ$  ва  $RGB$  бирлиги орасида боғланиш қуйидагича бўлади:

$$\begin{aligned} X &= 0,4184R - 0,4185G + 0,0001B; \\ Y &= -0,1587R + 1,1589G - 0,0002B; \\ Z &= -0,0828R + 0,0721G + 0,0107B. \end{aligned} \quad (2.31)$$

(2.31) тенгламага  $R = G = B = 1 \text{ лм}$  қиймати қўйилиб, қуйидаги натижа олинади:

$$\begin{aligned} X &= 0,4184x1 - 0,4185x1 + 0,0001x1 = 0; \\ Y &= -0,1587x1 + 1,1589x1 - 0,0002x1 = 1 \text{ лм}; \\ Z &= -0,0828x1 + 0,0721x1 + 0,0107x1 = 0. \end{aligned}$$

Ушбу тенгликлардан кўринадики,  $X$  ва  $Z$  бирлигига ёруғлик оқими нолга тенг,  $Y$  да эса 1 лм га тенг. Шундай қилиб, (2.30) тенгламада факат  $Y$  тўлиқ ёруғлик оқими қийматини аниқлайди.

(2.25) тенглама каби  $F$  ранг оқимини аниқловчи  $X$   $Z$   $Y$  тизим уч ранг коэффициентлари қуйидагича аниқланади:

$$\begin{aligned} x &= x'/(x'+y'+z') = x'/m; \\ y &= y'/(x'+y'+z') = y'/m; \\ z &= z'/(x'+y'+z') = z'/m. \end{aligned} \quad (2.32)$$

Бу ерда,  $m = x'+y'+z'$  - ранг модули.

(2.32) тенгламадан  $x + y + z = 1$  лигини кўриш мумкин. Демак, ранглиликни аниқлаш учун факат икки коэффициент  $x$  ва  $y$  ни аниқлаш кифоя, учинчиси  $z$  олдинги икки қийматнинг йиғиндисидан келиб чиқади. Шунингдек,  $XYZ$  тизимда тенг энергияли  $E$  оқ ранг координаталари  $x_E = y_E = z_E = 1/3$  га тенг (яъни учбурчак марказида жойлашади).

$XYZ$  чизмасида ҳисоблашни намойиш қилиш учун  $F$  оқимнинг кўрсаткичларини аниқлаймиз (иловадаги 22-расм). Уч ранг коэффициентлари

$$x = 0,425; \quad y = 0,425; \quad z = 1 - (x+y) = 0,125.$$

Халқаро ёруғлук комиссияси белгилаган ранглар тизимини чишида асосий ранглар масштаби ва уни координата ўқлари шундай танланганки тенг энергияли оқ Е вектори ранглар диаграммасини  $x_E = y_E = z_E = 1/3$  нүктасидан кесиб ўтади.

XYZ (ХОҮ) ранглар учбурчагини асосий хусусиятлари күйидагилар:

– икки рангни қўшилмаси икки тегишли (масалан, R ва G) рангларни туташтирувчи тўғри чизикда нүкта билан белгиланади;

– уч ранг қўшилмаси чўққилари (масалан, R, G, B) аралаштирилаётган рангларда бўлган учбурчак ичиди ётади;

– қўшимча ранглар (улар қўшилишидан оқ ранг олиш мумкин бўлган ранглар) оқ рангни кесиб ўтувчи чизикдаги (масалан, V ва A) нүкта билан белгиланади.

Ранглар диаграммаси юзасида оқ ранг күйидаги координаталарга эга: тенг энергияли нурланиш орқали юзага келган оқ (E), юқорида зикр қилингандек XYZ учбурчагининг муваузанат марказида ётади ва уни ранги  $x = y = 1/3$  координаталар орқали аниқланади; А турдаги манба учун ( $2854^\circ$  К ҳароратли вольфрам сим)  $x = 0,448$ ;  $y = 0,407$ ; В турдаги манба учун (булутли кундаги табиий ёритилганлик)  $x = 0,348$ ,  $y = 0,352$ ; С турдаги манба учун (куёшли кундаги табиий ёритилганлик)  $x = 0,310$ ,  $y = 0,316$ .

XYZ ранглар тизимида равшанлик қандай ифодаланади? RGB тизимида маълум равшанлик коэффициентлари орқали, RGB ва XYZ боғловчи (2.31) тенглама ёрдамида XYZ тизимининг равшанлик коэффициентлари аниқланади. Бунда, юқорида зикр қилинганга биноан равшанлик Y ўқи орқали аниқланади, яъни:

$$L_Y = L_R + L_G + L_B = 1 + 4,5907 + 0,0601 = 5,6508. \quad (2.33)$$

га тенг бўлди.

Олинган натижага биноан XYZ тизимида хоҳланган рангни равшанлигини аниқлаш мумкин бўлади. Ҳар бирн рангни (2.30) кўринишда ёзиш мумкин. Айрим ҳолда бирламчи ранг учун равшанлик уч ранг коэффициенти у орқали аниқланади. Чунки  $Y = my$ , бу ерда  $m = X + Y + Z$ , унда  $L_f = my$ , натижада  $m = L_f/y$ . (2.30) тенгламани бошқа ҳадларини  $m$  орқали аниқлаб куйидаги

тенгликтарни оламиз:

$$\begin{aligned} X &= mx = (L_f/y)x = (x/y)L_f; \\ Z &= mz = (L_f/y)z = (z/y)L_f \end{aligned} \quad (2.32)$$

Натижада (2.30) тенгламани қуйидаги шаклга келтириш мүмкін:

$$F = (x/y)L_f X + L_f Y + (z/y)L_f Z; \quad (2.33)$$

ёки энергетик нормалаштирилган күрнишда

$$\frac{F}{P_\lambda} = \bar{F} = \bar{x}X + \bar{y}Y + \bar{z}Z; \quad (2.34)$$

бу ерда,  $\bar{x}, \bar{y}, \bar{z}$  -  $XYZ$  тизимни нисбий координаталари бўлиб, у  $XYZ$  рангларни қайси нисбатда аралаштирилганда берилган  $\lambda$  тўлқин узунлигидаги монохроматик нурланиш қувватига тенг рангни тиклаш тушунилади.

Уч ранг коэффициентлари  $x, y, z$  ва стандарт кўриш эгри чизиги (иловадаги 5-расм) орқали, (2.33) тенглама ёрдамида  $\bar{x}, \bar{y}, \bar{z}$  солиштирма координаталарни ҳисоблаб чиқиши мүмкін (23-расм). Бу эгричизиклар  $XYZ$  рангларни қандай нисбатда қўшилганда у ёки бу тўлқин узунлигига бирламчи қувватли нурланиш олишни кўрсатади.

Икки координата, сўзсиз ранглиликни аниқлайди. Лекин кўп ҳолларда,  $x$  ва  $y$  координаталари ўрнига икки яққол намойиш этувчи *ранг туси* ва *тўйинганлиги* тўғрисида маълумот олиш маъқулдир. Ранг тусини аниқлаш  $EF$  чизигини ҳудуд чизиғи билан кесишган нуқтада аниқланади.  $F$  нуқта учун  $\lambda_F 580 \text{ нм}$ .

Тўйинганлик  $XYZ$  координаталари орқали қуйидагича аниқланади:

$$p = \frac{y_\lambda - y_E}{y_F - y_\lambda} \cdot 100\% \quad (2.33)$$

Бу ифода таркибига кирувчи қийматлар қуйидагиларни билдиради:

$y_\lambda$  – ранг тусини аниқловчи ҳудуддаги нуқта координатаси;

$y_F$  – аниқлананаётган ёруглик оқими  $F$  координатаси;

$y_E = 1/3$  оқ ранг  $E$  координатаси;

(2.32) - тенгламадаги у координатани  $x$  ёки  $z$  координата билан алмаштириш мүмкін).

(2.33) ифодага асосан ҳисоблаш күйидаги натижани беради:

$$P = \frac{0,475}{0,425} \frac{0,425 - 0,333}{0,475 - 0,333} 100\% = 8,6\%$$

(2.33) ифодага биноан  $E$  оқ ранг түйинганлиги нолга тең, спектрал (монохром) ранг түйинганлиги **100%** га тең. Ҳақиқатда, оқ ранг нүктасида

$$y_F = y_E = \frac{1}{3}; P_E = \frac{y_\lambda}{y_E} \frac{y_E - y_E}{y_\lambda - y_E} 100\% = 0$$

Спектрал ранг учун  $y_\lambda = y_F$  ва  $P\lambda = 100\%$

*Ранглилік ранглар фарқни англатувчи үлчовчи* бўлиб ранглар диаграммаси юзасида белгиланган икки нүкта орасидаги масофа орқали аниқланади. Ўтказилған психофизик тажрибалар шуни кўрсатадики, XYZ ёки RGB тизим ранглар диаграммасининг турли худудларида бир хил рангни пайқаш сезигига ҳар хил масофа тўғри келади. Лекин координаталарни алмаштириш натижасида шундай ранглар диаграммасини тузиш мумкинки, унда икки ранглилікни бир хил нүкта оралиғи бир хил рангни пайқаш сезгисига тўғри келади. Бундай ранглар диаграммаси *тенгконтрастлик* деб аталади. Бундай ранглар диаграммасини тузиш учун ранг фарқлаш бўсағасини аниқлаш керак, яъни танланган кузатиш шароитида фарқ қилиш чегарасида ётган рангларни минимал фарқини аниқлаш керак. Ранглар диаграммаси ичидаги хоҳланган нүкта атрофида тажриба асосида шундай худуд ажратиш мумкинки, бу чегарада текширувчи рангни ўзгарганини сезмайди. Ўлчанган натижага статистик ишлов бериш орқали эллипслар чизиш мумкин, улар статистик маънода бир хил ранглилік қабул қилинувчи геометрик жойни ифодалайди. Эллипсларни ярим ўқларини таққослаш ранглилік тенглиги ўрта квадрат хатосини ифодалайди. Шу қиймат ранг фарқланувчи поғона ҳисобланади. 23а-расмда алоҳида нүқталар учун ранг фарқлашувчи поғоналар келтирилган (яққолроқ тасвирилаш ниятида уларни 10 баробар катталаштирилган). Кўриниб турибдики, ранглар диаграммасининг турли жойларида ранг фарқланиши ҳар хил. Ранг фарқлаш поғонаси орқали кўз ёрдамида ажратиладиган ранглилік сонини аниқлаш қийин эмас.

Агар ранглар диаграммаси тенг контрастлилик бўлганда рагни фарқланувчи худудлар айлана кўринишида бўлар эди. Бундай диаграммани олиш учун UVW ранглар фазосини тузиш орқали бажариш мумкин. UVW координаталарини XYZ координаталари билан боғлиқлиги қуидаги матрица ёрдамида аникланади

$$\begin{bmatrix} U \\ V \\ W \end{bmatrix} = \begin{bmatrix} \frac{2}{3} & 0 & 0 \\ 1 & 0 & 0 \\ -\frac{1}{2} & \frac{3}{2} & \frac{1}{2} \end{bmatrix} \begin{bmatrix} X \\ Y \\ Z \end{bmatrix} \quad (2.34)$$


Бу тизимни ранглилик координаталари  $u$ ,  $v$   $x$ ,  $y$  координаталар билан қуидагича боғланган

$$u = 4x / (12y - 2x + 3), \quad v = 6y / (12y - 2x + 3) \quad (2.35)$$


*ион* ранглилик диаграммаси 23б-расмда келтирилган. Бу ерда бир хил масофа учун тахминан бир хил кузатиладиган ранг фарқи тўғри келади. Шундай қилиб, *ион* ранглилик диаграммасида ранг фарқи қуидаги тенглама орқали аникланади:

$$\Delta E_{\alpha\beta} = [(\Delta u)^2 + (\Delta v)^2]^{1/2} \quad (2.36)$$

бу ерда,  $\Delta u$ ,  $\Delta v$  – қаралаётган ранглар тегишли ўқларидаги  $\alpha$ ,  $\beta$ , нуқталар оралиғи масофаси.



а)




б)

23-расм. XYZ тизимида рангларни фарқланувчи погоналари (а) ва тенг контраст ранглар диаграммаси (б).


**Стандарт оқ ранг манбалари.** Телевидениеда рангларни түғри тикланишига оқ ранг манбасининг танланиши муҳим роль ўйнайди. Юқорида юритилган мулоҳазаларда, биз тенг энергияли оқ ранг  $E$  ни кўзда тутган эдик. Бундай манбада спектр бўйича энергиянинг тақсимланиши бир текис зичликка эга (24-расм). Бундай спектр тақсимланиши кўпчилик фикр юритиши ва ҳисобларда жуда қулай, аммо унинг жиддий камчилиги бор: у реал эмас, табиатда учрайдиган ҳар қандай ёруғлик манбай энергиянинг бундай спектр бўйича тақсимланишига эга эмас. Рангли телевидение техникасида тенг энергияли  $E$  манбадан ташқари, юқорида зикр қилинганга биноан,  $A$ ,  $B$ ,  $C$  ва  $D$  ҳарфлар билан белгиланувчи бошқа манбалар мавжуд. У манбаларни нурланиши *ранг ҳарорати* орқали аниқланади. Ранг ҳарорати  $T_p$  билан белгиланади ва ўлчов бирлиги Кельвин ҳароратидир. Ранг ҳарорати *тушунчасини тушунтириш* учун абстракт *тушунчага* мурожаат қиласиз: абсолют қора жисм (физика курси), шундай хусусиятга эгаки, унга тушаётган нурли энергиянинг мутлақ ҳаммаси ютилади.

Абсолют қора жисм нурланиши фақат ҳароратига боғлиқ ва кўриш спектр чегарасида, унинг ранги ҳарорати билан аниқланади ва *ранг ҳарорати* деб аталади. Ҳароратни кўтарилиши жараёнида ушбу нурланишнинг максимал қийматига тўғри келувчи  $\lambda_{max}$  нурланишнинг тўлқин узунлиги камая боради:

$$\lambda_{max} = 2,896 \cdot 10^6 / T_p \text{ нм}$$



24-расм. Ҳар хил оқ ранг манбалари нурланишини нисбий зичлик чизмаси.



25-расм. Ҳар хил оқ манбаларнинг ранглилиги.

Реал оқ ранг манбаларини абсолют қора жисм ранглар ҳарорати билан солишириш кулайдыр. 1-жадвалда шундай манбалар күрсаткичлари келтирилган. Манбаларнинг  $x$  ва  $y$  координаталари (уч ранг коэффициентлари)дан фойдаланиб, ранг чизмасида ҳар хил оқ ранг манбалар ранглигининг эгри чизигини келтириш мумкин (25-расм). Рангли ҳароратнинг кўтарилиши мобайнида манбанинг ранг туси қизилдан яшилга, сўнг кўкка ўзгаради, уларнинг тўйинганлиги эса камаяди, натижада, бу манбалар оқ рангга яқинлашади.

24-расмда кўрилаётган манбалар нурланишининг нисбий зичлиги келтирилган. Ундан кўринадики, **A** манбада қизилатлас ранг кўпроқ. **B** манбанинг кўрсаткичлари **E** тенг энергияли манбага яқинлашади. **C** манбанинг кўрсаткичида нурланишининг нисбий зичлиги кўк тарафда кўтарилиши кузатилади.

**2.1-жадвалда A,B,C** манбалар табиий манбаларга яқинлиги келтирилган.

### *Оқ ранг манбалари асосий кўрсаткичлари*


#### *2.1-жадвал*

| Манба тури | Ранг ҳарорати, К° | Табиат ёруғлик манбаига ўхшашлиги     | Ранг туси, λ, нм | Тўйинганлик p, % | Ранглилик координатаси |        |
|------------|-------------------|---------------------------------------|------------------|------------------|------------------------|--------|
|            |                   |                                       |                  |                  | x                      | y      |
| A          | 2848              | Вольфрамл и чўғланувчи лампа          | 583              | 65               | 0,4476                 | 0,4074 |
| B          | 4800              | Куннинг биринчи ярмидаги шимол осмони | 574              | 15               | 0,3484                 | 0,3516 |
| C          | 6500              | Мовий осмонда, кўёшли кун             | 482              | 5                | 0,3100                 | 0,3516 |


### 3. ИНСОННИНГ КҮЗ ОРҚАЛИ КҮРИШ МЕХАНИЗМИ

#### 3.1. КҮЗНИНГ ТУЗИЛИШИ

Одам күзининг шакли шар шаклига яқин. Ўнг күзни горизонтал қирқма чизмаси 26-расмда тасвириланган. Сиртқи томонидан у оқ тусли ҳимоя қобиги билан қопланган, бу қобиқ *склерада* деб аталади. Склеранинг олдинги тарафи шаффофф бўлиб, ёруғлик нурининг ўтиши учун тўсқинлик қилмайди ва у *шох (муғуз) парда* деб аталади. Күзнинг ички тузилиши юзасига қараганда, анча содда бўлиб, *гавҳар аталмиш* иккита сферик сирт билан чегараланган шаффофф жисм билан икки бўлимга ажралган. Гавҳарнинг олдинги томонини *камалак парда* тўсиб туради. Күзнинг олдинги бўлими *сувсимон* – *суюқлик* билан тўлдирилган.



26-расм. Ўнг кўз горизонтал қирқма кўриниши.



27-расм. Күз түри ва  
нейронлар тузилиши.


Камалак пардада шаффофф худуд – *күз қорачық* мавжуд. Күзга тушаётган ёруғлик миқдорига қараб, қорачықнинг диаметри тахминан 2 дан 8 мм гача рефлектив тарзда ўзгаради. Гавҳар *цилар* мускул орқали склеранинг ички юзасига бириклирилган. Цилар мускул гавҳар шаклини маълум бир чегарада ўзгартирига олади. Орқа бўлим ҳам *шишиасимон модда* билан тўлдирилган. Орқа бўлимдаги склеранинг ички юзаси *тўр парда* билан қопланган. Тўр парда *марказий чуқурлик* (*сариқ доз*) бўлиб, у *бош оптик ўқи* кесиб ўтган жойдан юқорироқ жойлашган. Марказий чуқурликка *қўриши ўқи* тўғри келади. Тўр парданинг бош оптик ўқи ўтган жойидан пастрокда *кўр доз* аталмиш худуд бўлиб, бу ерда тур парда билан боғланган кўриш нервлари склерадан ташқарига чиқазилган ва улар мия билан боғланган. Тўр парда тармоқланган кўриш нервларидан иборат бўлиб, бу нервлар *таёқчалар* ва *кўзачалар* (*колбочкалар*) тарзидаги нерв учлари билан тугайди. Таёқчалар ва кўзачалар ёруғликни сезувчи рецепторлардир.

### 3.2. КҮРИШ МЕХАНИЗМИ

Күзнинг олд ва орқа бўлимлари, гавҳар билан биргаликда оптик тизимни ташкил қиласи. Күзнинг оптик тизими фокус масофасини ўзгарувчан ва "чукурлиги" (гавҳардан тўр пардагача бўлган масофа) ўзгармайдиган *йигувчи линза* деб қараш мумкин. Улар ёрдамида тўр парда юзасида кўриш майдонидаги объектлар аниқ намоён бўлади. Тасвир аниқ кўриниши гавҳар эгрилигини цилиар мускул ёрдамида ўзгартириш натижасида амалга оширилади. Кўрилаётган буюмнинг ҳақиқий, аммо тўнтарилган тасвири ҳосил бўладиган парда кўзнинг тўр парда сидир. Кўзга тушувчи ёргулик нерв учларини (таёқча ва колбачаларни) таъсирлантириши натижасида кўриш сезгиси ҳосил бўлади.

Агар кўриладиган буюм узоқда жойлашган бўлса, унинг тасвири кўзнинг тўр пардаси юзасида гавҳар мускулини ҳеч зўриқтирмасдан, аниқ кўринишда намоён бўлади. Буюм кўзга яқинлаштирилганда, гавҳар юзасини қавариқлангани ошади, кўзнинг фокус масофаси қисқаради, тасвир тўр парда юзасига фокусланади. Бунга гавҳарнинг қавариқлигини ўзгартирувчи мускулнинг рефлектив зўриқиши натижасида эришилади.

Кўзнинг кузатиладиган буюмгача бўлган масофанинг ўзгаришига бундай мослашуви кўз *аккомодацияси* деб аталади.



28-расм. Кўзнинг аниқ кўриши механизми:

- бир хил масофадан, ҳар хил ўлчамли нуқталар кузатилиши;
- ажратилиш бурчагида ҳар хил ўлчамли нуқталарнинг жойлашиши.

Бирор икки нүкта кўзга яқинлаштирилса, улар орасидаги бурчак ф (28-расм) катталашади. Улар алоҳида-алоҳида рецепторлар юзасига проекция бўлгандагина кўз уларни алоҳида-алоҳида кўра олади. Бир-бирига яқин жойлашган икки нүктани алоҳида-алоҳида кўриш учун (28-расм) улардан чиқаётган нурлар алоҳида рецепторларга тушиши ва бу рецепторларни бир - биридан ажратувчи, улар орасида яна бир рецептор мавжуд бўлиши шарт. Акс ҳолда, бу нүкталар яхлит бир нүкта бўлиб кўринади.

Соф (камчиликларсиз) кўз учун бу бурчак бир градусни ташкил қилади. Аммо буюмни яна ҳам аниқроқ кўриш мақсадида, уни кўзга жуда яқинлаштириш ҳеч қандай фойда бермайди, чунки аккомодация чегараланган - *аккомодация бајас-риладиган энг яқин масофа* мавжуд.

Кўзни аниқ кўриш чегараси кўриш тизимининг *ажратиш қобилияти* (*кўзниң ўткирлиги*) билан аниқланади. Кўз ўткирлиги икки турдан иборат: майда буюмларни юза бўйича алоҳида-алоҳида кўриш ва кўз оптик ўқига перпендикуляр юза ва буюмларни (деталларни) чукурлик бўйича алоҳида-алоҳида кўриш. Сўнгиси чукурлик ўткирлиги ёки *стереоскопик кўриши* деб аталади. Иккала ўткирлик кўз тўрининг ва унинг оптик тизимининг ажратиш қобилиятига боғлиқ. Одатда, тўрнинг ажратиш қобилияти асосий роль ўйнайди. Кўз ўткирлигини кўз оптик тизими тавсифи ва кўз тўри тузилиши орқали аниқлаш имконияти йўқ. Кўз – *динамик оптик тизимдир*. Кўриш жараёнида кўз соққасининг беихтиёр ҳаракатланиши – *тремоло* кузатилади. Бундан ташқари, кўзниң оптик ўқи тасвир контури бўйича югуриб, энг муҳим ахборотни ажратади.

Буюмдан тўр пардага тушаётган ёруғлик нури кучли бўлса қорашиб диаметри қисқаради, акс ҳолда катталашади.

Кўриш жараёни тўр парда таркибидаги моддалар ёруғлик таъсирида емирилиши натижасида юзага келган биоток (сигнал) орқали мия таъсиrlаниши натижасидир. Биоток кўз тўр пардасидаги махсус рецепторларда ҳосил бўлади. Улар *таёқча ва кўзачалар* (Taëkcha va kuzachalar). Таёқча ва кўзача 27-расмда тасвирланган. Улар склеранинг қобигига қараб жойлашган. Таёқча ва кўзачаларни мия билан боғловчи кўз нервларининг

учлари тўрнинг уст томонига тарқалган. Кўзачалар сони 120 миллиондан ортиқ. Улар ёрдамида кўз кундузи обьектларни кузатади ва рангини тиклади. Таёқчалар сони 7 миллионни ташкил қилади. Улар асосан тунги, кучсиз ёритилган обьектларни кўриш учун хизмат қилади ва ранг ажратмайди. Таёқча ва кўзачалар тўр пардада ўзига хос тартибда жойлашган. *"Сарик доғ"* аталмиш сирт 25 минг кўзачалардан ташкил топган. Кўзачаларнинг қолган қисми ундан ташқарида, таёқчалар билан аралаш жойлашган. Марказий чукурлик (сарик доғ)дан узоклашган сайин кўзачалар камайиб, таёқчалар кўпайиб боради. Кўзача ва таёқчаларни мия билан туташтирувчи кўз нервларининг сони 1 миллиондан ортмайди.

Юқорида айтганимиздек, кўзача ва таёқчаларда ёруғликни сезувчи моддалар ёруғлиқдан емирилади. Емирилиш узлуксиз давом этади. Ёруғликнинг микдорига қараб емирилиш микдори ўзгаради. Агар ёруғлик микдори чамалангандан микдордан юқори бўлса, камалаксимон парданинг ёруғлик ўtkазувчи юзаси камаяди. Яъни қорачиқнинг диаметри қисқаради. Агар бу ҳолатда ҳам ёруғлик микдори кўп бўлса, склеранинг тўр парда жойлашган қисмида суюқлик ажралиб чиқади ва кўзачаларни кўма бошлайди. Чиқарилаётган суюқлик рецепторларга (таёқча ва кўзачалар) тушаётган ёруғлик микдори бир меъёрга келгунча давом этади. Мосланиш жараёни бир дақиқада тутамайди.

Маълумки, коронғудан ёруғликка чиқилганда кўз тинади. Кўзга тушаётган ёруғлик ўта катта бўлса, кўз тинишидан ташқари оғриқ сезилади. Бу ҳолат узоқ давом этмайди, кўриш хусусияти яна тикланади. Ёруғликка мослашиш 3–5 минут давом этади. Аксинча, ёруғлиқдан қоронғу хонага кирганда кўзни кўриш қобилияти бутунлай йўқолади. Бироз вақт ўтгандан сўнг кўриш тикланади, ён атрофнинг гира-шира ёришгани сезилади, яна бироз вақт ўтиши билан аввал тимқоронғи кўринган хона етарлича ёруғ эканлигининг гувоҳи бўламиз. Қоронғуликка мослашиш 30–50 минут давом этади. Кўзнинг бундай ёруғлик ва қоронғуга мослашуви *кўз адаптацияси* деб аталади.

Кўз ташки мухитдан олган маълумотни мияга узатади, бу жараён ҳам бироз вақт талаб қилади. Узлуксиз, обьектдан


олинаётган маълумот, маълум улушларда мияга узатилади. Инсон мияда тикланаётган тасвири узлуксиз гавдалантиради. Кўз тахминан секунднинг ўндан бир қисми давомида маълумотни йигади. Бу *кўз сустлиги* (*кўз инерцияси*) деб аталади. 29-расмда маълум вақт оралиғида, маълум микдорда кўзга таъсир қилган ёруғлик импульсига кўзнинг реакцияси келтирилган.

Кўзга таъсир қилган ёруғлик импульси  $B_m$  унга нисбатан мияда уйғотиладиган сезги  $S$  бир онда юзага келмайди, у экспонент конунига биноан ўсади:

$$S_1 = S_m \left(1 - e^{-\frac{t}{\tau_2}}\right) \quad (3.1)$$

Таъсир тугагандан сўнг сезги бироз давом этади, у яна экспоненциал қонун бўйича пасаяди

$$S_1 = S_m \left(e^{-\frac{t}{\tau_2}}\right) \quad (3.2)$$



**29-расм. Тикорий нурланувчи манбани равшанлиги  $B_k(t)/B_{kmax}$  ни кўз орқали сезиш; бу ерда  $B_k(t)/B_{kmax}$  – таъсир тугаганидан сўнг кўринувчи равшанликни  $t$  вақт бўйича қиймати;  $B_0/B_{max}$  – вақт доимийлигига таъсир қилувчи равшанлик  $\tau \sim 0,1 \dots 0,15$  с – кўзни сускашилигини кўрсатувчи. Равшанлик қиймати е баробар камайганда  $t_1 = t$  га тенг олинади. Вақт доимийлиги  $\tau$  равшанлик функциясидир ва уни кўпайиши билан камаяди.**

Иzlанишлар натижасида шу маълум бўлдики, кўзга таъсирнинг доимий вақти  $\tau_o = t_o B$ , таъсир тугагандан сўнгти

сезгининг доимий вақти  $\tau = (t_1 B = (T-to)B)$  га қаралада жуда кичкина ( $t_o \ll \tau$ ), яъни таъсир тугагандан сўнг сезгининг пасайиши ёруғлик таъсир вақтидаги сезги вақт доимийси ўртача  $\tau \approx 0,1 - 0,15$  с ни ташкил қиласи. Таъсир такрорланувчи бўлганда ва такрорланиш бир секундга ўн мартадан кам бўлса, кўз бу таъсирларни алоҳида, ажрим ҳолда сезади ва ҳар бири алоҳида намоён бўлади. Бу кўзнинг *вақт бўйича ажратиш қобилияти* деб аталади.

Агар такрорланиш секундига ўндан ортиқ бўлса, бундай таъсирни кўз узлуксиз, бетакрор намоён қиласи. Такрорланиш секундига 48 дан кам, 10 дан кўп бўлса, кўзга таъсир узлуксиз бўлиш билан бир қаторда ёруғликнинг милтиллаши кузатилади.

Такрорланиш секундига 48–100 атрофида бўлганда милтиллаш йўқолади. Милтиллаш йўқолиш частотаси (яъни секундга такрорланадиган ёруғлик импульслари сони) *милтиллашининг кескин частотаси* деб аталади ва тақрибий тенглама орқали ифодаланади:

$$F_{kc} = a_o \lg B + b_o \quad (3.3)$$

Бунда,  $a_o = 9,6$ ;  $b_o = 26,8$  – тажриба йўли билан аниқланадиган миқдор (коэффициент);  $B$ -кўзга таъсир қилувчи ёруғлик импульсни ўртача равшанлиги.

Такрорланиш частотаси 100 Гц дан катта бўлганда ёруғлик таъсири кескин пасаяди. Такрорланувчи ёруғлик манбасининг нисбий равшанлиги:

$$\frac{B_k(t)}{B_{kmax}} \quad (3.4)$$


Милтиллашнинг кескин частотаси асосан манбанинг равшанлик миқдорига ва рангига боғлиқ. Сариқ-яшил рангларда милтиллаш кучли сезилади, чунки бу рангларга кўзнинг сезгирлиги юқори.

Такрорланиш частотаси милтиллаш кескин частотасига тенг ёки ундан катта бўлса, такрорланувчи ёруғлик манбасидан  $B(t)$  кузатилаётган обьект ёруғлигининг қиймати  $B_{ke}$ ,  $T$  давр ичida қуйидаги ифода орқали аниқланиши мумкин:

$$B_{ke} = \frac{1}{T} \int_0^T B(t) dt \quad (3.5)$$

Бу ифода **Тальбот қонуни** деб аталади.

Кўзнинг ажратиш қобилияти чегараланган. Кўзнинг кўриш чегарасини кенгайтириш учун кўз ойнак, катта қилиб кўрсатувчи линза, микроскоп ва телескоплар яратилган. Кўзни зўриктирмай буюмнинг кичик қисмларини аниқ кўриш мумкин бўлган масофа энг яхши кўриш масофаси деб аталади. Соғ кўз учун энг яхши кўриш масофаси 25 см га тенг деб ҳисобланади.



**30-расм. Равшанлик, тиниқлик остонасини, фон равшанлиги ва масвир деталларининг ўлчами( $r_1, r_2$ ) га боғлиқлиги.**

Кўз ёруғликнинг абсолют қийматини аниқлашга ожиздир. Бунга сабаб, биринчидан кўзга тушаётган ёруғлик билан, сезги ўртасида тўғри пропорционаллик йўқ, яъни сезги психофизик сезишга биноан амалга ошади. **Иккинчидан**, кўриш жараёни нисбийлик асосий заминдир. Учинчидан, кўриш жараёни ёруғлик оламида жорий бўлади, яъни мослашиш мавжуд. Агар объектнинг равшанлиги  $0,1 \text{ кд}/\text{м}^2$  дан кам бўлса, у ҳолда кўз объектни муҳитдан ажратса олмайди. Агар объектнинг равшанлиги  $10^7 \text{ кд}/\text{м}^2$  дан юқори бўлса, кўз кўриш қобилиятини йўқотади ва кўзда оғриқ сезилади. Демак, кўз  $10^8$  равшанлик диапазони кенглигига кўришга қодир.

Кўз бу равшанлик кенглигини яхлит қабул қила олмайди. У равшанлик кенглигини алоҳида диапазонларга бўлиб мослашади ва кўриш ижро бўлади. Ёритилмаган муҳитда бирор жисми кўриш учун аввал кўз шу муҳитга мослашади ва сўнг кўради. Кўз сеза оладиган ёруғлик манбайнинг минимал

қиймати күзнинг *абсолют ёруғликни сезиш бўсағаси* деб аталади. Кўзнинг минимал ёруғликни сезиш бўсағаси 2...4 фотонга тенг. Аниқланишича, кўз билан ёруғлик манбаи ўртасида абсолют кўриниш мавжуд бўлган ҳолда, кўз 200 км масофадаги шамнинг ёруғини сезишга қодир экан.

Амалда асосан ёритилган муҳитдаги объектлар кузатилади. Бу ҳолда объектнинг ёруғлик қийматидан муҳитнинг ёруғлик қийматини айриш натижасига биноан объектнинг кўриш жараёни кечади. Бу ерда кўз ёруғлик сезгирилигининг айрма бўсағаси юзага келади, яъни  $\Delta B_{\min} = B_o - B_m$  (бу ерда  $B_o$  – объектнинг равшанлиги;  $B_m$  – муҳитнинг равшанлиги).

$\Delta B$  нинг қиймати доимий микдорга эга бўлмасдан, муҳитнинг ёруғлик қиймати билан боғлиқ. Амалда  $(\Delta B/B_m)_{\min} = \text{const}$  доимийлиги аниқланган ва у Вебер - Фехнер номи билан боғлиқ. Лекин бу бўсаға равшанликнинг чекланган доирасида кучга эга,  $(\Delta B/B_m)\chi = \delta$  тенг, у *дифференциал ёки нисбий бўсаға* деб аталади. Амалда учрайдиган ёруғлик кенглигida Вебер-Фехнер қонунига бўйсунади  $\delta = 0,02 - 0,05$ га тенг қилиб олинади. Демак, кўз аниқ нисбий ёруғликда ( $K = B_{\max}/B_{\min}$ ) аниқ ёруғлик поғоналар сонини  $m$  кўриши мумкин (яъни равшанлик нимрангларини ажратиши мумкин). Улар қуйидагича аниқланади:

Биринчи равшанлик поғонаси:

$$B_1 = B_{\min} + \delta B_{\min} = (1 + \delta) B_{\min}$$

Иккинчи равшанлик поғонаси

$$B_2 = B_1 + \delta B_1 = (1 + \delta) B_1 = (1 + \delta)^2 B_{\min}$$

Агар поғоналарни аниқлаш шу каби давом эттирилса, охирги поғона қуйидагича ифодаланади:

$$B_n = B_{\min} = (1 + \delta)^n B_{\min}$$

Бу ифодадан умумий поғоналар сонини аниқлаш мумкин, яъни:

$$m = (\ln(B_{\max}/B_{\min})) / (\ln(1 + \delta))$$

Агар  $\ln(1 + \delta)$ ни қаторгà ёйиб биринчи қийматлари олинса,  $\delta$  ўта кичкина бўлганлиги сабабли, уни  $\ln(1 + \delta) \approx \delta$  га тенг деб олинса бўлади, у ҳолда:

$$m = (\ln K) / \delta = (2,3 / \delta) \lg K \quad (3.6)$$

Амалда күз орқали 1000 нисбий ёруғлик доирасида тахминан 300 дан ортиқ ёруғлик поғоналарини кузатиш мумкин, ўткир күз 660 ёруғлик поғонасини ажрата олади.

### 3.3. РАНГ ВА ҲАЖМНИ ТИКЛАШ

**Рангни тиклаш.** Кўзning энг юқори сезгирилиги спектрнинг 555 нм тўлқин узунлигига (сариқ-яшил ранг)га тўғри келади. Спектрнинг қиска тўлқин (кўк-бинафша атрофи) бир томонида, узун тўлқин (қизил атрофи) иккинчи томонида кўз тизимининг сезгирилиги пасаяди.

Атроф-муҳит кузатилганда, обьектлар фақат равшанлиги билан фарқланмасдан ранги билан ҳам ажралади. Бунда уларнинг рангларини ва шартли равшанлигини – ёруғлик жадаллигини солишириш мумкин. Масалан, энергия жиҳатдан бир хил нурланувчи иккита майдон (сариқ ва кўк) равшанлиги икки хил майдонлар қўринишида қабул қилинади. Бир хил рангли тасвир тикланганда кузатувчи ранг бўйича солиширишдан ожиз ва шу сабабли фақат равшанлиги бўйича солиширади.

Бизнинг онгимизда аксланувчи ҳар бир субъектив кўрсаткич ёруғлик оқимининг физик кўрсаткичидир. Аммо обьектив (физик) ва субъектив (онга аксланувчи) кўрсаткичлар орасида фақат сифатий мувофиқлик мавжуд, шу сабабли, уларни тенглаштириб бўлмайди.

Уч таркибий қисм назариясига биноан бизнинг кўриш аъзомизда алоҳида қизил *R*, яшил *G* ва кўк *B* рангларга таъсиранувчи уч турли рецептор борлиги фараз қилинган (30а-расм). Шунга биноан, кўзга ёруғлик диапазонининг электромагнит тўлқинлари бир вақтда таъсири кўрсатганида оқ ранг юзага келади. Бир хил кувватга эга бўлган, лекин ҳар хил спектрал таркибли ёруғлик таъсири кўзда ҳар хил ёруғлик сезгини уйғотади.

Спектри тўла бўлмаган манба кўзга таъсири қилинганида ранг тикланади. Кўз нормал ҳолатда 130...150 тоза рангларни ажратиши мумкин. Текширишлар шуни кўрсатдики, кўзга таъсири қилаётган ёруғлик нурини кўзачалар уч таркибга бўлади

ва уларнинг миқдорига қараб, у ёки бу рангни миямиизда гавдадлантиради. Аниқланишича, бир кўзача қизил рангни, иккинчи бири яшил рангни ва учинчи бири кўк рангни спектрдан ажратиб олади.


Кўз рангларнинг тўйинганлигини бир рангнинг ичидаги, 4 дан (сарик ранг) то 25 (қизил ранг) гача сезиши мумкин. 30-расмда кўзниң асосий рангларга сезгирилигини кўрсатувчи чизма келтирилган. Чизмада ранг майдони бир хиллигини таъминловчи масштаб олинган, чунки уларнинг ҳаммаси кўзга таъсири оқ рангни ифодалайди.

**Ҳажмни қабул қилиш.** Объектларнинг ҳажми ва уларнинг фазода жойлашиши монокуляр кўриш (бир кўз билан), ҳам бинокуляр кўриш, ҳаётий тажриба ва физиологик ахборотларни ишлаш орқали тикланади.


Монокуляр кўришда ҳажм (объект ҳар хил масофада жойлашганлиги) мускулларнинг кучайиш дарражаси, кўзни ўгирилиши, гавҳарнинг қавариқи (аккомодация) ва қорачикнинг ўлчами (адаптация) бошқарилиш орқали тикланади. Бу механизмларнинг ҳаммасини стереоскопик ТВ тизимини яратиш учун ишлатиб бўлмайди, чунки у кўришнинг статик моделидир.

Бинокуляр кузатиш якка нарсаларни масофавий чукурликни кўришда ҳал қилувчи ролни ўйнайди (31-расм), чукурликни аниқловчи кўрсаткич кўзниң базиси – кўзларнинг оптик ўқлари оралиғидир. «Стандарт» кўз деб кўз базиси 65 мм олинади.

Узоқдаги нарсаларни кўришда кўзларнинг оптик ўқлари бир-бирига параллел. Буюм кузатувчига яқинлашгани сайин унга боғланган ҳолда оптик ўқлар кесишадилар (**конвергенцияга учрайди**). В бурчаги ўқларни кесишгандаги бурчаги бўлиб, у **конвергенция бурчаги** деб аталади. Бир хил узоқлашган  $M$  ва  $Q$  объектлар кузатилганда (31-расм) конвергенция бурчаги (**параллактив**) ҳар бир нарса учун турли  $\alpha_1$  ва  $\alpha_2$  қийматга эга бўлади. Параллактив бурчакларнинг айирмаси  $\Delta\alpha=\alpha_1-\alpha_2$ , бурчак **параллакси** деб аталади ва у орқали буюмлар жойлашиш чукурлигини қабул қилиш аниқланади.



**31-расм. Якка нарсаларни бинокуляр қозатыш.**



**32-расм. Күриш чуқурлигини анықлаш.**

Чуқурликни қабул қилишда минимал ажратта олиш қобилятига түғри келадиган минимал параллакс бурчаги  $\delta_q$  чуқурликнинг күриши чегараси деб аталади. Унинг ўртача қиймати  $10 \dots 20''$  га тенг. Чуқурлик (стереоскопик) күриши ўтириллиги чуқурликнинг күриш чегарасига тескари қиймат  $1/\delta_q$  билан аниқланади.

Бурчак параллаксининг мавжудлиги сабабли чап ва ўнг күз түр пардага  $MQ$  кесим проекцияси ҳар хил узунликда бўлади, яъни  $m_x q_x \neq m_y q_y$ . Күз  $M$  нуқтасига конвергенцияланган бўлса, унинг түр пардага проекцияси чап ва ўнг кўзларда марказий чуқурлиқдан қиймати ва йўналиши бўйича бир хил узоқликда жойлашмайди. Бунда  $Q$  нуқтанинг түр пардадаги проекцияси марказий чуқурлиқдан (ва  $M$  нуқта проекциясидан) чап ва ўнг кўзларда бир хил узоқликда бўлади,  $q_x$  ва  $q_y$  нуқталар ва улар номувофиқ ёки *диспаритет* деб аталади. Кесмалар узунлиги айирмаси  $m_y q_y - m_x q_x$  чизиқли параллакс деб аталади ва чуқурлик қабул қилиш механизмини аниқлайди.

Кўриш тизими орқали ҳажмни қабул қилиш хусусиятининг қисқача таҳлили шуни кўрсатадики, стереоскопик ТВ тизимни амалга ошириш учун икки ТВ камера бир-биридан камидаги

мм кенглиқда (базисда) ўрнатилиб, чап ва ўнг күз учун икки тасвир узатилиши керак.

Күз доимий ҳаракатда. Диққат бирор жойга қаратылғанда ҳам ҳаракат давом этади. Күзнинг бир неча хил ҳаракати мавжуд: 1) осуда тебранишни кичик ҳаракат *тремоло* деб аталади. Унинг тебраниш тезлиги *500...20 Гц* атрофида; 2) сакрашсимон ҳаракат *саккади* деб аталади. Бу ҳаракат узунлиги бир неча бурчак минутта teng ва секундда *1...2* марта тақрорланади. Тезлиги секундига юз градус атрофида; 3) сакрашлар ўртасида секин-аста асосий йўлдан оғиш, *дрейф* деб аталади. Дрейф тезлиги секунднинг *5...6* улушининг биридан то 30 улушнинг биригача ўзгариши мумкин.

## **4. ВИДЕОСИГНАЛ ШАКЛИ ВА СПЕКТРИ**

Тасвирни сигналга ва сигнални тасвирга айлантириш ёйиш жараёни орқали бажарилади, Телевидениеда ёйиш асосан сатр-ма-сатр ва сатр ташлаб амалга оширилади.

### **4.1. САТРМА-САТР (ПРОГРЕССИВ) ЁЙИШ ПРИНЦИПИ**

*Тасвирни ёйиш* деб, тасвирни таҳлил ва синтез қилиш жараёнида ёювчи элементни аниқ бир даврий қонунга биноан ҳаракатлантириш тушунилади. Оптик тасвир, аввало, электрон нурли узатувчи трубка ёки қаттиқ жисмли матрица кўринишидаги узатувчи фотоэлектр айлантиргичлар орқали электр сигналига, уларнинг оний қийматлари узатилаётган тасвир қисмининг равшанигига мутаносиб *видеосигналга* айлантирилади. Электр сигнални ТВ қабул қилгичида кинескоп ёки ясси ёритувчи элементлар матрицасидан ташкил топган электрон-оптик айлантиргич орқали қайта оптик тасвирга айлантиради.

Телевидение тизими бир кадр даврида тасвирни алоҳида элементларга (бўлакларга) бўлади ва яна қайта улардан тасвирни тиклайди. Бу бўлаклар тизим амалда ажратса оладиган энг кичик (минимал) элемент билан аниқланади. Тасвир элементлари равшанлигини вақт бўйича кетма-кет электр сигналига – тасвирни анализ қилиш ва электр сигналини тасвирнинг алоҳида элементининг равшанигига (рангига) – тасвирни синтез қилиш, айлантириш жараёни бажарилади.

Ёйиш механизми электрон нур (электрон ёйиш), кичик тешик –апертура (механик ёйиш), ёруғлик нури (югирувчи нур), сурувчи потенциал (қаттиқ жисм) ёрдамида амалга оширилади.

Ёйишни ҳар хил қонунга биноан амалга ошириш мумкин. Телевидениенинг турли соҳаларида радиал, спираль, синусоидаль, чизикли-сатрлаб ва бошқа кўринишдаги ёйиш қўлланилади.

Ёйиш қонуни узатиши қабул қилиш томонларыда бир хил бўлиши қабул қилинади, акс ҳолда тасвирни тиклаш мураккаблашади. Тасвирда коррдинаталар бузилиши юзага келади, синхронлаш қийинлашади ва ш.к.



Ёйиш жараёни узатиши қабул қилиш тарафларда синхрон (частоталар tengligi) ва синфаз (фазаларнинг tўgri келиши) бўлиши шарт. Бу шартни бажарилмаслик тасвирни бузилиб тикланишига ёки умуман тикланмаслигига сабаб бўлади.

Синхронлик бажарилмаслиги, яъни сатр ёки (ва) кадр ёйиш частотасини қабул қилувчи курилмада узатувчи курилмадагига тенг тақоррламаслиги телевизор ёки монитор экранидаги тасвирни тўхтосиз қайтарилишига олиб келади. Частотаси тенг бўлиб, фазаси ҳар хил бўлса, яъни ёйишнинг бошланиш вақтлари тўғри келмаса, тасвир горизонтал ёки вертикал бўйича сурилади, икки қисмга «ажралиши» мумкин. Натижада, тасвирда сўндирувчи оралиқ кўрина бошлайди. Замонавий ТВ кўрсатишда энг оддий чизиқли-сатр бўйича тақоррланувчи ёйиш тизимидан фойдаланилади, доимий тезликда тасвир чапдан ўнгга тасвир сатри чизиб (сатр ёйилиши—*tўgri йўналиши*) ва бир вақтда тепадан пастга кадр бўйича (кадр ёйилиши—*tўgri йўналиши*) ёйилади (32а-расм). Ёювчи элементни ўнгдан чапга ва пастдан юқорига тез қайтариш ёйишни *орқага қайтиши* вақтида бажарилади, тўғри ва орқага қайтиш вақти *йигиндиси ёйишнинг даврини* ташкил қилади. Сатр бўйича ёйиш даври кадрникига қараганда кичик.

Электрон трубка экранни юзасига тик тушаётган электрон ёки ёргулик нури юугириши натижасида ҳосил бўлган из *ТВ растр* деб аталади. Агар сатр ва кадр частоталари синхронловчи импульслар билан синхронланса растрда координаталар бир хил тикланади (32б-расм). Қабул қилувчига узатиши учун тасвир ва синхросигналлар бирлаштирилади, қабул қилувчидаги эса бу сигналлар сатҳ бўйича ажратилади. Бирлаштирилган сигнал *тўлиқ ёргулик сигнали* деб аталади.

Вертикал ёйиш даврида растр сатрларини 33-расмда кўрсатилгандек тўхтосиз кетма-кет (*1-, 2-, 3- ва ҳ.к.*) ёйиш *сатрлаб (прогрессив)* ёйиш деб аталади. Сатрлаб ёйишда сатр

( $i_z$ ) ва кадр ( $i_x$ ) оғдирувчи ток шакли 33- расмда күрсатылғандек ўзгаради.



33-расм. Чизикли-сатр бүйінча әйши


a) Чизикли-сатр бүйінча әйши қонуни; б) Тизимда әйши жараёнини ташкил қилиши.

Кадр ёйиш даври ( $T_k$ ) сатр ёйиш даври ( $T_d$ )нинг бутун сонига тенг. Тўғри йўналиш вақтида ( $T_1$ ) ток чизиқли ўсади, яъни горизонтал ва вертикал ёйиш тезлиги доимий:  $v_x = const$  ва  $v_y = const$ . Бу бир қатор бузилишлар тасвир майдонида равшанликни ва кескинликни ўзгаришини олдини олади.

Ночизик ёйиш қонунида ёювчи электрон нур растр бўйича вақт тезлиги ҳар хил бўлади, бу эса кинескоп экранидаги тиклангаётган растр ёруғлигини ўзгаришига сабаб бўлади. Бундан ташқари, ёйиш тезлиги ( $t_{\text{з}} = \text{var}$ ) ўзгариши видеосигнал спектрининг кенгайишига сабаб бўлади.

34-расмда келтирилган кадр бўйича орқага қайтиш вақти ( $T_2$ ) соддалаштирилиб, тўғри чизик шаклида келтирилган. Ҳақиқатда эса орқага қайтиш бир неча сатр вақтини ташкил қилганлиги сабабли мураккаб из қолдиради. Электрон нур кадр охиридан бошланғич ҳолатга қайтиш маҳсус шакллантирилган сўндирувчи импульс ( $C_y II$ ) орқали сўндирилади. Сўндириш вақти орқага қайтиш вақтидан катта олинади, яъни  $\tau_{C_y II} > T_2$ .

34-расмда, ёювчи ток қийматига растр чизувчи элемент ҳолати боғлаб кўрсатилган. Токнинг ноль қийматига сатрнинг ўртаси, максимал манфий ва мусбат амплитудасига растрнинг чап ва ўнг четлари тўғри келади.



34-расм. Сатрма-сатр ёйишда оғдирувчи токнинг шакли

3.1- жадвалда тасвирнинг горизонтал **H** ва вертикал **V** ёйиш кўрсаткичларининг бир қатор қийматлари келтирилган, шулар қаторида сўндирувчи импульсларни абсолют ( $\tau_{\text{сүи}}$ ) ва нисбий ( $\tau_{\text{сүи}} / T$ ) сонлари, сатр ва кадр актив қисмлари  $T_{\text{акт}}$  давомийлиги келтирилган. ТВ кўрсатиши тизимининг бу ва бошқа кўрсаткичларининг аниқ қиймати адабиётларда келтирилган.

Бу ерда фақат рангли **SECAM** ТВ тизимига тегишли сатр частотасининг ўртача нобарқарорлиги  $\Delta f_z / f_z = 10^6$  дан ошмаслиги керак, яъни  $\pm 15625 \times 10^6 \approx 0,016$  Гц. Сатр частотали импульс даврига тўғри келадиган нобарқарорлик  $\Delta T_z = T_z (\Delta f_z / f_z) = (1/15625) \times 10^6 \approx 0,06$  нс тенг.

### Ёйиш кўрсаткичлари

3.1 жадвал

| Кўрсаткичи | $f$ , Гц | $T$ , мс | $T_1$ , мс | $T_2$ , мс | $T_{\text{акт}}$ , мс | $T_{\text{сн}}$ , мс | $\tau_{\text{сн}}/T$ , мс |
|------------|----------|----------|------------|------------|-----------------------|----------------------|---------------------------|
| <b>H</b>   | 15625    | 0,064    | 0,057      | 0,007      | 0,052                 | 0,012                | $\alpha = 0,18$           |
| <b>V</b>   | 50       | 20       | 19         | 1          | 18,4                  | 1,6                  | $\beta = 0,08$            |

Бу талабни тамиллаш **SECAM** рангли ТВ дастурларини бошқа рангли ТВ тизим (**PAL**, **NTSC**) дастурлари билан халқаро айира бошлаш учун зарур.

3.1-жадвалдан кўринадики, вертикал ёйишда орқага қайтиш тахминан 1 мс (даврни 5%) ёки тахминан 15 сатрни ташкил қиласди. Агар тикловчи курилмага учирувчи импульс берилмаса, кинескоп пардасида тасвирга халақит қилувчи қия чизик кўринишида сатрлар тикланади. 32- ва 33-расмларда чизмаларни соддалаштириш мақсадида кадр бўйича ёйишни ифодалашда орқага қайтиш суний камайтирилган.

Якунида ТВ ёювчиларга қўйиладиган асосий талабларни умумлаштирамиз:

- ТВ тизим узатиш ва қабул қилиш томонларида бир хил ёйиш қонуни билан амалга оширилади;

- оғдирувчи токларни шакллантириш қонуни оддий (ТВ күрсатишида чизиқли-сатр бўйича ёйиш);
- тўғри йўналишида ёйиш тезлиги доимий;
- ТВ трактнинг узатиш ва қабул қилиш томонларида ёйишнинг синхрон ва синфазлиги таъминланади;
- сатр частотасининг оғиши одатдаги қийматидан  $\pm 0,016$  Гц дан ошмаслиги керак.


## 4.2. ВИДЕОСИГНАЛ ШАКЛИ

Телевизион фотоэлектр айлантиргич чиқишида олинадиган видеосигнал қиймати вақт функцияси бўлиб, узатиладиган тасвир элементларининг равшанлигига мутаносиб. 35-расмда мисол сифатида оқ-кора вертикал тасмалар ва градация поғонаси тасвирланган. Ушбу тасвир  $B$  ёруғлик ўзгаришларини электр сигналига (videosignaliga)  $U_c$  айлантиришнинг кўриб чиқамиз. Расмдан кўриниб турибдики, видеосигнал  $U_c(t) = \phi(B)$  тасвирнинг танланган сатрдаги ҳар бир нуктаси равшанлик қийматини такрорлади. Равшанликнинг қорадан ( $B_{min}$ ) то оққагача ( $B_{max}$ ) ўзгариши видеосигнал диапазонини  $U_c..U_o$  ўзгаришига тўғри келади. Сигнални ифодалашда сигналнинг ночизик бузилиши ва ёювчи элемент апертура ўлчами ҳисобга олинмайди. Шуни таъкидлаш лозимки, равшанлик сигналидаги импульслар давомийлиги узатувчи элемент тезлигига, яъни тасвирни ёювчи тезликка тескари пропорционал.

Тасодифий танланган обьект учун бирлаштирилган сигнал (тўлиқ ёруғлик сигнали) тузилишини кўриб чиқамиз. 36-расмда видеосигналнинг сатр давридаги ( $Tz$ ), 366-расмда кадр давридаги ( $Tk$ ) осциллограмма шакли келтирилган. Кўриниб турибдики, видеоахборот фақат сатр ва кадр актив вақтида узатилади, сўндирувчи импульс оралиғида эса сигнал бостирилади.

Сигнал сатҳлари қуйидагича тақсимланган: оқ сатҳ узатишга мўлжалланган сигналдан то қора сатҳ-тасвирнинг энг қора элементига тўғри келувчи 70,0% сўндирувчи сатҳ – «ўта қорада» 70,0% сатҳдан пастга жойлашган ёювчи нурнинг

орқага қайтиш вақтида оқимни ёпувчи; синхроимпульслар сатҳи сўндирувчи импульс майдончасида жойлашган импульс.




35-расм. Видеосигналнинг юзага келиши жараёни:  
а)-узатиладиган тасвир;  
б) "aa" сатрнинг ёйилгандаги сигналы.

Сатрнинг синхронлаш импульси давомийлиги  $\tau_{\text{синх}} = 4,7$  мкс, кадрнинг синхронлаш импульси давомийлиги  $\tau_{\text{ксинх}} = 160$  мкс = 2,5Н, бу ерда Н сатр даври. Қолган вақт кўрсаткичлари 3.1- жадвалда келтирилган.

Агар равшанлик тўлиқ сигналининг тебраниш чегараси (видеосигнал синхросигнал) 100% деб қабул қилинса, унда фойдали видеоахборот-сўндирувчи импульс сатҳидан то оқ сатҳгача унинг ўзгариш чегараси 70% ташкил қиласи, қабул қилувчи курилмани сихронлаш сигнали эса 30% ни ташкил этади.

Электрон нур апертураси диаметри  $d$  жуда яхши фокусланганида ҳам "математик нуқта" деб хисоблаш мумкин эмас. Бундан ташқари, электрон нур апертураси тасвирдаги энг майда деталлар ўлчамидан катта бўлиши мумкин. Бу *апертура бузилиши* – тасвирнинг кескин чегаралари (контурлари)нинг ёйилишига (кескинлигининг камайишига) ва майда деталлари тебраниш чегараларининг камайишига (аниклигининг пасайишига) олиб келади. Натижада майда эле-

ментлар тиниқлигининг камайишига сабаб бўлади ва деталлар контрастини ажратиш поғонасигача камайиши тасвирда у умуман тикланмайди. Бошқача сўз билан айтганда, апертура ўлчамининг чекланганлиги тизимнинг ажратиш хусусиятини чеклайди, яъни ТВ тасвирни аниқлигини ва кескинлигини камайтиради.



36-расм. Видеосигналнинг сатр (a) ва кадр (б) давридаги шакли


Апертура бузилишининг юзага келиши 37-расмда намойиш қилинган, бунда *a* - ўзгарувчан деталли ( $a = var$ ) тасвири, чекланган ёювчи элемент апертураси *d* ( $a_1 = d; a_2 = 3$ ) билан ёйилиши; *b* - *d* ўлчамли апертурада ҳар ондаги ўртача равшанлигига мутаносиб сигнал; *c* - турли узатувчи ТВ трубкалар апертура тавсифлари.

Сигнал қийматини апертура марказига келтириб оқ-қора майдон чегараларидан ўтишда сигнал  $i_c(t)$ ни ўзгаришини кузатиш мумкин. В<sub>min</sub> ва V<sub>max</sub> равшанликларнинг кескин ўзгаришига (37а-расм)  $i_{min}$  ва  $i_{max}$  сигнал қийматнинг  $t_{\text{урн}}$  давомида текис ўтиши тўғри келади.

Агар тасвир ташкил этувчининг ўлчами ёювчи апертура ўлчамидан кам бўлса, сигналнинг тебраниш чегараси камаяди. Агар оқ-қора такрорланувчи тасвир ташкил этувчилар ўлчами апертура диаметрининг ярмига (ёки ундан кам) тенг бўлса, у ҳолда сигнал уларнинг ўртача равшанлигига мос келди. Шунинг учун бундай ўлчамли ташкил этувчилар тикланмайди. 37б-расмда B<sub>min</sub> ва B<sub>max</sub> равшанлик алмашувчи тасмалардан тикланган сигнал намойиш қилинган. Сигналнинг модуляция чукурлигини  $m = \Delta i$  (бу ерда,  $\Delta i = i_{max} - i_{min}$ ) элемент ўлчамига (ёювчи сатрлар сони Z) боғлиқлиги *апертура-импульс частоталари тавсифи* орқали яқол кўринади (37-расм); *Апертура-импульс частоталари тавсифи* одатда қисқача *апертура тавсифи* деб аталади.

Шундай қилиб, электрон нур апертурасининг ўлчами чекланганлиги сабабли видеосигналда шу онда узатилаётган тасвир элементининг ўртача равшанлиги тўғрисида фақат фойдали ахборот бўлмасдан, балки горизонтал ва вертикал бўйича кўшни элементлар қиймати қўшилиши натижасидир. Videosignal шаклини таҳлил қилиш натижасидан қуйидаги холосага келиш мумкин:


- видеосигнал гармоник тебраниш эмас, у импульс кўришишидир;
- бирламчи видеосигнал ўзининг моҳияти билан бир қутблидир ва таркибида доимий қиймати мавжуд;
- видеосигнални  $f_z=1/T_z$  ва  $f_k=1/T_k$  частоталарда такрорланувчи таркорий функция кўринишида келтириш мумкин.




37-расм. Видеосигналнинг апертура бузилиши: а-шакли турли кенгликли объект; б- видеосигнал шакли.

Ёйиш жараёнини ва видеосигнал шакллангандан сўнг, вақт бўйича ўзаро боғлиқлигини аниқлаш ва растрнинг шаклига уларнинг таъсириини кетма-кет кўриб чиқамиз.

Синхронизация жараёнида «оний синхронлаш» - синхроимпульс олдинги фронтига боғлиқ.  $T_1$  вақтда тўғри йўналиш тугаб, орқага қайтиш  $T_2$  вақти бошланади. Тасвир аниқ ва тўғри тикланиши учун бир қатор талаблар бажарилиши шарт:



в- суперортikon-1, видикон-2 ва плюмбикон-3.



**38-расм. видеосигнал(а), ёювчи ток (б) ва растр (в) нинг бир-бирига боғлиқлиги.**

— орқага қайтиш сўндирувчи импульс тугашдан аввал тугаши керак, акс ҳолда ( $T_2$  орқага қайтиш вақтининг штрихланган қисми)  $T_2$  орқага қайтиш охири,  $T_z$  акт сатрнинг фаол қисмининг бошланишига тўғри келади ва тасвирнинг «бурилиб қолиши» юзага келади.

— тасвирнинг чапдан ва ўнгдан, шунингдек, юқоридан ва пастдан сўндирувчи импульс орқали қисман қирқилади, натижада растрнинг янги  $b \times h$  ўлчамли (кўринувчи қисми) ёювчининг тўғри йўналишига қараганда қисқаради.

#### 4.3. ВИДЕОСИГНАЛ СПЕКТРИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Видеосигнал спектр  $f_{min}$  дан  $f_{max}$  гача бўлган кенглиқда частоталар йифиндисидан ва  $\Delta f_o$  дан иборат:

$$\Delta f = \Delta f_o + f_{min} \dots f_{max}$$

$\Delta f_o = 0 \dots 2$  Гц оралиғидаги паст частоталар сигналнинг ўрта, ўта секин ўзгарувчи қийматини узатиш учун керак. Сатрмасатр ёйишда 39-расмда кўрсатилган, энг оддий тасвир (вертикаль бўйича оқ-кора майдон) тасвир сигналининг энг паст частотасини ташкил қиласи, яъни  $f_{min} = 1/T_k$ . Демак,  $f_{min} = f_k$  кадр частотасига teng. Спектрнинг бу пастки частотаси тасвирнинг

кадрмада узатилиши туфайли юзага келди, у ҳар қандай мураккаб тасвир узатилганда ҳам сақланиб қолади.

Спектрнинг юқори частотасини аниқлаш анчагина мураккаб. Юқори частота сигналнинг "нозик" тузилишини аниқлади, яъни тасвирнинг майдада деталларини ва контуруни тикловчиидир. Сигналнинг тузилиши ёйиш тезлиги ва апертурани шакли, «шаффоғлиги» ва ўлчамига боғлик, чунки у ёйиляётган тасвир юзасидаги ёювчи нурнинг кўндаланг кесими бўйича электронларнинг жойлашиш зичлиги билан аниқланади. Апертура шаклини етарли аниқликда электронлар зичлиги бир текис бўлган доира кўринишида олиш мумкин.

Тинчланиш вақти  $t_m$ , тасвир бир элементини ёйиш вақти  $t_{\text{зл}}$  га тенг (37-расмга қаранг), унда сигналнинг юқори чегара частотаси

$$f_{\max} = 1/2t_m = 1/2 t_{\text{зл}} \quad (4.1)$$


бўлади.

Агар кадр формати  $k$ , ёйиладиган сатрлар сони  $Z$ , белгиланган кадр частотаси  $f_k$  бўлса, кадрдаги элементлар сони  $N_k = N_z Z = kZ^2$  га (растр сатри бўйича  $N_z = kZ$  элемент жойлашади) тенг бўлади, унда бир секундда узатиладиган элементлар сони:

$$N_o = N_k f_k = kZ^2 f_k \quad (4.2)$$

ва тасвирнинг бир элементини узатиш вақти қуидагича аниқланади

$$t = 1/N_o = 1/kZ^2 f_k \quad (4.3)$$



39-расм.  $f_{\min}$  (a) ва  $f_{\max}$  (b)ни аниқлаш

Спектр юқори чегара частотаси (4.1) га (4.3) қиймати күйилса

$$f_{\max} = 1/2t_k = kZ^2 f_k / 2 \quad (4.4)$$

Растр дискретлиги сабабли вертикал бүйича майда элементларни ажратиш даражаси бирмунча камаяди, шу сабабли вертикал ва горизонтал аниқлигни тенглаштириш учун бир хил шартта амал қилинади, унда частота кенглигини бирмунча ( $p=0,75\dots0,85$  баробар) камайтириш мумкин, бу ерда  $p$  - Кэлла коэффициенти (Кэлл-фактор), оқ-қора горизонтал чизикларни ажратиладиган сонининг сатрлар сонига нисбати субъектив синовлар услуги орқали аниқланади ва у идеал ёйиш учун қуидагича ифодаланади

$$f_{\max} = p k Z^2 f_k / 2 \quad (4.5)$$

Амалда тасвир сатрни бутун  $T_z$  даврида ёйилмасдан, фақат сатрнинг түғри йўналиши вақти  $(1-\alpha)T_z$  да бажарилади, бунда  $\alpha = \tau_{cs}/T_z$  - сатр сўндирувчи импульснинг нисбий давомийлиги (396-расм).  $\alpha T_z$  вақт нурни сатр бошига қайтариш учун сарфланади. Юқорида айтилганлар кадр бүйича ёйишга ҳам тааллуклидир.  $\alpha T_k$  вақт нурни кейинги кадр бошига қайтаришга сарфланади, бунда  $\beta = \tau_{ks}/T_k$  – кадр бүйича сўндирувчи импульснинг нисбий давомийлиги.

Телевизион стандарт бүйича  $Z$  сатрлар сони ва  $f_k$  кадр такрорланиш частотаси берилади ва улар одатдагича ҳисобланади. Ҳақиқатда эса кадр давомида ёйиладиган (актив) сатр  $Z_a = (1-\beta)Z$  сони,  $\beta Z$  сатр сони эса кадрни ёйишда орқага қайтиш пайтида йўқотилади. Реал сатрлар сони вертикал бүйича аниқликни белгилайди ва одатдагидан кам бўлади. SECAM стандартига биноан одатдаги сатрлар сони 625, ҳақиқатда эса 575 сатр бўлиб 50 сатр кадрнинг орқага қайтиш вақтига тўғри келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кадр бүйича ёйишда тўғри ва орқага қайтиш давомийлигининг боғликлиги фақат реал вертикал аниқликка таъсир кўрсатади ва ёйиш тезлигига таъсир қилмайди, тасвирнинг майда тузилишлари қайта тикланишига, яъни тасвир сигналининг спектр кенглигига таъсир этмайди. Вертикал ва горизонтал бүйича аниқликни бир хил

сақлаш талаб қилинганда, горизонтал аниқликни сунъий равища сигнал частота кенглигининг  $1/(1-\beta)$  баробар камайтириш йўли билан амалга ошириш мумкин.

Сатр бўйича ёйишда орқага қайтиш давомийлиги ҳисобига сатр бўйича ёйиш давомийлигини камайтириб  $kZ$  сатрда одатдаги элементлар сонини узатиш ҳисобига ТВ сигнал спектри кенгаяди. Бир элементни ёйиш  $t_{злр}$  вақт талаб этилади,

$$t_{злр} = T_z(1-\alpha) / N_z = (1-\alpha) / kZ^2 f_k = t_{зл}(1-\alpha), \quad (4.6)$$

чунки  $T_z = 1/f_z = 1/f_k Z$ ,  $N_z = kZ$ , бўлиб бу ҳолда сигнал частотаси

$$f_{max} = p (kZ^2 f_k) / 2(1-\alpha), \quad (4.7)$$

га тенг бўлади ва у одатдагидан катта бўлади, чунки  $\alpha$  ҳамма вақт мусбат.

Горизонтал ва вертикал реал аниқлик, юқорида таъкидланганга биноан, бир хил танланади ва сигнал спектри алоқа каналининг ўтказиш кенглигини  $1 / (1-\alpha)$  га баробар чегаралаш билан аниқланади, яъни

$$f_{max} = p kZ^2 f_k (1-\beta) / 2(1-\alpha) \quad (4.8)$$

Бу тенгламага  $p=0,8$ ,  $\alpha=0,18$ ,  $\beta=0,08$  коэффициентларнинг қийматини кўйиб, соддалашган формулани оламиз.

$$f_{max} \approx 0,9 kZ^2 f_k / 2 \quad (4.9)$$

Шундай қилиб, ёруғлик сигнални – кенг полосали сигнал. Уни спектри  $f_{min}$  дан  $f_{max}$  гача кенгликни ўз ичига олади. Видеосигнал частотасининг пастки чегараси  $f_{min} = f_k = 50\text{Гц}$ .  $f_{max}$  қийматини сатрма-сатр ёйиш учун ёйиш кўрсаткичлари  $k=4/3$ ,  $Z=625$  ва  $f_k = 50\text{Гц}$  ларни (4.9) формулага кўйиб ҳисобланади:

$$f_{max} = 0,9 \times (4/3) \times 625^2 \times (50/2) = 0,9 \cdot 13 \cdot 10^6 \text{ Гц} = 11,7 \text{ МГц}$$

Натижада, сатрма-сатр ёйищда  $f_{max}$  қиймати катта бўлиб ва бу видеосигнални канал орқали узатишда баъзи муаммоларни туғдиради.

Ёруғлик сигнални спектрининг айрим хусусиятларини кўриб чиқамиз. Биринчидан, частота ўсиши билан спектр таркибининг куввати камая боради (иловадаги 40а-расм), яъни видеосигнал юқори частота таркибининг тебраниш оралиғи одатда катта эмас. Шу сабабли рангли телевидениеда видеоспектринг ана шу қисмида рангнинг пастки элтувчи частотаси жойлаштирилади, натижада ёруғлик сигналининг ранглилик сигналига таъсири сезиларсиз бўлади.

Видеосигнал спектри нозик тузилмаларини баҳолашга ҳаракат қилиб кўрамиз. Видеосигнал спектрини ёйиш қонунини ҳисобга олган ҳолда назарий таҳлилдан кўринадики, унинг спектри ўқтин-ўқтин (дискрет), гармоникаларининг таркиби, сатр такрорий частотасига каррали (иловадаги 40б-расм). Бу сатр частоталари атрофида вертикал ёйилиш (кадр) ва тасвир деталларининг ҳаракат тезлигига боғлиқ, амплитудаси катта бўлмаган сигналлар ён кенгликни ташкил қиласи. Сатр частотасининг гармоникалари ён ташкил қилувчилари билан бирга, тасвир тўғрисида ахборот элтиувчи дискрет кувват зонасини ташкил қиласи.

Спектринг бундай тароқсимон тузилганлиги видиосигнал таркибида икки ва ундан кўп шу каби сигналлар спектрини жойлаштириш имкониятини беради.

Кўшилувчи иккинчи дискрет спектрли сигнал биринчидан орасига жойлаштирилиб сигналлар бир алоқа канали орқали узатилиши ва қабул қилгандан сўнг қайта ажратилиши мумкин. Бу хусусиятдан рангли телевидениеда ва ТВ ўлчов қурилмаларида фойдаланилади.

Тасвирнинг бир хил кўринишида сатр частотанинг кўшни гармоникалари ён оралиғини йўқотиш мумкин. Сатрма-сатр ёйищда (иловадаги 40в-расм) кадрда сатрлар бутун сон ( $f_z = Zf_w$ )дан ташкил топган ва ҳар бир сатр ҳар кадрда қайтарилади. Натижада, сатр частота гармоникалар спектрини икки кўшни чизик оралиғи  $f_k$  бутун каррали сонга teng бўлади.

Шунинг учун бир сатр юқори ён оралиқ гармоника чизиклари ва кейинги сатр частотаси гармоникаси пастки ён оралиқ чизиклари, спектр чизиклари бириктирилганда бир-бири устига тушади.

Ҳаракатланувчи объектларни узатиш билан боғлиқ равшанлик сигналы спектрининг яна бир хусусиятини кўриб чиқамиз. Шуни таъкидлаш лозимки, равшанлик сигналы импульслари якка ва такрорланувчи бўлиши мумкин. Импульс-симон сигналларнинг даврийлиги уни ёйиш принципи билан аниқланади. Агар ҳаракатсиз тасвир узатилаётган бўлса, сигнал даврийлиги кадр частотасининг такрорланиши ва қисман майдон частотасининг такрорланиши билан аниқланади. Ёйиш кетма-кет келувчи сатрлар орқали бажарилгани сабабли сигналга хос даврийлик сатрларни такрорланиш частотаси билан боғланган, бўлади.

Ҳаракатдаги объектлар тасвири узатилганда кейинги ҳар бир кадрнинг мазмuni олдингисидан жуда кам фарқ қиласди. ТВ тасвир кадрларининг алмашиш тезлиги объектларнинг ҳаракат тезлигидан сезиларли катта бўлиб, бу эса сигнал ташкил этувчилари секин ўзгаришига олиб келади.

Объект тасвири сатр йўналиши бўйича  $v$  тезлигига ҳаракатланганда, сигналнинг даврий такрорланиши ўзгаришини кўриб чиқамиз. Бунда ёювчи худди ундан узоклашаётган тасвирга етиб олгандек туюлади ва сигналнинг қайтарилиш даври сатр бўйича катталашади. Янги  $T_z$  даври сатр даврига нисбати  $T'_z / T_z = (\bar{I}v/v_x)^{-1}$ .га тенг бўлди. Бунда  $v_x$  – сатр бўйича ёювчининг ўртача тезлиги. Сигналнинг такрорланиш частота  $f'_z$  ни сатр бўйича ёйиш частотасини  $f_z$  орқали ифодалаймиз

$$f'_z = f_z (\bar{I}v/v_x) = f_z (1 - v/v_x) \quad (4.10)$$

Агар объкт тасвирининг нисбий энг катта тезлиги секундига  $v_{max} = 2b$  деб ҳисобланса, бунда  $b$  – сатр узунлиги, унда ёйиш частотасидан сигнал частотасининг энг катта фарқланиши

$$\Delta f_{max} = |f_z - f'_z|_{max} = f_z f_z (\bar{I} - v_{max}/v_x) - f_z v_{max}/v_x = 2zb f_z / zbf_z = 2\Gamma_z$$

га тенг бўлади.

Бу ўзгаришлар, объектнинг ўртача ёруғлиги ўзгариши билан бир қаторда видеосигнал частоталари спектрини паст частотасини ташкил қилади. У 0 дан 2..3 Гц гача оралиқда бўлади ва видеоканал орқали тўғридан-тўғри узатилмайди, бильосита усули билан сигнал қабул қилувчи тикланади.

Холоса қилиб шуни айтиш лозимки,  $f_{max}$  ТВ тасвирнинг горизонтал (сатр бўйича) аниқлигини сўзсиз таъминлайди, чунки видеосигналнинг юқори частота таркиби узатилаётган объект тасвирининг майда деталлари сифатини ва равшанликнинг ҳар хил сатҳларига ўтиш кескинлигини белгилайди. Шу билан бир қаторда, тасвирнинг вертикал бўйича аниқлиги фақат растрдаги сатрлар сони билан белгиланади.


#### 4.4. САТР ТАШЛАБ ЁЙИШ

Кинескоп пардасида милтитламасдан тасвирни тикланиши учун, кадр (майдон)ининг такрорланиши камида секундига 48...50 марта қайтарилиши керак. Ваҳоланки, объект ҳаркатини тасвирда яхлит тикланиши учун ҳаракат-нинг 13...16 фазасини узатиш кифоя. Бундан кўринадики стандарт кадрлар сони уч баробар ортиқ. Видеосигнал эгал-лайдиган спектрнинг частота кенглиги секундига узатиладиган кадрлар сонига тўғри мутаносиб ((4.8)-(4.9)) бўлғани сабабли кадрлар сонини чекланиши маъқул. Ортиқча ТВ кадрлар сони сатр ташлаб ёйиш усулини қўллаш билан камайтирилиши мумкин. Унинг моҳияти шундан иборатки, тасвирнинг тўлиқ кадри икки майдонга ажратилиб узатилади ва тикланади.

Биринчи майдон растрнинг тоқ сатрларидан, иккинчиси эса жуфт сатрларидан ташкил қилинади. Ҳар бир майдон растрнинг икки баробар камайтирилган сатрларидан ташкил топади ва узатилаётган тасвирнинг томошабин тиклайдиган ярим ахборотидан иборат.

Пириллаш критик частотаси амалда растрдаги сатрлар сонига етарли боғлиқ бўлмаганлиги сабабли, майдонни узатиш частотаси  $f_{kp}$  га teng ёки катта бўлиши тасвирнинг пирилламасдан тикланишини таъминлайди, бир вақтда ахборот узатиш тезлиги икки баробар камаяди. Мавжуд аксарият ТВ

кўрсатиши тизимлари майдонларнинг одатдаги частотаси 50Гц ва кадрларнинг частотаси 25Гц қилиб олинган.



#### 41-расм. Сатр ташлаб ёйиш принципи:

а)  $Z=7$ ,  $f_k=50\text{Гц}$ ,  $f_z=350\text{Гц}$  олинганда сатрма-сатр ёйиш; б)  $Z=7$ ,  $f_k=25\text{Гц}$ ,  $f_n=50\text{Гц}$ ,  $f_z=175\text{ Гц}$  олинганда сатр ташлаб ёйиш.

Сатрма-сатр ёйиш жараёнини яна бир бор кузатиб чиқамиз. Ёювчи элемент доимий тезлиқда горизонтал йўналишда растрнинг сатрни чизади. Бир вактда ёювчи элемент вертикал йўналиш бўйича силжиди. Натижада сатр чизиги охирида кадр ромига нисбатан  $h/Z$  га оғади (41а-расмiga қаранг). Сўнг ёювчи элемент тез сатр бошига қайтиб (орқага қайтиш давомийлигини ҳисобга олинмагандан), ёювчи элемент иккинчи сатр бошланиш ҳолатини қабул қиласди.

Бошлангич сатрлар сони тоқ олинган деб фараз қилайлик ва горизонтал ёйилиши тезлиги икки баробар камайтирилган, у ҳолда ҳар бир майдонда бутун бўлмаган, икки баробар кам сатр

хосил бўлади (41б-расм). Биринчи ва иккинчи майдонлар ўртасида ярим сатрга фарқ бўлгани учун тўлиқ растрда улар бир-бирига нисбатан бир сатр кенглигига суриладилар, яъни иккинчи майдон сатрлари биринчисининг орасига жойлашади. Демак, вертикал ёйилишининг икки даврида кадрнинг тўлиқ растри ташкил бўлади.

Шундай қилиб, сатр ташлаб ёйиш ёрдамида сатрлар сонини ва пириллаш частотасини доимий сақлаган ҳолда сатр бўйича ёйиш тезлигининг икки баробар камайишига эришилади, яъни ТВ ахборотни узатиш тезлиги ва у билан баробар тасвир сигнални юқори чегара частотасининг икки баробар камайишига эришилади. Натижада сигнал спектри  $f_{min} = 50\text{Гц}$  дан  $f_{max} \approx 6\text{ МГц}$  гача частота кенглигини эгаллайди.

$$f_{max} = 0,9x((4/3)x625^2x25)/2 \approx 6,0 \times 10^6 \text{ Гц}$$

Сатр ташлаб ёйишда ҳар бир сатр майдон ўтказиб қайтарилади ( $f_z = Zf_n = (Z/2)f_n$ ), шунинг учун икки қўшни спектрал чизиқлар бутун сонли  $f_n$  сатр частота гармоникасини ташкил қиласиди. Сатр ташлаб ёйишда  $Z$  тоқ сон бўлгани сабабли  $f_n$  ҳам тоқ сон бўлади.

Сатр чизиқлари атрофидағи ён кенглик  $f_n$  вертикал ёйиш частотасига каррасимон боғлиқ бўлгани сабабли, қўшни сатр гармоникасини спектрлар ён чизиқлари бир-бирини бекитганда, улар устма-уст тушмайди (иловадаги 40г-расм). Шунга биноан сатр частота гармоникаларини оралиғи, бирини ташланганда,  $f_n$  жуфт сонига тенг, яъни  $f_n$  бутун сон, чунки  $f_n = 2f_k$  га тенг ва бу гармоникаларнинг спектр чизиқлари бир-бирини устига тушади.

Сатр ташлаб ёйишни шакллантириш учун қуидаги шартларни бажариш талаб қилинади:

а) кадрда сатрлар сони тоқ бўлиши керак, яъни  $Z = 2m + 1$ , бу ерда,  $m$  – бутун сон;

б) кадр ва сатр частоталари орасида қатъий боғланиш мавжуд бўлиши керак, бунинг учун  $2f_z = Zf_n = (2m + 1)f_n$  шарт бажарилиши лозим.

Одатда, бу икки шарт бажарилиши учун бошқарувчи генератор частотаси  $2f_z$  га тенг олинади ва бу частотани бўлиш натижасида горизонтал ҳам вертикал ёйиш частоталаридан шакллантирилади.

Кенг тарқалувчи ТВ тизимларида 2:1 ўлчами сатр ташлаб ёйиш видеосигнал спектрини камайтириш мақсадида фойдаланилади. Умуман 3:1 ёки 4:1 ўлчами сатр ташлаб ёйишни амалга ошириб сигнал спектори кенглигини қисқартиришни амалга ошириш мумкин. Бунда кадр уч ёки тўрт майдондан ташкил топган бўлади, бунда сатрлар кетма-кет тикланади. Бир қатор сабабларга биноан бундай ёйишда фойдаланилмайди. Жуфт (ёки ток) майдон қайтарилиш частотаси 12,5 Гц (4:1 даражада) тенг бўлганда, бир майдондаги сатрлар оралиқ бурчак ўлчами кўзни ажратиш минимал бурчагидан катлашгани сабабли сатрларнинг пириллаши сезиларли бўлиб қолади. Вертикал йўналишда ҳаракатланган катта нисбий тезликдаги объекслар тасвирини аниқлиги камаяди. Горизонтал йўналишда ҳаракатланаётган катта нисбий тезликдаги объексларнинг тасвирида вертикал чегараларнинг тикланиши ёмонлашади. Провардида, сатрларнинг сирпаниш эффекти юзага келади, бир кадр ичida сатрларнинг тепадан пастга силжиши кузатилади. Буни шундай изоҳлаш мумкин, тўргинчи майдоннинг бирор сатрини нур чизаётганда унинг равшанлиги максимал бўлсин. Шу вақтни ўзида учинчи, иккинчи ва биринчи майдонларда чизилган юқоридаги сатр равшанлиги пасайиб борувчи бўлса, вақт бўйича кетма-кет ҳар хил равшанликдаги ёришиш эффекти юзага келади, натижада сатр ҳаракати кузатилади. Бундай камчилик сатр ташлаб ёйишнинг ҳар бирида ҳам кузатилади, аммо 2:1 даражалигига кам кўзга ташланади.

Охирги йилларида телевизор экранининг ўлчами катлашиши, тасвирнинг равшанлиги, тиниқлилиги ва аниқлилиги сезиларли ошди. Бу шароитда сатр ташлаб ёйишнинг камчиликлари, майдон частотасида тасвирнинг пириллаши ва 25 Гц частотада жуфт (ёки ток) майдонда сатрларнинг пириллаши, ўзини кучли намоён этади. Юқори равшанликли кинескопларда тасвирни катта ташки ёруғликда кузатилганда растрнинг пириллаши сезиларли бўлади. Агар томошабин

тасвирни қисқа масофадан кузатса, растрнинг пириллаши яна ҳам яққол кўзга ташланади. Чунки, катта кўриш бурчагида кўз тўрининг ёруғликка кам сусткаш бўлган четки худудлари иштирок этади.

Ҳарф-чизма маълумотлар экранда кузатилганда майдоннинг алоҳида сатрининг пириллаши тасвирнинг горизонтал чегараларида ва оққан қисмларида, яқин масофадан яхши кўзга ташланади. Бундай бузилишлар тасвирнинг вертикал бўйича реал аниқлигини камайтиради. Сифат жиҳатидан сатр-масатр ёйилган 625 сатрли тасвир сатр ташлаб ёйилган 900 сатрли тасвирга тўғри келади.

## **5. РАНГЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТИЗИМИ ТУЗИЛИШИННИНГ УМУМИЙ АСОСИ**

Инсон кўзи ранг спектрнинг қизил, яшил ва кўк ташкил қилувчиларини алоҳида рецепторлар орқали қабул қиласди. Телевидение, кўз тузилишидан аназа олган холда, тасвирни узатишда уч монохром тасвирга ажратиб уч сигнални шаклантиради. Тасвирни тиклашда эса, бу сигналлар орқали бир вақтда уч - қизил, яшил ва кўк ёруғлик нурларининг чақнаши юзага келтирилади. Кўз бу чақнашларни яхлит(қўшиб) қабул қиласди ва реал рангли тасвирни тиклайди (кўради).

### **5.1. РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗИОН ТАСВИР**

Рангли тасвир олишнинг уч услуби маълум:

**Биринчи услуб:** объект тасвири уч монохром тасвирга кетма-кет усулда, ажратилади (иловадаги 42-расм) ва уларни сигналга айлантириб қабул қилувчига узатилади. Қабул қилувчи курилмада монохром тасвирлар кетма-кет, узатилган тартибда ва белгиланган вақт оралиғида, тикланади. Кўз сусткашлиги ҳисобга олингани туфайли, уч монохром тасвир кўзда гўёки бир вақтда намоён бўлиб, бир-бирининг устига тушади ва яхлит тикланади. Натижада тасвир табиий рангларда жилоланади. Бунинг учун узатиладиган телевизион тасвирлар (кадрлар) сони оқ-қора тасвирга нисбатан уч баробар кўпаяди ва бир тасвир узатиш тезлиги 6-7 мсни ташкил этади. Натижада, бир секунд ичida узатиладиган маълумот уч баробар ошади, бу эса канал видеосигнал спектори кенглигини уч баробар ошириш демакдир. 42-расмда бундай тизимнинг умумий кўриниши келтирилган.

**Иккинчи услуб:** объект тасвири уч асосий ранг тасвирига бир вақтда оптик курилма ёрдамида ажратилади (иловадаги 43-расм) ва улардан ҳосил бўлган сигнал қабул қилувчига узатилади. Қабул қилувчида уч монохрон тасвир бир вақтда

намойиш қилинади ва бу уч тасвир оптик курилмалар ёрдамида бирлаштирилади (бир-бирининг устига туширилади).

Натижада рангларни адитив кўшилиши юзага келади ва тасвир табиий ўз рангларида тикланади. Кўз тасвирни табиий рангларда кўради. Бу тизимни ташкил қилиш учун ҳам уч телевизион канал ёки кенглиги оқ-қора телевидениега қараганда, уч баробар кенг бўлган бир канал керак бўлади. 43-расмда бундай тизимни умумий кўриниши келтирилган.

**Учинчи услуб:** объект тасвири сигналга айлантиришдан аввал рангли фильтрлар ёрдамида оптик кодланади. Бу оптик тасвирдан олинган сигнал кучайтирилади ва декодловчи курилмага узатилади. Декодер чиқишида алоҳида ёруғлик ва икки ранглилик сигналлари ажратиб олинади (иловадаги 44-расм). Қабул қилиш томонида бу сигналлар асосий ранг сигналларига айлантирилади ва тасвирни қайта тиклаш юкорида зикр қилинган икки усулни бири орқали оширилади.

Кодловчи фильтрда асосий рангларни жойлашиш тартиби Байер тузилиши номи билан маълум (иловадаги 45а-расм). Фильтрларни бундай жойлаштириб рангли тасвир сигналини олиш биринчи услугга қараганда арzon ва ихчам бажарилади. Бундай тузилмаларни камчилиги кескин ажратиш қобилияти пасайиши (тўрт элемент (пиксел) орқали шаклланган синални бир нуқтада тиклаш, ҳамма элементлар сигналидан равшанлик сигналини тиклашда артефактлар юзага келади ва рангларни аниқлиги пасаяди. Шунинг учун, турли алгоритмлар ёрдамида рангларни интерполяция қилиниб, етишмаётган ранглар қимматини топилади.

Рангларнинг интерполяция алгоритими қанчалик мукаммал бўлмасин, барибир бу усул билан олинган тасвирни ажратиш қобилияти қизил ва кўк каналларда равшанлик ва яшил каналларнига қараганда, кам сезиларли бўлади (чунки яшил фильтрлар қизил ва кўкка қараганда икки баробар кўп). Шунга қарамасдан тасвир аниқлигининг пасайиши сезилмайди, чунки кўзнинг бу рангларни сезиш қобилияти паст. Расмдан кўрина-дикни, ўртача ҳар бир яшил пиксел рангларни интерполяция қилишда уни нафли ўлчами 1,5 баробар катталашади, қизил ва кўк рангларни пиксели 2 баробар катталашади (майдони бўйича

4 марта). Бундай фильтрлар жойлаштиришни энг қизиги шундаки, диагонал бүйича ажратиш қоблияти вертикаль и горизонталга қараганда 1,4 баробар юқори. Агар, бу субъективтес омиллар эътиборга олинмаса, Байер фильтрни мувоффакиятли тузилган деб қарашиб мумкин. Аммо:

- маҳсус ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдик, инсоннинг кўзи диагонал чизикларга қараганда, горизонтал ва вертикаль чизикларга сезгирилигиде юқори;
- инсонни атрофидаги кўп жисмларда горизонтал ва вертикаль йўналиш бўйича жойлашган ташкил этувчилар сони кўпроқ.

Бу икки фактор муҳандисларни ўйлашга мажбур қилди, натижада Fujifilm томонидан камерадан олинган тасвир сифатини оширувчи ечим таклиф қилди. Биринчи Fujifilm томонидан критилган янгилик Байер тузилишдаги фильтрни  $45^\circ$  бурди, натижада диагонал чизиклари вертикаль и горизонтал ҳолатда жойлашди (иловадаги 45б-расм), бу йўналиш ўқида майдонлар кўпаяди. Иккинчи киритилган янгилик фильтр элементларининг тўртбурчак шакли ўрнига олтибурчак шакли олинди, натижада ёруғликни қабул қилувчи уя юзаси катталашади ва сигнални шовқунга нисбати ошди, сезгирилиги кўтарилиди.

45б-расмдан кўринадики, матрица тузилишини бундай ўзгартириш яшил ранг уячалари шакл самарасини ошириди. Агар, квадрат шаклида пиксел ўлчами  $1,5 \times 1,5$  тенг бўлса, янги кўринишда  $1 \times 2$  тенглашади, бундан ташқари яшил ранг каналида интерполяция бажаришга талаб йўқолади.

Иккинчи салмоқли киритилган ўзгариш яшил ранг ( $G$ ) ва қизил-кўк ( $R - B$ ) ранглар горизонтал сатр ҳамда вертикаль йўналишда мавжуд, натижада равшанлик ( $Y$ ) сигналини ажратиш сезиларли осонлашди.

Асосий ранглардан тузилган фильтрларда энергетик ютқазиш рўй беради, бу уларни спектрал тавсифлари кузатилганда яққол кўзга ташланади (иловадаги 46-расм). Шунинг учун асосий ранглар ўрнига қўшимча ранглар: сарик ранг ( $Ye = G + R$ ), ҳаво ранг ( $Cy = G + B$ ) ва пурпур ранг ( $Mg = R + B$ ) ишлатилади. Рангли фильтрлар мазайкаси  $45\text{г-расмда}$

күрсатылған күринишда бажарилади. Албатта, бу ранглар орқали олинган тасвир уч асосий ранг орқали олинган тасвирдан ранг сифати бўйича пасаяди, лекин бу сезгирил дара жада намоён бўлмайди.

Сигналларни шакллантириш зарядларни маълум тартибда ўқиш орқали бажарилади. Натижада тасвирнинг ҳар бир ташкил этувчиси учун жуфт ҳисоблар қўйидаги тартибда сигнал шаклида чиқади: ток сатрларда ( $Mg + Cy$ ), ( $G + Ye$ ), ( $G + Ye$ ) ва ҳ.к., ва жуфт сатрларда ( $G + Cy$ ), ( $Mg + Ye$ ), ( $G + Cy$ ), ( $Mg + Ye$ ) ва ҳ.к. Булардан кейинчалик равшанлик ва ранг сигналлари олинади. Ток сатрда равшанлик сигнални қўйидагича шакллантирилади:

$$Y = \frac{1}{2} [(G + Ye) + (Mg + Cy)] = \frac{1}{2} (2B + 3G + 2R) \quad (5.1)$$

Худди шу шаклда, яъни ҳисобларни вақт бўйича амалга ошириб ва уларни жуфт қўшиб қўйидагича олинади:

$$Y = \frac{1}{2} [(G + Cy) + (Mg + Ye)] = \frac{1}{2} (2B + 3G + 2R). \quad (5.2)$$

Ток сатрларда айирма ранг сигналини қўйидагича олинади:

$$B - Y = [(G + Ye) - (Mg + Cy)] = -[2B - G] \quad (5.3)$$

Жуфт сатрларда вақт бўйича ушлаб туриб жуфтли ҳисоблар айрилади:

$$R - Y = [(Mg + Ye) - (G + Cy)] = [2R - G] \quad (5.4)$$

## 5.2. МОСЛАШТИРИЛГАН РАНГЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТИЗИМИ


Рангли тасвирни сигналга айлантириш ва сигналдан рангли тасвирни қайта тиклаш масаласи юқорида келтирилган усуллар билан амалга оширилади, лекин тизимда қўшимча яна бир масалани ечиш керак бўлади. Масалан, фойдаланиш учун қабул қилинган ёйиш стандартига мослаштирилган канал орқали (625 сатр ва 50 кадр стандартга биноан видеоканал кенглиги 6,5 ва 5,5 МГц; 525 сатр ва 60 кадр стандартга биноан видеоканал кенглиги 4,5 МГц) рангли тасвир сигналларини узатиш ва у сигналдан ок-қора телевизорларда ок-қора тасвир тиклаш мумкинлиги, рангли телевизорларда эса юқори сифатли рангли тасвирни тиклаш ва шунингдек, фақат равшанлик сигнални

узатилганда оқ-қора тасвир тиклаш имкониятини таъминлаш керак бўлади, яъни тизим мослаштирилган бўлиши шарт.

Дунё миқёсида буни амалга ошириш чорак аср вақтни олди ва уч мустақил мослаштирилган телевидение тизими юзага келди. Биринчи тизим 1953 йили АҚШда яратилди ва NTSC (National Television System Committee-Миллий телевизион тизим корпорацияси) номи билан аталади. Иккинчи тизим 1967 йили Франция ва сабиқ СССР ҳамкорлигига яратилди ва SECAM (Sequentiel a memoire-кетма-кет хотира билан) ном билан аталади. Учинчи тизим 1966 йили Германияда ишлаб чиқилди ва PAL (Phase Alternation Line – сатрлаб фазаси ўзгарувчи) номи билан аталди.

Бирламчи рангли тасвир сигналларини ( $U_R$ ,  $U_G$ ,  $U_B$ ) дастлаб, маълум кўринишга келтирилади, яъни алоҳида ёруғлик сигнални  $U_Y$  ва икки ранглилик (айирма ранг) сигнални  $U_{R-Y}$  ва  $U_{B-Y}$  шакллантирилади:

$$\begin{aligned} U_Y &= 0,30 U_R + 0,59 U_G + 0,11 U_B \\ U_{R-Y} &= 0,70 U_R - 0,59 U_G - 0,11 U_B \\ U_{B-Y} &= 0,89 U_B - 0,30 U_R - 0,59 U_G \end{aligned} \quad (5.5)$$



47-расм. Мослаштирилган ранги телевидение тизими.

Бундай сигналлар *таркиб сигналлар* деб аталади (иловадаги 49-г,д,е расм.). Учинчи ранглилик сигналы узатилмайды.  $U_{G-Y}$  ранглилик сигналы қабул қилингандан сүнг узатилған ранглар таркибидан күйидагича ҳосил қилинади:

$$U_{G-Y} = -0,50953U_{R-Y} - 0,19515U_{B-Y} \quad (5.6)$$

Айрим ранглар учун күзнинг ажратиш қобилияти суст. Амалий текширишлар шуни қўрсатдики, кўз жисмлардаги рангларни фақат йирик ажралган қисмларида уч таркибий асосда кўра олади, ранглар юзаси кичрайган сайин бу қонун ишламайди ва икки таркибли қонун ишга тушади.

Агар рангли юза кўзни ажратиш чегарасида ёки ундан паст бўлса, у ҳолда ранг тусини кўз илғамайди. Замонавий телевизион тизимлар яратища шуни эътиборга олган ҳолда, ранглилик сигналлари спектрини икки ва ундан ҳам торайтирган ҳолда узатилади.

Бу торайтирилган ранглилик сигналлари ёруғлик сигналы таркибида, уни спектрини кенгайтирмасдан узатилади. Буни амалга ошириш видеосигнал спектрининг сидирға эмасли туфайли бажарилди (иловадаги 48-расм). Сигналларнинг бирбирига халақитини камайтириш мақсадида ранглилик сигналы спектрни юқори қисмига (чегарасига) яқин жойлаштирилди. Бунинг учун ранглилик сигналлари модуляцияланади (турли стандартларда модуляция тури ҳар хил. Бу услугуб билан шакллантирилган сигнал *композит сигнал* деб аталади (иловадаги 49-ж расм.).

Сигнал қабул қилувчи қурилмада қабул қилинганидан сўнг, композит сигнал таркибидан икки ранглилик сигналлари  $U_{R-Y}$ ,  $U_{B-Y}$  ажратилади, учинчиси эса улар орқали тикланади (5.6 ).

Уч айирма ранг сигналларидан уч асосий ранг сигналлари ажратиб олинади.

$$\begin{aligned} U_R &= U_{R-Y} + U_Y = (0,70U_R - 0,59U_G - 0,11U_B) + \\ &+ (0,30U_R + 0,59U_G + 0,11U_B) = U_R; \\ U_B &= U_{B-Y} + U_Y; \\ U_G &= U_{G-Y} + U_Y. \end{aligned} \quad (5.7)$$

Бу олинган уч ранг сигнали орқали рангли тасвир тикланади. Оқ-қора тасвир узатилганда ранглилик сигналлари табий нолга тенг бўлади ва тасвир фақат ёруғлик сигнални орқали тикланади. Оқ-қора телевизорларда фақат ёруғлик сигнални орқали оқ-қора тасвир тикланади.

## **6. РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТИЗИМИ ТУЗИЛИШИННИГ УМУМИЙ АСОСИ**

### **6.1. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР**

ТВ сигнал шакли тасвир равшанлигининг ёйиш йўналиши бўйича ўзгариши қонуни ва унинг қийматини тақрорлайди, яъни у тасвирнинг электр нусхаси – аналогидир. Шу сабабдан телевизион тизимларда узатиш, консервация қилиш ҳамда ишлов бериш учун аналог сигнални ишлатилганда у *аналог телевизон тизим* деб аталади.

Аналог сигнални энг асосий камчилиги унинг ташки халақитлардан ёмон муҳофаза қилинганлиги, бунинг натижасида, телевизион трактнинг кўп сонли қурилмалари ҳар бирида шовқин ва бошқа халақитлар унга кучли таъсир кўрсатишидадир. Ҳозирги замон ТВ тизим ўта кўп сигнал ўзгартиргич ва узаткич қурилмалар занжиридан иборат, уларнинг сони телевидение юксалиши сайин кўпайиб бормоқда.

Тасвир сифати камайиши мураккаб занжирнинг ҳар бир қисмида юзага келади. Бунга сабаб сигнал ҳар қайси қурилмада, ҳар бир ўзгартиргичда халақитга дуч келади. ТВ сигнал аналог услубда кучайтирилганда ва унга ишлов берилганда, бу халақитлар йигилиб боради. Табиийки, тизимда сигналга ишлов бериш ва қабул қилиб узатиш жараёни қанча кўп бўлса, халақитлар ҳам шунча кўп бўлади. Ўзгартириш сони чекланган бўлганда бузилишлар камаяди ва умумий бузилиш сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Телевидение глобаллашган сайин ўзгартиришлар сони тез кўпаймоқда, узатувчи ва қабул қилувчи манзиллар оралиғи узаймоқда. Дастурни тасвирий бадиийлаштириш учун ишлатиладиган видеоэффектлар тури ва сони кўпаймоқда, натижада булар кўшимча ўзгартиришни ва дастурни кўшимча монтажини талаб қиласи. Бундай тизимларда асосий масала халақитлардан муҳофаза юзага чиқмоқда.

Бошқа алоқа соқаларида маълум рақамли усул телевидениеда ишлатилиши тасвир сигналарини шакллантириш ва узатишида халақитлар туфайли юзага келган бузилишни камайтириш, шунингдек, бошқа қатор масалаларни ечишда қўл келмоқда. Шу сабабли охирги йилларда телевидение юксалишида асосий эътибор тўлиқ рақамга ўтишга қаратилган.

Телевидение рақамга ўтишда аниқ назарий асосга суннади ва рақамли сигнални узатиш мураккаб усуллар қўлланилиб амалга ошишини эътиборга олади. Сунъий шовқин ва халақитлар кучайди, алоқа каналлари шунчалик кўпайдики, уларни жойлаштириш муаммоси юзага келди, натижада каналлардан самарали фойдаланиш долзарб масалага айланди. Халақитлардан маълумотни ҳимоя қилиш ва каналдан самарали фойдаланиш учун сигналларни турли усуллар орқали шакллантириш ва ишлов бериш кенг қўллана бошланди. Шу сабабли, янги қўшимча тушунча ва атамаларни ўзлаштириш, шунингдек, алоқа назариясида ёритилган айрим маълумотларга мурожаат қилишга тўғри келади.

**Рақамли алоқа тизимларига** (PAT) (Digital communication system) талаб ошган сайин у ўзига кўпроқ эътиборни жалб қилмоқда, бунинг сабаблардан бири, аналог алоқада имконият бўлмаган сигналга ишлов бериш усуллари ишлатилишидир. Қабул қилишда асосий вазифа жўнатилган сигнални аниқ тиклаш эмас, балки шовқин таъсирида бузилган сигналдан қайси бир чекланган тўпламдан узаткич орқали юборилган сигналлигини аниқлашдир. PAT ни асосий кўрсаткичларидан бири, бу хатони эҳтимоллигидир.

Сигналнинг фақат икки ҳолатлилиги, сигнал тикланишини осонлаштиради, натижада узатиш жараёнида шовқин ёки бошқа халақитларни йиғилишига йўл қўйилмайди. Аналог сигнал, аксинча, икки ҳолатли эмас, у кўп ҳолатли - уни шакли чексиз ўзгариши мумкин ва олдиндан маълум эмас. Аналог каналда шовқин таниб бўлмас даражада сигнал шаклини ўзгартириб юбориши. Шовқинни йиғилиши аналог сигнал билан боғликлиги туфайли, сигнал ҳеч қачон бирламчи кўрининишида тикланмайди. Рақамли технологияда хатони келиб чиқиши частотаси жуда паст ва уни устига хатоларни йўқотиш

усуллари мавжудлиги сигнални катта аниқликда тиклашга имкон беради. Турли сигналларни (маълумот, телеграф, телефон, аудио ва телевидение) узатиш ва коммутациялаш бир хил, *ўхшаш*: бит- ҳаммаси учун бит. Бундан ташқари, коммутация ва ишлов бериш қулиши учун рақамли хабарни алоҳида гурухга ажратиб, автоном бирлик ташкил қилиш мумкин, улар *пакетлар* деб аталади. Рақамли технологияда интерференциядан ва сигнални йўқотишдан ҳимоя ёки маҳфийлаштириш ва шифровка қилиш нисбатан осон амалга оширилади.

Рақамли тизимда сигнални/шовқинга нисбати бирор чекланган поғонадан паст бўлса, хизмат кўрсатиш сифати жуда яхшидан жуда ёмон ҳолатга сакраб ўтади. Аналог тизимларда сифатни пасайиши равонроқ кечади.

50-расмда канал орқали юборилиши мумкин бўлган идеал импульс тасвирланган. Каналдаги сигналга асосан икки хил таъсир натижаси тузилади:

- биринчидан, реал каналлар ва йўлларнинг частота тавсифи идеал эмас, шу сабабли узатилган импульслар шакли бузилади;
- иккинчидан, каналдаги электр шовқин ва бошқа таъсирлар қўшимча импульс шаклини бузади.

Рақамли канал орқали узатилган импульсни у таниб бўлмас даражасига қадар ўзгармагунича қабул қилиб, рақамли кучайтиргич орқали импульс кучайтирилганда, уни бирламчи идеал шакли тикланади. Импульслар кетма-кетлиги асосида ахборот тўлиқ тикланади.


Кеча чекланган маънода ишлатиб келинган – «маълумот узатиш» атамаси мазмунан - «ўринсиз» атамага айланди, чунки рақамни узатишга ўтиш муносабати билан ҳамма маълум ахборотлар тури - овоз, рақамли маълумот, матнлар, факс ҳамда видеотасвирларни биргаликда узатиш имконияти туғилди. Маълумотни узатиш учун алоқа тизимида маҳаллий ва умумий тармоқдан фойдаланила бошланди. Натижада тармоқ ягоналашди, талаблар ўзгарди, назарий ва амалий билимлар бирлиги юзага келди.



**50-расм. Импульсни узатишида бузилиши ва тикланиши.**

Рақамли алоқа тизими намунавий функционал схемасига назар ташланг (иловадаги 51-расмда). Расмнинг чап вертикал бўйича жойлашган қисмида – **форматлаштириш, манбани кодлаш, шифрлаш, канал кодлаш, зичлаш, импульсли модуляция, полосали модуляция, спектрни кенгайтириши ва кўплаб кириш** – манбадан то узаткичгача бўлган йўлда сигнал айланишини акслантиради. Ўнг томонидаги блоклар тизими – қабул қилгичдан то ахборотни олувчиғача бўлган йўлда сигнал айланиши тасвирланган бўлиб, у том маънода узатувчи тармоқни аксини ифодалайди. Алоқа икки томонли бўлганда, бу айлантирувчи блоклар ҳаммаси алоқани икки тарафида мавжуд. Унда модуляция ва демодуляция/детекторлаш биргаликда **модем** деб аталади.


51-расмда келтирилган сигналларга ишлов бериш блоклар жойи айрим тизимларда ўзгариши мумкин. Масалан, зичлаштириш канал кодлашдан ёки модуляциядан аввал бажарилиши, шунингдек, икки этапли модуляциялашда (куйи элитувчи ва элитувчи) – модуляциянинг икки босқич оралиғида бажарилиши мумкин. Шунингдек, частоталарни кенгайтирувчи турли жойда жойлашиши мумкин, уни аниқ жойи ишлатилаётган технологияга боғлик.



**51-расм. Рақамлы алоқа тизим намунавий функционал схемаси.**

Синхронизация ва унинг асосий элементлари, РАТ ни ҳамма сигналга ишлов бериш босқичларида ишлатилади. Схемани мураккаблаштирумаслик учун, уни алохида умумий ҳолда, күрсатилган ва у амалда ҳамма блоклар билан боғланган.

Сигналларга ишлов бериш асосий хизматлари ўн икки гурухга бўлинган (52-расмда). Масалан, видеосигнални узатиш блокида ИКМ модуляция ёки чизиқли кодлар ишлатилади, унга альтернатив бинар кодлар, шунингдек, бинар бўлмаган *M*-ли импульс модуляция сигналлар категорияси келтирилган.



**52-расм. Сигналларга ишлов беришнинг асосий хизматлари.**

*Бир полосали сигналлар узатиш айлантиргичи*, иккى таркибга бўлинган, когерент ва нокогерент. Демодуляция одатда таянч синал ёрдамида бажарилади. Сигнал кўрсаткичларини ҳамма ахбороти ишлатилганда (айниқса, фазаси) демодуляция жараёни *когерент* деб аталади; фазаси тўғрисида ахборот ишлатилмаса, жараён *нокогерент* деб аталади.

Симсиз узатиш татбиқ қилинганда узаткич, частотани радиочастота худудига кўттарувчи схемадан, қувват кучайтиргичидан ва антеннадан, қабул қилгич эса антеннадан ва кам шовқинли кучайтиргичдан ташкил топади. Частотани тескарисига яна пасайтириш қабул қилгич чиқишида ва/ёки демодуляторда бажарилади.

### **6.1.1. РАҶАМЛИ АЛОҚА ТИЗИМИДА ИШЛАТИЛАДИГАН АСОСИЙ АТАМАЛАР**

*Форматлаши* бирламчи ахборотни *битга* айлантириб, сигналга ишлов бериш ва ахборотни РАТга мослаштиришдир. Форматлаш чиқишидан то импульсли модуляция блокигача ахборот *битлар оқими* кўринишида узатилади. Демак, *форматлаши* деб дискретлаш, кватлаш ва кодлаш тушунилади.

*Модуляция* – бу жараён орқали хабар белгилари ёки канал белгилари (агар канал кодлаш ишлатилса) маълумот узатиш канали талабини қондирувчи сигналга айлантирилади. Модуляцияни бир неча турлари мавжуд:

*Импульсли модуляция* –узатиш талаб қилинган ҳар бир белги, аввало, иккилик кўринишдан (кучланиш сатхлари ноль ва бир-иккилик кўринишдан) видеосигналга (модуляцияланган сигналга) айлантирилиши керак. “*Видеосигнал*” ёки *частотали сигнал* (base band signal) атамаси спектри доимий қийматдан (ёки унга яқин) то бирор-бир аниқ қийматда туговчи (одатда бир неча мегагерцдан кўп бўлмаган), ўрта қиймати нолга teng бўлмайдиган сигнални тушунилади (эслатма: бу видеосигнал – тасвир видеосигналига фақат бир кутублиги билангина ўжаш).

Иккилик белгиларга ишлов бериш учун импульс-кодли модуляция ишлатилганда натижавий иккилик сигнали *ИКМ-*

*сигнал* деб аталади (*импульс – кодли модуляция* – pulse-code modulation (PCM)). ИКМ кодлашни бир неча тури мавжуд (6.5-параграфга қаранг); телефон алоқасига илова, уни *канал коди* деб атайдилар. Импульс-кодли модуляцияга, узатиш полосасини минималлаштириш мақсадида, фильтр киристилган.

Импульсли модуляцияни бинар бўлмаган белгиларга кўлланилганда *M-ли импульсли модуляцияланган* деб атайдилар. Бундай сигналларни бир неча турлари мавжуд (6.5-параграфда келтирилган) ва асосий эътибор *амплитуда-импульс модуляцияга* (pulse-amplitude modulation – PAM) қаратилган. Импульс модуляциядан сўнг, ҳар бир хабар белгиси ёки канал белгиси *полосали сигнал*  $g(t)$  шаклини олади. Импульс модуляциядан олдин келувчи, ҳар қандай битлар оқими электрон кўринишда татбик қилинганда, кучланиш сатҳини ифодалайди.

Савол туғилиши мумкин, нима учун алоҳида импульс модуляция блоки мавжуд, ваҳоланки, ноль ва бир иккилик кучланиш сатҳи ва уларнинг ҳар бирини давомийлиги ўзи, бир битни узатиш вақтига тенг идеал тўғри бурчакли импульс эмасми? Бундай сатҳ кучланиши ва модуляция учун ишлатиладиган видеосигнал ўртасида иккита муҳим фарқ мавжуд. Биринчидан, импульсли модуляция блоки бинар ва *M-ли* сигналларни ишлатишга имкон беради. Иккинчидан, импульс модуляцияда ишлатилган фильтрлаш, бир бит давомийлигидан катта бўлган импульсни шакллантиради. Демак, фильтрлашдан сўнг катта давомийлик импульслар олинади; бундай импульслар қўшни узатилаётган битлар вақт оралиғига кенгаяди. Бу жараённи, айрим ҳолларда, *импульсни шакллантириши* деб атайдилар; улар узатиш полосасини бирор белгиланган спектр ҳудудида ушлаб туриш учун қўлланади.

Радиочастота диапазонида узатиш тизимининг кейинги муҳим босқичи, бу *полосали модуляция* (*band pass modulation*); у, импульс шаклли сигналларни тарқатишда муҳит қувватламаганида доимий керак. Бундай ҳолларда муҳит  $s_0(t)$  сигнал полосасини талаб қиласи. “*Полосали*” (*band pass*) атамаси  $g(t)$  видеосигнални элитувчи тўлқин спектр таркибидан жуда катта бўлган частота билан силжитишни акслантириш учун ишла-

тилади.  $s_i(t)$  сигнал канал орқали ўтади, бунда каналнинг чиқиш ва кириш билан алоқаси тўлиқ **канал импульс тавсифи**  $h_i(t)$  орқали аникланади. Бундан ташқари, маршрутнинг ҳар хил нуқталарида шовқин таъсирида сигнал бузилиши кузатилади, натижада қабул қилгич киришидаги  $r(t)$  сигнал, узатилган  $s_i(t)$  сигналдан фарқланади:

$$r(t) = s_i(t) * h_i(t) + h(t) \quad i=1,\dots,M, \quad (6.1)$$

бу ерда, «\*» – йигиштириш(свертки) операцияси;  $h(t)$  – эҳтимол жараён.

Қабул қилувчи қурилманинг кириш каскадида ва/ёки демодуляторда қабул қилинган  $r(t)$  сигналининг ҳар бирини частотаси пасайтирилади. Детекторлашга тайёрлаш мақсадида демодулятор  $r(t)$  сигналини видеосигнал оптимал эгилувчиси  $z(t)$  кўринишида тиклади. Қабул қилгич ва демодулятор билан бир неча фильтр боғлиқ – юқори частотали кераксиз таркибини йўқотиш ва импульсни шакллантириш (полосали сигнални видеосигналга айлантиришда) учун фильтрлаш бажарилади. Демодуляторда (ёки модулятордан сўнг) ишлатилган, каналда мавжуд сигнал сифатини пасайтирувчи ҳамма эфектларни текислашни ҳам фильтрлашни бир кўриниши сифатида қараш мумкин. Агар канални импульс тавсифи  $h_i(t)$  шунчалик ёмон бўлиб, у қабул қилинган сигнални кучли бузса **текислаш (equalization)** ишлатилади. Эквалайзер (текисловчи қурилма)  $h_i(t)$  идеал бўлмаган кўриниши туфайли юзага келган сигналнинг ҳамма бузилишни тузатишга (йўқотиш ёки камайтириш) мўлжалланган, ва сўнгти, дискретлаш босқичида шаклланган  $z(t)$  импульс,  $i$ , канал белгисини ёки  $m$ , хабар белгисини (агар, канал коди ишлатилмаса) тахминан тиклаш учун, уни  $z(T)$  ҳисоб (танлов)га айлантиради.

Айрим ҳолларда, бир хил авторлар “демодуляция” ва “детекторлар” атамаларини синоним сифатида ишлатадилар. Ушбу китобда **демодуляция (demodulation)** сигнал (полосали импульс) тикланишини, **детекторлаш (detection)** шу сигнални рақамли қийматига нисбатан қабул қилинган ечимини тушунамиз.

Модемдаги бошқа келтирилган блоклар сигналларига ишлов бериш зарур эмас ва улар махсус талабларни қондиришга қаратылған.

**Манбани кодлаш** (*source coding*) – бу аналог сигнални рақамлига айлантириш (аналог манбалар учун) ва ахборотнинг ортиқасини йүқотиши. Шуни таъкидлаш лозимки, РАТ намунавий тизимда, ёки манбани кодлаш (ахборотни рақамлаштириш ва сиқиши), ёки оддийроқ форматлаштириш (фақат рақамлаштириш) ишлатилади. Тизимда бир вақтда ҳам форматлаш, ҳам манбани кодлаш ишлатилмайди, чунки биринчи ахборотни рақамлаштириш ҳамма босқичларини ўз ичига олади.

**Шифрлаш**, алоқани махфийлигини таъминлайди, рухсат этилмаган истеъмолчига хабарни тушуниб олишига ва қўшимча ёлғон хабарларни киритишга йўл қўймайди.

**Канал кодлаш** (*channel coding*), узатиладиган маълумот ушбу узатиш тезлигига хатога эҳтимоллиги  $P_E$  ни ёки сигнал/шовқин нисбатини камайтиради; керакли  $P_E$  эҳтимолликни олиш учун узатиш полосани кенгайтириш ёки декодерни мураккаблаштириш эвазига эришилади.

**Зичлаштириш** (*multiplexing*) ва **кўпчилик фойдаланиш** (*multiple access*) процедураси, алоқа имконияти (масалан: спектрдан, вақтдан) бир қисмидан биргалиқда фойдаланиш учун, турли тавсифли ёки турли манбалардан тушувчи сигналлар бирлаштирилади.

**Частотани кенгайтириш** (*frequency spreading*) шундай сигнал бериши мумкинки, у интерференциядан (ҳам табиий ва ҳам атайлаб юзага келтирилган) зарар кўрмайди ва алоқа сеансини конфиденциялигини кўтаради. Бу шунингдек, кўпчилик фойдаланувчи тизимда бебаҳо технологиядир.

**Ахборот манбай** (*information source*) – РАТ орқали ахборотни узатувчи қурилма. Ахборот манбай аналог ва дискрет бўлиши мумкин. Аналог манба чиқишида узлуксиз, бирор амплитуда диапазон ичida хоҳлаган қийматга эга, дискрет манба чиқишида эса ахборот кўплик амплитуда асосидан иборат. Аналог ахборот манбай **дискретлаш ва квантлаш** орқали рақамли ахборотга айлантирилади. Дистк-


ретлаш ва квантлаш услублари *манбани форматлаши* ва *кодлаши* деб аталади.

*Текст (ёзув) хабар (textual message)* – белгилар кетма-кетлиги (53а-расм). Маълумотни рақамли узатилганда, у алфавит ёки белгилар асос тўпламига тегишли рақам ва белгилар кетма-кетлигини ташкил қиласди.

*Ишора (character)* – белгилар тўплами ёки алфавит элементи (53б-расм). Ишоралар иккилик белгилар кетма-кетлигидан иборат бўлиши мумкин. Ишораларни кодлаш учун ишлатиладиган бир неча стандартланган кодлар мавжуд, улар қаторида *ASCII коди* (American Standard Code for Information Interchange–Ахборот билан алмашиб учун Америка стандарт коди), *EBCDIC коди* (Extended Binary Coded Decimal Interchange Code – ахборот билан алмашиб иккилик кенгайтирилган код), *Холлерит коди* (Hollerith), *Бод коди* (Baudot code), *Мурре коди* (Murray code) ва *Морзе коди* (алифбоси) (Morse code).

*Иккилик рақам (binary digit) (бит-bit)* – ҳамма рақамли тизим учун фундаментал ахборот бирлиги. “*Бит*” атамаси, шунингдек, ахборот ҳажми бирлиги сифатида ишлатилади.

a) HOW ARE YOU? ИШ ҚАЛАЙ?  
a) OK ЯХИИ  
S9 567 216,73



53-расм. Атамаларни намойиш этиши. а) матн (ёзув) хабар; б) белгилар; в) битлар оқими (7-битли ASCII коди); г) белгилар  $s_i(t)$ ,  $i=1, \dots, M$ ,  $M = 2^k$ ; д) полосали рақамли сигнал  $s_i(t)$ ,  $i=1, \dots, M$ .

*Битлар оқими* (*bit stream*) – иккилик рақамлар кетма-кетлиги (ноль ва бир). Юқорида айтилганга биноан, *битлар оқими* – видеосигнал ёки *пастчастотали сигнал*; етти битли ASCII коди ишлатилиб, «HOW» хабарни 53в-расмда келтирилган, битлар оқими эса икки сатхли импульс күринишида берилган. Бу кетма-кетлик ниҳоятда аниқ күринишида, оралиқлари билан тасвирланган (идеал түртбурчак шакілдә). Реал тизимларда ҳеч қаңон бу күринишида учрамайды, ундағы оралиқлар умуман бефойдадыр. Бундай тезликда маълумот узатишида оралиқлар узатиш учун керак бўлган полосалар кенглигини оширади; ёки полоса кенглигидә хабарни қабул қилиш керак бўлган вақтни кечикириади.

*Белги* (*symbol*) (*рақамли хабар*) (*digital message*) – бу, яхлит бирлик,  $k$  битдан иборат гурӯҳ. Бундан кейин  $m_i$  ( $i = 1, \dots, M$ ) белги ёки алфавит аниқ түплам блоки *хабар белгиси* (*message symbol*) деб атаемиз. Алфавит ўлчами  $M = 2^k$  тенг, бу ерда  $k$ - белгидаги битлар сони. *Паст частотали* (*base band*) узатишида ҳар бир  $m_i$  белгилар  $g_1(t), g_2(t), \dots, g_M(t)$  видеосигналлар түпламини ташкил қиласы. Айрим ҳолларда, импульслар кетма-кетлигини узатишида, узатиш тезлигини ифодалаш учун *бод* (*baud*) бирлиги ишлатилади. *Намунавий полосали* (*band pass*) узатиш учун ҳар бир импульс  $g_i(t)$  полосали импульс сигналлар  $s_1(t), s_2(t), \dots, s_M(t)$  түпламининг бирини ташкил қиласы. Шундай қилиб, симсиз тизимларда  $m_i$  белги,  $s_i(t)$  рақамли сигнални  $T$  секунд давомида узатиш орқали жўнатилади ( $T$ - белгилар давомийлиги). Кейинги белги, ундан сўнгги  $T$  вақт оралиғида жўнатилади. РАТ узатиладиган белгилар түплами чекли ва бу аналог алоқага қараганда асосий фарқдир. РАТ да қабул қилгич ҳаммаси бўлиб, фақат қайси бир, мумкин бўлган  $M$  сигнал аниқлаши керак; аналог қабул қилгичда эса тўхтовсиз сигналлар диапазонига тегишли, уни аниқ қимматини аниқлаши лозим.

*Рақамли сигнал* (*digital waveform*) – рақамли белгини кўрсатувчи сатхни, кучланишини ёки ток кучини таърифловчи сигнал (импульс – паст частотали узатиш учун ёки синусоид – полосали узатиш учун). Сигнал таърифи (импульс учун – амплитуда, давомийлиги ва ҳолати ёки синусоидал учун –

амплитуда, фаза ва частота) белгиларни чекли алфавити ичидә қайси бирлигини аник билдиради. 52д-расмда полосавий рақамли сигналга мисол келтирилганды. Сигнал аналог күриништә, синусоидал шунга қарамасдан у рақамлы, чунки рақамлы ахборотни кодлайды. Ушбу расмда ҳар бир  $T$  вакт оралығыда аник бир частотали сигнал узатилади.

*Маълумот узатиш тезлиги (data rate)* – бу қиймат секундига жүнатылған бит (бит/с), у қуйидаги формула орқали аникланади:

$$R = k/T = (1/T) \log_2 M \text{ (бит/с)} \quad (6.2)$$

бу ерда,  $k$  бит  $M=2^k$  белгили алфавитдан аникланади;  $T$  -  $k$  битли белгини давомийлиги.

Бундай имконияттан түлиқ фойдаланиш учун биринчи навбатда рақамни узатиш тезлигига халақит қилувчи восита-ларни тушунишга ҳаракат қиласыз.

Шовқин ҳам алоқа назариясида маълум маънога эга. Уни бирор сигнал ўрнида қабул қилиш ва у узатилаётган хабарга халақит қилиши мүмкін. Масалан, иккі сұхбатлашаётган кишилар учун, мусиқа садоси, у қандайлигидан қатын назар, халақит қилувчи бўлиши мүмкін.

Алоқа канали, шовқин муаммосидан ташқари, белгланган мақсадни қондирувчи етарли сифимли бўлиши керак. Буни албатта, оғзаки нутқда ўз-ўзидан тушуниш қийин, чунки унда асосий масала сўзни аниклиги (тушунарлиги) дур, маълумотни узатишда эса бу асосий масалалардан.

## 6.2. МАЪЛУМОТ УЗАТИШНИНГ МОҲИЯТИ

### 6.2.1. МАЪЛУМОТ ВА АХБОРОТ

Маълумот, у рақам ёки ҳарф бўлмасин, ҳар қандай формал ифора каби унга маъно ўзлаштирилганды.

Ахборот, алоқа назариясида бир неча маънога эга. Қадим замондан «ахборот» атамаси – *тушунтириш, баён қилиш, изоҳлаб бериш* жараёнини англатади. Профессор Буаде таъри-фика: ахборот тушунчаси “*ушибу предмет түгрисида бизнинг*

*билимимиздаги номаълумлик даражасини камайтирувчи ҳамма нарса*” ахборотни олиш учун ундан хабардор бўлиш керак. Бунинг учун ахборот, уни ташкил қилувчи сигналга айлантирилади. Сигнал алоқа каналлари орқали қабул қилувига узатилади. Бу узатилган сигнал, албатта қабул қилувчи учун тушунарли, маълум қийматли бўлиши керак. Ахборот деб объектни ва жараённи ўзини ёки уларнинг хусусиятини эмас, балки намоён қилувчи предметлар, жараёнлар тавсифи, уларни акслантирувчи ёки акс эттирувчи сон, тенглама, чизма, белгилар ва бошқа абстракт тавсифлар кўриниши тушунилади. Ахборот назарияси турли соҳаларда қўлланилади. Шу сабабли ҳамма фанлар учун ягона “ахборот” тушунчаси мавжуд эмас. Алоқа мутахассислари учун, ахборот- маълумот, бу узатиш ва ишлов бериш обьектидир. Алоқа ахборот тизими икки тизимчалардан ташкил топган: ахборотни узатиш ва ишлов бериш. Ахборотни узатиш дейилганда, фақат ахборот ифода қилинган хабарнинг шакли кўзда тутилади. Ахборот узатиш техникасининг юксалиши сигналларни узатиш назарияси юксалиши билан боғлиқ, модомики ахборот тўғридан-тўғри узатилмайди, узатиш мақсади учун у сигналларга айлантирилади. XX асрнинг 40-йилларида К.Шенон томонидан киритилган ахборот сонини ўлчаш кейинчалик «Ахборот назария»сини мустақил йўналиш сифатида шаклланишига олиб келди. Параллел В.А. Котельников ва А. Найквист ишлари бошқа илмий йўналишни – халақитбардошлиқ назариясини юксалтираборди. Ахборот назарияси ўргача узатиш тезлигини максималлаштириш масалаларини ечиш билан шугулланган бўлса, халақитбардошлиқ назариясини асосий масаласи қабул қилинган хабар энг юқори ҳакиқатга яқинлигини таъминловчи узатиш ва қабул қилишни қидириб топиш устида иш олиб борди. Бу икки масала, умуман олганда, бир жараённинг икки томони: узатиш ва қабул қилишда ахборотта ишлов бериш жараёнларидир.

Ахборотни узатиш тизими учун, ахборот тикловчисининг физик моҳияти муҳим. Бу белги орқали ахборот эшлиши, кўриш ва “машина” бўлинниши мумкин. Ахборотни масофага узатиш учун шу ахборотни сақловчи хабарни узатиш керак. Бунинг учун хабар сигналга айлантирилади.

**Маълумот узатишни**, бирор физик мухит орқали хабарни ҳаракатини тушунамиз. Шундай қилиб, ўтказувчи орқали узатилган электр сигналлари, бўшлиқда тарқалган радиотўлқин, оптик тола орқали узатилган оптик сигнал, бўшлиқ орқали узатилган иссиқлик ва инфрақизил сигналлар физик мухитдир.

**Алоқа маълумотларини узатиш**, маълумотни узатишга қараганда кенгроқ маънони билдиради ва электр сигнални узатишдан ташқари, бошқа кўп факторларни қамраб олади. Алоқага асосланган, компьютер тизимларида бошқариш, назорат ва созлаш ахборотларини ҳаракатини ўз ичига олади.

Масалан, у узатиш физик занжирини; алоқа маълумотларини узатиш хизмати учун керакли конструкция таркиби ва матн билан таъминлаш; хатони топиш ва тўғрилаш тадбирлари; истеъмолчининг жиҳозларини узатиш тармоғига улашга керакли стандарт интерфейслар; ва ахборотни тартибиди таъминловчи қатор қоида ёки протоколларни ўз ичига олади. Рақамли электрон компьютерлар қуввати жуда содда масалаларни, ўта катта тезлиқда ечиши билан аниқланади. Компьютерга маълумотлар мантиқий ва соддалаштирилган бинар рақамлар (0,1 бинар қарама-қаршилиги) кўринишда жойлаштирилади. Бинар рақамлар ёки битлар математик 0 ва 1, электроникада икки турли +Ve ва -Ve, ёқилган ёки ўчирилган (он ёки off) ҳолатда ахборот миқдори ифодаланади. Компьютер тизимида бинар нотация ишлатилиши алфавит ва сон таърифларини (ҳарфлар ва рақамлар) бинар нотацияга конвертация қилиш учун кодлар тизимини юксалишига сабабчи бўлди. Натижада маълумотлар ва ахборотларни инсон осон таниб оладиган рақамли ахборот шаклига айлантириш имкони туғилди ва бунинг учун фақат тўрт бинар рақам, алфавит (ҳарф)ни ифодалаш учун эса кўшимча яна икки бит етарли

---

\*Хотима: Байт—бинар рақамлар гурухларининг кетма-кетлиги, компьютерда ишлатилувчи бирликдир. Саккиз (8) битли байт содатдаги ҳолат бўлсада, байтда битлар сони компьютер ишлаб чиқарилишига қараб байтда битлар сони 16 гача ёки 32 гача ўзгартирилиши мумкин.

бўлди. Рақам ва алфавит узатиш таърифини тўлиқ берувчи кодлаш тизими, бинар ўнлик кодлар тизими бўлиб, у ўттиз олти (36) кўрсаткичга эга.

Маълумот узатиш учун одатда кенгайтирилган тизим таърифи таңлаб олинади. Кўшимча ҳарфлар, рақамлар ва имло белгилари ва ҳ.к., бошқариш учун ортиқча таърифлар талаб этилади. Булар, маълумотларни узатиш назорати, жўнатиш шаклини ташкил қилиш, алоқа йўли билан боғланган ёкиш ва ўчириш алоҳида ахборот ва курилмалар.

Кенгайтирилган ўнлик бинар ўзаро алмашув коди (EBCDIC), BCD кодини кенгайтирилганидир ва олти (6) ўрнига саккиз (8) бит ишлатилади. Бу кодни кўп сонли турли таърифланиш талаб қилинганда ишлатиш тавсия этилади. Гарчи, факат бир юз тўққиз (109) мустақил қиймат мавжуд бўлсада, у  $2^8$  гача кенгайиши мумкин. Айрим компьютерларда код асосан саккиз бит «байт»ни узатиш қўлланилади ва узатувчи код ва компьютерда қўлланувчи кодни конверция этишдан воз кечиш имконини беради.

Бутун дунё бўйича маълумотларни кодлаб узатиш ёйилгани сабабли, уни стандартлашга ҳаракат қилинди. Аппарат ишлаб чиқарувчи турли корхоналар ва давлатлар ўртасида юзага келган бу муаммони ҳал қилишда телеграф ва телефон халқаро маслаҳат комитети (CCITT), миллий ташкилот ва халқаро стандартлаш ташкилотлари кўп жонбозлик кўрсатдилар.

Халқаро №5 алфавит (IA5) етти битли коддир, у замонавий мураккаб телеграф алоқаси, шунингдек, маълумот узатиш талибини қондириш учун ишлаб чиқилган. Янги алфавит, ахборот алмашиш америка стандарти (ASCII)дан келиб чиқкан. Уни CCITT ва ISO ларда кўшимча ишлов берилиб ва сўнг рацификацияланган. Аммо ҳар қандай стандартлантириш, бу енгликка тўсиқ, CCITT ва ISO буни тан олади ва IA5 код шу маънода айрим чегара доирасида истеъмолчиларга имконият туғдириб, кодни нормал, шартидан махсус кўрсаткичлар ишлатиб, чегарадан чиқиш имкониятини беради.

Компьютер асосида маълумот узатувчи бир қатор тизимлар аввал қабул қилинган телеграф кодидан фойдаланади. Телеграфияда содда текстларни узатиш устун туради ва

маълумот узатишга нисбатан кам белги талаб қилади. Ўнлик рақамларни ва алфавит ҳарфларни узатиш учун эса алоҳида символлар (белгилар) (камида 36 символ) мавжуд бўлиши керак.

Имло ва оралиқ белгилари сўзлар ёки символлар комбинациясида берилиши мумкин, лекин бу оператор ва ўқувчи (қабул қилувчи) учун қўшимча қийинчилик туғдиради ва толиктиради. Амалда бунинг ва бошқа мақсадлар учун қўшимча символлар киритилган. Халқаро электралоқа иттифоки (ITU) тасдиқлагандан, телеграфияда кенг қўлланиладиган, халқаро №2 алфавит (IA2) 5 битли код ёки алфавитдан иборат.

Икки ҳолатли коддан олиш мумкин бўлган, турли символлар (белгилар) қатори, нормага биноан  $2^n$  тенгдир. Бу ерда  $n$  –коддаги бирликлар сони. Бунда,  $2^5$  белги учун 5 бирлиги етарли, натижада 32 ташкил қилади. Одатда, IA2 кодини кенгайтириш учун икки «сурилувчи» белги ишлатилиди. «Рақам» тугмаларини босиш орқали ўқувчига (қабул қилувчига) юборилган сигнал, ундан келувчи символлар «рақамлар»ни ёки бошқа, қўшимча символларни англатади. Шу каби «ҳарф» тугмаларини босилганда ундан келувчи символлар ҳарфлигини ёки бошқа «бирлик» белгилигини англатади. Шундай қилиб, IA2 коди 52 графика (яъни босма бўлаоладиган) белгини тақдим қилаолади, икки, 3 функцияли шрифт (ҳарф) ва икки тарқалмайдиган белгилар мавжуд.

### 6.2.1.1.Кодларнинг самарадорлиги

Икки ҳолатли кодлар нафлилиги куйидаги ифода орқали аниқланади:

$$E = \frac{\log_2 N}{M} \times 100\% \quad (6.3)$$

бу ерда,  $E$ –коднинг нафлилиги;  $N$ –талаб этилган белгилар ёки ишоралар сони;  $M$ –коддаги битлар сони.

Фараз қилайлик, маълум бирор вазиятда 64 ҳар хил ишора ва етти битли код ишлатилган. У ҳолда юқоридаги тенгламадан фойдаланиб кодлар нафлигини аниқлаш мумкин, яъни

$$E = (6/7)100 = 86\%$$

Агар 8 битли код ишлатилса, унда нафлилик 6/8 ёки 75% ташкил қиласы. Бу ҳисоб-китобларга биноан, қуйидаги холосага келамиз: - IA2 турдаги «харфлар» ва «рақамлар» уланиб-узилтувчи телеграф коди энг нафли экан. IA2 фақат бешта бирламчи коддан иборат, шунга қарамасдан у 55 турли символларни тақдим этади. Агар, бу символларни ҳаммаси ишлатилади деб фараз қылсак, нафли тахминан 116% күтарилади. Шуни эсда тутиш лозимки, нафли билан, тизимдан фойдаланиш осонлиги, яъни операторга маъқул ва талаб этилган символлар етарли бўлишини таъминловчи оддий ҳолатларда, улар ўртасидаги тенглик бўлиши керак. Охирги икки кўрсаткич борган сайин биринчи ўринга ўтгани сабабли IA2, бугун IA5 алмаштирилмоқда.

### **6.2.2. СТАТИСТИК ЭҲТИМОЛЛИК ЁРДАМИДА АХБОРОТНИ КОДЛАШ ВА СИҚИШ**

Узатиладиган ахборотлар сонини тобора ўсиши туфайли, узатшга харажатни камайтириш учун яна ҳам кодлаш нафлигини ошириш йўлини излашга ундейди. Бу йўналишда бугун етарли ютуқларга эришилган ва бу ютуқларга эришишда киритилган янгиликка тўхталиш жоиздир – видеосигналларни узатиш учун талаб этилган частоталар полосасини камбарлигини таъминлаш учун ахборотни сиқиш механизими ишлатилади.

Кўлланган технология код диаграммасини ишлатишга асосланган бўлиб, у ҳолатни статистик эҳтимоллигини ёки фақат айрим қайсиdir маънода муҳим бўлмаган ахборотни узатиш имкониятидан воз кечиши акслантиради. Буларга мисол қилиб босма текисдаги оралиқ ва маълум, ажратилган вақт ичida видеотасвирда ўзгармайдиган қисмларини кўрсатиш мумкин.


Типик телевизион сигналларда ахборот ортиқчалигини ҳисоблаб чиқиши, сўнг частота полосасини қисқартириш имкониятини аниқлаш учун, сигнални статистик тавсифини амалда аниқлаш керак. Икки асосий тавсиф мавжуд: авто-

корреляция функцияси ва эҳтимолликни тўғри ва тескари таралиш функцияси.

Сатр бўйича телевизион тасвирни элементлар орасидаги автокорреляция, сатрдан-сатрга (сатрга перпендикуляр) элементлар орасидаги автокорреляциядан жуда оз фарқ қилади. Мураккаб тасвирларда, кўп майда деталлардан иборат, корреляция пасаяди. Мураккаб тасвир қўшни элементлари орасидаги автокорреляция жуда юқори – бирга яқин.

Телевизион сигналда автокорреляцияни юқорилиги тасвирнинг қўшни элементлари орасида етарли статистик алоқ мавжудлигини билдиради, яъни ахборотда кўп ортиқчалик борлигини кўрсатади.

54-расмда телевизион сигнал сатҳини эҳтимоллик зичлиги таралишини типик кўриниши келтирилган. Қора сатҳ атрофида эгри чизиқни кўтарилиши сигналда сўндирувчи импульс мавжудлиги туфайли.



54-расм. Телевизион сигнал кучланшини эҳтимоллик зичлигининг таралиши.

Телевизион сигнал сатҳини эҳтимоллик зичлиги таралишини нотеккислиги натижасида частота полосасини камайтириш ўртача 9% ни ташкил қилади. Частота полосаси қисқар-

тишда катта даражада ютуқ ўтиш эҳтимолигини таралиш нотекислиги орқали эришиш мумкин. Бунда учдан бирга частота полосасини камайтириш мумкин. Агар белгилар орасидаги статистик алоқани бир, икки ва ҳоказо ташлаб ишлатилса, ютуқ 10 – 15 баробарга кўтарилади.


Телевизион тасвирда ахборот сонини баҳолаш яна бир ажойиб усулга тўхталамиз. Тасвирни мураккаблиги, ахборот сони билан боғлик, майда деталлар сони ҳамда оқдан қорага ва тескари ўтиши (фронт) билан таърифланади. Тасвирни майда деталлари ҳамда фронти телевизион сигнални узатиш вақтини жуда кам қисмини ташкил қиласи. 96 – 98% вақт текис ва текис яқин тасвир жойини эгаллайди. Бу ҳолат назарий катта имконият мавжудлигини кўрсатади. Агар текис жойларни узатишни камайтириб, майда деталлар ва фронтларни оширса, натижада кадрни узатиш вақти олдинги қийматига тенглигича қолса, унда частота полосасини 24 баробар камайтириш имкони юзага келади. Тасвир мураккаблигини аниқлаш (ўлчаш) бу этропияни аниқлашни (ўлчашни) ўзи. Этропия Шенон таърифи бўйича бу элементтар хабарга тўғри келадиган ахборотнинг ўртacha сони (элементтар хабар қиймати).

### 6.2.2.1.Физик узатиш

Кодни узатиш учун, уни физик кўринишга ёки сигналга айлантириш керак бўлади. Буни телеграф ва телекс мисолида кўрсатиш мумкин. Одатда телепринтерга ахборотни киритиш усули клавиатура бўлиб, унда ахборотни киритишни таъминловчи асос бирлик «ишора» ҳисобланади. Клавиатура орқали киритилган ахборотни узатиш учун қулай шаклга келтириш клавиатура тугмасини босиш натижада ишорани 5 турли бирлик комбинацияли кодга айлантириш ёрдамида бажарилади. Ҳар бир бирлик бир ёки икки имкониятли «ишора» ёки «бўшлиқ» (тушириб ёки ўтказиб юбормоқ) ҳолатдан иборат. Улар «1» ва «0» га эквивалентдир.

Кодни узатиш учун, у электр сигналига айлантирилади. Телеграф сигналлари маълум вақт оралиғида жўнатиладиган кетма-кет бир қанча ёки бир элементдан иборат. Сигнални

узилиб қолиши ёки «бўшлиқ»да сигнални бўлмаслиги, унга ёд бўлган хато сигнални орага киришга имкон туғдиради, шу сабабли «ишора» ва «бўшлиқ» турли йўналишили электр сигналидан ташкил топади.



*55-расм. Телепринтердан йўлга узатилган сигналлар.*

Масалан R ишораси ёки 4 - тугма босилганда йўлга узатиладиган телепринтер сигналлари 55-расмда келтирилган кўринишга эга бўлади. Узатилган “рақам” сигналлари олдиндан келишилган дискрет сатҳлардан иборат. Мисолда келтирилган сатҳ қиймати манфий ёки мусбат 80 В, электр оқимини қутбланиши ёки йўналишларини ўзгариши, «ишора» ёки «бўшлиқ» узатилаётганига боғлиқ.

#### 6.2.2.2. Сигнал аломатини узатиш


Электр алоқа учун узатилган сигнал ва унинг узатиш давридаги ҳолати уч фундаментал аломатларга эга. Булар: частота, амплитуда ва фазадан иборат. Бу аломатлар масалан, овоз сигнали учун энг асосийси ҳисобланади.

**Овоз** – бу ҳавони физик тебраниши (ёки бошқа бирор мухитни) бўлиб, у қулоқ орқали қабул қилиниб, нерв тизимлар орқали мияга узатилади.

Овоз титрашини юзага келтиради, у ҳавони сиқилишига ёки кенгайишига олиб келади. Ҳаво овоз манбаи билан бирликда титрайди, агар қулоқ қабул қилувчи ҳудудда бўлса, қулоқ диафрагмаси титрайди. Овоз, келиб чиқарган ҳавонинг ҳар бир босими график сифатида, вақтни юзага олган ҳолда 56-расмда кўрсатилгандек ифодаланиши мумкин. Расмда сиқишини ва кенгайишни бир даври келтирилган. Математик, у тригонометрик функция орқали ифодаланади. Келтирилган расмда, тўлиқ синусоидал кўринишда ифодаланган.

### 6.2.2.3. Частота ёки баландлик (оҳанг)

Мусиқада ноталар юқори ёки паст деб юритилади. Гап шунаки, юқори аталмиш оҳанг, маълум вақт ичida паст оҳанга нисбатан кўп даврли. Ўрта баландликли «С» концертда, у секундига 270 даврни ташкил қиласди (270Гц). Шу билан бирга, ўртадан юқори «С» оҳанг 540 Гц частотага teng.



*56-расм. Соғ овоз тўлқини.*

Частота билан тўлқин узунлиги орасидаги боғлиқлик куйидаги мисолда яққол намоён бўлади. Агар 56-расмда келтирилган тўлқин даври 0,001 секундни ташкил қиласди деб олинса, сигнал бир секундда 1000 даврни ташкил қиласди

(1000Гц). Агар, у үй ҳароратида вужудга келган бўлса, овоз тезлиги 340 м/сек тенг бўлади, бу ҳолда унинг бир даври 340/1000 ёки 0,34 м (34см) ҳавода ташкил қиласди.


#### 6.2.2.4. Амплитуда ёки баландлик (ҳажм)

Ҳажм ёки баландлик (овозни) тўлқин шаклини амплитудаси ёки сиқиши ва кенгаиш чўққиси орқали аниқланади. 57-расмда бир хил частотали, икки овоз тўлқини келтирилган. Унда Б эгри чизиги, А га қараганда катта ҳажмга (баландликка) эга.

#### 6.2.2.5. Оҳанг

Оҳангта кар инсон, баландликни эшитиши ва тўғри тиклаши мумкин. Бу инсонларда кўп учрайдиган касаллик бўлиб, инсонни гапиришига ва ашула айтишига халақит бермайди. Ҳақиқатан, оҳангга кар инсонлар одатда ҳеч қандай камчиликни сезмайди ва эҳтимол, уларга дағал ёқимсиз овоз баҳшида қилинади. Буни акси, кўпчилик одамлар эркак ва аёл, ёки ногора ва чанг товушларини ажратадилар.

Инсонларни бундай қобилияти, оҳангни сезиши фундаментал характеристерга эга бўлиб, у фақат инсон учун гаплашиш имконини беради. Овозлар орасидаги фарқ, тебраниш шаклини фундаментал вариацияси орқали аниқланади.



57-расм. Амплитудаси ҳар хил частотаси бир хил сигнал.

Бу вариациялар қўшимча частоталарни киритиш билан бажарилади. Улар «гармоника» ёки «қўшимча оҳанг» (обертон)


күринишда маълум. Масалан, агар ўрта «С» баландлиқда фортапиано орқали ижро этилган бўлса, асосий частота тахминан секундига 270 марта тебраниш орқали ҳосил бўлади. Шу билан бир қаторда, торни ташқи қирраси: асос ва ёғоч қисми тебранади. Натижада, турли частотали бу гармоникаларни туғилиши ўзига хос (фақат шу асбобга хос) оҳанг беради.

### 6.2.2.6. Фаза

57-расмда икки синусоидал шаклли тўлқин кўриниши ифодаланган. Унда В, А га қараганда кечиккан ҳолатда. Ҳар бири, бир-бирига нисбатан тескари фазада. Бир тўлқин иккинчисига нисбатан кечикиши ёки олға кетиши тўлқин ҳаракатини бошлангич нуқтасини танлашга боғлиқ. Расмда А тўлқинининг бошланиш нуқтаси О билан белгиланган, унга нисбатан Б кечикиш миқдори айланани чорагига тенг, демак, тебраниш  $90^0$  га кечиккан. Фаза, модуляциялаш назариясида муҳим қўрсаткич ҳисобланади ва у модуляция ишлатиладиган технологияда асос ҳисобланади.

### 6.2.2.7. Рақамли ва аналог узатиш

Юқорида кўрилган сигнални тўлиқ ифодаловчи атамаларга нисбатан, бу унча фундаментал бўлмасада, рақамли ёки аналог тизимлар орқали узатиш - катта сифат қийматига эгадир.



58-расм. Тебраниш нисбий фазалари.

Рақамли компьютерлар ва у билан боғлиқ бўлган жиҳозлар рақамли сигналларни генерациялайди ва улар орасидаги фарқ, эски телефон тармоғида ишлатилувчи ва аввало, аналог сигналларни узатиш учун мўлжалланган каналдан рақамли сигнални узатиш нафлигини ва имкониятини кўрилганда кўзга ташланади.

Юкорида келтирилган телеграфиядан мисол, рақамли сигналлар шакли ва рақамлар, уни кузатиб борувчи частота ва амплитуда анализи, аналог сигналларни муҳим кўрсаткичлари эканлигини кўрсатади.

Уларни бир-биридан фарқлантирувчиси, рақамли сигналлар – узлукли, аналог сигналлар эса – узлуксиздир.

## 6.2.3. ШОВҚИН ВА КУЧЛИСИЗЛАНИШ (СЎНИШ)

### 6.2.3.1. Шовқин

Юкорида, алоқа сифати пасайишига бирвақтда узатилаётган қўшимча, халақит туғдириш тўғрисида тўхталдик. Буни чуқурроқ тушуниш учун шовқинга мурожаат қиласиз.

Табиатни қудратли кучи, шубҳасиз металларни окислантиради (занглатади). Бу куч, электр каналлари эса у орқали узатилаётган асосий сигналларга (ахборотларга) қарама-қарши, ўта кучли қаршилик кўрсатиб, уларни кучсизлантиришга ва бузишга сабабчи бўлади. У шунингдек, фон шовқини бўлиб, телефонларда ва радиолинияларда, телевидениеда ўзига хос товуш юзага келтиради. Бу «оқ шовқин» (ёки Гаусс шовқини) кўринишидан шовқинлар, электр ва радио каналларда доимий муқаррардир, чунки у, электронларни табиий ҳаракати натижасида юзага келади. «Оқ шовқин» атамасини ишлатилишига сабаб, маълумки оқ нур, бу бир хил миқдордаги ранглар спектрининг йигиндисидан ташкил топган, шу каби шовқинлар ҳам кам ҳолда «тоза» ва бир частотали бўлаолади. Импульс шовқинлар, шунингдек телефон сўзлашувига ва телекўрсатувга муаммо туғдиради. Чунки улар бошқа биринчи навбатда телефон сўзлашув ва бошқа теледастур сигналларидан юзага келади.

Тұлық импульс шовқин овоз, тасвир ёки маълумот узатилишига боғлиқ. Овоз узатилғанда биринчи навбатда тушуниб олиш қизиқтиради, тасвир узатилғанда уни аниқлиги, маълумот узатилғанда хатосизлиги. Гаплашишдаги аниқлик (бир-бирини тушуна олишлик). Тушунарлилиги (тушуниб бўлишликни) аниқлаш муаммоси мавжуд. Гап шундаки, инсон мияси хатони тўғрилаш қобилиятига эга, биз сўзни бир қисмини (тушириб) қолдирсак, эшитувчи миясида у умумий маъносидан келиб чиқиб тикланади. Турли жумлалар тузилиб кўп тестлар ўтказилган, унда ўз ахборотига эга бўлмаган сўзлар ишлатилиб сўз тузилган ва булар тушунишни аниқлашга фойдали хизмат қилди.

Инсон сўзининг тушунарлилиги туғилаётган гармоникалар чегарасидадир. Инсон сўзидағи ахборотни кўп қисми 125 Гц ва 2000 Гц тўғри келади. Яъни тахминан 2000 Гц частота кенглик полосасидадир. Шуни ҳисобга олган ҳолда, CCITT ташкилоти телефон учун 300 дан 3400 Гц частота кенглигини тавсия қилди. Унда сўзларни юқори даражада тушунишга эришилади, радиоэшиттириш 20000 Гц, телевидения учун 5-8 МГц қабул қилинган, кузатувчи овоз эса 50(25)кГц.

Компьютер орқали ишлов бериш керак бўлган ёки ишлов берилмаган ҳолда инсон англаолмайдиган бефойда ҳолатда, ахборот ёки маълумотлар узатишни кўрилганда, вазият умуман бошқадир. Аниқ бирор сигнални олганда, сигнални ва ахборот шаклини бузилишига олиб келган шовқин (халақит), қабул қилингандан сўнг мутлоқ мазмунсиз ёки хатоли бўлиб, уни аниқлаш ҳар доим ҳам ўз-ўзидан кўринмайди. Агар шовқин ахборотни жиддий бузаолмайдиган халақит бўлса, унда бундай шовқин сигнал қувватини шовқин қувватига нисбати ва қабул қилувчи апарат сезгирлиги билан боғлиқдир. Бу эса бизни кучсизланиш (сўниш) тушунчалари томон бошлайди.

### 6.2.3.2. Сўниш

Сигнал узатиш жараёнида ўз қувватини йўқотади. Бундай сигнал қувватини йўқолиш хусусияти *сўниш* деб аталади.

Сўниш миқдори сигнал узатилаётган мухит билан боғлиқ. Танланган мухитда сўниш миқдори масофа билан боғлиқ.

Масалан, ҳаракатсиз ҳавода жаранглайтган овоз тез орада эшитилмай қолади. Шундай ҳолат электр каналида ҳам кузатилади, лекин овозга қараганда кам даражада. Бундан ташқари, сўниш частотага ҳам боғлиқ.

Амалда шу боисдан кучлантиргичлар ишлатилади ва улар орқали сўниш маълум даражага етганда, сигнал қуввати тикланади. Аналог каналларда бу иш бажарилганда, фойда билан бир қаторда зиён ҳам кўрилади. Сабаб, ҳар қандай сигнал кучайтиргичи ўз навбатида шовқин манбаси ҳамdir. Бундай муаммо рақамли каналларда учрамайди. Гарчи, тўлкин ёки импульс шакли рақам қувватини йўқотади, натижада шовқин таъсири туфайли уни шакли заарар кўради, лекин бу заарни қоплашни турли йўллари мавжуд. Импульслар бинар қимматли бўлганилиги сабабли, уларни олдиндан стандартлаш мумкин. Натижада сигналларни этalon сигналлар билан солиштирувчи қурилма орқали узатиш жараёнида уларни қайта шакллантириш имконияти юзага келади.

### **6.2.3.3. Маълумотни узатиш тезлиги**

Узатиш тезлигини аникловчи қатор усууллар мавжуд: «модуляция тезлиги», «сигнализация маълумотларини узатиш тезлиги» ва «маълумот (ахборот) узатиш тезлиги». Тезликни аниклашда юзага келадиган тушунмовчилик атамаларни ножӯя ишлатиш билан боғлиқ, шунинг учун қуийда уларга алоҳида тўхталамиз.

### **6.2.3.4. Модуляция тезлиги**

Бу атама алоқа восита мутахассислари томонидан занжир ишини, яъни шу дамда занжир ҳолатини ўзгартиришни бажариш учун тезлик атамаси орқалик таърифлаш ишлатилади. Аникроғи - сигнал элемент бирлигининг давомийлиги тескарисини билдиради. Модуляция тезлигини ифодаловчи бирлик «бод» деб аталади. У сигналнинг бирлик элементига

тенг. Масалан, 59-расмда келтирилган ҳар бир сигнал бирлик элементи 20 мкс ташкил қилади. Натижада, модуляция тезлиги  $(1/0,020) = 50$  бодни ташкил қилади.

Модуляция тезлигини бодда ифодаланганда маълумот қайси тезлиқда узалилаётганини келтириш шарт эмас.

### 6.2.3.5. Сигнал тизимларида маълумотни узатиш тезлиги

Сигнал тизимида маълумот узатиш тезлиги ахборотни узатиш тезлигини аниқлаш учун ишлатилади. У секундига жўнатилган битлар сони билан аниқланади (бит/сек). Серияли узатишда кўйдагича аниқланади:

$$(1/T) \log_2 M \quad (6.4)$$

бу ерда,  $T$  – секундига узатилаётган сигнал бирлик элементларини давомийлиги;  $M$  – сигнал тизимида улар холатини сони.

Қайта 58-расмга мурожаат қилиб сигнал тизимида маълумот узатиш тезлигини аниқлаймиз  $(1/0,020) \times 1 = 50$  бит/сек. Лекин «бод» бу 1 бит/сек деб тасдиқлаш нотўғри, чунки сигнал тизимида иккidan ортиқ режим (кўпрежимли сигнал тизими) мавжуд.

Кўп режали сигнал тизимини оддий ўхшатиш қўллаб тушунтириш мумкин. Фараз қилайлик, маълум рақамлар бир хонадаги бир одамдан иккинчисига сўзсиз ва қоғозга ёзмасдан узатиш керак, масалан,

100001011001

Бунинг учун «икки ҳолатли режим»нинг кўп варианти мавжуд, масалан, оқ байроқни кўтариш «1» ни билдиради, қизил байроқни кўтариш «0» билдиради. Тезлик, байроқларни кўтариш тезлиги билан аниқланади.

Агар икки байроқ ўрнига тўрт байроқ ишлатилса, бошқа имконият юзага келади. Маълумки икки бинар рақамда фақат тўрт комбинация мавжуд, яъни 00, 01, 10, 11. Оқ байроқни 00, қизилни 01, яшилни 10 ва сариқни 11 шартли боғласак, унда юқоридаги рақамлар қаторини қўйдагича ифодалаш мумкин: ЯОҚҚЯҚ. Натижада “тўрт режали сигнал бериш тизимида” икки баробар кам сигнал бериш мумкинлиги аниқ бўлди.

Учбитли ахборотни бир вақтда узатиш учун саккиз рангли байроқ ишлатишига түғри келади (чунки, учебинар рақамни комбинацияси саккиз турли ҳолати мавжуд - 000, 001, 010, 100, 011, 101, 110, 111). Түрт битли ахборот учун 16 байроқ ва ҳ.к.


Назарий томондан байроқлар сони чексиз орттириш орқали катта ҳажмдаги ахборотни шу сигналлар сони билан узатиш мумкин бўлади. Аммо, кодлаш ва декодлаш техник муаммолари туғилади ва байроқлар ошган сайин мураккаблашиш дараҷаси ошади.

59-расмда оддий 4 режимли сигнал узатиш тизими сигнални келтирилган. Унда ҳар бир  $20\text{мкс}/\text{сек}$  сигнал бирлик элементи икки бинар рақам билан келтирилган. Сигналларни узатиш тезлиги

$$(1/0,020)x\log_2 4 = 50x2 \text{ ёки } 100 \text{ бит/сек} \text{ га teng}$$

*Изоҳ:* модуляциялаш тезлиги ҳануз  $1/0,020$  ёки 50 бод.

Телеграфияда серияли узатиш кенг тарқалган, аммо маълумот узатиш айрим ҳолларида параллел узатиш ишлатилади, бунда бир вақтни ўзида белгилар тўлиқ тўплами параллел узатилади.



59-расм. 4-сатҳ кучланишили ишлатилганда маълумот сигналини узатиш.

60-расм. Серияли узатиш.

Агар, 60-расмда кўрсатилган оддий гепотетик мисолни олсак, маълумот сигналларини узатиш тезлиги (бит/сек), ҳар бир узатилувчи маршрут ёки «канал» узатилган битлар сони йигиндисига (қўшмасига) тенг бўлади.

Шундай қилиб, параллел тизимда сигнализация маълумотлари узатиш тезлиги қуйидагича ифодаланади:

$$\sum_{i=1}^{i=N} \frac{1}{T} \log_2 M \quad (6.5)$$

бу ерда,  $N$  – параллел каналлар сони;  $T$  – ҳар бир каналдаги сигнал блоклари элементларини давомийлиги.

Агар 60-расмда келтирилган 5 каналнинг ҳар бирида сигналлар 2 ҳолатли (режимли) ва агар, ҳар бир сигнал элементини давомийлиги олдингилардек 20 мкс бўлса, унда  $(1/0,020)+(1/0,020)+(1/0,020)+(1/0,020)+(1/0,020)=250$  бит/сек.

### 6.2.3.6. Маълумотлар узатиш тезлиги


Маълумот узатиш тезлиги таърифланганда ишлатиладиган маълумот сигналларини узатиш тезлигини акси, «маълумотларни ўтказиш тезлиги» ҳақиқатан маълумотлар узатилгандан сўнг келиб тушганлигини билдиради. Уни ССИТТ томонидан аникланишига биноан «вакт бирлигига бит, белги ёки блокларни ўртача сони» орқали аникланади. Улар секундига, минутига ёки соатига бит, белги, бит пакетини ифодалайди.

Кўп эътиборни жалб қилувчи ускуналар, «*маълумот манбаси*» ва «*маълумотни қабул қилувчи*» аталади. Иккиси «A» ва «B» телепринтерларга перфарацияланган тасма орқали автоматик узатишни кўриб чиқамиз (61-расм). Яққолроқ кўрсатиш ниятида расмдаги «A» қисмидаги ўқилувчи перфарацияланган тасмани маълумот манбаси, перфарацияланган тасма жойлашган «B» маълумот қабул қилувчи деб оламиз. Аввалги келтирилган мисолдан биламизки, маълумот сигналини узатиш тезлиги 50 бит/сек га teng, лекин битлар маълумотни қабул қилувчи томонидан бир хил тезлиқда қабул қилинмайди. Тахмин қилайлик, тўхтовсиз перфорацияланган тасма томондан бир дақиқада бехато 400 беш белгили блок (бирлик) узатилган, бу 2000 бит эса ўртача 33,33 бит/сек да қабул қилинган. Улар орасидаги фарқ узатиш давомида ишлатилган старт/тўхтов 2,5 бирлик сигналлар элементи бўлиб, у кейинчалик мутлақ ўринисиз маълумот натижаси. Шундай қилиб, узатилган сигналларни учдан бири ноҳоҳишидир.

Мисолдан келиб чиқиб, маълумот узатиш тезлигини (DTR – data transfer) қуидаги аниқлаш мүмкін:

$$DTR = \frac{M}{T} \quad (6.6)$$

бу ерда, **DTR** – бит/сек да маълумотларни узатиш тезлиги; **M** – маълумотларни қабул қилувчи қабул қилған битда ахборотлар сони; **T** – **M** бит/сек узатиш учун талаб қилингандык вақт (сек).



Маълумот манбаси

Маълумот қабул қилувчи

### 61-расм. Тасмадан автоматик узатиш.

Кейинчалик, ахборот узатиш тезлигини ҳисоблаш оддий масала эмаслигини тушуниб етамиз. У ҳар бир узатишда хато даражаси, хатони назорат қилиш ва ишлатилаётган йўл протоколига ва фақат битлар сонига эмас, балки ноҳоҳиши тўлиқ ишоралар сонига боғлик.

Рақамларни узатиш тезлиги, электр тизимида маълумотларни узатиш ҳаракатини таърифловчи, бошқаларга қараганда, аниқроқ усул бўлсада, аниқ тизимни билиб ҳисоб-китоб қилмасдан аниқланмайди. Шунинг учун алоқа йўли ёки жиҳозларини бир қисми учун, уларни тезлиги аниқ бир сонга бит/сек га teng деб айтиб бўлмайди. Шу сабабли, бу китобда бит/сек атамаси маълумот сигналларини узатиш тезлигини кўрсатиш учун ишлатилади.


### 6.2.3.7. Полосалар кенглиги

Канал, ахборотни элитувчи сифатида, полосаларининг кенглиги канал сифимни аникловчи асосий кўрсаткичидир. Канал кенглиги аниқ ифодага эга: бу канал узата оладиган частоталар диапазони.

Шунинг учун, полосалар кенглиги ва частоталар орасида боғлиқлик мавжуд. Юқорида кўрдики, сигнални бир неча таркибий частоталарга ажратиш мумкин. Буни Фурье анализ услуги ишлатилиб бажарилади. Юқорида келтирилган таърифга биноан диапазон атамасини ишлатиш муҳимдир, чунки унда факат маълум частоталар сонигина мавжуд эмас – сигнал частоталар спектридан иборат, лекин энг паст частота, нолдан фарқ қиласди, юкори частота эса ёки маълум қийматли ёки назарий чексиз бўлиши мумкин. Шунинг учун, умумий фойдаланишдаги коммутацияландиган телефон тармоғи (PSTN) 300–3400 Гц диапазондаги частоталарга мўлжалланган. Демак, инсон овози таркибидаги қатор юкори частота ёки гармоникалар узатилмайди. Натижада телефон орқали гаплашилганда товуш кўп ҳолда ёқимсиз (яssi) ва нисбатан оҳангда эшитилади.

Тил масаласига келганимизда, унда асосий муаммо аниклиги (тушунарлигини таъминлш бўлиб, бу масала частоталар полосаси кенглигига боғлиқ). Оғзаки аналог ахборот узатишда тезлик телефон канали билан чекланмайди, балки сўзлашишнинг табиий тезлиги билан чекланади. Лекин полосалар кенглиги – рақамли ахборотни узатишда тезликни асосий чекловчисидир. Агар инсон кулоғи частота полосасини максимал 20 000 Гц лиги имкониятини юзага олиб, рақамли ахборотни қабул қилишни анализ қилсак, ҳаммаси ойдинлашади. Биз кўп ҳолларда, овозни рақамли сигналлар таърифланиши каби қабул қиласмиш, бунга мисол қилиб поезд купесида ўтирганда эшитилган овозни олиш мумкин. Икки туркумли ди-ди-ди-дут одатдаги овозни оҳангни поезд тезлиги ошиши билан баландлашади. Овоз баландлиги тезлик ошган сайин ошаборади ва поезд тезлиги етарли катта тезликка етганда

товуш частотаси шунчалик юқорига күтариладики, уни қулоқ қабул қила олмайды.



*62-расм. Частота полосаси кенглигини ахборот тезлигига нисбати.*

Ахборот узатиш мүмкін бўлган тезлик билан, полоса кенглиги ўртасидаги боғлиқликни ойдинлаштириш учун телеграф сигналини анализ қиласиз, бунда ўнгай бўлиши учун старт-тўхта(стоп) элементи ҳисобга олинмайди:

50 бод = 50 сигнал бирлиги элементига тенг

Минимал частота = 0 Гц (ҳаммаси 1 ёки ҳаммаси 0)

Максимал частота = 25 Гц (1 ёки 0 навбати билан)

Сигналларни узатиш тезлиги = 50 бит/сек.

62-расмдан кўриш мумкинки, 50 битли сигнал ахборотни 50 бит/сек тезликда элитади. Шунингдек, узатувчи томондан ишлаб чиқарилган асосий ахборот, 0 Гц дан (фақат бирлар ёки ноллар узатилганда) то 25 Гц гача (0 ва 1 навбат билан узатилганда) ўзгаради.

Шунинг учун бир бит ахборот ҳар бир 25 Гц тўлкин даврида тўғрибурчакли кўринишидаги тебраниш билан ифодаланган. Шовқинсиз каналда частотаси  $\Delta f$  дан юқори бўлмаган сигналлар  $2\Delta f$  кучланиш қиймати билан узатиш мүмкинлиги Котельников - Найквист томондан исботланган. Бу демак, шовқинсиз (халақитсиз) идеал ҳолатдаги канал ва икки вольтлик кетма-кетлик (0 ва 1) узатилганда, каналнинг


максимал қувват С  $2\Delta f$  тенг бўлади. (бу ерда  $\Delta f$  – каналнинг частоталар полосасининг кенглиги).

Агар икки волтдан юқори қиймат олинса, частотаси ўзгари. 62-расмда 4 позицияли (режали) тизим келтирилган. Бу мисолда ҳам асосий частоталар сифатида 0 Гц ва 25 Гц оралиғидаги тебранишлар олинган (частоталар полосаси 25 Гц дан кўпроқ), ҳар бир тўла даврда 2 бит ахборот олиш мумкин.

Шу сабабли, канални назарий қувватини, оқ шовқин бўлмаган ҳолда, кўп режали (кўп позицияли) сигнал шакллантириб кенгайтириш мумкин:

$$C = 2\Delta f \log_2 L \quad (6.7)$$

бу ерда,  $C$  – канал сигими, бит/сек;  $\Delta f$  – частоталар полосаси кенглиги;  $L$  – позициялар (режалар) сони.



*62б-расм. 4 сатҳли сигнал.*

Масалан: частоталар полосаси  $\Delta f = 2000$  Гц; позициялар сони  $L = 8$ , унда  $C = (2 \times 2000) \times (\log_2 8) = 4000 \times 3 = 12\,000$  бит/сек.

Минимал частота 0 Гц; максимал частота 25 Гц, натижада маълумот-сигналини узатиш тезлиги 100 бит/сек.

Юқорида айтилганларга биноан, канал сигимини, позициялар сонини ошириш орқали, назарий чексиз кўпайтириш мумкин. Аммо амалда бу афсуски мумкин эмас. Келтирилган тенглама частоталар полосаси кенглиги билан сигнал сатҳлари

ва канал сифими ўртасидаги боғлиқликни кўрсатсада, ундан ташқари кўп ноҳушликлар мавжуд:

— оқ шовқин ва бошқа ҳалақитларсиз реал электр каналлари мавжуд эмас. Лекин замонавий электроника ёрдамида тўлиқ рақамли овоз ва маълумот, телевизион сигнал узатишда шовқинларни камайтириш борасида катта ютуқларга эришилган;

— ишлатиш мумкин бўлган ҳолатлар (позициялар, режалар) сони, сигналларни узатиш учун етарли куввати, шунингдек, кодлаш ва декодлаш муаммоси ҳамда қабул қилувчини кўпсонли сатҳларига ишлов бериш сезирлиги билан чекланган.

Канал орқали узатиш учун ахборот қийматини аниқловчи уч асосий замин мавжуд:

- рухсат этилган частоталар полоса кенглиги;
- сигнал кувватини сатҳи;
- каналда мавжуд шовқинлар кувватини сатҳи.

Клод Шинон томонидан фундаментал изланишлар натижасида электр алоқа каналларини сифими чекланганлиги математик исботланган. Шенон-Хартли қонуни оқ шовқин мавжудлигига канал сифимини максимал қимматини аниқловчи ягона тенгламадир. У куйидаги кўринишга эга:

$$C = \Delta f \log_2 \left( 1 + \frac{S}{N} \right) \quad (6.8)$$

бу ерда,  $C$  – каналнинг сифими;  $\Delta f$  – частоталар полосасининг кенглиги;  $S/N$  – сигнални шовқинга нисбати.


Бу тенгламадан фойдаланиб, агар овоз канали частоталар полосаси кенглиги 3000 Гц ва сигнални шовқинга нисбатан сатҳи 30 дБ бўлса, яхши натижага эришиш мумкин

$$C = 3000 \log_2 (1 + 1000/1) = 30\,000 \text{ бит/сек.}$$

Бу қиймат, бундай занжирнинг амалий имконидан озгина юқоридир. Аналог каналларда эришиладиган реал тезлик, каналнинг ўзига ва ишлатилаётган модемга боғлиқ. Модемларни яратишда катта ютуқларга эришилганга қарамасдан, назарий тезлик чегарасига етишга ҳали узоқмиз.

## 6.2.3.8. Рақамли узатиша частоталар полосаси кенглигига талаблар


Юқорида, частоталар полосаси кенглигини уммумий күринишда күриш чиқдик. Күйида аналог канал орқали рақамли сигнални узатиша частоталар полосаси кенглигига талабларни кенгрок ёритамиз. Бунинг учун батафсил Кательников-Найквист назариясини тушунишга ҳаракат қиласиз. Рақамли сигнал маълумот узатиши, ўзига хос бўлиб, рақамлар терминалида генерацияланган тўғри бурчак шаклли сигнал 63-расмда келтирилган. У икки кутбли сигнал, икки ҳолатли позитив ва негатив кийматга эга. 63-расмда вақт унга қараб ўсади ва битлар кетма-кет 0, 1, 1, 0, 1, 0, 0 жойлаштирилган. Узатиш шартига биноан, паст тартибли битлар ҳамма вақт биринчи бўлиб узатилади.



63-расм. Кутбли бинар сигнал.

Аввал айтилгандек, бинар сигналларда ахборотни энг катта узатиш тезлиги  $0s$  ва  $1s$  алтернатлар узатилганда кузатилади. Агар,  $N$  бит/сек битлар тезлиги бўлса, 64-расмдан кўринадики, 010101... бинар сигнал  $N/2$  Гц синусоидал тўлқин частоталар каби тезлиқда ахборот етказилади.

Аммо биз тўғри бурчак шаклли тўлқин ахборотни  $N/2$  Гц да юқори частотаси чекланган канал орқали узатамиз, натижада сигнал шакли биртекис ўзгарувчига айланади. Агар, 64-расмга назар ташласак, нима сабабдан шакли ўзгарганини тушунамиз.




**64-расм. а) квадрат шаклли түлкін; б) синусоидал түлкін; в) ҳар хил частотали түлкінлар учун құтарилиши вақты.**

Сигнални минимал қийматидан максимал қийматигача ўсиш вақтини  $r$  ҳарфи билан белгилаймиз. Тебраниш частотаси қанчалик юқори бўлса, бу вақт шунчалик кам бўлади. Масалан, тўғри бурчакли түлкін ўзгариши бир зумда бажарилади ( $r$  – кичкина). Бу таркибида юқори частоталар мавжудлигидан дарак беради. Ҳақиқатан, узлуксиз тўғри бурчак шаклли тебранишни тўлиқ анализ қилинса, уни таркибида қатор юқори частотали синусоидал ва косинусоидал гармоникалар мавжудлигини кўрсатади. Бундай анализ Фурье номи билан маълум. Шундай қилиб, ҳақиқатан тўғри бурчак шаклли түлкін узатиш учун, яъни вертикаль фронтли, канал чексиз частоталар полоса кенглигига эга бўлиши керак.

Фурье, якка тўғри бурчак шаклли импульс сигнал анализи билан ҳам шуғулланган. Аниқланишича, таркибий частоталар дискрет частоталар қаторини эмас, балки бетўхтов (сидирға) спектрдан иборат. Таркибий частоталар амплитудаси Фурье айлантириш бажарилиб аниқланади. Якка тўғри бурчак шаклли импульс Фурье айлантирилиши натижасида  $\sin X/X$  эгри чизикли трансформантани ташкил қиласди (65-расм). Бу эгри чизик импульс ҳамма частоталар амплитудасини тасвирлайди. Эътибор қилинг, Т давомийлик импульс маълум  $f$ ,  $2f$ ,  $3f$  ва х.к. частоталарда амплитудаси нолга teng ( $f=1/T$ ).


Фараз қилайлық, түғри бурчак шаклли импульс әмас, балки  $\sin X/X$  бирор шаклидан бошлады (66а-расм). Бундай шаклли импульсні частоталар таркиби қандай бўлади? Уни Фурье трансформантаси кескин ўзгарувчи шаклда бўлади (66б-расм). Узатувчи канал чекланмаган частоталар полоса кенглигига эга бўлгани сабабли, бу импульс бузилишдан йирок, идеал түғри бурчак шаклли сигнални шакллантиради.

Котельников-Найквист теоремасига биноан, бундай импульсларни идеал каналда қайтарилиш тезлиги  $2f$  импульс секундга тенг.



*65-расм. а) Түғри бурчак шаклли якка импульс; б) уни Фурье трансформантаси.*


бу ерда,  $f$  – частоталар полосаси кенглигиги, Гц да.  $1/2 f$  давр импульслар оралиқ вақти бўлиб, Найквист оралиғи номи билан маълум. Секундига  $2f$  импульс сигналлар тезлиги, Найквист тезлиги номи билан маълум.



*66-расм. а)  $\sin x/x$  импульс; б) уни Фурье трансформантаси.*


Назарий  $\sin X/X$  шакли импульслар амалда узатувчи тизимлар камчилигига бардошли идеал күринишга эга, лекин бошқа шакллар ҳам мавжуд. Шундай шакллардан бири күтарилиган косинус импульси. Күтарилиган косинус импульс тасвири 67а-расмда, Фурье трансформантаси 67г-расмда көлтирилген. Ундан күринадыки,  $\sin X/X$  шакли импульсни ишлатишга қараганда, унга иккى баробар частоталар полосаси кенглиги талаб қилинади. Лекин бундай шаклни мұхим күрсаткышларидан бири импульс давомийлигини яримда унинг амплитудаси умумийни ярмиға teng,  $T$  давомийли импульс  $T/2$  секунд оралиғида узатилиши мүмкін. 68-расмда күтарилиган косинус импульс күринишидеги битлар намунаси 011010 қатор мисолида күрсатылған. Бу мураккаб импульслар шакли рақамлар терминалы чиқишида олинмайды, аммо уларни модем ёки бошқа узатувчи жиһоз орқали генерация қилиш мүмкін.

Техникага оид адабиётларда Найквист теоремаси айрим ҳолларда *танлаш* *теоремаси* деб көлтирилади. Бундай аталишига сабаб  $2f$  импульс/сек га teng Найквист тезлиги дискрет танланған қыймат бирламчи шаклини талаб этилған аниқликда тишкаши учун аввалғи тұхтосыз үтувчи тебраниш шакли нисбатан кам чегара частотани талаб қиласы.



67-расм. а) Күтарилиган косинус импульс; б) уни Фурье трансформантаси; в) Күтарилиган косинус импульс ассоцида олинған FT импульс; г) уни Фурье трансформантаси.

Бу импульс кодли модуляция ишлатилиб овозни рақамга айлантиришда мұхым роль үйнайды. Шундай қилиб, агар овоз частоталар полосаси көнгілігі 4000 Гц қабул қылыша, сигнални рақамлы узатиш учун секундига 8000 марта танлаш керак бўлади. Қабул қилувчи томонда бу дискрет сигнал яна овоз сигналига етарли даражада сифатли айлантирилиши керак.




*68-расм. Кўтаришган косинус асосида олинган FT импульс орқали бинар тебранишини шакланиши.*

### 6.3. СПЕКТРЛАР ВА СИГНАЛЛАР

Маълумот узатишга тааллуқли асосий масалалардан бири маълумотни элитувчи электр сигнал спектрида қувватни тақсимланиши ва бу тақсимланиши алоқа каналини тавсифи билан мослаштиришdir. Юқорида айтилгандаек, иккиси сигналлар тузилиши – тўғри бурчакли импульс кўринишидаги кетма-кетликдан иборат. Бундай сигналларни бузмасдан узатиш учун, назарий, чексиз катта частоталар полосаси талаб этилишини юқорида кўриб чиқилди. Реал каналларда, албатта частоталар полосаси чекланган. Бундай вазиятда алоқа канали хоссаси билан узатилаётган сигнал мувофиқлаштирилган бўлиши керак. Мувофиқлаштириш элитувчи импульслар шаклини ҳаракатлаштиришади. Шунинг учун, маълумотни бирламчи частоталар полосасида узатиш ва модуляцияланган элитувчи частота орқали узатишга ажратиласди. Маълумотни элитувчи электр импульслар бирламчи частоталар полосаси импульслар хусусияти орқали аникланади, у нолдан бошланиб, то бирор чегараловчи қийматгача давом этади. Модуляцияланган тебраниш элитувчи

тебранишни узатиш талаб этилган маълумот таъсирида кўрсаткичи ўзгартериш орқали юзага келади. Бундай тебранишлар полосаси, одатда, маълум паст частотадан то юқори чегараловчи частотагача ишғол қиласди.




69-расм. Гармоник сигнал ва уни спектри.

Гап, бундай тебранишлар спектри тўғрисида кетганда, чизма шаклда кўрсатилган амплитудаларини тақсимланиши ва гармоникалар фазасини бошланғич нуқталарини тушунамиз (бу сигнал тикланиши мумкин бўлган гармоникалар йифиндисидан иборат). Кўп ҳолларда, сигналнинг гармоник тебранишлар амплитудасини тақсимланишини ифодаловчи амплитудалар спектр билан чекланилади. Табий, гармоник тебраниш спектрида (69а-расм) у фақат бир таркибий қисми (69б-расм), уни қиймати тебраниш амплитудасига teng, уни ҳолати эса абсцисса ўқида (частота) тебраниш даврига тескари teng қиймат билан аниқланади.


Тўғри бурчакли импульслар кетма-кетлик спектр тузилиши мураккаб (70-расм). Спетри дискрет бўлиб, унинг таркиби импульслар қайтарилиш асосий частотага каррали бўлган частоталардан иборат. Координата бошида импульслар кетма-кетлигининг доимий қиймати жойлашган.

Эгиб ўтувчи амплитуда  $\sin x/x$  функция бўлиб, унинг биринчи ноль импульс давомийлигига тескари бўлган нуқтадир. Импульслар ғоваклиги (даврини/давомийлигига нисбати) учга teng бўлганда, ҳар бир учинчи гармоника йўқолади.

Агар ғоваклиги иккиге тенг бўлса, спектрда асосий частотанинг фақат тоқ гармоникалари қолади.



70-расм. Тўзрибурчакли тақфорланувчи импульс (а) ва уни спектри(б).



71-расм. Тўзри бурчакли яқка импульс (а) ва уни спектри(б).

Якка импульс спектри тўғрисида тушунчани қўйидаги мулоҳаза юритиш орқали аниқлаш мумкин. Импульслар даври қанча катта бўлса, сигнал спектрининг гармоник таркибий қисмлари бир-бирига яқин жойлашади. Агар давр чексизликка интилса, таркибий гармоник частоталар оралиғи нолга интилади ва спектр сидирға кўринишга айланади (71-расм). Бу ҳолда, сигнал амплитудалари спектрал зичлиги тўғрисида гап боради.


### 6.3.1.Бирламчи частоталар полосасида маълумот узатиш

Тўғри бурчакли импульс спектрида гармоник таркиб амплитудалари частота ошиши билан сўниши кузатилсада, бу сўниши етарли секин кечади (амплитуда, пасайиши частотага тескари мутаносиб). Бундай импульсларни бузмасдан узатиш учун алоқа каналини частоталар полосаси чексиз бўлиши керак. Маълумот узатишда кам кўзга ташланадиган бузилишни таъминлаш учун частоталар полосаси чегара қиймати импульс давомийлигига тескари қийматидан бир неча марта катта қийматга эга бўлиши керак. Аммо реал ҳамма каналлар

үтказиш полосаси чекланган, бу узатилган импульс шаклини бузади. 72а,б-расмларда, реал каналлар чиқишида мумкин бўлган турли частота тавсифли импульс шакллари келтирилган.


### 6.3.2. Белгилараро бузилиш

Алоқа каналида импульслар шаклини бузилишининг энг нохуш натижаси, ўтиш жараёнида юзага келади ва одатда, бир импульс тугамасдан иккинчиси келади. Натижада, алоқа канали чиқишида импульслар бир-бирини устига тушиши кузатилади, бу бузилишни яна ҳам кучайтиради. Импульслар бир-бирини устига тушиш натижасида юзага келган икки орадаги бузилиш *белгилараро интерференция* деб аталади.



72-расм. Тўғри бурчакли импульс(а) ва уни мумкин бўлган бузилиши шакллари (б,в).

Алоқа канал киришига берилган тўғри бурчакли импульс (73а-расм) алоқа канали үтказиш полосасини чекланганлиги ва белгилараро ин-терференция натижасида бузилиб, уни чиқишида киришига қараганда максимал қиймати паст бўлади. Бу ҳисоб қиймат-ларини камайтириш, шовқин ва халақитларга сезирлигини ошишига ва ҳисоб сатҳини аниқлашда хатони эҳтимоллигини оширади (73б-расм).



73-расм. Тўғри бурчакли импульс(а) ва канал орқали узатилишида бу-зилиши шакллари (б,), на-тижасида хатони келиб чиқиши(в).


Максимал қийматни ярим сатхидә баҳоланадиган импульс давомийлиги ҳам берилгандардан оғади (бу расмда күрсатылғандек, вакт бүйича оғиш, тикланған импульс четларини бузилишига сабаб бўлади).

Иккилик ишоралар кетма-кетлигини узатишда белгилараро бузилишни баҳолаш учун «кўзсимон диаграмма» дан фойдаланилади. Кўзсимон диаграммани тузилиш жараёни 74-расмда намойиш қилинган. Чиқиш сигнални ( $74\text{a}$ -расм),  $T$  вакт оралиғида узатилган иккилик маълумотнинг узун кетма-кетлигини ташкил қиласи. Қабул қилинган сигнални  $T$  га каррали турли силжиши  $-T/2$  дан то  $T/2$  гача оралиқда қайд қилинади ( $74\text{b}$ , $\text{v}$ , $\text{g}$ -расм) ва уларни кўшиш натижасида вакт диаграммаси олинади ( $74\text{d}$ -расм). Кўзсимон диаграмма орқали вертикал бўйича кўзни очилиши ва у билан боғлиқ ҳисоб пайтидаги қабул қилинган сигнални максимал оғишини аниқлаш мумкин. Горизонтал бўйича эса кўзни очилиши четидаги (чегарадаги) бузилишлар аниқланади.

Кўзсимон диаграмма орқали аниқланган, қабул қилинган импульслар, шаклини бузилиши алоқа каналини чегараловчи частоталар полосасига ва частотавий тавсифи шаклига, шуннингдек, маълумот узатиш тезлигига боғлиқ. Қанча полосаси камбар ва узатиш тезлиги юқори бўлса, шунча импульсни бузилиши катта бўлади. Қанчалик бузилишга йўл қўйиш ва қайси тезликда маълумот узатиш имконияти алоқа каналларига кўйилган талабдан ва халақитни кучидан аниқланади. Масалан, бузилишни минималлаштириш учун алоқа каналининг полосаси тўғри бурчак шакли импульс амплитудавий спектри биринчи нолга нисбатан  $10$  баробар катта бўлсин, унда  $T$  вакт оралиғида  $10/T$  полосада битта иккилик ишора узатилади. Бу эса маълумот узатиш нисбий тезлиги, яъни бирлик частоталар полосаси ҳисобида маълумот узатиш тезлиги. У ҳолда юқоридаги мисолга биноан  $R = 0,1$  (бит/с)/Гц тенг, бу ўта кичик миқдор. Лекин тўғридан-тўғри частотани кўпайтириш сезиларли катта белгилараро бузилишни келтириб чиқаради.

### 6.3.3. Найквист шарти

Маълумотни узатишда солишишторма тезликни кўтариш муаммоси устида кўп тадқиқотлар олиб борилган. Мумкин, масалан, узатилаётган иккилик ишорасига тенг бўла оладиган импульсни шаклини ўзгартириш. Узатиш тезлигини ошириш учун қўшни импульс таъсирини фақат ҳисоб олиш пайтида ( $0, T, 2T, 3T \dots$ ) нолга тенглаштиришни талаб қилиш мумкин. Бу талабни *Найквист биринчи шарти* деб аталади. Бу шартга мувофиқ импульслар белгилараро бузилишни йўқ бўлишини таъминлайди.




74-расм.  
Кўзли  
диаграмма  
келтириб  
чиқарииш  
жараёнини  
кўрсатувчи.

Бундай импульслар маълум, уни шакли 74-расмда келтирилган. Агар масалан,  $t=0$  вақт пайтида иккилик ишорали бирлик узатиш керак бўлса, унда алоқа канали орқали 75-расмда кўрсатилган  $g(t)$  импульси жўнатилади. Бу импульснинг қийматлари ( $0, T, 2T, 3T \dots$ ) вақтлар пайтида нолга тенг, демак, бу пайтларда навбатдаги иккилик ишораларни узатиш мумкин. Бу ҳолатда қабул қилинган сигналларда белгилараро интер-

ференция кузатилмайды. Маълумот узатиш тезлиги эса  $1/T$  (бит/с) тенг бўлади. Найквистнинг биринчи шартига биноан импульсни амплитуда спектори 75б-расмда келтирилган кўринишда бўлади.

Бу импульс ишғол қилган частоталар полосасининг кенглиги  $1/(2T)$  (Гц) га тенг. Шундай қилиб, маълумотни солиши тирма узатиш тезлиги  $RN = 2$ (бит/с) тенг бўлади. Бу маълумотни икки позицияли (иккисатҳли) импульс орқали *узатиш солиши тирма тезлиги чегараси* ёки айрим ҳолларда «*Найквист тўсиги*» деб аталади.

Масалан, 75а-расмда кўрсатилган импульс шаклини олишда қолди. Бу, тўғри бурчак шакли ўта қисқа давомийлик импульсни идеал паст частота фильтрнинг киришига берилганда, уни чиқишида олинган сигнал шаклига ўхшайди. Идеал паст частота фильтрини реал амалга ошириш мумкин эмас, чунки у сигнални ушлаб туриш вақти чексиздир.




75-расм. Идеал паст частота фильтри чиқишида олинган сигнал шакли (а) ва уни спектри (б).

76-расм. Силликловчи коэффициент  $r$  қийматини ўзгариши натижасида частота полосасини кенгайиши.

Агар бундай шакли импульс олинганда ҳам, уни амалда кўллаб бўлмайди. Буни кўзсимон диаграммадан фойдаланиб тушунтириш мумкин. Найквистнинг биринчи шартига мос келувчи импульс ишлатилганда кўзсимон диаграмманинг вертикал йўналишида кўзни очилиши максимал бўлади, бу белгилараро бузилиш йўқ демакдир, аммо горизонтал йўналишда кўзни очилиши нолга интилади. Ҳисоб олиш

пайтида жуда оз оғиши ҳам катта белгилараро бузилишни келиб чиқаради, натижада узатилган маълумотни тиклаб бўлмайди. Найквист шартини ва унга тўғри келадиган импульс аҳамияти шундаки, у алоқа тизимини яратувчилари учун нимага интилиш кераклигини белгилайди.

Етарли оддий восита орқали «Найквист тўсиги»га нисбатан маълумот узатиш солиштирма тезлиги 30–50% ташкил қилувчи муваффақиятга эришиш мумкин. Бундай усуllibардан бири – тўғри бурчак шакли импульснинг спектрал зичлигини силлиқлаб косинус шаклига келтириш (76-расм), ва шунингдек,  $(-T \dots +T)$  оралиқдан ташқарида тебранишни камайиши сабабли импульс шаклини оз ўзгаришини мувофикалаштириш. Силлиқлаш коэффициенти  $r$  силлиқлаш ҳудудини аниқлади ва шунга мувофиқ импульс ишғол қилган частоталар полосасини кенгайтиради.




77 расм. Косинусоидал силлиқланган импульслар ҳар хил г қиймати учун кўзсимон диаграмма

77-расмда силлиқлантирилган косинусоидал импульс турли  $r$  коэффициентига тегишли кўзсимон диаграмма келтирилган. Бундан кўринадики,  $r$  қиймати қанча катта бўлса, кўзнинг горизонтал йўналишида очилиши шунчалик катта ва қирраси (четини) бузилиши кам. Силлиқлаштириш натижасида маълумот узатиш солиштирма тезлиги  $R=2/(1+r)$  (бит/с)/Гц қийматигача камаяди. Бошқа усул – *парциал кодлаш* қўллаш. Бу услугуб асосида  $1/T$  узатиш тезлигига, икки ва ундан ортиқ  $T$  оралиғи ишғол қилувчи импульс ишлатиш.

77-расмда келтирилган 4-класс импульслар шакли уч тактловчи оралиқни ишғол қиласди (агар,  $t = 0$  пайтда узатилаётган маълумот 0 тенг бўлса, унда умуман импульс узатилмайди, агар


77-расмда келтирилган 4-клас импульслар шакли уч тектловчи оралиқни ишғол қиласи (агар,  $t = 0$  пайтда узатилаётган маълумот 0 тенг бўлса, унда умуман импульс узатилмайди, агар маълумот 1 тенг бўлса, уч тект оралиғида  $g(t)$  импульс узатилади). Парциал код, маълумот узатиш солиширма тезлиги «Найквист тўсиғи»га тенг  $2(\text{бит}/\text{с})/\text{Гц}$  тезликда маълумот узатиш имкониятини беради, аммо парциал ҳисоб олиш услуб ишлатилганда узатиладиган маълумотни олдиндан бошқатдан кодлаш талаб этилади ва қабул қилинган сигналга ишлов бериш бироз мураккаблашади.

*78-расм. Уч тект оралиқни ишғол қиласи 4-клас импульси.*



«Найквист тўсиғи» абсолют чегара эмас, масалан, Шенон формуласи билан аниқланадиган алоқа каналининг ўтказиш қобилияти:  $R = F \times \log 2(1+PS/P)$  (6.9)

бу ерда,  $R$  – ахборотни узатиш имконият тезлиги ёки  $A$  полосали ўтказиш кенглиги ва канал чиқишида сигнал кувватини шовқин кувватига нисбати  $PS/PH$  (ахборот узатиш тезлиги билан, маълумот узатиш тезлигини алмаштириб юбормаслик керак, ваҳоланки, уларни ўлчов бирликлари бир хил – бит/с.).




*79-расм. Кўп позицияли (сатоғли) сигнални шаклланиши.*

Канални узатиш имконияти ёки «Шенон чегараси»дан ошиб кета олмайди, ахборот узатиш тезлиги назарий чегарага яқинлашганда узатиладиган маълумотни кодлаш усули сезиларли мураккаблаштиришни талаб этади.

Шенон формуласи ва «Найквист тўсиғи»дан ўтиш принципи – сигнал кувватининг шовқин кувватига нисбатини кўтаришни тақозо қиласи. Бу нисбат қанча катта бўлса, шун-

чалик кам полосада маълумот узатиш мумкин. Чегарадан чиқишинг аниқ усули кўп позицияли (кўп сатҳли) сигналга, узатилган катта кувватли сигнал орқали қабул қилинган сигналнинг маълум қийматида хато эҳтимоллигини оширишга ҳеч қандай шубҳасиз, ўтишдир. Лекин ўтказиш имконияти сигнал кувватига логарифмик боғлиқ, шу сабабли «Найквист тўсиги»дан ўтиш етарли қийин масала (талаф қилинган сигнал куввати маълумот узатиш тезлигига функционал боғлиқ ва у экспоненциал қонун бўйича ўсади).

Профессор Л.М. Финк ўзини «Сигналлар, ҳалқалар, хатолар» китобида алоқа техникасидаги «Найквист тўсиги» ни авиациядаги «овоз тўсиги» билан таққослади. Овоз тезлигига етишиш ва ундан ошища олим ва мутахассисларни ўн йиллаб қилган меҳнатлари натижаси бўлди. Агар алоқа соҳасида ҳам шу ҳаракат давом этса, тўсиқдан ўтиш реал ҳолатга айланади. Бу мулоҳазага биноан Шенон чегарасини ёруғлик тезлиги билан таққосласа бўлади.



80-расм. Кўп позицияли сигнал ишлатилганда мумкин бўлган кўзсимон диаграмма.

81-расм. Амплитуда модуляцияла принципин тушунтириш учун. Модуляцияловчи сигнал(a) ва уни спектри(b); Модуляцияланган тебраниш(в) ва уни спектри(г).

#### 6.3.4. Кўп позицияли сигналлар

79-расмда тўрт позициялик сигнални ташкил бўлиши кўрсатилган.  $S_1$  сигналидаги кўшни жуфт иккилик маълумот (79а-расм),  $S_2$  сигнали ишғол қилган тўрт сатҳ бирига тўғри келади. 00 жуфтлик 0 сатҳга, 01 жуфтлик – 1 сатҳга, 10 жуфтлик – 2 сатҳга ва 11 жуфтлик – 3 сатҳга тўғри келади.

Ташкил бўлган  $S_2$  сигнал ўзгариши икки баробар сийрак ва уни узатиш учун икки баробар кам частоталар полосаси талаб қилинади, натижада тўрт позицияли сигнал ишлатилиши солишишима узатиш тезлигини икки марта кўпайтиради. 80-расмда тўрт позицияли сигнал ишлатилганда мумкин бўлган кўзсимон диаграмма келтирилган. Лекин шунни унутмаслик керак, кўп позицияли сигнал узатиш учун сигнални кўп куввати сарфланади.

### 6.3.5. Модуляция ишлатиб маълумот узатиш

Кўп алоқа каналлари частоталар ўтказиш полосаси юқори ва пастдан кескин чегараланган. Шунинг учун, узатиладиган сигналларнинг шундай трансформация қилиш керакки, факат унинг спектрини асосий қисми канал полосасига тушсин. Буни бажариш усули модуляция бўлиб, бу жараён натижасида элитувчи тебраниш кўрсаткичлари узатилаётган маълумот сигнални таъсирида ўзгаради. Агар элитувчи сифатида гармоник тебраниш ишлатилса, уч турли модуляция амалга ошириш мумкин, маълумот сигнални таъсири натижасида элитувчи тебраниш амплитудаси, частотаси ва фазаси ўзгаради.


### 6.3.6. Амплитудавий модуляция

Амплитудавий модуляция принципи 81-расмда намойиш қилинган. Маълумот сигналларига мутаносиб юқори частота амплитудаси ўзгаради.

Модуляцияловчи сигнал гармоник шаклда бўлганда модуляцияланган тебраниш спектрида уч ташкил қилувчи юзага келади: элитувчи аталмиш марказий, элитувчидан модуляцияловчи сигнал частотасига тенг чап ва ўнг томонда жойлашган икки ён қисм. Шундай қилиб, модуляцияланган тебраниш спектрини кенглиги, модуляция қилувчи сигнал спектрини иккиланганига тенг.

Ҳақиқатан ҳам ён қисмлар мавжудми? Ўтган асрнинг 30-йиллари ён частоталар борлигига йирик инженерлар ҳам, улар орасида вакуумли диодни ихтирочиси Флеменг ҳам, ишончсиз

қарaganлар. Албатта, улар тригонометрия формулаларини рад этмаган ҳолда, фақат тригонометрия айлантиришлар математик ифодаланиши бир күриниши ва реал ён частоталар борлигини исботламайди деб билганлар. Уларни фикрича, амплитудавий модуляцияланган тебранишнинг амплитудаси ўзгариб, тебраниш гармоник ҳолатини сақлади, демак, модуляцияланган тебраниш частоталар полосаси нолга тенг деб тушунгандар. Бу, албатта абстракт қизиқиш бўлмасдан, модуляцияланган тебраниш спектр кенглиги қанча бўлишига қараб частоталар диапазонида қанча радиостанция жойлаштириш аниқланади.



82-расм. Элитувчи тебранишини тўғри бурчакли импульс билан модуляциялаш.

Агар қабул қилувчиларни ажратиш қобилияти юқори бўлиб, модуляцияланган сигнал спектр кенглиги ноль деб олинганда, хоҳлаган частоталар диапазонида хоҳлаганча радиостанция, бир-бирига халақит қилмаган ҳолда жойлаштириш мумкин бўлади. Тебраниш назариясини яратган, рус олими


Л.М.Мандельштам билан 1930 йили бу түғрисида мұхокама ва бақслар жараёнида у тилсімон частота ўлчовчи ёрдамида ўтказған тажрибаси модуляцияланған тебранишда ён қисмлари ҳақиқатан борлиги исботланды. Ўтказилған тажриба мазмуни шундаки, масалан ( $1/T_0 - 1/2T$ ) ва ( $1/T_0 + 1/2T$ ) частоталарга таъсирчан камертон олиб, уларға модуляцияланған. Сигнал берилганды, улар тебрана бошлайды. Математик абстракция (ён қисмінде тенг частота билан тебраниш), бу тебранишни сезувчи физик курилма бўлганда, физик абстракцияга айланади.

Умуман, синчиклаб чизмаларни анализ қилинса, модуляцияланған тебраниш модуляцияловчи сигнал частоталаридан кам частота полосасини ишғол қилиши мумкин.

Хоҳланған даврий сигнал спектри дискретdir, частоталар орасидаги масофа частота қайтарилишига тенг. Агар тебраниш гармоник шакли бўлмаса, у ҳолда уни спектри бирдан ортиқ ташкил қилувчидан иборат (бўлмаганды иккита бўлиши керак) бўлиб, улар нолдан фарқланувчи частоталар ташкил топади ва спектр кенглиги частоталар қайтарилишидан кам бўлмайди. 82-расмда келтирилған тебраниш такрорланувчи бўлиб (такрорланиш даври модуляцияловчи сигнал даври билан аниқланади), лекин шакли гармоник функция орқали таърифланмайди. Демак, модуляцияланған тебраниш спектрини кенглиги модуляцияловчи сигнал частотасидан кам бўла олмайди.

82-расмда мисол сифатида тўғрибурчакли импульс билан модуляцияланған тебранишлар келтирилган. Маълумот «ноль» ва «бир» кетма-кетлигидан тузилган ва узатилиш тезлиги  $1/T$  деб тахмин қиласиз. Расмни чап қисміда модуляцияловчи сигнални ўзи ва амплитудавий (АМ), частотавий (ЧМ) ҳамда фазавий (ФМ) модуляцияланған тебранишлар кўриниши келтирилган. Вақтни ( $T/2, 3T/2, 5T/2 \dots$ ) пайтларида элитувчи тебранишлар тегишли амплитудаси, частотаси ва фазаси кескин (сакраб) ўзгаради. Ўнг тарафда, уларни ҳисобланған модуляцияловчи сигнални ва модуляцияланған тебранишлари спектрлари келтирилган. Улардан кўринадики, модуляцияланған тебранишлар спектрининг элитувчи атрофида модуляцияловчи сигнал спектри билан боғлиқ бутун ён полосалар жойлашган. Амплитудавий модуляцияланганда юқори ён полосаси, частота

ўки бўйича силжитилган модуляцияловчи сигнал спектрини нусхаси, пасткиси эса унинг акс нусхасини ташкил қиласди. Частотавий модуляция учун модуляцияловчи сигнал ва модуляцияланган тебраниш спектри ён қисми орасидаги боғлиқлик мураккаб. Шуни такидлаш мумкинки, модуляцияланган тебраниш спектри назарий чексиздир.




**83-расм. Амплитудавий модуляцияни нафлигини ошириши йўлларини кўрсатувчи чизмалар.**

### 6.3.7. Амплитудавий, частотавий, фазовий модуляция

Агар модуляцияловчи сигнал спектрини чекловчи чора кўрилса (бирламчи частота полосасида узатишдек) ва жуда чуқур частотавий ва фазовий модуляция ишлатилмаса (алоқа техникасидаги – бирдан ошмайдиган модуляция индекси кўлланса), унда модуляцияланган тебранишлар спектр кенглиги

тахминан узатилаётган маълумот импульсини тақорланиш частотасини икки каррасига тенг бўлади, яъни  $2/T$ . Булардан кўринадики, икки ён полосани мавжудлиги маълумот узатиш солиширига тезлиги, модуляция ишлатилганда, бирламчи частота полосасидагига қараганда икки баробар кам.



84-расм. Квадратли модуляция.

### 6.3.8. Балансли, бирполосали, ён полосаси қисман бостирилган модуляция

Юқорида келтирилган модуляция усуллари ишлатилганда икки ён полоса узатилиши нурланувчи частота полоса тежамсиз ишлатилаётганини кўрамиз, чунки ҳар бир ён полоса модуляцияловчи сигнал тўғрисида тўлиқ ахборотни ўз ичига олади. Амплитудавий модуляция камчилигига элитувчи частота учун сарфланётган тежамсиз кувватни кўрсатиш мумкин.

83-расмда амплитудавий модуляциянинг юқори тежамли тури келтирилган. Узатувчи талаб этилган кувватни камайтириш учун биринчи навбатда элитувчи тебранишдан кутилишга ҳаракат қилиш керак. Бундай модуляция **балансли** деб аталади. 83а ва 83б расмларни солишириш кўрсатадики, элитувчи тебранишдан кутилингандага эглувчини кўриниши

кескин ўзгаради, яъни у модуляцияловчи сигнални ифодаломас даражасига етади. Бу ҳолат модуляцияланган тебранишни қабул қилингандан сўнг модуляцияловчи сигнални ажратишни – детекторлашни мураккаблаштиради. Шунингдек, пастки ён полосани ҳам олиб ташланса ( бир ён полосали модуляция олинади), унда частоталар полосаси ва узатувчи кувватни тежамли ишлатилишига эришиш намоён бўлади, аммо модуляцияланган тебраниш ўрнига юқори ён часотага тенг гармоник частота олинади. Бундай тебранишни детекторлаш учун модуляцияловчи сигнални амплитудаси ва частотасини аниқлаш керак бўлади. Бунда модуляцияловчи сигнал частотасини аниқлаш энг катта муаммо туғдиради, чунки элитувчи тебраниш частотасини билиш керак. Муаммони ечишнинг бир неча йўллари мавжуд. Масалан, қўшимча амплитудаси ўта кам бўлган элитувчи частота тебранишини доимий узатиш (учувчи сигнал аталмиш кўринишида). Бу ҳолат 83г-расмда келтирилган. Энди қабул қилинган тебраниш модуляцияланган ҳолга келади, аммо уни детекторлаш мураккаблашади. Элитувчи тебранишни, шунингдек, даврий узатиш орқали бу «портлаш» кўринишли тебраниш қабул қилиш нуқтасида элитувчи частота генераторини синхронлаши мумкин (рангли телевидение тизимида ранглилик қути элитувчисини частота ва фазаси шундай узатилади). Бундай детекторлашни мураккаблаштириш, эришилган частота полосасини тежамли ишлатиш билан ўзини оқлайди, бу усулда маълумот узатишнинг солиштирма тезлиги икки баробар ўсади ва бирламчи частота полосасида узатиш солиштирма тезлигига тенг бўлади.

Бундай модуляциялаш усулининг турли кўринишлари мавжуд, улардан телевидениеда қисман элитувчини бостириб модуляциялаш ва ён полосанинг бир қисмини бостириш кенг кўлланилади (аналог телевидениеда шу усул билан модуляцияланиб эфирга узатилади). Қисман ён полоса бостириш АҚШ да қабул қилинган ATSC рақамли телевидение тизимида ўз ифодасини топган.

### 6.3.9. Квадратли модуляция

Квадратли модуляция яккаю-ягона частота полосасида икки модуляцияланган тебраниш узатилади, унда элитувчи тебра-

нишлар ортогонал ва квадратли (частоталари бир хил, фазалари  $90^\circ$  сиљиган, бу «квадратура» маъносини англатади). Бундай модуляция маълумот узатиш тезлигини одатдаги икки полосали модуляцияга нисбатан кўтаради. 84-расмда квадратли модуляциянинг вақт диаграммаси келтирилган. Бирламчи узатувчи маълумот икки  $S_I$  ва  $S_Q$  оқимга ажратилади (84а ва 84б-расмлар).  $S_Q$  сигнали синусоидал элитувчи тебраниш ва  $S_I$  эса косинусоидал элитувчи тебранишни модуляциялади (84в ва 84г-расм). Сўнг икки модуляцияланган сигналлар қўшилади, натижада ягона квадратли модуляция тебраниши юзага келади (84д-расм). Кўриниб турибдики, модуляция мураккаб:  $T$  ва  $2T$  пайтларда амплитудани ва фазани сакраши кузатилади.


Квадратли модуляцияланган тебраниш спектрини кенглиги  $1/T$  га teng, яъни ягона маълумот сигнални билан модуляцияланган  $1/T$  узатиш тезлигидаги оддий АМ тебранишга қараганда спектр кенглиги икки баробар кам.

Икки модуляцияловчи  $S_I$  ва  $S_Q$  сигналларини қабул қилингандан сўнг детекторлаб ажратиб олиш мумкинми? Унда принципиал имконият мавжуд ва амалда икки синхрон детектор ёрдамида бажарилади, чунки квадратли элитувчилар ортогоналлиги сабабли, уларни ўртача (вақт бўйича) қўпайтмаси нолга teng. Синхрон детекторда квадратли модуляцияланган тебраниш косинусоидал сигналга қўпайтириллади ва қўпайтма натижаси вақт бўйича ўрталаштирилади. Натижада квадратли ( $S_Q$ ) бостириллади ва синфазали эгилувчи ( $S_I$ ) ажратилади. Худди шунга ўхшаш квадратли модуляцияланган тебранишнинг элитувчи  $S_Q$  компоненти ажратилади. Шуни таъкидлаш лозимки, аналог рангли телевидение NTSC ва PAL тизимларида икки айирма ранг сигнални билан рангнинг қуи элитувчи модуляциялашда квадратли модуляция ишлатилади.


### 6.3.10. QAM, QPSK модуляциялар

Квадратурали амплитудавий модуляция (QAM) ва квадратура-фазавий монипуляция (QPSK). Модуляцияланган тебранишларни вектор диаграммаси кўринишида ифодалаш кулади. 85-расмда бир ва ноль кўринишли узатиладиган иккилик

маълумотини тегишлича икки вақт диаграммасида келтирилган. Ҳамма ахборот икки вектор билан комплекс юзада тасвирланган (улардан бири бу мисолда нолга teng) (Юзада комплекс векторларни тебраниш частотасига баробар частота билан айлантиришда, уни ҳақиқий ўқса проекцияси моддий сигнални беради, агар ҳамма юза тескари томонга айланшини фикран тассавур қилинса, унда векторни ҳаракатсиз тасвирлаш мумкин).




*85-расм. Иккилик маълум вақт диаграммаси ва уни вектор орқали белгилаш.*




*86-расм. Квадрат модуляцияланган (84-расм) тебранишини вектор кўриниши.*

Моддий ва мавхум ўқларни I ва Q тегишлича белгиланса, унда диаграммада икки тебраниш вектори ўрнига нуқта кўринишда ифодалаш мумкин. Бундай усул мураккаб модуляциялар тебранишини кўрсатишга куладидир.



*87-расм. QAM модуляция.*



*88-расм. 16 позицияли квадратли модуляцияланган сигнал вектор кўринишида.*

84-расмда тасвирланган квадратли модуляцияланган тебраниш вектор шаклида 86-расмда келтирилган. Бундан күринадики, комплекс юза худудидан нафли фойдаланилмайды факат бир квадрант ишғол. 87-расмда квадратли модуляцияланган тебраниш (QAM – Quadrature Amplitude Modulation) күрсатилған унда векторлар иккى квадратли модуляцияланган компонентлари, шунингдек, 4 нұқта ишғол қылған, факат 4 квадрантда, бу эса модуляция тизимида халақитбардошликтен оширади.

### 6.3.11. OFDM модуляция

Яңги таклиф қилингандай модуляция услубини яңги тури-ортогонал элитувчили частота бүйіча зичлаштирилған (Orthogonal Frequency Division Multiplexing) модуляциялаш. Квадратли модуляцияга үхшаш, бу услуга ортогонал элитувчи ишлатади, лекин квадратли модуляциядан фарқлироқ элитувчи частоталар бир хил әмас, улар модуляция йүли билан узатыладиган маълумотлар частота диапазонини айрим худудида жойлашған. Элитувчи частоталар қуйидаги тенглиқдан аникланади:

$$e_n(t) = \cos(2\pi(f_o + n/T_s)t) \quad (6.10)$$

$f_o$  – частоталарни зичлаштириш бажарыладиган оралиқни боши;


$n$  – 0 дан  $N-1$  гача диапазонда бўлиши мумкин бўлган элитувчи номери, яъни  $N$  – элитувчиларни ҳаммаси;

$T_s$  – бир белгини узатиш оралигини давомийлиги.

Тригонометрия қоидаларини кўллаб, бу тебранишлар ҳақиқатан ортогонал эканликларини исботлаш унча қийин әмас, яъни квадратли модуляциядек ўртача кўпайтмаси нолга тенг, бу эса қабул қилиш тарафда ён полосалари қиймати бир-бiriни устига тушганда ҳам уларни ажратиб олиш мумкинлигини англатади.

89-расмда частоталарни зичлаб модуляциялаш принципи намойиш қилинган. Бирламчи маълумот сигнални  $N$  алоҳида оқимга бўлинниб, параллел ҳолатга келтирилади. Ҳар бир параллел сигналлар ўзини модуляторига тушади, унда  $N$  ортогонал

элитувчидан бири модуляцияланади (юқорида зикр қилинган турлардан бири ишлатилиб). Модуляцияланган ортогонал тебранишлар қўшилиб OFDM сигнали юзага келади. OFDM модуляция усулининг афзаллиги элитувчи сони катта бўлгандагина намоён бўлади. Масалан, агар элитувчи 8000 олинса, унда маълумотлар тезлиги ҳар бир элитувчини модуляцияловчи сигнал учун 8000 марта кам бўлади.




**89-расм. Частота бўйича зичлаштирувчи модуляция амалга ошириш учун схема.**

Демак, бир белгини узатиш давомийлиги 8000 марта узаяди (тўғри, бунда импульс мураккаб кўринишга келади). Натижада, ёнма-ён белгилар узатилаётганда улар орасига ҳимоя оралиғи киритиш имконияти туғилади, бу эса белгилараро бузилиш билан курашиш имкониятини беради (90-расм).

Юқорида зикр қилинган шартларни қондирувчи, турли частотали гармоник тебранишларни бирор коэффициентга кўпайтириш ва бу олинган кўпайтмаларни қўшиш - Фурье тескари айлантириб ҳисоблашни ўзидир (90-расмда белгиланган ФТТА- Фурье тескари тез айлантириш), бунда ҳисоблаш учун коэффициентлар параллелланган маълумотлар оқимиdir.

Ҳамма ҳисоблаш рақамли шаклда бажарилгани сабабли, уни чиқишида рақамни аналогта айлантиргич ишлатилади. Демодуляция Фурье тўғри тез айлантириш асосида бажарилади. (ФТА- Фурье тез айлантириш). Табиий, уни киришида аналогни рақамга айлантирувчи туриши керак. OFDM модуля-

ция рақамли эшиттириш ва рақамли телевидение тизимларида бугун кенг тарқалган.



90-расм. OFDM ни амалга оширишида Фурье тез айлантиришини ишлатилиши.

#### 6.4. РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ АСОСЛАРИ

Рақамли телевидение телевизион техниканинг бир йўналиши бўлиб, унда ТВ сигналга ишлов бериш, консервация ва узатиш уни рақамли шаклга келтириш орқали амалга оширилади. Рақамли телевизион тизимни икки турга ажратиш мумкин. Тизимнинг биринчи турида тўлиқ рақамли, яъни узатилаётган тасвирни рақамли сигналга айлантириш ва рақамли сигнални тасвирга айлантириш қабул қилгичнинг пардасида тўғридан-тўғри ёруғликни сигналга ва сигнални ёруғликка айлантиргичларда бевосита амалга оширилади. Тасвирни узатиш трактининг бутун йўлида сигнал фақат рақамли шаклда. Келажакда бундай айлантиргичларни яратиш учун реал имконият мавжуд.

Аммо бугунги кунда бундай айлантиргичлар мавжуд бўлмаганлиги сабабли, рақамли ТВ тизими иккинчи турига биноан ташкил қилинмоқда. Бундай тизимда датчиклардан олинган аналог ТВ сигнални рақам шаклига айлантириш ва сўнг керакли ишлов бериш, узатиш ёки консервациялаш бажарилади. Тасвирни тиклаш учун яна аналог шаклига айлантирилади. Бу

тизимда мавжуд аналог сигналли датчиклар ва сигнални ёруғликка айлантиргичлар ишлатилади. Бу тизимларда рақамли телевизион трактнинг киришига аналог ТВ сигнал туширилади, сўнг у кодланади, яъни рақамли шаклга айлантирилади. Айлантириш жараёни ўз ичига дискретлаш, квантлаш ва тўғридан-тўғри кодлаш комплекс операцияларни олади.

**Дискретизация** – бу  $u(t)$  узлуксиз аналог ТВ сигнални, вақт давомида кетма-кет жойлашган импульслар кетма-кетлигига алмаштириш. Теоремасига асосланган доимий даврли бир текис дискретлаш энг кенг тарқалган. Ушбу теоремага биноан, чекланган частота спектрли  $u(t)$  узлуксиз сигнал (91-расм)  $t_n=nT$  вақтнинг дискрет оралиқларида ҳисобларнинг  $u(t_n)$  қийматлари билан ифодаланади (91б- расм), бу ерда,  $n = 1,2,3 \dots$  – бутун сонлар,  $T$  – Котельников теоремасига биноан олинган давр ёки дискретланиш оралиғи ( $T = 1/2f_4$  ). Бу ерда  $f_4$  -  $u(t)$  бирламчи сигнал спектрининг максимал частотаси. Дискретлаш даврининг тескари қиймати **дискретлаши частотаси** деб аталади.  $f_d=2f_4$  рухсат этилган минимал дискретлаш частотаси. Котельников - теоремага биноан  $u(t)$  узликсиз сигнални дискрет қийматлар йигиндиси билан алмаштириш аналитик ифодаси:

$$u(t) = \sum_{n=-\infty}^{\infty} u(nT) \frac{\sin 2\pi f_4(t-nT)}{2\pi f_4(t-nT)} \quad (6.11)$$

$u(nT)$  ҳисоблар  $\delta$  импульслардан (чексиз қисқа) иборат деб тахмин қилинади. (6.11)-га биноан  $u(nT)$  ҳисоблардан бирламчи  $u(t)$  аналог сигнални тиклаш учун ҳисоблар идеал паст частота фильтри (ПЧФ) чегаравий частотаси  $f_4$  бўлган ўтказилади. Бунда  $[\sin 2\pi f_4(t-nT)/2\pi f_4(t-nT)]$  нисбат,  $u(nT)$  бирламчи импульснинг шундай фильтрга реакциясини ифодалайди.

Аналог сигнални рақамли шаклга айлантиришда дискретлашдан сўнг квантлаш амали бажарилади. **Квантлаш** – дискретлаш натижасида олинган ҳисобларни, амплитуда бўйича белгиланган қатор сатҳлардан бирорта ўзига яқин қийматлар билан алмаштиришdir (91в-расм). Квантлашда  $u(t)$  сигналнинг

сатҳи вақт бўйича эмас, балки амплитудаси бўйича амалга оширилади.

Рухсат этилган сатҳлар *квантлаш* сатҳи деб аталади. Иккى кушни квантлаш сатҳи оралиғи *квантлаши қадами* деб аталади ва у *квантлаши шкаласини* ташкил қиласди. Квантлашда танланган усулда биноан квантлаш шкаласи *чизиқли ёки ночизиқли* бўлиши мумкин. Олинадиган ҳисобни бу ёки у (юқори ёки пастки) сатҳгача яқинлаштириб яхлитлаш *квантлаш чегараси* ҳолати билан аниқланади.

Бирор тасвири унинг квантланган қиймат билан алмаштириб қайта тиклаб кўришда сифатини сақлаш, тизимнинг контраст (ва ранг) сезгирилигини чекланганлиги орқали аниқланади. Кўзни контраст сезгирилиги олдинги бобда кўриб чиқилган.

Дискретланган ва квантланган сигналнинг ўзи рақамлар билан белгиланади. Дискрет импульслар амплитудаси бирламчи сигнал динамик диапазон оралиғида қатор белгиланган қийматларга зга. Рақамли сигнални халақитдан ҳимоясини ошириш учун уни иккиламчи шақлга келтириш, яъни сигнал сатҳининг ҳар бир қийматини иккиламчи саноқ тизимида ёзиш маъкул.


Бунда сатҳ қиймати (номери) **0** ёки **1** иккилиқ код комбинациясига айланади (91г-расм). Бу охирги учинчи амал *u(t)* аналог сигнални *u<sub>p</sub>(nT)* рақамга айлантиришни сўнгги жараёни, *кодлаш операцияси* деб аталади.

*Кодлаш натижасида - u<sub>p</sub>(nT)* квантланган сатҳни, унга мос код комбинацияси билан алмаштирилади. ТВ сигнални кодлашнинг энг кенг тарқалган усули уни дискретланган ва квантланган рақамларни иккилиқ кодда ёзишdir.

Бу услуб импульс-код модуляцияси (ИКМ) номини олган. 91г-расмда *u(t)* бирламчи сигналнинг бир қисмини учинчи даражали иккилиқ код комбинацияга айлантирилган қатор келтирилган.

Кўп ҳолларда ҳамма келтирилган операциялар – дискретлаш, квантлаш ва кодлаш - қисқа *телевизион сигнални кодлаш* деб аталади ва яъни бу операцияларнинг ҳаммаси *аналог сигналини рақамга алмаштиргич* (АРА)да бажа-

рилади. Рақамли сигнални аналог сигналга айлантириш *рақамни аналог сигналыга айлантиргичда (РАА)* амалга оширилади. Бундай айлантиргичлар рақамли узатиш, сақлаш ва тасвирга ишлов бериш тизимларида, албатта, мавжуд қисмлардир.



**91-расм. Аналог сигнални рақам шакли.**

Телевизион сигнал бевосита ИКМ услуби билан кодланғанида, код комбинациялари частотаси ҳисоб частотасига, яни сигнални дискретлаш  $f_d$  частотасига тенг. Ҳар бир код комбинацияси аник олинган рақамга таалтуқлы ва қатор иккилик  $k$  символлардан (битлардан) иборат.

Телевизион сигнални рақам шаклида узатиш тезлиги дискретизация частотаси  $f_d$  нинг ва бир дискрет ҳисобда олинган иккилик символлар сонининг кўпайтмасига тенг.

$$V = f_d k \quad (6.12)$$

Агар ТВ сигналнинг юқори чегара частотаси 6 МГц бўлса, унда дискретлашнинг минимал частотаси, Котельников - теоремасига биноан минимум 12 МГц тенг бўлиши керак. Одатда, минимал мумкин бўлган қийматидан юқори олинади. Бу турли

телевизион стандартларда рақамли ТВ сигнални унификация қилиш билан боғлик. Масалан, студия рақамли қурилмаси учун ҳамма стандартларда дискретлаш частотаси  $f_\delta=13,5$  МГц этиб тавсия қилинган.

Код комбинациясида бир ҳисоб иккилик символлари сони  $k$ , квантлаш сатх сони  $m$  орқали қуидагича аниқланади

$$k = \log_2 m \approx 3,31 \lg m \quad (6.13)$$

Сигналнинг квантлаш сатхи сони кўз илғайдиган равшанлик градациясининг максимал сонидан кам олинмайди, у кузатиш шароитига қараб камидা 100....200 оралиғида бўлиши мумкин. Бунда

$$k = 3,3 \lg m = 3,3 \lg (100 \dots 200) \approx 6,6 \dots 7,6.$$

Код комбинацияда символлар сони фақат бутун бўлиши керак, демак, код комбинацияларининг элементлар (1,0) сони  $k = 7$  ёки 8 бўлиши керак. Биринчи ҳолда код комбинацияси имконли 128 сигнал сатхи (равшанлик градацияси) дан иборат ахборот ташиши мумкин. Иккинчи ҳолда эса (тасвирни юқори сифатли узатиш)  $m = 2^8 = 256$  га тенг.

Агар,  $k=8$  деб қабул қиласак, у ҳолда (6.13) - биноан ахборот узатиш тезлиги  $V = f_\delta k = 13,5 \times 8 = 108 \text{ Мбит/с}$  га тенг бўлади.

Равшанлик сигналидан ташқари, ранг тўғрисида ахборот узатилиши ҳисобга олинганда, ИКМ услубида шаклланадиган умумий рақамли сигнал оқими икки баробар қўпайиб 216 Мбит/с га тенг бўлади. Демак, ТВ сигнал ўзgartиргичлари ва алоқа канали шундай катта тезликка мослашган бўлиши керак. Иқтисодий ва техник томондан қаралганда, бу қадар катта рақамли оқимни алоқа канали орқали узатиш катта муаммо туғдиради. Тежамли ТВ тизимни яратища ТВ хабарни «сиқиши» долзарб масала ҳисобланади.

Тасвир сифатини қамайтирмасдан рақамли сигнал оқимни камайтириш имконияти мавжуд. Бунга асос ТВ тасвирда маълум ахборот ортиклигидир. Бу ахборот ортиклигини, шартли равища икки - статистик ва физиологик туркумга ажратиш мумкин. Статистик ахборот ортиқчалиги тасвирнинг хусусияти билан аниқланади. Унга биноан, тасвирда равшанликни ёйилиши тартибсиз бўлмасдан, балқи алоҳида элементлар рашанлиги орасида боғлиқликни (корреляция)

белгиловчи қонунга биноан таърифланишидир. Боғлиқликни тасвир қўшни элементлари орасида (фазо ва вакт бўйича) ўта кучли. Корреляция билиш ТВ сигналининг ортиқча қисмларидан кутулишга, бир маълумотни қайта-қайта узатмасдан, уларни қисқартириб рақамли сигнал оқимини камайтириш имкониятини беради.

Иккинчи тури - ТВ сигналларнинг физиологик ортиқчалик, кўзнинг имконияти чекланганлиги билан боғлиқ. Физиологик ортиқчиликдан фойдаланиш, сигнал таркибида кўз кўра олмайдиган маълумотни узатмаслик.

ТВ тасвир ортиқчиликларини камайтириш орқали рақамли сигнал оқимини камайтириш рақамли телевидениеда ИКМ дан кучлироқ кодлаш усули қўллаш орқали бажарилади.


## 6.5. РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТРАКТИНИНГ УМУМЛАШТИРИЛГАН ТУЗИЛИШ СХЕМАСИ

Рақамли шаклга ўзgartирилиши керак бўлган аналог сигнал рақамли ТВ тизимининг киришига берилади. Бу сигналга кейинги рақамли шаклга ўзgartирувчи қурилмалар ишини осонлаштириш учун, дастлабки ишлов берилади. Масалан, тўлиқ рангли сигнални, сигналга ишлов берувчи дастлабки қурилмада ёруғлик ва айирма ранг сигналларига ажратилади. Унинг чиқишида тасвир сифатини субъектив яхшилаш мақсадида, аналог сигналга коррекция (тузатиш) киритилиши мумкин. Дастлабки ишловдан сўнг аналог сигнал аналогни рақамга айлантиргич (APA) киришига берилади. Аналог сигнал дисcretланади, квантланади ва дастлабки кодлаш бажарилади. Сўнг сигнал каналнинг *кодловчи қурилмасига* тушади. Каналнинг кодловчи қурилмаси рақамли ТВ сигнални каналида мавжуд маҳсус халақитлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган.

Ишлов бериб шакллантирилган рақамли сигнал узатувчи қурилма модуляторига ва сўнг алоқа канали орқали узатилади.

Қабул қилувчи қурилма орқали олинган сигнал демодуляцияланади, каналнинг *декодловчи қурилмасида* рақамли сигнални декодловчи қурилманинг *ракамли ишлов*

*беруви блокига* узатилади. Бунда, узатувчи томонида сигналдан олиб ташланган ортиқчлик, қайта тикланади, сүнг ракамли аналог шаклга айлантиргичда (РАА) аналог сигналынан айлантирилади. Агар узатувчи томонда аналог күринишдаги сигналга аввалдан тузатыш критилган бўлса, қабул қилувчи томонида унинг тескари жараёни амалга оширилади.



92-расм. Рақамли телвидениенинг тизимини тузилишининг структуравий схемаси.

92-расмда рақамли телевидение тизими тузилишининг структуравий схемаси. Айрим ҳолларда кўйилган мақсадга қараб рақамли тизим тузилиши қисман ўзгариши мумкин. Масалан, ёруғликни-сигналга ва сигнални-ёруғликка айлантиргичлар тўғридан-тўғри рақамли сигнал генерация қилса ва тасвирни рақамли сигналдан тикласа, тизим умуман APA ва РАА сиз бўлиши мумкин ёки бошқа бир ҳолда, алоқа каналида халақитлардан ҳимояни кучайтурувчи куритма бўлмаслиги мумкин.

Масалан, сигнал узатиш масофаси қисқа бўлганда ёки телевизион марказ ичida сигналга рақамли ишлов берилганда. Бундай ҳолларда ТВ сигналидаги ортиқчаликни аниқловочи ва

рақамли сигнал оқимини камайтирувчи курилмаларига әхтиёж қолмайды.

## 6.6. ТЕЛЕВИЗИОН СИГНАЛНИ ДИСКРЕТЛАШ

### 6.6.1. Умумий маълумот

*Дискретлаш* – аналог сигнални рақамли шакилга айлантиришда мажмуасининг биринчи босқичи ҳисобланади. Бирламчи  $u(t)$  сигнал дискретлангандан сўнг, уни қуидаги йиғинди кўринишида ифодалаш мумкин:

$$u(nT) = \sum_{n=-\infty}^{\infty} u(t)\delta(t - nt), \quad (6.14)$$

бу ерда,  $\delta(t)$  – дельта функция;  $T$  – дискретлаш даври.

Агар (6.14) устида Фурье алмаштириши амалга оширилса, у ҳолда

$$S_d(t) = \sum S(f - nf_d) \quad (6.15)$$

бўлади  $S(f)$  ва  $S_d(f)$  – навбати бўйича, бошланғич ва дискретланган функция спектрлари тегишлича.

(6.15)дан кўринадики, дискретланган сигнал спектри бошланғич ( $n = 0$ ) ва "иккинчи даражали" (ёки қўшимча), лекин бир-бирига нисбатан сурилган  $f_d$ ,  $2f_d$  спектрлар йиғиндисидан иборат (93-расм). Бошланғич сигналнинг спектрини, агар расмда кўрсатилгандек  $f_d \geq 2f_q$  ва  $f_q \leq f_{пчф} \leq f_d - f_q$  шартлар бажарилса,  $f_q$  частотагача қисми, идеал паст частота фильтри (ПЧФ) ёрдамида ажратиб олиниши мумкин.


Агар дискретлаш частотаси шартга биноан  $f_d < f_q$  олинган бўлса, дискретлангандан сўнг ёрдамчи спектр асосийси қисман устига тушади, натижада бирламчи сигнални тўлиқ ажратиш имконияти бўлмайди (94-расм).

Лекин бугунги кунда ТВ сигнални дискретлашда шундай услугуб ишлаб чиқилганки, у бошланғич сигнални тиклашда ортиқчалиқдан кутилиш имкониятини беради. Натижада дискретлаш частотасини пасайтириш мумкин бўлади. Дискретлаш частотасини пасайтириш мутаносиб рақамли сигнал оқим

камайтиришга олиб келади. Бу рақамли телевидение тизимнинг янада ривожланишига имконият яратади.



93-расм. Сигнал дискретлангандан сўнгги спектри.



94-расм.  $f_d < 2f_A$  ҳолда спектрларининг устма-уст тушиши.

Рақамли телевизион сигнални кодлаш учун асосан **дискретлаш доимий частотада** амалга оширилади. Дискретлаш частотаси кадр ва сатр частоталари билан боғланган ва боғланмаган бўлиши мумкин. Мустаҳкам алоқа таъминланганда, тасвирнинг бирдан бир элементи учун сатрдаги ҳисоблар сони доимий бўлади. Натижада тасвирда қайд қилинган ҳисоблар тузилиши (дискретизация тузилиши) юзага келади.

### 6.6.2. Дискретлашнинг ортогонал тузилиши

Агар сигналда ҳисоб частотаси сатр частотасига каррали қилиб олинса, тасвирда дискректланишнинг ортогонал тузилиши ҳосил бўлади. Унда, ҳисоблар тўғри бурчакли катакларнинг тугунида жойлашади (95-расм).

Бундай ТВ нинг рақамли қурилмаларида дискретлаш услуги бугунги кунда кенг тарқалган.

Дискретлаш частотаси  $f_d = 2f_A$  га teng бўлса, у ҳолда тасвирдаги элементлар сони унинг шартли элементлар сонига teng бўлади (тахминан 300 минг). Элементлар сонини камайтириш шунга мос равишда ТВ тизимининг ажратиш қобилиятини камайтиради ва натижада тасвирнинг сифати ёмонлашади. Бунда кўз тасвирнинг ҳар турли равшанилигини бетартиб ёйилган ҳисоб тизимида тиклайди ва нуктама-нукта

тасвирни таҳлил қиласи. Амалда бундай эмас. Тасвириларда етарли статистик алоқа мавжуд, бизнинг кўриш аппаратимиз эволюцион юксалиш жараёнида унга кўнишиб кетган. Айрим ҳолларда, кўз анализатори рецепторлар тўпламидан (рецептор майдонидан) иборатлиги аниқланган бўлиб, улар тасвир катта элементлар гурухини кодлайди. Бу жараёнда фақат унинг ёруғлиги аниқламасдан, балки тасвирни энг кўп ахборотли қисмини фондан ажратиб, унинг шаклини (контурларини, кескин ёруғлик ўзгаришини) ажратади. Энг муҳими шундаки, кўзнинг бу хусусияти тасвирни дискретлаш ёки халақитлар натижасида бўлакларга ажралиб кетганлигига қарамасдан, унинг контурини яхлит тиклай олади.


ТВ тизимда кўз анализаторининг ушбу хусусияти асосланган ҳолда, тасвир элементларнинг ҳаммасини узатишга ҳожат йўқлигини тасдиқлади. Яъни алоҳида шакллар ансамблини узатиш билан кифояланиш мумкин. Бу ҳолда, узатиш талаб қилинган элементлар сони стандартга қараганда камаяди.

Тасвирда ҳисобларни ортогонал тузилишда олишни оддий TV тасвир шаклидан (вертикал, горизонтал ёки оғдирилган чизик) фойдаланамиз (95-расм). Вертикал ёки горизонтал жойлашган кўшни чизиқлар оралигининг минимал масофаси дисcretлаш қадамига тенг деб шарт қўямиз. Расмга биноан, диагонал бўйича мўлжалга олинган, оғдирилган контурда (95-расмдаги 3.4-чизиқлар), вертикал ва горизонтал чизиқларни кига қараганда кам элементлар жойлашган. Шунга қарамасдан, кўз нейрон тизимларининг юксаклиги туфайли, улар умумий диагонал чизиқ кўринишида тикланади, яъни чизиқлар алоҳида элементларга ажралиб кетмайди ва сидирға бўлиб тикланади. Ортогонал тузилишидаги ҳисобда, оғдирилган чизиқлар ораси, вертикал ва горизонтал чизиқларга қараганда  $\sqrt{2}$  баробар камлиги учун ортогонал тизимида диагонал йўналишдаги ҳисоб вертикал ва горизонтал йўналишни кига қараганда қўпроқ ажратиш қобилиятига эга.


Шундай қилиб, дискретлашнинг ортогонал тузилиши қанчалик мукаммалиги равшан бўлди. Агар, кўзнинг ажратиш қобилияти анизотроплигини, яъни ҳар хил томонга бир хил эмаслигини хисобга олинса, унда вертикал ва горизонтол ўқлари бўйича максимал бўлиб, диагонал йўналиш бўйича ажратиш қобилиятидан тахминан 1,5 баробар юқорилигини тасдиқланади.

Шунинг учун, вертикал ва горизонтал йўналиш бўйича равшанлик нотекислиги устун бўлган тасвирларда кўзнинг статик мослашиши юзага келади.

Агар тасвирнинг ортогонал дискретлашда, дискретлаш қадами  $f_d = 2f_4$  олинса, диагонал йўналиши бўйича тизимнинг ажратиш қобилияти сезиларли юқори бўлади. Бу ортиқликни дискретлаш частотасини камайтириш билан йўқотиш мумкин эмас, чунки у ҳолда энг муҳим вертикал ва горизонтал йўналиш бўйича тасвирнинг аниқлиги йўқотилади.



95-расм. Ортогонал тузилишида тузилишидаги дискретлаши.




96- расм. Ортогонал дискретлашда тизимнинг ажратиш қобилиятини аниқлаши.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда мукаммаллаштирилган дискретлашнинг тузилишини кўриб чиқамиз.

### 6.6.3. Шахмат кўринишида дискретлаш

Аввалгига ўхшаб, тасвир элементлари сонини дискретлаш частотаси  $f_d=2f_4$  этиб оламиз. У ҳолда тасвирни ҳар бир элементига аниқ ҳисоб тўғри келади. Агар бу ҳисоб нүкталарини жойлаштиришда олдинги сатрга нисбатан қўшни сатрда дискретлаш қадамининг ярмига ( $d/2$ ) силжиган бўлса (тасвир элементни ярим ўлчамига), у ҳолда ҳисоб нүкталари шахмат тузилишида жойлашади (97-расм). Бу тизилмага вертикал, горизонтал ва оқсан чизиклар чизамиз ва уларнинг тикланиши сифатини ва улар орасидаги минимал мумкин масофани баҳолаймиз.



**97-расм. Шахмат тузилишидаги дискретлашда тизимнинг ажратиши қобилиятини аниqlаши.**

Горизонтал 5 - ва 6 - чизиклар ортогонал тузилишдаги дискретлашдек (тасвир элементи) тикланади, яъни тасвир аслига мос алоҳида элементлар сонидан ташкил топади.

Улар орасидаги масофа ҳам ўзгармаган. У қўшни сатрлар орасидаги масофага teng, яъни дискретлаш қадами  $d$  га teng бўлади. Шундай қилиб, тизимнинг вертикал йўналишдаги ажратиш қобилияти олдингидек сақланган.

1- ва 2- вертикал чизиклар тузилиши эса 2 марта кам сонли элементлардан ташкил толгани сабабли дағал кўринишида тикланади. Лекин амалда кузатувчи вертикал контурнинг тикланишида сифат ўзаришини сезмайди. Аммо тизимнинг ажратиш қобилияти горизонтал бўйича сезиларли кучаяди. Шахмат кўринишида дискретланганда қўшни вертикал чизиклар оралиғи тахминан икки баравар  $d/2$  га камаяди. Диагонал йўналишда (3 ва 4 чизиклар) иккى чизик оралиғи горизонтал йўналишга қараганда тахминан 1,8 баробар катта. Лекин кўзимизнинг ажратиш қобилияти ушбу йўналишда сезиларли даражада паст. Шахмат тузилишидаги дискретлаш кўз хусусиятлари билан яхши мослашган ва кўриш жараёнига катта таъсири бўлмаган йўналишларда ажратиш қобилиятини пасайтириш имкониятини беради, демак, кадрда умумий ҳисоб нуқталар сонини камайтириш, яъни дискретлаш частотасини пасайтириш мумкин.

Дискретлаш частотасини  $2f_u$  дан паст олиш, дискретлашган сигналнинг асосий ва ёндаш спектрларини бир-бири устига тушшигина сабаб бўлади. Демак, бирламчи сигнални бузилишларсиз аниқ тиклаш мумкин эмас. Лекин шахмат тузилишидаги дискретлашнинг айрим ҳолларида асосий ва қўшим-

ча спектрларнинг бир-бири устига тушиши натижасида юзага келадиган шовқинлардан кутилиш мумкин. Сигнал спектри сатр частотасига каррали частоталардан ҳамда улар атрофидаги кадр бўйича ёйилишдан ва тасвирдаги деталларнинг силжишидан юзага келган тор полосали ён частоталар гурухларидан иборат. Сатр частота гармоникасига тўғри келадиган спектр қисмларида сигналнинг максимал энергияси тўпланган, улар орасининг ўртасида минимуми ётади. Тасвирнинг мазмунига қараб максимумнинг минимумга нисбати 2...32 деб атрофида ётади. Дискретлашдан қўшимча ҳосил бўлган спектр тузилиши ҳам шунга ўхшаш. Шунинг учун дискретизация частотаси ярим сатр частотасига каррали бўлса, халақит энергиясининг таркиби бирламчи сигнал энергиясининг минимумига тўғри келади. 98-расмда узлуксиз чизик орқали асосий спектр максимал энергиясининг ёйилиши, штрих чизик орқали эса қўшимча спектр келтирилган.

Тароқсимон фильтр ёрдамида ( $f_0-f_4$ )дан  $f_4$  гача диапазондаги халақит қилувчи таркиби олиб ташланиши мумкин. Бунда тароқсимон фильтр шундай созланган бўлиши лозимки, унинг максимал сўндириши халақит частотага ва минимал сўндириши фойдали частотага тўғри келсин.

Ортогонал дискретлашда асосий ва қўшимча спектр максимал энергия таркиби бир-бири устига тушади, шунинг учун уни тароқсимон фильтр ёрдамида ажратиб бўлмайди. Тасвир сифатига унчалик зарар етказмасдан шахмат тузилишидаги дискретлаш ҳисоби олинганда, минимал рухсат этиладиган дискретлаш частотани 12 МГц дан 8...8,5 МГц гача пасайтириш мумкин. Бу рақамли оқимни камайтиришга имкон беради. Албатта, шахмат тузилишидаги дискретлаш халақитлардан холи эмас, улар равшанликнинг кескин тушган чегараларида ғадир-будурлик ва муар (икки ёки ундан кўп фазовий частоталарни боғланиши натижасида юзага келадиган тасвир) кўринишида намоён бўлади. Лекин ҳозирги вактда бундай халақитларни минималлаштирувчи даврий ва фазовий фильтрлар ишлаб чиқилган.

## 6.7. ТЕЛЕВИЗИОН СИГНАЛНИ КВАНТЛАШ

Бирламчи сигнал  $u(t)$  дискретлангандан сўнг, ҳисоблар  $u(nT)$  ўз динамик диапазони чегарасида хоҳлаган қийматга эга бўлиши мумкин. 6.4-параграфда келтирилган таърифига биноан квантлаш операцияси натижасида  $u(nT)$ нинг мумкин бўлган ҳар қандай қиймати рухсат этилган **квантлаш сатҳи** қийматларидан бири билан алмаштирилади. Мазмунан квантлаш операцияси аввал бошида сигналнинг ҳақиқий қиймати  $u(t)$  билан унинг квантланган тахминий қиймати  $u_{ke}(nT)$  ўртасида, албатта, хато юзага келиши тахмин қилинади. Бу хато  $\Delta = u(nT) - u_{ke}(nT)$ -**квантлаш хатоси** деб аталади.  $\Delta$  ҳатто сигнал ҳақиқий қиймати икки яқин квантлаш сатҳининг қайси бирига нисбатан (юқорисига ёки пасткисига) яхлитланишига боғлиқ. Квантлаш қурилмасида, сигналнинг ҳақиқий қийматини танланган квантлаш сатҳи билан солиштириш натижасида, ушбу икки сатҳнинг бирини танлайди. Агар сигналнинг ҳақиқий қиймати квантлаш остонаси аталмиш, сатҳдан кам бўлса, у ҳолда ушбу ҳолатдан паст жойлашган энг яқин квантлаш сатҳига яхлитланади. Шундай қилиб, квантлашнинг максимал хатоси квантлаш бўсағалари унинг сатҳларидан ташкил топган квантлаш шкаласи ичida жойлашишига боғлиқ. Масалан, агар квантлаш бўсағалари квантлаш сатҳи билан бириткирилса, у ҳолда квантлаш хатоси ушбу икки сатҳ оралиғига, яъни **квантлаш қадамига** teng бўлади. Агар квантлаш бўсағаси квантлаш сатҳларининг ўртасида жойлашса, квантлашнинг ўртача квадрат хатоси минимал бўлишини исботлаш қийин эмас.

Квантлаш хатоси, **квантлаш шовқини** деб ҳам аталади, у сигналнинг кодланиш хусусиятига қараб тасвирда турлича намоён бўлади. Агар аналог сигнал хусусий шовқини квантлаш қадамига нисбатан анча кам бўлса, квантлаш шовқини тасвирда соҳта контур кўринишида намоён бўлади.

Квантлаш сатҳ сони етарли олинмаганида, яъни «дағал» квантланганда, бундай бузилишлар кўзга ташланади. У ҳолда равшанликнинг силлиқ ўзгариши зинапоя ўзгаришга айланади ва тасвирнинг сифати пасаяди. Йирик планли тасвирларда сох-

та контурлар яққол күзга ташланади. Бу эффектлар ҳаракатли тасвирларда кучаяди.

Тажрибалар шуни күрсатадики, квантлаш сатхлар сони 100 ... 200 дан ошса, сохта контурларни күз илғамайды, яъни квантлаш шовқини сигнал қийматининг 0.5...1%дан ошмайды.

Бу күрсаткичлар олдинги бобда кўриб чиқилган кўзнинг контраст сезгирлик тушунчаси ва рақамли сигнални узатиш учун код комбинациялари билан яхши мувофиқлашган. Ҳакиқатан, етти ёки саккиз даражали кодларга 128 ёки 256 квант сатхлари тўғри келади, бу эса тажриба йўли билан аниқланган тасвирда сохта контур кўриниши йўқоладиган минимал градация сонидан ортиқ.

Юқорида, аналог сигналда хусусий шовқин кам бўлган шароитда, квантлаш шовқинининг тасвир сифатига таъсири кўриб чиқилган эди. У квантлаш қадамидан юқори бўлганда, квантлашда бузилиш сохта контур кўринишида эмас, балки спектр бўйича бир текис тарқалган шовқин сифатида бўлади. Бирламчи сигналдаги фулуктуация шовқин яққоллашади, натижада тасвир кучлироқ шовқинланганга ўхшайди.

Квантлаш сатҳи сонининг камлиги кўпроқ рангли тасвирларга салбий таъсир кўрсатади. Кўпроқ йирик пландаги сюжетда, равшанлиги секин-аста камаювчи жойларида квантлаш шовқини рангли жимжима кўринишида намоён бўлади.

Квантлащда ночизиқ шкала ишлатиб, телевизион сигналнинг рақамли оқимини камайтириш мумкин. Маълумки, Вебер-Фехнер қонунига биноан  $L_1$ , дан  $L_2$  гача равшанликнинг ўсишини сезиш  $L_2$  ва  $L_1$  нисбати логарифмига мутаносиб. Шу сабабли, квантлаш қадамининг шкаласида пастдан юқорига ўсишни кўриш табиатига мос келади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, квантлащда логарифм шкалани кўллаш, чизиқли квантлашга қараганда, тасвир сифатига таъсир кўрсатмасдан квантлаш сатхларини икки ҳисса камайишига имкон беради, яъни ИКМ да код гурухини бир даражага камайтиради. Бошқача сўз билан айтганда, логарифм қонунига биноан  $2^7$  даражасида квантланганда, тасвир сифати  $2^8$  даражасида квантланганидек сақланади. Бирорқ логарифмик шкалага қараганда, текис шкалада ортиқча маълумот кўпроқ. Буни рақамли оқим

камайишини кўринишнинг бошқа хусусиятларини қўллаб амалга ошириш мумкин.

Равшанлик сигнали учун квантлаш сатҳининг керакли сонини баҳолашда контраст бўсағаси  $\delta = 0,02 \dots 0,05$  тенг олинган. Аммо булар фақат катта деталлар учун кўлланиши мумкин. Умумий холда контраст бўсағаси кузатилаётган обьектнинг ўлчамига боғлиқ. Бурчак ўлчами бир неча минут бўлган обьектлар учун, контраст бўсағаси бир нече ўн маротаба катталашади ва бирга яқинлашади, агар кичик додг равшанлиги фон равшанлигидан катта бўлса, хато сезиларли бўлиб қолади. Демак, тасвирнинг катта бўлмаган деталлари равшанлиги кескин ўзгарувчи жойларда равшанлиги доимий ёки секин-аста ўзгарувчи жойларидағига қараганда етарли кам сатҳлар сони билан квантлаш мумкин.

Кўзимизнинг кўриш хусусияти, тасвир элементлари орасида кучли боғлиқлик, булар квантлаш сатҳлари сонини камайтириш учун катта имконият беради.

## 6.8. ТЕЛЕВИЗИОН СИГНАЛНИ КОДЛАШ

### 6.8.1. Умумий маълумотлар

Аналог сигнални рақамлига айлантиришда якунловчи жараён кетма-кет импульслардан иборат квантланган ҳисобларни кодлашдир. Кўпинча, бу кетма-кетлик иккилик белги шаклида амалга оширилади. Киришдаги видео ахборот  $m$  квантлаш сатҳига код импульси  $k = \log_2 m$  тўғри келади. Юкорида айтилганидек, бундай кодлаш услуги импульсли-код модуляция номини олган. Видео ахборотга ишлов бериш ва узатишда бу услуга классик ва универсал услугадир. ИКМ нинг устун томони иккилик белги шаклга келтиришнинг универсаллигидир. ТВ сигнални устида олиб бориладиган ҳамма жараёнларда ишлатилиши, яъни шовқинни камайтиришга, сигнални узатиш ва ёзишга, интерференция халақитлар ва бузилишлар сезирларгининг камайишига, шунингдек, рақамли сигнал шаклини регенерация қилиш орқали тиклашга уни кўлланилиши буни тасдиқлайди. Тасвирнинг алоҳида элементи

равшанлиги (ранги)нинг мумкин бўлган ҳамма сатҳи тенг эҳтимолликда бўлишига қарамасдан, у қўшни элементлари равшанлиги билан кам фарқ қилиши ёки умуман фарқ қилмаслиги мумкин. Буни телевизион тасвирнинг статистик таҳлили қўшни элементлар орасида кучли корреляция алоқа мавжудлигини тасдиқлади. Шундай қилиб, тасвир равшанлиги ёки рангини ИКМ услугга хос элементма-элемент узатишида, бир хил ёки бир-биридан кам фарқ қиладиган ахборот каналга жўнатилади.

Бугунги кунда телевизион сигналдаги ортиқча ахборотни камайтирувчи кўп усуллар мавжуд.

Самарали кодлашни шартли уч тоифага ажратиш мумкин:

- телевизион сигнални интерполяция этиб кодлаш;
- тубдан ўзгартириб гуруҳли кодлаш;
- мослаштириб гуруҳли кодлаш;


У ёки бу коднинг афзалликлари тўғрисида бугун аниқ қатъий фикр йўқ. Бундан ташқари, кўп ҳолларда кодлашнинг самарали усуллари бир-бири билан боғланиб кетган. Шу сабабли уч кодлаш принципининг алоҳида-алоҳида кўриб чиқиши маъқул.

### 6.8.2.Интерполяцияли кодлаш

Юқорида айтилгандек, тасвирни қўшни элементлари орасида кучли корреляция (боғлиқлик) мавжудлиги сабабли, ҳар бир элемент тўғрисида тўлиқ маълумот узатиш ҳожати йўқ. Бир элемент ҳисобини узатиш билан чекланиб, қолган элементлар қийматини башорат этиб аниқлаш мумкин. Бунинг учун тизимни қабул қилувчи қурилмасида маҳсус башорат қилувчи қурилма ёрдамида ҳисоб бажарилиб узатилмаган тасвир элементини қиймати топилади.

Лекин тасвирнинг статистик алоқасини аниқловчи апарат қанчалик такоммиллашган бўлмасин, табиийки тасвир равшанлиги ва рангини тасодифий статистик таърифланишига қараб элементларни башорат этилган ҳисоби ёки ҳисоб тўпламида хато мавжуд. Бу хато тасвирни ҳар бир элементи

учун аниқланиши ва тузатилиши керак. Фақат ана шу шарт бажарилганда тикланган тасвир аслига түлиқ мос келади.



99-расм. Интерпояция тизимини тузилиши схемаси.

Интерполяцияли кодлаш принципи қуйидагидан иборат: ҳар бир элементнинг ҳақиқий ҳисоби узатилмасдан, ҳақиқий ҳисоб қиймати интерполяция этилган қийматдан айрилиб, уни айримаси **интерполяция хатоси** аталмиш, қиймат кодлаб узатилади. Бундан шундай мантиқий холоса қилиш мумкин, узатилаётган хато ҳисоб түлиқ ҳисобга қараганда маълумот ҳажми сезиларли кам.

Узатувчи томонда  $e(nT)$  хато сигналини шакллантириш учун, қабул қилувчи томондаги интерполяция бажарувчи ва айирувчи каскаддан ибрат бўлади. 99-расмда айирувчи ўрнига йигувчи ўрнатилган, унинг киришига ҳисобнинг ҳақиқий қиймати  $u(nT)$  ва унинг интерполяцияланган тахминий қиймати  $\bar{u}(nT)$  «минус» ишора билан киритилади. Ҳақиқий  $u(nT)$  сигналга қараганда кам маълумотли  $e(nT)$  хато сигнали тизимнинг қабул қилувчи томонидаги қўшувчи курилмада интерполяцияланган  $u(nT)$  қиймат билан қўшилади. Натижада қабул қилувчи томонда  $u(nT)$  сигналнинг ҳақиқий қиймати тикланади.

Интерполяцияловчи тизим принципидан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки,  $u(nT)$  сигнал қанчалик аниқ башорат этилса,  $e(nT)$  хато сигналнинг ўзгариш диапазони шунчалик кам бўлади.

Оддий ҳолатда интерполяцияланган қиймат сифатида олдинги ҳисобни ишлатиш мумкин. Унда интерполяцияланган

тасвир бир элементини узатиш вақтига сигнални ушлаб турувчи күринишида бўлади.

Интерполяция услуби ортиқчаликни камайтирмайди,  $e(nT)$  хато сигналини бундай интерполяция этилганда, у хоҳлаган қийматни, токи  $i(nT)$  сигналнинг максимал амплитудасигача тенг қийматни қабул қилиши мумкин, яна ўз ишорасини ўзгартира олади ( $i(nT)$  ва  $\hat{i}(nT)$  ўртасидаги айирма манфий ва мусбат бўлиши мумкин). Лекин динамик диапазонини кўпайишига қарамасдан, уни ичидаги хато сигнални тенг эҳтимолик қонунига бўйсунмайди. Унинг тарқалишининг эҳтимоллиги, ноль атрофида максимал эҳтимоллик ва эҳтимоллик қийматини нолдан фарқланганда тез пасаювчи, экспоненциал функцияга биноан аппроксимацияланади. Демак, хато сигнални етарли юқори аниқликда, берилган ҳисобга қараганда етарли кам сатҳлар сони билан квантланиши мумкин. Бу эса узатиладиган маълумот ҳажмини камайтиришни таъминлайди.

Албатта, бундай усул ўртacha статистик маънода бутун тасвир учун яхши натижага беради. Контур ва ўтишларда кескин равшанлик таркибли тасвирнинг элементлари учун эса, хато сигналнида чайқалиш (статистик томондан кам бўлса ҳам) табиийдир. Дағал квантлашда фарқланиш тасвирда тегишли бузилишларни юзага чиқаради. Аммо тажрибалар шуни кўрсатадики, бундай бузилишлар кўриш хусусиятига биноан кўзга кам ташланади. Маълумки, инсон кўзи майдага деталлар равшанигини ёмон ажратади; бундан ташқари физиологларнинг фикрича, латерал (ёндан) деб аталувчи тормоз бериш, тасвирнинг фон таркибини сусайтиради, ундаги контур ва майдага элементларни бўрттиради, шу билан тасвирнинг энг маълумотли қисмини ажратади. Бу шаклдаги "бузилиш" дағал квантлаш натижасида юзага келган, уни катта қийматлари майдонидаги бузилишлар кўзга кам ташланади. Шундай қилиб, элементларида кескин ўтиш өз контур таркибли тасвирда хато сигнални учун квантлаш сатҳи кам олинишига йўл кўйилади.

Интерполяция этиб кодлаш тизим учун хато сигналини квантлаш сатҳи сони бир хил олинмайди. Аммо муҳими шундаки, квантлаш шкаласи сезиларли начизиқли ва нолга нисбатан симметрик эмас.

Шундай килиб, интерполяция этиб кодлаш тизимининг ишлаш принципи сигналнинг ҳақиқий қиймати ўрнига, ҳақиқий сигнал билан интерполяцияланган сигнал айирмасини кодланган қийматини узатишдан иборат. Бундай кодлаш тизими бальзан *дифференциал импульс-код модуляция* (ДИКМ) деб ҳам аталади.


Бу тизимда фарқланиш сигнал ҳаммаси бўлиб икки сатҳда квантланади, яъни хатонинг ишораси аниқланади. Дельта-модуляцияда интерполяция этувчи сифатида интегратор қўлланилади, унинг киришига дискретлаш частотасида берилган фарқланиш сигнал  $\pm\delta$  ни чизикли қўшиб чиқади (100-расм). Хато сигнал  $\pm\delta$  нинг қиймати дискретлаш оралиғида доимий бўлгани сабабли, уларни вақт бўйича қўшиш натижасида зинапоя шаклсисимон сигнал ҳосил бўлади. Бу  $u(t)$  сигнал интерполяцияланган сигнал сифатида ишлатилади. Берилган бирламчи сигналдан уни айриб (қўшувчи курилма чиқишида)  $e(t)$  айрма сигнални олинади. Квантловчи бу сигнални икки сатҳ билан чеклайди.

Фарқланиш сигнални  $\pm\delta$  ни иккилик кодига айлантиргандан сўнг уни узатиш мумкин. Қабул қилгич томонда иккилик коди аввало бир қутбли ҳисоблар фарқланиш сигнал  $\pm\delta$  га айлантирилади, сўнг юқорида таърифланган интегралловчидан иборат кодловчи курилмада  $u(t)$  сигнал шаклланади. Бу сигнал берилган бошлангич сигналдан сезиларли фарқ қилса ҳам, тикланган сигнал сифатида ишлатилади.

1006-расмда дельта-модуляция тизимида шаклланувчи сигнал тасвирланган. Унинг, *A* қисми сигнал равшанлигининг нисбатан кескин узатилишини таърифлайди. Бу ҳолда квантловчи бир хил ишорали хато сигнални  $\delta$  ни беради. Интегралловчи уларни вақт бўйича кетма-кет қўшади ва зинапоя-аррасимон шаклда ўзгарувчи кучланишни ҳосил қиласди.

Натижада, интерполяция этилган сигналнинг фронтлари берилган бирламчи сигналга нисбатан чўзилади. Берилган бирламчи сигнал секин ўзгарадиган *B* қисмida интерполяция этилган сигнал тахминан бирламчи сигнал билан тенглашади. Аммо бунда олдиндан аниқланган сигнал қиймати бирламчи

сигнал қийматига яқын бўлади. Натижада сигнал амплитудаси дискретлаш частотасида фарқланиш сигнал  $\delta$  га ўзгаради. Интерполяция этилган сигнал фронтининг чўзилишини кўрсатувчи бузилиш, **кескинлик бўйича ортиқча юкланиши** номини олган.



**100- расм. Дельта – модуляция тизимни тузилиши схемаси (а) ва унда сигнални шакли (б).**


Сигналнинг зинапоясимон шакли сабаб бўлган бузилиш, тасвирнинг **грануляр (майдаланган) шовқинини** аниқлайди. Бу бузилишларни дельта-модуляция тизимида йўқотиш учун ИКМ га қараганда дискретлаш частотаси қиймати оширилади, бу эса тизимнинг самарадорлигини камайтиради. Шу сабабдан дельта-модуляция видеотелефон тизимида ишлатилади.

Дискретлаш частотасини юқорида қўрилган тизимга нисбатан камайтиришни кўп сатҳли квантлаш қўлланган ДИКМ тизимида амалга ошириш мумкин (101-расм). Айирувчи қўрилма киришига аналог кўринишида  $u(t)$  бўрламчи сигнал ва унинг интерполяция этилган  $\tilde{u}(t)$  сигнални берилади. Олинган  $e(t)$  фарқланиш сигнални аниқ сатҳларга квантланади (одатда 16-ошиқ эмас) ва иккилик кодига айлантирилади. Бу операция аналог-рақам айлантиргич (АРА) да амалга оширилади, сўнг кодланган  $e(t)$  фарқланиш сигнални узатилади. Бу сигнал

рақам-аналог айлантиргич (РАА) да аналог шаклига айлантирилади ва  $\Sigma_2$  қўшувчига узатилади. Унда хато сигнал билан башорат этилган сигнал кўшилади. Кўшувчининг чиқишида шундай қилиб бирламчи сигнал хатоси билан тикланади (хатонинг борлиги  $e'(t)$  ва  $u'(t)$  белгиларда ҳисобга олинган). Ушбу қийматларга биноан олдиндан аниқловчи қурилмада кейинги ҳисоблар учун олдиндан аниқланган  $u(t)$  сигнал олинади (кўпинча олдинги ҳисоблар тўпламидан), у айрувчи қурилмага туширилади.

Қабул қилувчи томонда декодловчи қурилмада  $e(t)$  рақамли сигнал аналог сигналга айлантирилгандан сўнг узатувчи томондагига ўхшаш қўшувчи ва олдиндан аниқловчи тизимга тушади.

Умуман олганда, ДИКМ услубида ИКМ га қараганда битлар сонини бир элемент учун 7...8 битдан 3...5 гача камайтириш имконияти бор. Интерполяция этувчи тизимда ортиқчаликни камайтириш ТВ тизимини халақитларга бардошлигига таъсир кўрсатмасдан қолмайди.



**101-расм. ДИКМ ли тизимнинг тузилиши схемаси.**

Юзага келтирган халақит факат ушбу ҳисобни бузмасдан, балки ҳамма кейинги ҳисобларга ҳам таъсир қиласи, чунки улар олдинги ҳисоблар орқали ҳисоблаб чиқилган (олдинги ҳисобдан аниқланган). Натижада тасвирда ўзига хос бузилиш юзага келади-хатолар *треки (изи)*. Бу бузилишларни камайтириш учун «таянч» ҳисобларни, яъни тасвир элементини ҳақиқий қиймати узатилиши тез тақорланувчи бўлиш керак. Бу ҳолда тасвирга халақитнинг таъсири энг яқин ҳақиқий сигнални келиши билан йўқолади. Албатта, ДИКМ да

сигналнинг таянч қиймати сонини кўпайтириш унинг самара-  
дорлигини камайтиради.

Интерполяция этувчи тизимнинг халақитбардошлигини ошириш икки ўлчамли кодлаш орқали бажарилади. Унда интерполяцияланган сатрдаги олдинги элементлар тўплами, шунингдек, унга тегишли олдинги сатр элементлари орқали бажарилади. Бунда тиклашнинг сифати вертикал йўналишда ҳам яхшиланади.

### 6.8.3. Алмаштириш усулида гурухли кодлаш

Аламаштириш усулида гурухли кодлашда ҳар бир дискретланган сигналнинг ҳисоби ўрнига уларнинг шу ҳисоблар йигиндиси билан алмаштирилган чизиқли комбинацияси узатилади. Бунда таъкидланган ўрин алмаштириш тасвирнинг бир кичик бўлагида, элементларнинг чекланган сони мавжуд гурух таркибида, амалга оширилади.

Алмаштириш орқали кодлашни тушуниш учун тасвирнинг  $n^2$  дискрет элементдан ташкил топган бир қисмини кўриб чиқамиз (102а-расм). Ҳар бир элемент ўзига тегишли  $B_{ij}$  равшанлик билан таърифланади. Ҳар бир элементга ТВ сигналда ўзига хос қиймати мавжуд. Бу қийматларнинг йигиндисини берилган равшанлик тарқалишига муносаб  $B=X$  матрица кўринишида ифодалаш мумкин, бу ерда  $B_{ij} = X_{ij}$  матрицани таркиби. Рақамли сигнал оқимини камайтириш мақсадида, шу қийматларни ташкил қилган сигналнинг бир қисм қийматларини чиқазиб ташланади ёки уларни дағал квантланган бошқа қийматга алмаштирилади. Кўриниб турибдики, ахборотни бу услуг билан қисқартириш имконияти йўқ, чунки сигналдан алоҳида ҳисобларни чиқариб ташлаш тасвирни алоҳида элементларини чиқариб ташлаш билан баробар. Дағал квантланганда тасвирнинг чиқариб ташланган элементлари қисмида бўшлиқ ёки кўзга ташланадиган бузилиш юзага келади. Тасвирни тенг ҳуқуқли гурух ташкил қилувчиларидан алоҳида элементини чиқариб ташлаш ундаги ахборотни камайиши ва энергетик нуқтаи назардан тасвир сифатини тиклаб бўлмайдиган даражада ёмонлаштиради.

Берилган тасвир (ёки берилган сигнални) қийматлар йиғиндисига алмаштирилганда ҳар бир қисми тасвирнинг умумий таркибида турлича ифодаланиши мумкинлигини кўриб чиқамиз. Алоҳида қийматлар ўртасидаги функционал муҳим бўлғанларини қайта саралаб, маълумотнинг асосий ҳажмини олиб борувчи, асосий қийматларни ажратиб, уларга энг қулай узатиш шароити билан таъминлаб, бошқа қийматларни "тежаб", уларни узатмасдан ёки ним рангларнинг минимал сонини узатиш мумкин, чунки ҳар қандай функцияни Фурье қаторига ёйиш ва аксинча берилган функция қаторининг ҳадидан синтез қилиш имконияти мавжуд. Аксинча синтез қилишда қаторни ҳар бир ҳадининг қиймати турли. Агар қайси бир ҳадининг амплитудаси кичик бўлса, унда уни ҳисобга олмаслик ёки уни бошқа ҳадларга нисбатан аниқлиқда белгилаш мумкин.

Фурье алмаштиргичининг бу хусусиятини кўйилган масалага татбиқ қилиш узатиладиган маълумотлар ҳажмини камайтиришга имкон беради.

$$Y = \begin{bmatrix} Y_{11} & Y_{12} & Y_{13} & \dots & Y_{1n} \\ Y_{21} & Y_{22} & Y_{23} & \dots & Y_{2n} \\ Y_{31} & Y_{32} & Y_{33} & \dots & Y_{3n} \\ \vdots & \vdots & \vdots & \ddots & \vdots \\ Y_{a1} & Y_{a2} & Y_{a3} & \dots & Y_{an} \end{bmatrix}$$

- 102-расм. Тасвирни ортогонал айлантириши:**
- берилган равшаник тарқалиши матрицаси;
  - равшаникнинг фазовий қийматларидан тузилган матрица (трансформанта).

Шу сабабли икки ўлчамли Фурье алмаштиргични имкониятини 102а-расмда келтирилган тасвир элементлари гуруҳида синааб кўрамиз. Алмаштириш натижасида олинган сонлардан, берилган  $X$  сонидан иборат матрица кўриниши ва тузилишига ўхшашиб янги сонлар жадвали -  $Y$  матрицани тузамиз. Бу матрицада унинг алоҳида қийматлари эндиликда  $X$  матрица-

дагидек равшанликни эмас, балки Фурье қаторининг коэффициентларини ташкил қиласи.

У матрицанинг ўзи трансформанта номини олган. Унинг таркиби, маълумки,  $X$  матрица таркибининг чизиқли комбинациясидир, яъни  $Y$  матрицанинг хоҳлаган таркиби  $X$  матрицани ҳамма қийматлари маълум мувозанат коэффициентларида олинган йиғиндидан иборат:

$$Y_{kl} = \sum_{l=1}^n \sum_{j=1}^n a_{klj} B_{lj}, \quad k,l = 1,2,3,\dots,n \quad (6.16)$$

Мувозанат коэффициенти  $a_{klj}$  Фурье бўйича гармоник анализ орқали аниқланади. Трансформанта таркибий сони берилган равшанлик матрицаси элементларига тенг.

Алоқа канали орқали  $X$  матрица қийматлари ўрнига  $Y$  трансформанта таркиблари узатилади. Кўриниб турибдики, трансформантани берилган бирламчи тасвир билан ҳеч қандай умумийлиги йўқ. Шу сабабли қабул қилувчи томонда  $Y$  трансформантадан матрицанинг бирламчи  $X$  қийматлари тикланиши керак. У тескарисига алмаштириш орқали бажарилади. Тескарисига алмаштириш, (6.16) каби, арифметик операциялар йиғиндисидан иборат:

$$B_{lj} = \sum_{k=1}^n \sum_{i=1}^n b_{ijkl} \quad i,j = 1,2,3,\dots,n \quad (6.17.)$$

бу ерда,  $b_{ijkl}$  – тегишли мувозанат коэффициентлари.  $X$  матрицада бирламчи қийматлари ва  $Y$  трансформантада умумий маълумот микдори бир-бирига тенг.

Бу мураккаб тўғри ва тескари Фурье алмаштириш операцияси маълумот ҳажмини қисқариши имкониятини беради. Матрица  $X$  ни узатишда тасвир сифатига зиён етказмасдан амалга ошириш имконияти йўқ.  $Y$  трансформанта ҳисобини узатишда эса бундай қисқартириш имконияти мавжуд.

Буни куйидагича тушунтириш мумкин, қийматларнинг умумий сонини сақлаган ҳолда алмаштириш натижасида олинган трансформантада элементлар орасидаги амплитуда нисбати кучли ўзгарди. Сигналнинг деярли ҳамма энергияси компонентлари орасида бирламчи  $X$  матрицадагидек нотенг эҳтимоллик билан жойлашмайди, балки трансформантанинг


тегишли кичик номерли сатр ва устунларига мужассамлашади. Сони катта номерли бошқа ҳисоблар қиймати кенг тасвирлар синфи учун нолга яқин бўлади. Демак, трансформантанинг чап бурчагига нисбатан уларни етарли паст квантлаш сатхлар сони билан узатиш ёки умуман узатмаслик мумкин.

ТВ сигналини алмаштириб самарали кодлаш сигнал таркибидаги ортиқчаликни аниқлаш ва уларни қисман чиқариб ташлашдан иборат. Табиийки, бу таркибларини умуман чиқариб ташлаш фойдадан ҳоли, чунки алмаштириш маълумки, улар майда элементларни узатиш учун "жавоб" беради, шундай экан, тасвирнинг аниқлигининг камайиши эҳтимоли мавжуд. Аммо бу таркибини аниқлиги пасайтириб узатиш етарли асосга эга.

103-расмда алмаштириш орқали самарали кодлаш принципи амалга оширилувчи тизимнинг тузилиш схемаси тасвирланган. Курилманинг киришига  $u(t)$  аналог сигнали киритилади. АРА да ИКМ услугига биноан квантлашнинг тўлиқ шкаласида (бир элементга камида 7... 8 бит) алмаштириш амалга оширилади. Сўнг рақамли оқим ортогонал айлантиргич блоки (ОАБ) киришига борилади, у ерда У трансформантасини топиш учун ҳисоблаш олиб борилади. Алмаштириш икки ўлчамли қаторда (иккита ўқ бўйича) олиб борилгани сабабли алмаштириш ортогоналдир. Иккилик квантлаш блокида (ИКБ) таркибларни танлаш амалга оширилади.

Алмаштиришнинг математик аппарати сифатида Фурье айлантиргичи кўриб чиқилган, унда ёйиш ортогонал базис функцияси аталмиш синусоидал ва косинусоидал функция олинган. Лекин бошқа базис функциялар ёрдамида айлантириш ҳам кенг тарқалган. Буларга Адамар, Хаара, Уолш ва бошқа айлантиргичларни кўрсатиш мумкин. Бу алмаштиргичларнинг базис функцияси ҳар хил. Масалан, Адамар-Уолш базис функцияси шакли бўйича тўғри бурчакка яқин, яъни икки градацияли, Хаара функцияси – уч градацияли ва ҳоказо.

Базис функция тўғридан-тўғри тизимни техник амалга оширишда қатнашмайди. Бу функциялар ҳисоблашнинг алгоритмини аниқлайди. Шунинг учун алмаштириш билан сигнални кодлашда базис функциянинг шаклига қараб моҳияти ўзгармайди.



**103-расм.** Ортогонал алмаштиргич қурилмасининг тузилиши схемаси.

Ҳамма алмаштиришларда алмаштирилган сигналнинг таркибини ажратиш частота белгиси орқали бажарилади ва сўнг ортиқчаликни камайтириш бажарилади. Алмаштириш мушкулликни катта-кичиклиги билан (бу томондан Адамар айлантиргичи афзалроқ), шунингдек, трансформанта таркиби орасида маълумотнинг манфаатли тарқалишига кўп ёки кам фойда бериши билан фарқ қиласи. Шуни таъкидлаш лозимки, у ёки бу алмаштиргичлар орасида катта фарқ йўқ: тасвирилнинг бир синфи учун бири яхши, иккинчиси учун-бошқаси.

Аҳамият беринг, айлантириб гурухли кодлашда узатиладиган маълумотни камайтириш, тасвирда частота таркибини ва уни фазовий спектрининг махсус статистик таҳсисоти билан боғлиқ. Шунинг учун айлантириш кам учрайдиган манзара устида иш бажарилса, кузатувчи ундаги, айлантириш натижасидаги, сифат ўзгаришини кучли сезади.

#### 6.8.4.Мослаштирилган гурухли кодлаш

Мослаштирилган грухли кодлаш усули ишлатиш орқали тасвирилнинг кенг синфи учун яхши натижага эришиш мумкин.

Бунда ҳақиқий қийматлар кичик гуруҳи элементларининг қиймати комбинацияси билан алмаштирилади. Алмаштириб кодлашдан фарқи, бунда алмаштириш алгоритми кўзимизнинг физиологик хусусиятини чуқурроқ ҳисобга олади.

Тасвири кўриш жараёни кўзда икки босқичдан иборат. Аввал кўз паст частотали фильтр каби, тасвири кичик бир кисми ичida равшанликни ўрталаштиради. Сўнг, иккинчи босқичда, алоҳида элементлар ўртасида равшанликнинг биринчи таҳминий қиймати билан равшанликнинг ҳақиқий

тарқалиши ўртасидаги айрмани ажратади. Бу айрма тасвирнинг контурини ифодалайди, унда тасвир батафсил майда элементлари билан намоён бўлади. Бунда кўз, алоҳида элементни эмас, балки бутун бир контурнинг қисмини қайд қиласди, контур ичидаги равшанликни ўзгаришига ахамият бермайди. Кўзнинг ушбу хусусиятини ҳисобга олиб, тасвирни кичик бир бўлаги ичидаги ҳақиқий равшанлик ёйилишини шу бўлакни ўрталаштирилган равшанлик қиймати билан алмаштирилганлигини сезмайди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, агар ўлчами  $4 \times 4$  ТВ элементдан ошмаган фрагментда бир тасвирни иккинчиси билан алмаштиришлар сезилмайди.

Шунга мувофиқ мослаштирилган гурухли кодлашда, тасвир бўлагининг ўртacha равшанлиги ва контурнинг ўртacha равшанлиги ҳамда ундаги майда элементлар тўғрисидаги маълумот узатилади. Бунинг учун тасвирнинг ( $4 \times 4$  эл.) фрагментига тўғри келадиган гурух ҳисоблари ўрнига унинг ўртacha равшанлиги узатилади. Сўнг гуруҳдаги ҳар бир элементнинг ҳақиқий қиймати билан ўртacha равшанлик айрмаси топилади. Агар бундай айрма сигнал тасвири экранга туширилса, яққол кўзга ташланадиган контур кузатилади. Шу контурларнинг ўртacha равшанлик қиймати аниқланади ва узатилади (айрманинг манфий ва мусбат қийматлари). Тизимнинг қабул қилувчи томонида икки сигнал қўшилади: ўртacha равшанлик ва ўрталаштирилган контур айрмаси. Натижада тасвирнинг бир элементи учун сарфланган маълумот  $1 \dots 2$  битни ташкил қиласди (ИКМ да  $7 \dots 8$  бит).

Холоса қилиб шуни айтиш мумкинки, олдиндан аниқлаб кодлаш усулига қараганда, кодлашнинг гурухли усули юқори сифатни таъминлайди. Энг юксак алмаштириб кодлаш усулида тасвирнинг бир элементи учун сарфланадиган маълумот  $0,5 \dots 1$  битни ташкил қиласди. Уларнинг камчилиги амалга оширишнинг мураккаблигидир.


## 6.9. ТЕЛЕВИЗИОН СИГНАЛНИ ФИЛЬТРЛАШ

Рақамли сигналнинг муҳим томонларидан бири унинг устида ишлов бериш ҳар хил алмаштиришлар бажариш

мумкинлигидир, бу тасвир сифатини яхшилашга имкон беради, ТВ кенг тарқатиш технологиясини бойитади, техник жиҳозларни хизмат жараёни соддалашади ва унинг пухталиги ортади. Албаттa, аналог телевидениеда ҳам, сигналга ҳар хил ишловлар бериш мумкин. Лекин сигнални рақамли услубда узатища кўп ҳолатларда аниқлиги, алмаштириш алгоритмининг соддалиги, техник жиҳозларни ихчамлиги томонидан афзалликлар бор.

ТВ сигналга ишлов бериш қурилмасининг умумлаштирилган тузилиш схемасини кўриб чиқамиз (104-расм). АРА да юқорида кўрилган дискретлаш, квантлаш ва кодлаш операцияси бажарилади. ИКМда рақамли оқимнинг тезлиги жуда юқори ва сигналга ишлов берувчи процессор реал вактда ишлаши учун бу оқим бир неча параллел каналларга ажратилади. Рақамли оқимни параллеллаштириш операцияси демультиплексор (ДМ) томонидан бажарилади. Процессор хотира қурилмаси (ХҚ), арифметик қурилма (АҚ) ва процессор таркибий қисмлари ишини мослаштирувчи бошқариш қурилмаси (БҚ)дан иборат. Арифметик қурилма, бошқарувчи қурилма томонидан бошқарилиб, хотира қурилмаси билан биргаликда сигналга ишлов бериш алгоритмини амалга оширади, бошқача сўз билан айтганда сигнални рақамли фильтрациялади. ХҚ ва БҚ биргаликда сигнални талаб қилинган вакт бўйича алмаштиришни таъминлайди. Бу алмаштириш киритилувчи сигналга ишлов бериш жараёнида вакт бўйича мослаштириш талаби, маҳсус эфектларни юзага келтиришда кириш сигналида вакт бўйича бузилишларни тузатиш, сигнал манбаларини синхронлаш кераклиги ва шунга ўхшашлар билан боғлиқ. Процессорнинг параллел чиқишидан олинган сигналлар мультиплексор (М) орқали бир рақамли оқимга бирлаштирилади. Рақамли сигнални аналог сигналга айлантириш керак бўлган тақдирда мультиплексордан сўнг рақам-аналог айлантиргич (РАА) кўйилади.

Рақамли фильтраш сигналларнинг алоҳида қийматларини хотирада сақловчи ва бу қийматлар устидан арифметик амаллар бажарувчи қурилмада бажарилади. Бу қурилмалар мажмуи *рақамли фильтр* деб аталади.



**104-расм.** ТВ сигналга рақамли ишлов бериш курилмасининг тузилиши.

Фильтрлашнинг ўзи эса кириш сигнални  $x_0, x_1, x_2, x_3, \dots, x_m$  қийматлар кетма-кетлигини қабул қилинган алгоритмга биноан чиқиш сигнални қийматлари  $y_0, y_1, y_2, y_3, \dots, y_m$  га айлантиришдан иборат.

Рақамли сигнални фильтрлаш аналог сигнални фильтрлашдан фақат амалга ошириш жараёни билан фарқ қилади. Рақамли фильтрлашнинг афзаликлари: кўрсаткичларининг вақт ва ҳарорат бўйича барқарорлиги; дискретлаш частотасини осон ўзгартириб фильтрни созлаш; бир-бираига ўхшаш кўрсаткичли фильтрни қайтариш имконияти. Аммо ҳамма вақт ҳам рақамли фильтрни амалга ошириш аналогга қараганда техник томондан осон кечмайди. Бундан ташқари, рақамли фильтрлашда квантлаш шовқини тасвирда кўринишини кузатиш мумкин.

Фильтрлар икки хил бўлади: рекурсив (тескари алоқали) ва рекурсивсиз (тескари алоқасиз).


Рекурсивсиз фильтрларда ҳар дақиқада чиқищдаги сигнал кириш сигнални аввалги қийматининг вазнили йигиндиси билан аниқланади:

$$y_i = a_0x_i + a_1x_{i-1} + a_2x_{i-2} + \dots + a_mx_{i-m}$$


бу ерда,  $a_i$  - узатиш коэффициенти.

Рекурсив фильтр мураккаброқ тузилишга эга (105-расм). Унда чиқищ сигнални кириш ва чиқищ сигналини аввалги қийматининг функциясидир:

$$y_i = a_0x_i + a_1x_{i-1} + a_2x_{i-2} + \dots + a_mx_{i-m} + b_0y_{i-1} + b_1y_{i-2} + \dots + b_my_{i-m}$$



a)



b)

**105-расм. Рақамли фильтрлар: а) рекурсивсиз; б) рекурсив.** ( $z^{-1}$  белгиси сигнал дискретлашни бир даврга ушлаб қолиши операторини билдиради).

Фильтрлаш жараёни күпайтириш ва бўлиш операциясидан иборат бўлиб, АҚ ва ХҚ ёрдамида сигналнинг ушлаб қолинган қиймати устида бажарилади. Арифметик қурилма берилган дастур бўйича сигнал қийматларини вазн коэффициентига кўпайтиради ва уларни қўшади.

Хотира қурилмаси сигналлар қийматини, мувозанат коэффициентларини, вакт бўйича суриш оралигини, шунингдек, арифметик ва хотира қурилмаларни бошқарувчи дастур саклаш учун ишлатилади.

Рақамли фильтр кўп ҳолларда бузилган тасвирнинг бошланғич кўрсаткичларини яхшилашга, сигналдан шовқин таркибини танлаб пасайтиришга, апертура бузилишни самарали тузатишга ёрдам беради.

## 6.10. РАҚАМЛИ СИГНАЛЛАРНИ ВАҚТ БҮЙИЧА АЙЛАНТИРИШ

*Вақт бүйича айлантириш* деб сигналларни шундай айлантиришга айтиладыки, унда дискрет ҳисобларнинг вақт ўқи бүйича жойлашиши ўзгариб, уларнинг амплитудаси сақланиб қолади. Рақамли фильтрлар билан бир қаторда вақт бүйича айлантириш телевидениеда етарлича кенг ёйилган. Вақт бүйича айлантириш видеомагнитофонларда тасвирни ўқиш жараёнидан келиб чиқувчи вақт бүйича бузилишни тузатиш учун ҳам қўлланади. Вақт бүйича айлантириш асосида сигнал манбаларини синхронлаш, телевизион стандартларни алмаштириш, видеоэффектлар, компонентли узатиш ёки рангли телевидение сигналларини ёзиш ва бошқалар бажарилади.

Рақамли сигнални вақт бүйича алмаштириш сигналга рақамли ишлов бериш қурилмаларида сигнални хотира қурилмача (ХҚ) ёзиш орқали ва уларнинг алоҳида қийматларини ХҚ дан берилган алмаштириш алгоритми бүйича ажратиш орқали бажарилади. Натижада сигнал керакли вақт ҳудудига олиб ўтилади. Бунда вақт бүйича алмаштиришни: частота спектрини бузмасдан (ёки катта бўлмаган ўзгартириш киритиб) ва частота спектрига сезиларли таъсир кўрсатиб икки турга бўлиш мумкин.

Биринчи турга вақт бүйича бузилишларни тузатувчилар ва сигнал манбалари телевизион синхронловчиларини киритиш мумкин. Бу қурилмаларда тасвир сатрини ёзиш (ёйиш) вақти ва уни ўқиш (қайта ёйиш) вақти фарқ қилмайди ёки жуда оз фарқ қиласди. Алмаштиришнинг иккинчи кўринишида (равшанлик ва ранглик сигналларини вақт бүйича зичлаштирувчи қурилма, видеоэффект қурилмаси ва маълум даражада стандарт алмаштиргич (биридан бошқасига) қурилмага хос) бу вақт оралиги етарли даражада фарқ қилиши мумкин, бу эса частоталар спектрини ўзгаришга олиб келади.

Вақт бүйича айлантиргичларнинг бир-биридан фарқи ХҚ га мурожаат қилиш алгоритмидадир, бу, ўз навбатида, айлантиришга қўйилган масала билан аниқланади. Айлантириш

алгоритми ХҚ сигимини аниқлайды. Ёзиш ва ўқиши жараён носинхрон бўлганда ХҚ тузилиши ва ҳажми мураккаблашади.

Вақт бўйича айлантиргич қурилмаларда икки турли рақамли ХҚ ишлатилади: кетма-кет киришли ва ихтиёрий киришли. Кетма-кет киришли ХҚ ишлатилганда ёзишга ва ўқишига кириш факат кетма-кет амалга оширилади. Маълумотни ўқиши ва ёзиши тартибини ўзгартириш имконияти йўқ. Бундай қурилмаларда ёзиш ва ўқиши жараёнини ажратиш учун айлантирилаётган сигнал фрагментининг маълумот ҳажмига қараганда, ХҚ сигими 2 . . . 3 марта кўп бўлмоғи керак. Ихтиёрий киришли ХҚ кам сигим билан чекланади, чунки унга ёзилган маълумотни ўқиши унда хоҳланган адрес бўйича бажарилади. Бундай ХҚ сига мисол қилиб телевизион синхронловчи қурилмадаги ХҚни келтириш мумкин. Унда айлантириладиган кириш сигналини ушлаб туришни бошқариш орқали чиқиши сигналини ўқиши вақтига қараб ёзиш ва ўқиши жараёни вақт бўйича ажратилган.

Сигнал спектрини ўзгартиб вақт бўйича айлантиришда бажариладиган иш тартиби берилган сигналнинг дикретлаш кўрсаткичини ўзгартиришдан, яъни ушбу сигнални ифодаловчи дискрет қийматларни ўзгартиришдан иборат. Масалан, тасвир масштабини ўзгартириш билан боғлиқ видеоэффектни амалга оширишда берилган дискрет сигнални бошқа дискретлаш қадами билан чиқиши сигналига айлантириш лозим. Кириш ва чиқиши сигналларида дискретлаш оралиғи тасвир масштабининг ўзгаришига қараб ўзгартирилади. Агар кириш сигналида чиқиши сигналида жойлашган қиймат нуқталари бўлмаса, улар яқин кириш сигнали билан алмаштирилади (агар хато билинмаса) ёки кириш сигнали иккиласчидан дикретланганда қийматни тиклаш учун рақамли фильтранади (масалан, кириш сигнали кўшни элементлари интерполяция қилинади).

## **6.11. МУРАККАБ ВИДЕОСИГНАЛНИ РАҚАМЛИ ШАКЛГА КЕЛТИРИШ**

**ITU-R 601** тавсиясига биноан таркибий телевизион тасвир сигналини рақамли сигнал кўринишига келтириш мумкин. Бу

тавсия ёруғлик сигналы  $Y$  ва икки айирма ранг сигналлари  $R-Y$  ( $Cr$ ) ва  $B-Y$  ( $Cb$ ) ни дискретлаш, квантлаш ва кодлаш қоидасини ўрнатади. Ёруғлик сигналы  $Y$  учун дискретлаш частотаси  $13,5 \text{ МГц}$  белгиланган, айирма ранг сигналы учун эса  $6,75 \text{ МГц}$ , яъни ёруғлик сигналы дискретлаш частотаси айирма ранг сигналини дискретлаш частотасидан икки баробар катта. Агар қабул қилинганга биноан,  $3,375 \text{ МГц}$  частота шартли бирлик қилиб олинса (ракамли стандарт иерархиясига асосан), у ҳолда ёруғлик ва икки айирма ранг сигналлари  $4:2:2$  нисбат кўринишида бўлади, бу стандарт белгиси сифатида кенг ишлатилади.

Дискретлаш частотасининг юқорида келтирилган қиймати олинганда, ёруғлик сигналини  $5,575 \text{ МГц}$  частота кенглигигача ва айирма ранг сигналини  $2,75 \text{ МГц}$  кенгликкача бузмасдан рақамли сигналга айлантириш мумкин ( бунда сигнал чегара частотаси ва дискретлаш ярим частотаси ўртасидаги оралиқни хотирада сақлаш керак).  $4:2:2$  стандарти бошқа дискретлаш усуllibарини баҳолаш учун стандарт сифатида ишлатилади ва  $5,75 \text{ МГц}$  қиймат тўлиқ телевидение сигнал чегараси сифатида, келтирилади.

Мисол тариқасида, 106-расмда рангли тасмалар тасвирига мос телевизион сигнал келтирилган. Код сўзи узунлиги – иккиликнинг **10** даражаси этиб олинган, яъни **10 бит** (биринчи вариантида – **8 бит** олинган). Бу эса квантлаш сатҳини **1024** гача етказишгач имкон беради. Квантлаш сатҳларини **0...3** ва **1020...1023** сонлари рақамли синхронловчи сигналлар учун сақланган. Ёруғлик сигналини квантлаш учун **877** сатҳ ажратилган (тасвир сигналининг қора сатҳи **64** квантлаш сатҳида, оқ нормал сатҳи – **940** сатҳга тўғри келади).

Айирма ранг сигналини квантлаш учун **897** сатҳ ажратилган, аналог сигнал нол қийматига **512** квантлаш сатҳи тўғри келади. Сигнал гамма-тузатищдан сўнг кодланади. Келтирилган квантлаш диапазони бошқа квантлаш турлари билан солишириш учун ишлатилади. Бу ҳолда динамик диапазон ёки сигнал сатҳи тўлиқ рухсат этилган кўрсаткич сифатида кўпроқ зътиборга олинади, чунки квантлаш сатҳининг сони,

шунингдек, динамик диапазони квантлаш шовқини билан аниқланади.

Икки телевизион стандартини (ёйилиши бўйича) мослаштириш ва сигнални рақамга айлантиришда ягона параметрларга эришиш ёйилиш частоталарига боғланган. Дискретлаш частотаси сатр частота гармоникаси каррасини ташкил қилади, шунинг учун тасвирида олинадиган қийматлар ортогонал жойлашиши таъминлайди (107-расм). Яъни  $13,5$  ва  $6,75$  МГц дискретлаш частота қийматлари  $625/50$  ҳамда  $525/60$  стандартлар сатр бўйича ёйиш частоталарига каррали боғлиқ. Дискретлаш частотасини танлашда  $3,375$  МГц частотани *асос частота* деб қабул қилиниш сабаби, уни мавжуд икки стандарт сатр частоталарига қолдиқсиз бўлинишидир.


Асос частота қабул қилиниши таркибли тасвир сигналини рақамли кодлаш учун дунё бўйича ягона рақамга айлантириш стандартини қабул қилиш имкониятини берди. Бу стандартга биноан сатр фаол қисмида ёруғлик сигналидан  $720$  ҳисоб ва ҳар бир айирма ранг сигналидан эса –  $360$  ҳисоб олинади.  $625/50$  ва  $525/60$  стандартли телевизион тизимлар бир-биридан сатрлар сони ва сўндирувчи оралиқ давомийлиги ҳар хиллиги билан фарқланади.

Рақамли тўлиқ тасвир сигналларини узатиш тезлиги

$$Vc = (n \times f_d)_y + (n \times f_d)_r + (n \times f_d)_b = (10 \times 13,5)_y + (10 \times 6,75)_r + (10 \times 6,75)_b = 270 \text{ Мбит/с.}$$

га тенг

4 : 4 : 4



Рақамлн оқним  $Vc = 405$  Мбит/с


108-расм. Ташикит этувчилари тасвир сигналини кодлаши (4:4:4).

Таркибий сигнални рақамли күринишда кўрсатишининг бошқа шакли ҳам мавжуд. **4:4:4** стандарти бўйича кодлаша 13,5 МГц дискретлаш частота ҳамма таркибий қисмига (**R, G, B** ёки **Y, Cr, Cb**) бир хил олинади (108-расм).

Натижада сигнални ҳамма таркиблари тўлиқ частота кенглигига узатилади. Сигнални ҳар бир таркиби учун кадрнинг фаол қисмидаги сатрлар сони **575** ва ҳар бир сатрдаги элементлар сони **720** га тенг. Рақамли оқимнинг тезлиги **10** битли код сўзда **405 Мбит/с** ни ташкил қиласди.

**4:4:4:4** формат тўрт сигнални кодлашни таърифлайди (109-расм), улардан учтаси тасвирий сигнал таркиби (**R, G, B** ёки **Y, Cr, Cb**), тўртинчиси эса (альфа канал) сигналга ишлов бериш тўғрисидаги ахборотни олиб боради, масалан, бир неча тасвирларни бир-бирининг устига туширишда уларнинг шаффофлиги тўғрисидаги ахборот.

#### 4 : 4 : 4 : 4



Рақамли оқим  $V_c = 540 \text{ Мбит/с}$

**109- расм. Таркибий тасвир сигналини кодлаш(4:4:4:4).**

#### 4 : 1 : 1



Тўлиқ рақамли оқим  $V_c = 162 \text{ Мбит/с}$  (8 бит)

Рақамли оқим (тасвирни актив қисмида)


$V_c = 124 \text{ Мбит/с}$  (8 бит)

**110- расм. Таркибий тасвир сигналини кодлаш(4:1:1).**

Түртнинчи қўшимча сигнал, асосий ранг сигналлари **R**, **G**, **B** га қўшимча ёруғлик сигнални **Y** ҳам бўлиши мумкин. Ҳамма сигналларни дискретлаш частотаси - **13,5 МГц**, яъни ҳамма сигналлар тўлиқ частота спектори кенглиқда узатилади. Хабарни узатиш тезлиги 10 битли сўзда **540 Мбит/с** га тенг.

**4:1:1** формати айирма ранг сигналларига дискретлаш частотасини икки карра камайтиришни тавсия қиласди (**4:2:2** стандартига қараганда). Ёруғлик сигнални (**Y**) **13,5 МГц** частота билан, айирма ранг сигналлари (**Cr** и **Cb**)эса - **3,375 МГц** частота. Бу горизонтал йўналишда рангларни ажратиш хусусиятини икки баробар камайишини кўрсатади. Ёруғлик сигнални кадрнинг фаол қисмида **576** сатр иборат, ҳар бир сатрда эса **720** элемент ва айирма ранг сигналида эса – **180** элемент (110-расм) бор.

### 4 : 2 : 0




Тўлиқ рақамлн оқим  $V_c = 162 \text{ Мбит/с}$  (8 бит)

Рақамлн оқим (тасвирни актив қисмидаги)

$V_c = 124 \text{ Мбит/с}$  (8 бит)

**111-расм. Таркибий тасвир сигналини кодлаши(4:2:0)**

**4:2:0** форматда олинган тасвирда, ёруғлик сигнал (**Y**) таркиби кадр актив қисмида **576** сатр ва ҳар сатрда **720** дан қиймат мавжуд, айирма ранг сигналлари **Cr** ва **Cb** таркиби - **288** сатр ва ҳар сатрда **360** қийматдан иборат (111-расм).



Тұнық рәкемші оқын  $V_c = 135 \text{ Мбит/с}$  (8 бит)

Рекамші оқын (тасвирни актив қысымда)

$V_c = 104 \text{ Мбит/с}$  (8 бит)

### 112-расм. Таркибий тасвир сигналини кодлаш(3:1:1).


**4:1:1** ва **4:2:0** кодлаш турлари ахборотни бир хил тезлиқда узатиш билан фарқланади - **10 бит** ли код сүзида **202,5 Мбит/с** ва **8 бит** ли код сүзида **162 Мбит/с**. Агар тасвирнинг факат фаол қисми узатился (орқага қайтишсиз), рақамли оқим катталиги **8 бит** ли код сүзи учун **124 Мбит/с** га тенг бўлади. Бу формат рақамли сигналларига, олдиндан ишлов бериш ва децимация қилиш (ҳисобларни танлаш) йўли билан оқим тезлигини камайтириш мумкин. **4:1:1** формати **525/60** ёйиш стандарти учун, **4:2:0** формати эса **625/50** тизим учун кулай. Бу форматда вертикал аниқликни йўқотиш сатрлари кам тизим (**525/60**) учун, горизонтал аниқликни йўқотиш **625/50** тизим учун кўпроқ сезиларли.

**3:1:1** формат ҳам қўлланади, унда горизонтал йўналиш бўйича аниқлиги таркибий ёруғлик сигнални учун **720** дан **540** га ва айирма ранг сигнални учун **360** дан **180** га камайтирилган. Кадрнинг фаол қисмига **576** сатрдан ёруғлик таркиби учун **540** ҳисоб ва айирма ранглар учун **180** қиймат олинади (112-расм).

**3:1:1** форматда ахборот узатиш тезлиги бир қиймат учун **8 бит** олинганда **135 Мбит/с** ни ташкил қиласди. Оқимни тезлигини сезиларли камайтириш учун (**4:2:2** стандартга нисбатан) ёруғлик таркиби аниқлигини горизонтал ва вертикал бўйича тахминан **2** баробар, айирма рангни вертикал бўйича **4** баробар ва горизонтал бўйича **2** баробар камайтирилади.

**CIF (Common Interchange Format)** күринишдаги формат мавжуд. Бундай формат бир кадрнинг фаол қисмида, ёруғлик таркибида 288 сатр ва ҳар бир сатрда 352 қиймат ва айрма ранг таркибида 144 сатр ва ҳар бир сатрда 176 қийматни ўз ичига олади (113-расм). Фақат тасвириларни фаол қисмини узатиш учун оқим тезлиги бир ҳисобга 8бит олинганда 30 Мбит/с га тенг бўлади.

### **CIF** (Common Interchange Format)




Рақамли оқим (тасвирини актив қисмида)  
 $V_c = 30 \text{ Мбит/с}$  (8 бит)

**113-расм. Таркибий тасвир сигналини кодлаш CIF (Common Interchange Format).**

## 6.12. КОМПОЗИТ СИГНАЛНИ РАҚАМЛИ ШАКЛДА УЗАТИШ

**PAL** ва **NTSC** тизим композит сигналлари  $4fsc$  частота билан дискретланади. Бу частота ранг элтувчи частотани тўртингчи гармоникасини ташкил қиласди. 114-расмда композит телевизион сигнални дискретлаш ва квантлаш кўрсатилган (сигнал сифатида ранглар тасмаси сигнални олинган). **NTSC** тизимида сатр 910 қийматдан иборат, бундан 768 таси рақамли сатрнинг фаол қисмини ташкил қиласди. **PAL** тизимида аналог сатр оралиғига  $4fsc$  частотанинг бутун бўлмаган ҳисоби тўғри келади. Бу **PAL** тизимида ранг элтувчи частотани чорак сатр частотага силжитишдан ташқари қўшимча кадр частотасига ( $25\text{Гц}$ ) силжитиш қўлланилади.

PAL тизимида рақамли қийматлар оқимини доимий  $4f_{sc}$  частотада узатишни сақлаш учун рақамли сатр давомийлиги аналог сатр давомийлигига тенглаштирилмаган. Майдондаги 1135 сатр қийматдан иборат (икки сатрдан ташқари), уммумий ҳисобга эса 1137 га тенг. Код сўзининг узунилиги 10 битга тенг. Композит аналог сигналларда синхроимпульсларнинг фронти ва қирқимини рақамли кодлаш тўғри келгани сабабли, қора сатҳдан то оқ сатҳгача бўлган диапазонни квантлаш жараённида сигналнинг таркиби шаклига нисбатан 30% га камайтирилади. NTSC тизимида рақамли сигнал учун маълумот узатиш тезлиги 143 Мбит/с га тенг, PAL учун эса 177 Мбит/с.



114-расм. Композит тасвир сигналини кодлаш ( $4fsc$ ).

### 6.13. РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СИГНАЛИНИ АЛОҚА КАНАЛИ ОРҚАЛИ УЗАТИШ

Рақамли телевидение сигналини алоқа канали орқали узатишда асосий талаб мавжуд оммавий телевизион кўрсатув тармоғи орқали юқорида келтирилган рақамли сигнални афзалликларини сақлаган ҳолда кўрсатишни ташкил этиш ва канал частота полосасидан сақлаган ҳолда самарали фойдаланишдан иборат. Амалда бунга эришиш учун элитувчини модуляциялашни мураккаб усуллари ва халақитлардан ҳимоя қилувчи сигнални кодлаш усулларидан фойдаланилади. Тасвир сифатини истеъмолчига етказиш учун бир вактда кодлашни бир неча турлари ва ўзgartиргичлар ишлатилади, натижада узатувчи

курилма күвватини күпайтмасдан, қабул қилувчи қурилмаларда кам шовқин чиқазувчи кучайтиргичлар ишлатмасдан тасвир сифатли тикланади.

Узатиладиган ахборотни халақитбардош кодлаш ТВ тизимни қабул қилиш қисмида хатони аниқлади ва уни тұғрилади. Халақитбардош кодлар ишлатилиб кодлашни *тұзатувчи кодлар* ёки хатони тұғриловчы кодлар деб аталади.

Агар ишлатилаётган код хатони аниқласа, бу хато тасвир элементидами, сатридами ёки кадр (майдон)дами, уни құшни элемент, сатр ёки кадр (майдон) билан алмаштириш орқали тузатиш мүмкін, тикланган тасвирда бу сезилмайди. Бу услугуб *хатони нықблаш* деб аталади.

Мұккамал тузатувчи кодлар но фақат хатони аниқлади, уни тузатади ҳам. Одатда, бундай кодлар аниқлаган хатони кам қисмини тузатади. Аник оралиқда иккисінен кетма-кет белгиларни тұғриловчы код бир хил код комбинацияларында хатони тузатиш сони кодни *тұзатыш қоблияты* деб аталади.

Кодларни хатони аниқлаш ва тузатиш имкониятими бағолаш учун *код масофаси (Хэмминг масофаси)* тушунчаси ишлатилади.  $\{x_{ij}\}$  ва  $\{x_{mj}\}$  код комбинациялари орасидаги код масофа  $d_{lm}$  күйидеги теңглама орқали аниқланади:

$$d_{lm} = \sum_{j=1}^n (x_{lj} \oplus x_{mj}) \quad (6.18)$$

Масалан, 0001 ва 0011 код комбинациялари орасидаги код масофаси 1 теңг. Код комбинациясидеги  $r_1$  хатони аниқлаш учун икки рухсат этилган кодлар комбинацияси ўртасидеги код масофаси күйидеги нотенгликни қониқтириши керак  $d \geq r_1 + 1$ .

Әнг оддий ва халақитбардош кодлашда маълум мисол бу жуфтликка текшириш. Рухсат этилган код комбинациялари орасидаги код масофасини узайтириш учун узатилаётган код комбинацияларда назорат белгилар сонини күпайтириш керак. Күйидеги боғлиқлик маълум

$$d_{min} = p - 1 = n - k + 1$$

бу ерда,  $d_{min}$  – икки рухсат этилган код комбинациялари орасидаги минимал код масофаси.

Оддий ва кенг қўлланиладиган тузатувчи кодлардан бири Хэмминг кодидир.  $d = 3$  бўлганда, яъни якка хатоларни

түрлилашга имкон берилганды, Хэмминг коди күйидаги күринишида бўлади ( $2^p - 1$ ,  $2^p - 1 - p$ ), бу ерда,  $p$  – узатилаётган код комбинациясидаги текширувчи белгилар сони.  $p = 1$  ва  $p = 2$  учун (1,0) ва (3,1) кодларини оламиз.  $p = 3$  учун рухсат этилган 16 код комбинациянинг (7, 4) кодини оламиз.  $p = 4$  учун рухсат этилган 2048 код комбинацияларидан (15,11) кодини оламиз ва ҳ.к. Хэмминг кодларини  $d > 3$  учун ҳам яратиш мумкин.

Телевизион тизимда пакетли хатоларни тузатиш катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, рақамли телевизион тизим учун кодни танлашда декодерларни жуда ҳам мураккаблашиб кетмаслигини ҳисобга олиш лозим. Кўп ишлаб чиқилган рақамили телевизион тизимларда алоқа каналлари орқали халақитбардош узатишни таъминлаш учун Рида-Соломон коди ишлатилиди. Умуман тузатувчи кодлар тури жуда кенг, улар блокли ва ўралган (узлуксиз, рекурсив) бўлинади. Блокли кодлар бирламчи код комбинацияларини (блокни) қайта кодлаш. Кодлаш ва декодлаш ҳамма вакт бир код комбинация (блок) чегарасида бажарилади. Бунга қарама-қарши ўралган кодларда кодлаш ва декодлаш узлуксиз иккилик белгилар устида бажарилади. Блокли кодлар айрилган ва айрилмаган бўлади. Айрилувчи кодларда ҳар бир код комбинациясида қайси бир белгилар ахборот, қайслари текширувчи эканлиги кўрсатилади. Айрилмайдиган кодларда бундай имконият йўқ.

Такрорий кодларда ахборот белгилари билан биргаликда чизикли шаклланади. Яъни ҳар бир текширувчи белги  $x_{pj}$  күйидагича ёзилиши мумкин:

$$x_{pj} = (a_{1j}x_1) \oplus (a_{2j}x_2) \oplus \dots \oplus (a_{kj}x_k) \quad (6.19)$$

бу ерда,  $a_{1j} \dots a_{kj} = 0$  ёки 1 қийматни олувчи коэффициентлар,  $j = 1, 2, \dots, n-k$ .

Хэмминг коди блокли айрилувчи такрорий код туркумига киради.

Қайтарилувчи кодлар қўйидаги хусусиятларга эга, Агар  $a_0a_1a_2\dots a_{n-1}$  код комбинациялари рухсат этилган бўлса, унда қайталаб суриш натижасида олинган  $a_{n-1}a_0a_1a_2\dots a_{n-2}$  код комбинацияси ҳам рухсат этилган бўлади. Қайтарилувчи кодларни ишлатилганда кодловчи ва декодловчи қурилмалар

иккилик модули бўйича қўшувчи ёрдамида тескари алоқали сурувчи регистри яратиш мумкин. Қайтариувчи кодларни ўртасида энг самарали ва кенг ишлатиладигани Бозе-Чоудхури-Хоквингем (БЧХ код)идир. Бу код қуйидаги хусусиятга эга: ҳар қандай  $s$  ва  $q < (2^s - 1)/2$  га яраша қайтариувчи код  $n = 2s - 1$  узунлиги мавжуд бўлиб, у  $q$  ёки кам хатоли ва  $sq$  кўп бўлмаган текширувчи белгили комбинацияни тузатувчидир. Масалан, рақамли радио-эшииттириш сунъий йўлдош тизимида (63,44) БЧХ код 63 белгили блокни ҳар биридан топилган 4 ёки 5 хатодан 2 ёки 3 тасини тузатади. Бундай коднинг ортиқчалиги  $R = (63 - 44) / 63 = 0,33$ . БЧХ коднинг бир тури Рида-Соломон кодидир.

Тузатувчи кодлар самарадорлиги қуйидаги тенглама орқали аниқланади:

$$K_{\text{кк}} = 10 \lg \left[ \frac{\left( \frac{E_1}{N_0} \right)^*}{\left( \frac{E_1}{N_0} \right)} \right] [\text{dB}], \quad (6.20)$$

бунда,  $E_1$  - 1 бит узатилган ахборот сигналининг энергияси;  $N_0$  - 1 Гц полосали алоқа каналидаги шовқин қуввати;  $(E_1/N_0)^*$  ва  $(E_1/N_0)$  – бир хил хатолар частотаси олинадиган, тузатувчи код ишлатилгандаги ва ишлатилмагандаги, нисбатлар қиймати тегишлича.  $K_{\text{кк}}$  коэффициенти тузатувчи кодни ишлатилгандаги алоқа каналида хатолар частотасини аввалги даражада сакланган ҳолда сигнални/шовқинга нисбати қанчалик камайганини кўрсатади.  $K_{\text{кк}}$  қиймати одатда 3...7 дБ ташкил қиласди ва хатолар частотаси камайиши сайин ошади.

Телевиденияда кенг қўлланадиган яна бир код, бу панжарасимон коддир. Бу кодлар ўралган кодлар турига киради ва бундай киришдаги чексиз кетма-кет иккилик белгиларни кодлаш натижасида ҳар бир белгига бирдан ортиқ белги тўғри келувчи иккилик белгилар чексиз кетма-кетлигига айлантиради. Ўралган код ишлатилгандаги иккилик белгилар сонини кўпайиши нисбий тезлик билан таърифланади

$$R_{\text{нис}} = Q_k / Q_q, \quad (6.21)$$

бу ерда,  $Q_k$  ва  $Q_q$  – кодловчини киришида ва чиқишида иккилик белгиларини узатиш тезлиги, тегишлича.

Панжарали кодни декодлаш учун күпроқ Витерби алгоритими ишлатилади, у мумкин бўлган кўп ҳолатлар орасидан нисбатан камини эҳтимолга яқинини танлаб, бирламчи кетмакетликда белгиларни тўғриларини аниқлайди.

## **7. ТЕЛЕВИЗИОН ТАСВИРНИ БАҲОЛАШ**

### **7.1. УМУМИЙ ТУШГУНЧА**

Телевидениеда сифатни назорат қилиш ва ўлчаш учун икки гурух асосий услублар мавжуд: кузатувчилар гуруҳи кўз билан кўриб субъектив баҳолаш ва сигналларни керакли ўлчов асблолари ёрдамида ўлчаб объектив баҳолаш усувлари.

Телевизион оқ-қора тасвир сифати кўп кўрсаткичлар йигиндисидан иборат бўлиб, уларни қатор гуруҳларга ажратиш мумкин: узатилаётган обьект тавсифи; оптик тизим тавсифи; телевизион тизим хусусияти; кинескоп пардасида тасвирини кузатиш шароити. Рангли телевидение учун эса бу кўрсаткичлар нисбатан кўпроқ.

Оптик тизим билан телевизион тизим ўртасидаги сифат белгиларини тахминий ўрта қийматини аниқлаш учун жуда бўлмаганда обьект тавсифини ва кузатиш шароитини билиш керак, обьект сифатида синов тасвир ҳамда алоқа канал масофаси чекланган қисқа деб тахмин қилиб, улар ҳисобга олинмайди.

Тасвир сифатини аниқлашда кулайлик туғдириш учун кузатиш шарти ёки тасвирни пардада жойлаштрилиши бир хил аниқ бўлиши лозим.

Телевизион тасвир юзага келишда кўп техник кўрсаткичлар унга тасир қиласи: датчикнинг фотокатод ўлчами; фаол сатрлар сони; приллаш частотаси; оптик тасвир элементининг равшанилиги; равшанликни градация (поғоналар) сони; оптик тасвир нисбий равшанлиги (контрасти); фоннинг биртекислиги; тасвирдаги чегаралар кескинлиги; телевизион тасвир шаклининг геометрик бузилиши; тасвирдаги станционар «чўзилиш» ва «ҳошия» халақитлар; флуктуацияланувчи халақитлар (шовқинлар). Бундан кўринадики, тасвир сифатини аниқлаш учун бир қийматли мезон ёки мезонлар гуруҳи ишлаб чиқиши аҳамиятга эга.

Тасвир элементларининг нисбий ўлчамига боғлиқ майда қисмларни алоҳида-алоҳида кўриниши телевизион тасвир **аниқлигини** таърифлайди.

Телевизион тизимда тасвир ҳар хил элементлари орасидаги чегарани аниқлаш муҳим бўлиб, у телевизион тасвир **кескинлиги** орқали аниқланади.

Яна шуни эътиборга олиш керакки, тасвир аниқлиги ва кескинлиги кўзни ўтқирлик мезони орқали аниқланади.

Телевидениеда ажратиш қобилиятини ёйилувчи сатирлар номинал сони билан аниқлаш қабул қилинган. Бундай мезон оптикада қабул қилингандан фарқ қиласди. Оптикада 1 мм да жойлашган бир номли (оқ ёки қора) штрихлар тасвирини ажратиш қабул қилинган. Оптик тизим ажратиш қобилиятини аниқлаш мезони, телевидениеда солишиштирма ажратиш қобилиятига тўғри келади, яъни 1 мм да жойлашган фаол сатирлар сони билан аниқланади.

Агар телевизион кадр баландлигини  $h$  деб олинса, фаол сатрлар сонини  $Z_a$ , унда телевизион тасвирнинг солишиштирма ажратиш қобилияти қуйидагича аниқланади:


$$Ni = Z_a / h . \quad (7.1)$$

Солишиштирма ажратиш қобилиятини тескариси ёйиш қадамини белгилайди, яъни


$$\delta = h / Z_a \quad (7.2)$$

Ёйиш қадами электрон нур дастасини ёйилиш юзасидаги кесимини диаметри ёки фотоэлектрон ўзгартиргич матрицаларда пиксел ўлчами билан аниқланади.

Пиксел (инг. Pixel – «Picture Element» – яъни тасвир элементи) – бу электрон тасвирни энг кичик қисми – ташкил этувчиси. Бу элементларни бундан кичик қисмларга ажратиб бўлмайди ва тасвир тўғрисида кўшимча ахборот ҳам олинмайди. Телевидениеда тасвир элементини деб бир хил ранг ва бир қийматли равшанилиги тушунилади. Турли-туман ранглар ва сояларни тасвирланганда бирламчи ранглар чекланган тўпламидан олинади ва улар пикселлардан иборат (ҳар бир пиксел бир асосий рангта тегишли). Пиксел тасвирни энг кичик ташкил этувчиси, лекин пиксел деб кўп ҳолларда бирламчи элементлар тўплами ҳам тушунилади.



телевизор пардасыда RGB  
пикселларни жойлашиши



### 115-расм. Телевизор экраныда RGB пикселларни Жойлашиши (шловадаги расмга қаранг).

Рангли телевидениеда қызыл, яшил ва күк асосий ранглар орқали қолган ҳамма табиий ранглар олинади, рангларни қўшилиши кўзда юз беради, яъни пиксел ўлчамидан жуда катта бўлган масофадан қузатилганда уч асосий ранг пиксели бир ранг пиксел сифатда қабул қилинади (115-расм).

Замонавий телевизион камералар асосан зарядли алоқа асбоб ЗАА – матрица асосида ясалган. Шунинг учун тасвир аниқлиги асосан ЗАА – матрица пикселлари сони билан аниқланди. Масалан, мониторда камера ажратса олган деталлардан кўпини (агар мониторда шундай имконият мавжуд бўлганда ҳам) тиклай олмайди. Ва аксинча, агар монитор пикселлари сонидан кўп элементни тиклай олмайди.

ЗАА – матрицада пикселлар сони аниқ маълум бўлса ҳам, ҳануз тасвир деталлик сифатини баҳолашда ТВ – чизиқлар сонидан фойдаланди. Ажратиш қобилиятини ТВ – чизиқларда аниқлаш учун синов жадвалдан фойдаланилади. Амалда синов жадвалини матрицага нисбатан пиксел ўлчами аниқлигига жойлаштириш мушкул. Шу туфайли ТВ – чизиқлар сонида пикселлар сонидан фарқ қиласди. Мониторда тикланган видеосигналдан тасвир энг кичик элементи видеокамера ёки монитор пиксели орқали аниқланади. Агар мониторнинг ажратиш қобилияти паст бўлса, масалан, диагонали бўйича 23 см электрон нур трубкали монитор ажратиш қобилияти 330

ТВ – чизиққа тенг бўлсин, видеокамерани ажратиш қобилияти эса 480 ТВ – чизиққа тенг, унда тасвир фақат 330 ТВ – чизиқ аникликда тикланади, қолган ахборот йўколади. Агар мониторнинг ажратиш қобилияти масалан, 700 ТВ – чизиққа тенг бўлса, камерадан олинган 480 ТВ-чизиқ аниклигида тасвир тикланади. Демак, горизонтал бўйича 480 ТВ – чизиқ нормал шароитда 480 вертикал чизиқларни (қора-оқ бир хил кенглиқдаги чизиқлар) ажратади. Нисбий ажратиш қобилияти 0,26 штрих (10 мм да 2,6 штрих) ташкил қиласди. Диагонали бўйича 59 см кинескопда эса ажратиш қобилияти 0,1 штрих.

## 7.2. ТЕЛЕВИЗИОН ТАСВИР СИФАТИ

ТВ тизими орқали асосий хизмати реал тасвир кузатилаётган телевизор экранида ёки мониторига ўхшаган тасвирни тиклаш. Бу мақсадда амалдаги тизимдан кўра, ҳажмли тизим орқали сезиларли юксак сифатли кўрсаткичга эришиш мумкин. ТВ тасвирининг сифати телевидение кўрсатиш тизими-нинг асосий кўрсаткичлари орқали чекланади. Телевизион тизим кўрсаткичлари Халқаро стандартлар билан белгиланган: кадр формати, ажратиш қобилияти сатрлар сони, бир секунд ичида узатиладиган кадрлар сони, нимранглар сони ва уларнинг тикланган тасвирдаги равшанлик ўзгариши динамик диапазонида тақсимланиши, рангларни қамраб олиниши ва бошқалар. Бу кўрсаткичлар телевизион тизим орқали тиклан-ётган тасвирининг одатдаги сифатини аниклайди.

Бундан ташқари, ТВ тизимининг имконияти унинг таркибий қисмлари кўрсаткичларига боғлиқ. ТВ тизимининг таркибий қисмларида тасвир узатилиши жараёнида бузилишлар келиб чиқиши мумкин. Натижада ТВ тасвирининг аслига нисбатан сифати бузилади, фарқланиш ҳосил бўлади.

ТВ тизимнинг алоҳида таркибий қисмларини объектив ва субъектив баҳолаш, шунингдек, кузатиш ва ўлчаш шартлари, ундан ташқари сигналга ишлов бериш Халқаро радио маслаҳат комиссияси, давлат стандарти ва бошқа ҳужожатларда белгилаб қўйилган.

Кўпчилик тасвир бузилишига тегишли кўрсаткичлар инсонни кўз тизимида ва рухсат этиладиган бузилишларни аниқлаш устида олиб борилган статистик тадқиқотга асосланган. Трактнинг бутун йўли бўйлаб электр сигналлар кўрсаткичлари ва уларни белгиланган нормадан фарқи маҳсус ўлчов асблолари ёрдамида объектив усулда баҳоланади, натижавий ТВ тасвирнинг сифати эса оптик ёки электрон универсал синов жадвали (УЭСЖ) қатор кўрсаткичлари орқали кўз ёрдамида аниқланади. ТВ тасвирининг бузилиши турлари, сабаблари ва уларни баҳолаш усулларини кўриб чиқамиз.

### 7.3. ГЕОМЕТРИК БУЗИЛИШЛАР

ТВ тасвирнинг геометрик бузилиши узатилаётган элементлар координаталари ўзгариши натижасида келиб чиқади. Бундай бузилишлар тикланаётган ТВ тасвирда аслига қараганда геометрик ўхшашлиги бузилиши орқали намоён бўлади. Геометрик ўхшашлигининг бузилиши асоси растр шаклининг бир-бирига ўхшамаганлигидадир ва тасвирни сигналга ҳамда сигнални тасвирга айлантиргичларда сатр ёки кадр бўйича ёйиш нисбий тезликнинг ўзгариши натижаси келиб чиқади.

Растрнинг одатдаги формати  $k = b/h = 4/3$  (ёки **16/9**) ва ёйишни нисбий тезлиги  $v_{k \text{ camp}}(t) = \text{const}$  этиб танланган.

Шунинг учун геометрик бузилишни баҳолаш одатдаги кўрсатилган кўрсаткич қийматига нисбатан геометрик бузилиш коэффициенти ёрдамида аниқланади.

116-расмда растр шаклининг бузилишини яққол намоён этувчи кўринишлар келтирилган. Расмда келтирилган намуналар учун геометрик бузилишнинг коэффициенти куйидагicha баҳоланади:

— электрон-оптик тизимларининг фотоэлектр айлантиргичларида бочкасимон ва ёстиксимон дисторция келиб чиқсанда (116а.б-расмда).

$$k_{z.a.d.} = (\Delta h / b) 100\%$$

$$\text{ёки} \quad k_{z.z.d.} = (\Delta b / h) 100\%$$

(7.3)

– оптик ёки электр ўқнинг тасвир юзасига ортогоналлиги бузилиши натижасида трапеция шаклидаги бузилиш ҳосил бўлганда(116в- расм).

$$k_{2,2}=2((l_2-l_1)/(l_1+l_2))100\% \quad (7.4)$$

– сатр ёки кадр бўйича ёйилганда оғдирувчи майдоннинг ортогоналлиги бузилиши натижасида параллелограмм туридаги бузилиш келиб чиқсанда (116г- расм).

$$k_{2,2}=2((D_2-D_1)/(D_1+D_2))100\% \quad (7.5)$$

Растр ўлчамининг вертикал ва горизонтал бўйича нисбатининг бузилиши узатиш ва қабул килишда кадр форматининг тенг бўлмаганлиги ( $b/h \neq b_n/h_n$ ), яъни кадр ва сатр бўйича оғдирувчи майдон қийматларининг тенг эмаслигидир. Бу ҳолда бузилиш қийматини аниқлаш фойдасиз, чунки оғдирувчи майдонга паст частотали даврий халақитлар таъсир қилиб, бундай бузилишларнинг тасвир ўлчамини горизонтал ва вертикал йўналишда ўзгартириб енгил созлаш мумкин (116ж-расм).


Узатувчи ва қабул қилувчи ўзгартиргичларда электрон нурлар нисбий ҳаракат тезлиги вертикал ёки горизонтал бўйича бир хил бўлмаслиги сабабли геометрик бузилишлар келиб чиқиши мумкин.

Амалда бу кўпроқ тезлик доимийлиги шарти  $v_{k_{cam}}(t)$  нинг бир томонлама бузилиши натижасида юзага келади, яъни кадр ёювчи токининг начизиқлиги натижасида юзага келади. Бу ҳолда вертикал ва горизонтал йўналишда геометрик бузилиш қуйидагича баҳоланади:


$$\begin{aligned} k_{r.v.} &= 2((h_{max} - h_{min}) / (h_{max} + h_{min}))100\%; \\ k_{r.r.} &= 2((b_{max} - b_{min}) / (b_{max} + b_{min}))100\% \end{aligned} \quad (7.6)$$

Бунда  $h_{max}$ ,  $h_{min}$  ( $b_{max}$ ,  $b_{min}$ ) – кинескоп экрандаги синов телевизион жадвалини маҳсус элементи баландлиги-(кенглиги)-нинг кузатилган қиймати.

Ёйилишнинг нотекислиги ҳамма томонига 5% гача бўлганда амалда одам кўзи учун сезиларсиз; агар тасвирнинг нотекислик 8....12% бўлса, у яхши сифатли деб қабул қилинади.



**116-расм.** Растр күриниши бузилишида, "шахмат майдон" тасвирининг геометрик бузилишлари.




**117-расм.** Ёйилиш камерада чизиқли бўлганда қабул қилувчининг кадр (а) ва сатр (б) ёювчи сигналлари начизиқлиги натижасида тасвирда геометрик бузилишнинг келиб чиқиши.

Геометрик бузилишнинг қийматини ўлчаш маҳсус жадвал ёки универсал синов жадвали таркибида мавжуд квадрат ёки тўғри бурчакли синов элементлари ёрдамида амалга

оширилади. Чамалаб (тажминий) кўз билан баҳолаш учун доира шаклидаги элементлардан фойдаланиш маъкул, чунки бу элементлар шаклининг озгина ўзгариши кўз орқали яхши сезилади (доирани 5% бузилиши кўзга ташланади). Баҳолаш жадвалини солиштириш катта майдоннинг хоҳлаган қисмида дифференциал амалга оширилади.

## 7.4. НИМРАНГЛАРНИНГ БУЗИЛИШИ

Равшанлик динамик диапазони аслига қараганда фарклиниши, ночизиқ бузилиш натижаси бўлиб, унда ТВ тасвирининг нимранг бузилиши юзага келади (118-расмга). У асосан тасвирнинг қузатиш шароитини ўзгартириши (паразит ёритилиш, тасвир ва унинг қисмлари равшанлик қиймати ўлчами ўзгариши ва бошқалар) ва контраст поғона ( $\Delta B/B_f$ )<sub>пое</sub> нинг қиймати ўзгариши билан боғлиқ. Натижада, ТВ тасвирида қузатилаётган *нимранглар сони*  $A_{\text{тасвир}}$  (*равшанлик градацийасини поғоналар сони*) обьект поғоналар сони  $A_o$  га нисбатан камаяди. Шу сабабли обьектларни тасвир орқали таниб олиш қийинлашади.  $A_{\text{тасвир}} = \text{const}$  ( $K_{\text{тасвир}} = \text{const}$ ) ҳолатда тасвир қисмларини таниб олишни яхшилаш учун, тикланайётган тасвир равшанлиги динамик диапазонининг ўзгариш чегарасида, поғоналар сонини қайтадан тартибга солишга тўғри келади. Бунинг учун



118-расм. Равшанлик сатҳининг  $\lambda$  га боғлиқлиги.

Тасвиридан мазмунан ахамиятли оқ минтақа поғоналар сони күпайтирилади (тасвириңи бу қисмларини яхши күрениши учун) ва қора минтақаларда аксинча поғоналар сони камайтирилди (улар күзгө ташланмаслиги учун). Бундай жараён гамма-тұзаткич ёрдамида амалга оширилади. ТВ тизимде равшанлык сатхининг узатиш тавсифини шакли гамма-тұзатгичда параболик функция даражаси  $y = 1,2 \dots 1,3$  қийматга үзгартырилади (118-расмға).


Равшанлык сатх тавсифи шакли ТВ тизимнинг ёруғликни сигналга ва сигнални ёруғликка алмаштирувчиларнинг ёруғлик тавсифи, шунингдек, ёруғлик сигнал трактнинг амплитуда тавсифи (АТ) шакли билан аникланади. Одатда ТВ сигнал трактнинг амплитуда тавсифи, яғни чиқишидаги күчланишнинг киришдагига боғлиқлиги  $U_{шк} = f(U_{кириш})$  чизикли бўлиши таъминланади. Натижада, тикланадиган градациялар сонига ёруғлик сигналининг начисик бузилиши кам таъсир кўрсатади. ТВ тизимдаги сигнал датчик тавсифларининг ҳар хил бўлиши, узатувчи ва қабул килувчи айлантиргичлар тавсифларининг бир-биридан фарқ қилиши, шунингдек, уларни рационал иш режимларни танлаш катта ахамиятга эга. Шу сабабли ТВ сигнал датчикларнинг ҳар бирида гамма-тұзаткичлар ишлатилади, уларнинг АТ шакли кинескопларнинг ёруғлик (модуляция) тавсифлари белгиланган ўртача шаклига мослаштириб танланади.



119-расм. Ним ранг поғоналарини аниклаш.

Юқорида келтирилган сабаблар амалда ним рангларни түлиқ тиклашни қийинлаштиради. Ним ранглар сонининг кинескопда түғри тикланиши ҳар бир кинескопнинг иш режимини хусусий созлашга боғлиқ. Уни телевизорнинг «Равшанлию» ва «Контрастлию» созлаш мурувватлари ёрдамида ўрнатилади.

Нисбатан катта элементларда градация сони бир неча ўнликка етади. Тасвиридаги градация сонини тезкор ўлчаш имконияти йўқ. Одатда тикланаётган ярим соялар сифатини таҳминан баҳолаш учун,  $B_{min}$  дан  $B_{max}$  гача диапазонли равшанлик сатҳлар 10-градация шкаласидан фойдаланилади. Бу тест тасвирининг ҳар бир ёруғлик погонаси қўшни погонадан бир неча градация фарқ килади (119-расмга). Оптик телевизион синов жадвалида (ТСЖ) квадратли, логарифмли ёки чизикли қонунга биноан ўзгарувчи равшанлик шкаласи ишлатилади. Электрон ТСЖ 10 погонали шкала кучланиш бир текис пасайтирилиб «зинапоя» ташкил қилади (120в-расм). Ёруғлик сигналининг ночиликли бузилиши сигнални узатувчи трактнинг амплитуда тавсифининг ночилик бузилиши туфайли келиб чиқади, бу ночиликликни текшириш погона ёки арасимон сигнал ёрдамида бажарилади. Ўлчашларни осонлаштириш учун бу сигналга 1.2 МГц частотали синусоидал тебраниш киритилди, унинг амплитудаси равшанлик сигналининг 10% ини ташкил қилади (120б-расм). Трактнинг чиқишида ёки унинг бирор блокида, киритилган синусоидал тебраниш фильтр ёрдамида ажратиб олинади.



120-расм. Телевизор экранида ёруғликни паст балан шкала тасвирини шакллантирувчи  $U_{c1}$  синов сигнални (а) ва ночилик бузилишини ўлчаш учун ёруғлик  $U_{c2}$  синов сигнални (б); Синов сигналига жойлаштирилган синусоидал сигнални оралиқ фильтри орқали ажратиб олинган  $U_{c2\text{чич}}$  сигнални (в).

Ночизик бузилиш коэффициентини қуидагида аникланади:

$$K = \frac{m_{\max} - m_{\min}}{m_{\max}} \cdot 100\%, \quad (7.7)$$

Бунда,  $m_{\max}$ ,  $m_{\min}$  – АТ қийматларига тұғри келувчи синусоидал сигналнинг мос қийматлари (1,2 МГц частотада дифференциал күчланиш).

Амплитуда тавсифининг чизиклидан фарқланиши аник аниклаш учун алоҳида оқ ва қора минтақаларда ночизик бузилиш коэффициентлари ҳисобланади

$$k_{ho} = \frac{m_y - m_o}{m_y} \cdot 100\%; \quad k_{hk} = \frac{m_y - m_k}{m_y} \cdot 100\%; \quad (7.8)$$

бунда,  $m_o$ ,  $m_k$  – оқ ва қора минтақаларда синусоидал сигналлар амплитудасининг мос қийматлари;  $m$  – синусоидал тебранувчи сигнал пакетининг ўрта қиймати (120в-расм).

Сигнални қора сатхга боғловчи қурилма ишлаши носозлиги ҳамда ёруғликни сигналга айлантиргичларда юзага келадиган фон ёруғлигининг нотекислиги («қора дөг») тасвир майдонида градация сонини ўзгартиришга олиб келади.

Энг сифатли тасвир олишга кинескоп пардасида ёруғлик ва контраст қийматини оптималь созлаш орқали (кетма-кет яқинлашиш услубига биноан) эришилади, бунда кўз тасвирда ёруғлик шкаласининг максимал сонини ажратади. Градация шкала синов тасвирда 8-9 ёруғлик погонаси ажратилса, ТВ тасвирни сифати яхши ҳисобланади.

## 7.5. АНИҚЛИК ВА КЕСКИНЛИКНИНГ ПАСАЙИШИ

Тасвир аниқлиги ТВ тизимида тиклаётган тасвир энг кичик элементининг нисбий ўлчами билан баҳоланади, кескинлик эса фон(бир текис ёритилган) билан элементи орасидаги чегарани нисбий ўлчами билан аникланади. Шуни назарда тутиш керакки, бу деталга дахлдор сигналнинг давомийлиги тизимдаги ўтиш жараёни давомийлигидан катта бўлиши шарт. Деталлар ва чегара ўлчамлари тасвирнинг баландлиги ( $h$ )га нисбатан нисбий бирликда ўлчанади, аниқлиги эса шартли

бирликда - сатр ёки ТВ чизиқлар сони билан баҳоланади. Масалан, тикланган тасвирда кўз билан ажратиладиган элемент ўлчами ( $1/500)h$  га тенг бўлса, тасвирни аниқлиги 500 ТВ чизик ҳисобланади. Тасвирнинг аниқлик ва кескинлик кўрсаткичи бир-бири билан боғлиқ бўлиб, у оптик тасвир равшанигининг тез ўзгаришига тизим қанчалик тез сезишини кўрсатади.

ТВ тасвир сифати вертикал ва горизонтал бўйича алоҳида баҳоланади, чунки уларнинг қийматлари алоҳида-алоҳида сабабларга боғлиқ.

Вертикал йўналиш бўйича *тасвирнинг номинал аниқлиги* ёювчи сатрлар сони  $Z = 625$  билан аниқланади. Одатда, тасвирнинг бир элемент кўриниши квадрат ёки доира шаклида, ўлчами эса  $h/z$  нинг нисбатида олинади. У ҳолда, агар кадрни формати  $k = b/h = 4/3$  тенг олинса, сатр бўйича жойлашадиган элементлар сони (сатрни ташкил қилувчи элементлар сони) қуидагича аниқланади  $kZ \approx (4/3)625 \approx 800$ .

Горизонтал йўналиш бўйича тасвирнинг талаб этиладиган номинал аниқлиги асосан ёруғлик сигналини спектр кенглигига боғлиқ, чунки спектрнинг юқори частоталар қисмини тасвир майда элементлари тўғрисидаги ахборот ташкил қиласи ва уларни узатиш сифати ТВ тизимининг ажратиш қобилиятини аниқлайди.

ТВ тасвирининг аниқлиги талаб даражада қийматидан юқори бўлмайди, чунки тизимда норма килиб олинган кўрсаткичлар уни чеклайди. Сатрлар сони  $Z = 625$  ва ёруғлик сигналнинг спектр кенглигиги  $\Delta f \approx 6,0$  МГц бўлиб, у ўз навбатида вертикал ва горизонтал йўналиши бўйича, минимал тикланаётган элементлар сонини белгилайди. Шунинг учун аниқлик (кескинлик)нинг бузилиши ҳамма вақт талаб этиладиган қийматларининг камайишига боғлиқ бўлиб у ТВ тизими реал кўрсаткичлари билан, яъни :

- фокусланиш сифати, аберация мавжудлиги ва фотоэлектрайлантиргич электрон-оптик тизимининг апертура тавсифини шакли билан (6 ва 7-бобга қаранг);
- сатр ташлаб ёйиш сифати билан;


- ТВ сигнални спектри реал кенглиги, яъни ёруғлик сигналини узатувчи тракти юқори частота худудида чизиқли бузилишлар натижасида юзага келиши билан чекланади.

Маълумки, тракт ва унинг алоҳида бўлакларида чизиқли бузилиш турлича, лекин частота тавсифини таҳлил орқали:  $y(\omega)$

- амплитуда частоталар тавсифи (АЧТ),  $\phi(\omega)$  - фазо-частоталар тавсифи (ФЧТ), шунингдек,  $h(t)$  - ўтиш тавсифи (ЎТ) таъсири якка сакрашнинг тизим орқали аниқланади.

$K(\omega)$  частота тавсифи орқали мумкин трактдаги бузилишларнинг аниқ натижасини, уларнинг тузатиш услубини ва бузилишнинг якуний натижасини аниқлаш. Аммо АЧТ орқали чизиқли бузилиш қиймати ва характеристи тасвирда намоён бўлишини тушунтириш қийинлигидир.

ЎТ нинг ёрдамида - ТВ сигнални шаклининг бузиши билан тасвирнинг бузилиши ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш мумкин. Шу сабабли, бу усуллар бир-бирини тўлдиради.



121-расм. ТВ сигналининг тракт орқали узатилганда унинг спектори юқори частота қисмида АЧТнинг (а) ва кичик вақт минтақасида ЎТ нинг (б) бузилиши.

121-расмда тракт частота ўтказиш полосаси кенглигининг юқори частота қисмида ўзига хос АЧТ бузилиши ва сифати бўйича тасвирнинг бир элементини узатишга сарфланадиган

вақтга тенг бўлган солишириарли кичик вақт минтақасида ўтиш тавсифи келтирилган.

Бу тавсифдаги 1-эгри чизик, ТВ тизимида қабул қилинган меъёр ва рухсат этиладиган тасвир бузилишини чегарасида, қабул қилинган одатдаги кўрсаткичга мос: АЧТнинг ўтказиш кенглиги  $u_{\phi_1}$  ва ЎТ фронт давомийлиги ( $\tau_{\phi_1}$ ), қарор топган қийматида 0,1 сатҳдан то 0,9 сатҳгача ҳисобга олинадиган юқори чегара частотаси ўзгаради.

121-расм 1-кўринишидаги  $K_{\phi_2}$  АЧТ пасайиши ва шунга биноан ЎТ фронтининг давомийлиги  $\tau_{\phi_2} \tau_{\phi_1}$  нинг кўпайишига сигнал юқори частота ташкил этувчиси сатҳининг пасайиши сабаб бўлади, яъни кичик элемент сигнал амплитудасини пасайишига ва ўзгариши давомийлигининг кўпайишига олиб келади. Натижада, тасвирнинг аниқлиги ва кескинлиги пасайди, энг майдо элементларнинг чегара кенглиги эса катлашади.

АЧТда  $u_{\phi_3}$   $u_{\phi_1}$  нинг кўтариш ва бунинг натижасида ЎТ фронти давомийлиги  $\tau_{\phi_3} \tau_{\phi_1}$  ни камайиши, аниқликни бир оз оширади, лекин бу ЎТ горизонтал қисмида сўнувчи тебранишни юзага келтириши мумкин.

ЎТ шаклиниң бузилиши билан бир қаторда тасвирнинг элементлари ҳам бузилади: тикланаётган тасвирда сатр бўйича равшанлик кескин ўзгаради, кўриниши секин-аста хиракалнувчи элементларнинг такрорланишини юзага келтиради (соҳта контурлар). Агар тебраниш жараёни апериодик бўлса, яъни ягона биринчи δ сакраш ҳосил бўлса, у ҳолда элементларнинг чегараси алоҳида белгиланган кўринишга келади. Бундай бузилишлар “пластика” деб аталади. Баъзан катта бўлмаган пластика фойдали бўлиши ҳам мумкин, чунки чегаранинг қайта белгиланиши объектни таниб олишни кучайтиради.

Аниқликни сезиларли яхшилаш факат сатрлар сонининг кўпайиши ва ТВ сигнални спектри  $f_{\phi}$  ни катталаштириш орқали амалга ошириши мумкин. Бундан, амалда  $Z \leq 1000$  сатр ва  $f_{\phi} \leq 15$  МГц бўлган максус юқори аниқлик телевизион тизимларда (ЮАТ) фойдаланилади.

Тасвирининг горизонтал бўйича аниқлигини баҳолаш учун ўлчови бир хил  $d$  кенгликтаги бир-уч штрихли вертикал, шунингдек, (122-расмга қаранг) бир хил ёки секин-аста вертикал кенглиги ўзгарувчи штрихлар ишлатилади. Электрон телевизион синов жадвали (ТСЖ)да бу мақсад учун  $2,8 \dots 5,8$   $M\text{Hz}$  частотага teng синусоидал тебраниш пакети ишлатилади. Бу ўлчов белгилари олдида, уларни аниқлик қийматини кўрсатувчи қиймат келтирилган. Улар штрихларни нисбий кенглигига ( $h/d = 200 \dots 500$  ТВ чизиклар) тахминан тўғри келади. Аниқликнинг микдорини баҳолаш учун кузатувчи штрихларнинг қўшилиб кетиш чегарасини аниқлади ва шу сатх олдида келтирилган қиймати орқали аниқланади.




*122-расмга. ТВ тасвирининг горизонтал бўйича аниқлигини баҳолаш.*


Тикланаётган вертикал чегараларнинг кескинлигини осциллограф ёрдамида ТСЖ нинг тўғри бурчакли ок-кора элемент сигнали ажратилиб, унинг фронти давомийлигини ўлчаш орқали аниқлади. Вертикал аниқлигини ўлчашда горизонтал ўлчов штрихларини ишлатиш ноқулай, чунки тест штрихлар фаза частоталари ТВ растрининг фазавий частоталарига яқинлиги орқасида айирма частота (биения) юзага келади ва экранда муайян кўринишида тасвир ҳосил бўлади, у синов тасвирни кузатишга халақит беради. Шу сабабли ТСЖ ёрдамида вертикал аниқлик баҳоланмайди, унда фақат оғдирилган чизик ёрдамида сатр ташлаб ёйиш сифатини баҳолашда фойдаланилади. Агар тоқ ва жуфт майдонларнинг




*3-расм. Тасвирии фазовий дискретлаши*




*5-расм. Электромагнит түйншлар спектри (а) ва қүэни нисбий күриши стандарт эгри чизиги (б).*




**17-расм.** Күзинің асосий рангларға сезгирилгісі:  
Күк *B*, яшіл *G*, қызыл *R*




**18-расм .** Призма ёрдамында рангларни құшыла  
а) ҳамма уч таркибий қисмет манфай;  
б) қызыл таркибий қисмет мусбіт.




*19-расм. Ранги учурчак*




*20-расм. Ранги учурчакнине  
худуд (локус) ичида жойлашиши*



**21-расм.** Худуд ичида тенг




**22-расм.**  $XYZ$  тизими ранг учбуручагида  
энергиялык  $E$  оқ рангнинг жойлашыши




*39-расм. Видеосигнал спектри*

- а- видеосигнал спектрины умумий күриниши;*
- б- спектрни таркиби;*
- в- сатрма-сатр ёйишда спектрни таркиби;*
- г- т сатр ташлаб ёйишда спектрни таркиби.*


*( $U_{mn}$ -сигнал амплитуда қиынматы;  $f$ - частота;  $mf_z$  - сатр частотасынан түз гармоникасы;  $f_n$ - майдан ва  $f_k$  - кадр частоталары)*




**41-расм.** Асосий ранглар бүйнча кетма-кет таркибий қисметарга ажратувчи рангги телевидение тизими.



**42-расм.** Бир вақтда асосий ранглар бүйнча таркибий қисметарга ажратувчи рангги телевидение тизими



**43-расм. Үмумлаштырылган бир матрицаты видеокамера схемаси**




**44-расм. Кодловчи фільтрлар түри:**

**а-** Байер фільтршінің түзіліші; **б, в-** Fujifilm тәжіліф күтпеген фільтрлар түзіліші; **г-** үч құшымча ва яшіл ранглардан түзілген фільтр.




а)  
a) асосий рангларда;




б)  
б) қүшимчы рангларда


45-расм. Фильтрларнинг спектрал тавсифлари




**47-расм.** Ассоий ва қүшімшама ранглар тасмасындағы телевизор пардасы юзасыда жойлашының



**48-расм.** Ранглы тасвир сигналдарини шаклланыша)  $U_B$  ранг сигналы; b)  $U_R$  ранг сигналы; c)  $U_G$  ранг сигналы; d)  $U_Y$  ранг сигналы; e)  $U_{B-Y}$  ранг сигналы; f)  $U_{R-Y}$  ранг сигналы; g)  $U_{G-Y}$  ранг сигналы; h)  $U_Y + U_C = U$  ранг сигналы.




60-расм. Компонент тасвир сигналини кодлаш (4:2:2)



96-расм. Шахмат түзилишидаги дискретизацияда асосий ва күйимчы спектрларнинг бир-бiri устига тушиши.

## Дискретлаш түзилүүшү



- - Y-хисоб
- - C<sub>R</sub>-хисоб
- | - C<sub>B</sub>-хисоб

Кадрнинг актив үзүмдөсүндө хисоблар сони:


Y = 720x576 (576 сатрда 720 дан хисоб)

C<sub>R</sub>=360x576 (576 сатрда 360 дан хисоб)


C<sub>B</sub>=360x576 (576 сатрда 360 дан хисоб)

106-расм. Таркибли тасвир сигналини кодлаш  
(4:2:2)

телевизор пардасидаги пикселяр




телевизор пардасыда RGB  
пикселярни жойлашиши



114 – расм. Телевизор пардасыда (экраныда) RGB  
пикселярни жойлашиши

*126-расм. Универсал лекции стилей изображений (УЭСИ) иллюстрированные*


*126-расм. Универсал лекции стилей изображений (УЭСИ) иллюстрированные*



растр сатрлари бир-бирига яқинлашса (узоқлашса), оған чизик зинапоя күришишни олади.

## 7.6. ЎРТА ВА КАТТА ДЕТАЛЛАР РАВШАНЛИГИНИНГ БУЗИЛИШИ

ТВ тасвирининг ўрта ва катта деталлари равшанлиги бузилиши, майда элементлар бузилишига ўхшаб, кўп ҳолларда, узатиладиган трактда сигналнинг чизикли бузилиши натижаси келиб чиқади. Элементлар равшанлиги ва рангининг ўзгариши АЧТ нинг паст частота ҳудудида бузилиши сабаб бўлади, яъни сатр ва кадр давомийлигига тенг ва катта вакт оралигига ЎТ бузилишдир.



*123-расм. Тракт ўтказиши кенглигининг паст частота ҳудудида АЧТ бузилиши (а) ва кулранг фонда «ўрта» оқ деталь сигналининг бузилиши.*

Шунинг учун «ўрта» ва «катта» элемент атамаси бирмунча шартли, чунки деталнинг равшанлигининг, горизонтал бўйича уларнинг ўлчами сатрни фаол қисми узунлиги  $b$  га (123- расм), вертикал бўйича эса кадрнинг баландлиги  $h$  га тахминан тенг бўлади. Амалда кўрсатилган вактлар билан солиштирайлик П-шакли импульсларининг тизимига реакция таҳлил қилиш орқали бузилиш аниқланади.

Чизиқли бузилиш кенг полосали резистор видео сигнал кучайтиргичининг паст частота қисмида асосан каскадлараро  $R_sC$ , занжирида юзага келади (АЧТ пасайишни 123а- расмдаги 2-эгри чизик). Бу частотага боғлиқ дифференициал занжир сигнал бўлувчиси бўлиб, у амалда ўтказиш частота кенглигининг паст частоталарида ўзини намоён қиласи. Натижада, ўрта ўлчамли деталларнинг импульс сигналини солишириарли кучсиз дифференициалланиши, импульс чўққилирида пасайишни, охирида эса киялиги секин-аста пасаювчи чўзилувчи давомийлик юзага келади. Бунда импульс фронтининг олд ва орка қисми (равшанликнинг баланд-пастлиги) бузилмасдан узатилади, шу сабабли тўғридан-тўғри импульсидан сўнг сигнал кучланишининг пасайиши (элементдан сўнг фон равшанлигининг пасайиши) қиймат томондан импульс чўққисига баробар бўлади (123б-расмдаги деталь равшанлигининг пасайиши  $-\Delta_{cn}$ ). Равшанлиги ўта катта, кулранг фондаги деталь узатилганда (ўлчами тахминан  $b/2$ ) кузатувчига яққол ташланадиган чўзилиш кузатилади, бунда элемент равшанлиги бир фоизга камайса, фон равшанлиги деталдан сўнг сезиларли (ўн ва ундан ошиқ фоизга) камаяди. Масалан,

$$\Delta'_n = \frac{L_D - L'_D}{L_D} \cdot 100 = 1\%,$$

ва деталь контрасти  $K_d = L_D/L_\phi = 20$  бўлса, ундан сўнг фоннинг камайиши

$$\Delta'_\phi = \frac{\Delta_{cn}}{L_\phi} = \frac{\Delta L_\phi}{L_\phi} = \frac{\Delta'_{cn} L_D}{L_\phi} = \Delta'_{cn} k_D = 20\% \quad (7.9)$$

га тенг бўлади ва кўз яққол сатр бўйича чўзилувчи «оқдан – қорага» (ёки «қорадан-оққа») қорани секин-аста пасайишни кузатади.

Агар рухсат этилган фон равшанлиги ўзгариши чегара контрастига тенг бўлса, яъни

$$\left( \frac{\Delta L_\phi}{L_\phi} \right)_k = \left( \frac{\Delta L}{L_\phi} \right)_v = 2...5\%$$

бўлса (7.29)га биноан давом этувчи чўзилиш оқ деталь равшанлигининг ўзгаришида ҳамма вақт ҳосил бўлади, яъни

$$\Delta'_{\text{сн}} = \frac{(\Delta L_{\phi} / L_{\phi})}{k_d} = 0,10 \dots 0,25\% \quad (7.10)$$

ТВ сигнали қиймати (тасвир равшанлиги)нинг бундай ўлчашлар орқали баҳолаш қийин.

АЧТ ни ортиқча тузатиш элементдан сўнг чўзилиш «ишораси» ни ўзгартиришга (оқдан - оқ, қорадан - қора) олиб келади.

Катта элементнинг тасвир сигнали давомийлиги кадр ўлчамининг бирмунча қисмни ташкил қилгани сабабли, ўрта элемент сигнали давомийлигидан бир неча баробар ошади. Шунинг учун у бошқа кўрсаткичлари бир хил бўлганида ҳам кўпроқ бузилади. Энг катта бузилиш оқ ва кулрангда, ҳар бирининг ўлчами ярим кадрга тўғри келадиган горизонтал «деталларни» узатишда кузатилади. Бу ҳолда, чўзилган давомийлик кадрнинг кулранг қисми равшанлигининг сезиларли катта майдонини бузади. Лекин бундай бузилишни, сатр сўндирувчи импульсининг қора сатхига тасвир сигналини боғлаш орқали тузатиш мумкин. Тасвир сигналини қора сатхни боғлаш натижасида, деталь ва фон равшанлигининг қиймати ўзгариш қолдиги ўрта ўлчамли элементларницидан ошмайди. Шуни таъкидлаш лозимки, қора сатхга боғлаш натижасида сатрнинг фаол қисми давомида равшанлик ўзгариши кузатилмайди.

Ўрта ва катта элементда бузилишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда оз нуқсон ҳам сезилади (кўзга ташланади). Тасвирда унинг намоён бўлиши одатдагига ўжшамайди. Бунда, асосий элементлардан сўнг чўзилувчи давомийлик кузатилади, яъни узатилган тасвир таркибида бўлмаган туғма «жимжималар» юзага келади.

Чўзилувчи давомийлик қийматини баҳолаш учун максус синов сигналлари, масалан, ўрта элементлар учун П-кўринишили 15625 Гц частотада такрорланувчи, симметрик импульс ва катта элементлар учун 50 Гц частотада такрорланувчи, сатр сўндириш импульси билан қирқилган сигналлар

күлланилади. Бундай бузилишлар, таркибида қора-оқ элементлари мавжуд универсал ТСЖ ёрдамида субъектив баҳоланади ёки универсал электрон синов жадвали (УЭСЖ) оқ-кулранг-қора ва қора-кулранг-оқ синов элементлари орқали аниқланади.

## 7.7. РАНГНИНГ БУЗИЛИШИ

Ранг кўз орқали равшанликни сезиш каби дискрет сезилади ва у бир-биридан фарқ қилувчи ранг поғоналари сони билан баҳоланади. ТВ тизимларида тасвир рангининг бузилиши кўйидагиларга боғлиқ:

- рангли кинескопларда, спектрал тавсифи ва тўйинганлиги чекланган, рангларни максимал қамрай олмайдиган қизил, яшил ва кўк реал люминафорларнинг ишлатилиши;
- реал ёриттичлар ишлатилиши туфайли рангни ажратувчи ва узатувчи қурилмаларнинг спектрал тавсифи тўлиқ ҳакиқий ранг узатиш тўғрилигини таъминламайди;
- ТВ сигналининг ёруғликни сигналга ва сигнални ёруғликка айлантиргичларда, шунингдек, узатувчи тракт ва айниқса, шакллантирувчи қурилмада ва равшанлик ҳамда ранг сигналларини ажратувчida чизиқли ва ночизиқли бузилиши;
- тизим ва биринчи навбатда, рангли кинескоп кўрсаткичларининг тарқоқлиги, эскириши, элементларининг оптималь эмаслиги;
- ранги бўйича ажратилган тасвирлар растири бир-бирига мос бўлмаслиги ва устма-уст тушмаслиги, шунингдек, карама-карши бузилиш ҳамда ранг ва равшанлик сигналлари ўртасида узатиш шароити ҳар хил бўлгани сабабли вақт бўйича уларнинг фарқланиши (каналлар ўтказиш кенглигининг турлича бўлганлиги туфайли) рангли элементларнинг чегарасида жияк, қайтариш (сохта контур) ҳосил бўлиши ва ҳ.к..., қайта тикланган тасвирда элементларни бузилиб ифодаланиши;
- рангли телевидение (РТ)нинг турли тизимида узатиш шартлари ва ранг сигналларни ажратиш бир хил эмаслиги.

Агар қабул қилувчи кинескопларнинг тавсифлари ўрта статистик кўрсаткичлардан узоқ бўлмаган ҳолда ранг бузилишлари телевизион марказда маҳсус қурилмалар ёрда-

мида рангдаги хатони йўқотувчи, ТВ сигналда ночизиқ бузилишни йўқотувчи ва бошқа курилмалар орқали тузатилади. Рангларнинг бузилиши маҳсус, таянч рангларни имитация қилувчи синов сигналлари орқали баҳоланади. Масалан, вертикал ранг тасмалар ҳосил қилувчи маҳсус сигнал генератори кенг қўлланилади, унинг ёрдамида асосий 8 ранг(оқ, сарик, ҳаворанг, яшил, гунафша, қизил, кўк ва қора) кинескоп парда-сида тикланди.

УЭСЖда тўйинганлиги икки турли ранглар шкаласи жойлаштирилган, улар кўриш орқали рангларни тўғри тикланаётганини баҳолаш учун хизмат қилади.

## 7.8. ТАСВИР СИФАТИГА ХАЛАҚИТ БЕРУВЧИЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

ТВ сигнални шакллантириш, узатиш ва қабул қилиш жараёнида халақитлар келиб чиқиши тасвир сифатининг пасайишига олиб келади.

Турли халақитларнинг тасвир сифатига таъсири асосан икки кўринишда намоён бўлади: халақитнинг тасвир сигналига таъсири тасвир деталларининг равшанлиги ва ранги бузилишига, ёйилишни синхронловчи сигналга таъсири эса растр шаклининг бузилишига, яъни тасвир элементлари координаталарининг бузилишига (унинг тикланишининг бутунлай бузилишига) олиб келади.

Халақитларнинг аниқ шаклда намоён бўлиши унинг турига боғлиқ. Энг характерли халақитлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- флюктуацияланувчи халақитлар;
- бирламчи электр манбаи тармоқ частотаси ва унинг 1 кГц гача гармоникаларидан ҳосил бўлган фон халақитлари;
- тасма, тўр, муар, бегона жим-жима кўринишида ва бошқа шунга ўхшаш кўринишли гармоник такрорланувчи халақитлар;
- нуқта ва узунилиги ҳар хил чизик кўринишидаги турли импульс халақитлар;

— равшанлик ва ранг сигналлари, шунингдек, бошқа ТВ каналлар ва кузатиб борувчи овоз сигналларининг ҳар томонлама таъсири натижасида содир бўлувчи халақитлар;

— тўғри ва аксланган радиотелевизион сигналларни қабул қилиш ҳамда алоқа йўлларининг мослашмаганилиги сабабли юзага келувчи акс садо сигналлари.

Квантлаш шовқини, рақам шаклидаги символларни қабул қилишда, ТВ сигналини узатиш ва коррекция қилишда, шунингдек, видео эфектларнинг шаклланишида ва турли ТВ тизимлар стандартини айлантиришда юзага келади. Кўзга яқол ташланувчи халақитлар туркумига, равшанлиги ва ранги тез ўзгартирувчи ёки кадр майдони ичидаги ҳаракатланувчи тасвири киради. Масалан: электр тармоқ, гармоник, импульсли, флюктуацияланувчи ва бошқа сигналларидан юзага келади.

Флюктуацияланувчи шовқинлар алоҳида эътибор талаб қиласди, чунки бошқа кўринишдаги халақитларга қараганда улар ҳамма электр қурилмаларга хосдир. Актив қаршиликларда – иссиқлик шовқини, фотоэлектрон, шунингдек, ёргулик оқими ва фото электрон айлантиргич токи, кучайтиргич элементлари ва бошқаларда электронларни бетартиб ҳаракати сабабли флюктуация халақитлари келиб чиқади. Флюктуацион халақит ТВ сигналга сигнал қиймати кичик (флюктуация халақитлари билан солиштирасли бўлган) трактнинг бўғинларида содир бўлади. Масалан, узатувчи айлантиргичда, узатувчи камера-нинг бошланғич кучайтиргич кириш занжирида, узоқ масофали алоқа йўлида, ТВ қабул қилгичнинг кириш занжирида ва бошқа шунга ўхшаш жойларда. Одатда, ТВ сигналдаги бузилишларни текислаш жараёнида ТВ тасвирида флюктуация халақитлари пирилловчи, тартибсиз ҳаракатдаги майда нуқталар ва штрихлар кўринишида намоён бўлади. Бундай халақитлар тасвири деталининг кул ранг қисмларида кўзга яқол ташланади ва уларнинг оз қиймати ҳам сезиларли даражада тасвири равшанлигини ўзгартиради. Катта сатҳли халақит пардани кучли ёритади. Натижада тасвирининг ҳамма кўрсаткичлари ёмонлашади.

Флюктуация бузилишининг спектри узлуксиз. Шу сабабли бузилиш қиймати ва уларнинг кўзга ташланиши алоқа канали

ўтказиш кенглигига ва спектр бўйича шовқин кувватини тарқалишига боғлиқ.

Актив R қаршиликда ажраладиган иссиқлик кувватининг спектрал зичлиги частотага боғлиқ эмас, «оқ шовқин» куйидагича аниқланади:

$$S_{\omega_0} = \overline{dU_w^2} / df = 4kTR \quad (7.11)$$

бу ерда,  $U_w$  – шовқининг таъсир қилувчи кучланиши;  $k=1,38 \cdot 10^{-23}$  Дж/К – Больцмон доимийси;  $T$  – абсолют ҳарорат, К.

Флуктуация шовқинининг таъсир қилувчи кучланиш қиймати

$$\overline{U_w^2} = \sqrt{\int_{f_n}^{f_p} S_w(f) df} \approx \sqrt{\int_0^{f_p} S_{\omega_0} df} = 4kT f_{\omega_0} \quad (7.12)$$

бу ерда,  $f_n, f_p$  – қурилманинг ўтказувчи чегара частота кенглиги одатда  $f_n = 0$  га тенг олинади, чунки  $f_n << f_{\omega_0}$ .

Ток флуктуацияси кувватининг спектрал зичлиги ҳам частотага боғлиқ эмас. Бу шовқинни, эквивалент иссиқлик шовқин (7.32)дагидек, эквивалент шовқин қаршилиги  $R_w$  орқали баҳолаш қабул қилинган.

Аммо шовқинни бундай энергетик баҳолаш, ҳар хил спектрал таркибли шовқинларнинг кўзга ташланишини ҳисобга олмайди. Кўз сезгирилгигининг деталларни ўлчами ва рангига қараб ўзгариши, яъни паст частота “яшил” қисмида флуктуация шовқинларининг юқори частота (“қизил” ёки “қўқ”) қисмига қараганда кўпроқ таъсири сезилади. Кўзнинг бундай шовқинни қабул қилиши хусусияти, амалиётда мувозанат функцияси орқали баҳоланади. Равшанлик ва асосий ранг сигналлари учун (123-расмдаги 1-эгри чизик) бу функция қўйидаги қўринишга эга:

$$y_{\kappa.m}(\omega) = \frac{1}{1 + \omega^2 \tau_{\kappa.m}^2} = \frac{1}{1 + 4,29 f^2} \quad (7.13)$$

бунда,  $\tau_{\kappa.m} = 0,33$  – мувозанатловчи занжир доимийлик вакти;  $f$  – частотаси, МГц.

Рангли ТВ турли тизимига мансуб композит сигналлар учун (равшанлик сигналининг юқори частота қисмига ранг

сигналлари жойлаштирилган) мувозанат функция (123-расмдаги 2-эгри чизик)

$$y_{\kappa.m}(\omega) = \frac{1+b^2\omega^2\tau_{\kappa.m}^2}{1+(1+b)^2\omega^2\tau_{\kappa.m}^2} = \frac{1+0,117f^2}{1+3,54f^2} \quad (7.14)$$

бунда,  $\tau_{\kappa.m} = 0,245$ ;  $b = 1/4.5$ ;  $f$  – частота, МГц.

SECAM тизимидағи композит сигнал учун мувозанат функция (124-расмдаги 3-эгри чизик) ранг сигнал спектри икки максимумлидир;

SECAM тизимидағи рангли сигнал учун (125-расм) ТВ сигналининг шовқинланганлыгини одатда сигнал/шовқинга нисбати ёки сигнал/мувозанатлантирилган шовқинга нисбати орқали баҳоланади, яъни

$$\phi' = U_c / \bar{U}_w, \quad \varphi = U_c / U_w \quad (7.15)$$

бу ерда,  $U_c$  – тасвир сигналини қиймати;

$$U'_w = \sqrt{\int_0^{f_*} S_w(f) df}; \quad U_w = \sqrt{\int_0^{f_*} S_w(f) y_{\kappa.m}(f) df}$$

$U'_w$ ,  $U_w$  – шовқин кучланишининг таъсир қилувчи (эффектив) ва уни мувозанатлантирилган қийматлари.



Турли манбалардан олинган, шовқин қуввати спектр зичлиги ҳар хил бўлган ТВ сигналнинг шовқинланганлыгини баҳолашда шовқиннинг халақит қилувчи натижавий кучини сигналнинг/мувозанатланган шовқинга нисбати орқали солишибтиришдан фойдаланилади. Мисол сифатида оқ шовқин (узатувчи айлантиргич, уни юкловчи қаршилиги ва бошқалар) ва «учбурчак шовқин», узатувчи камера бошлангач кучайтиргичи ва бошқалар)ни келтириш мумкин.

Кўз орқали «қизил», «яшил» ва «кўю» флюктуация шовқинларини ҳар хил қўришни баҳолаш учун, тажрибавий аникланган нисбий кўриниш коэффициент  $\alpha=0,40$ ;  $\beta=1,0$ ;  $\epsilon=0,35$ дан фойдаланилади. Бунда кўзга ташланувчи бир хил шовқин кучланиши

$$\bar{U}_{wR} / \bar{U}_{wG} / \bar{U}_{wB} = 2,50 / 1,00 / 2,86 \quad (7.16)$$

га тенг бўлади.

Сигналнинг шовқининг нисбати маҳсус ўлчов асбоби ёрдамида ўлчанади.



124-расм. Флуктуация шовқинининг мувозанатланган функцияси.  
1-ёргулук ва асосий ранглар сигнални учун: 2- рангли ТВ тизим композит сигнални учун: 3-SECAM тизим композит сигнални учун.

125-расм. SECAM тизим рангли канали флуктуация шовқинининг мувозанатланган функцияси.


Агар  $\phi = 30 \dots 40 \text{ дБ}$  га тенг бўлса, тасвир яхши сифатли ҳисобланади.

## 7.9.ТАСВИР СИФАТИНИ СИНОВ ЖАДВАЛИ ОРҚАЛИ БАҲОЛАШ

Телевизион синов жадвали (ТСЖ) ёрдамида тасвир сифатини тезкор баҳолаш ТВ тизимида кенг кўлланилади. Маҳсус ТСЖ ёрдамида одатда бир-икки сифат кўрсаткичи (126-расм), универсал жадвалда эса - ҳамма асосий кўрсаткичлар баҳоланади (иловадаги 127-расм). Универсал ТСЖдан фойдаланилганда шкаласининг яхлитланиши сабабли баҳолаш аниқлиги пасаяди, ёки жадвалнинг бутун майдонида кўп сонли синов элементлари жойлаштирилгани сабабли ўлчаш кадрни алоҳида ажратилган қисмида бажарилади.

ТСЖ лар оптик (126-расм) ёки электрон кўринишда (127-расм) бўлиши мумкин. Оптик жадвалнинг афзалиги, натижавий тасвир сифатининг тизим «ёргулукдан ёруғликкача» бўлган

бутун трактни баҳолаш имконияти мавжуддир, шунингдек, бузилиш қийматини узатувчи ҳамда қабул қилувчи қурилмаларда алоҳида-алоҳида баҳолаш мумкин.



**126-расм. Геометрик (координата) бузилишини ўлчаш учун ТСЖ.**

Рангли телевидение учун оптик жадвал яратиш ўта мураккаб, бунга сабаб уларни тез эскириши спектрал тавсифини вакт ўтиши билан ўзгариши ва унинг кўп нусхасида бир хиллигини таъминлаш қийинлиги. Шунинг учун телевизион марказнинг видео кучайтиргич трактида, узатувчи алоқа йўлида ва қабул қилувчи қурилмада бузилишни баҳолаш учун фақат электрон ТСЖ ишлатилади. Универсал электрон синов жадвал (УЭСЖ) маҳсус эталон генератор сигналларни синтез қилиш йўли билан яратилади.

Узатувчи қурилмадаги бузилишлар монохром ТСЖ ва маҳсус услублар билан баҳоланади.

Универсал электрон жадвали оқ-қора ва рангли телевидениенинг асосий кўрсаткичларини ва уларнинг бузилишини объектив ва субъектив назорат қилиш учун мўлжалланган.

Одатда, синов жадвал элементларининг хизмати кўп функцияли. Бир вақтнинг ўзида у ёки бу бузилишни дифференциал баҳолаш синов жадвалининг ҳар хил ёки бир хил, лекин ҳар хил жойда жойлашган элементлари ёрдамида бажарилади.

Жадвал гардиши қора-оқ-қора штриҳдан иборат (127-расмга қаранг), у УЭСЖ нинг атрофида жойлашган. Улар

сигналнинг максимал қийматининг (0/100/0)% сатҳларидан ташкил топган. Қора тасмалар орасидаги оқ штрихлар 4 : 3 форматли репер чизигини ташкил қиласди.

Жадвал асоси тўр шаклдаги майдондан иборат бўлиб, йигирма (1...20) горизонтал ва 26 та вертикал (а...э) кулранг чизиклар ва улар орасида жойлаштирилган оқ ажратувчи чизиклардан иборат.

Вертикал чизикларни давомийлиги 0,16...0,17 мкс. бўлган синус-квадрат импульслар ташкил қиласди: горизонтал чизикларни қалинлиги эса икки сатрга teng: қора ва кулранг чизик сигнал қалинлиги (75/137,5)% ни ташкил қиласди.

Қабул қилувчи қурилмадаги кинескоп экрани ТВ тасвирининг асосий кўрсаткичлари қийматини УЭСЖ ёрдамида баҳолаш услубини кўриб чиқамиз.

Одатда, бундай баҳолашдан аввал тайёрлов жараёни бажарилади, у навбатма-навбат яқинлашиш услубидан (бир неча бор такрорлашдан) иборат. Буни бажаришнинг тартиби қуидагича:

Жадвалнинг ишчи қисмида *ўлчамини (форматини) ўрнатиши ва марказлаштириши*. Бу операция репер чизиклари ва тўр майдон марказидаги кўшув белгиси шакли ёрдамида «вертикал ўлчам», «горизонтал ўлчам» ва оқ-қора кинескопга ўрнатилган марказлаштирувчи маҳсус магнитни созлаш орқали бажарилади. 4/3 форматида эса, репернинг оқ чизиклари кинескоп пардаси гардиши билан бириктирилади. 16/9 форматда бўлса (конструкция томондан қулай бўлгани сабабли кўп кинескопларда ишлатилади), горизонтал бўйича парда атрофи-нинг қора кирраси жадвалнинг сирти билан, вертикал бўйича эса ички қора кирраси билан бириктирилади.

Формат тўғри тикланганлиги тўр майдон квадратлари ва марказий доира ёрдамида баҳоланади. Бузилиш юзага келганда, квадрат тўғри бурчакка, доира эса эллипсга айланади (сатр ва кадр бўйича ёювчи чизиқли кам бузилса). Тасвири марказлаштириш шундай бўлиши керакки, тўр майдон марказий кесишма чизиклари парда марказига тўғри келсин.

*Геометрик (тасвир) бузилишини созлаш* – ёйиш начизиқлиги туфайли юзага келади. Бундай бузилишини созлаш,

«вертикал бўйича чизиқлиги» ва «горизонтал бўйича чизиқлилию» мурувватини бураш орқали бажарилади. Созлаш натижасини инструментал баҳолаш - тўр майдон квадратларини ўлчаш, кўз билан аниқлаш-жадвал марказидаги ва бурчаклардаги доирани кузатиш орқали бажарилади.

*Ранги кинескоп нурларини статик ва динамик учрашириши.* Текшириш вертикал ва горизонтал ўқ чизиқларини марказда бир-бири билан кесишиган жойда ва растр четидаги ўқ чизиғида, шунингдек, жадвал бурчакларидағи доира ичида жойлашган оқ чизиқлар кесишиган жойда бажарилади. Кинескоп нурларини учрашиши бузилганда уларни учрашириш учун қатор жараёнлар бажарилиши лозим.

*Ним ранг (градация) бузилишларини минималлаштириши.* Тасвир кўзга энг яхши ташланиши учун бу жараён равшанлик сатҳлари шкаласида (8б...8г) ёрдамида тасвир равшанлиги ва контрасти (ТВ сигнални максимал қиймати)нинг қийматларини танлаш орқали бажарилади. Бу параметрларни ўрнатиш услуби куйидагича. Аввал «контраст» ва «равшанлик» мурувватлари орқали контрастнинг минимал қиймати, сўнг тасвирнинг равшанлик қиймати шундай ўрнатилиши лозимки, синов жадвалини 8е элементи (сигнал сатхи, «қора» сатҳдан 3% га қорароқ) 8б ва 8г қора (0%) элементлардан фарки кўзга ташлансин. Шундан сўнг, шу 8б,г,е элементларни бир-биридан ажратиб бўлмайдиган ҳолатга келгунга қадар равшанликни камайтириш лозим. Контраст эса шундай ўрнатилиши керакки, равшанлик даражаси (погонаси) энг кўп тиклансин (одатда 8...10). Синов элементларининг қора ва оқ шкаласи минимал ва максимал равшанлик таянч сатҳлари бўлиб, тасвир контрастини аниқлашга хизмат қиласи. Бу операцияларни бажаргандан сўнг бошқа сифат кўрсаткичларни баҳолашга ўтиш мумкин.

*Горизонтал бўйича аниқлиги,* (майда оқ-қора элементларнинг тикланиш сифати) 13 б ... 13ц квадратлардаги ўлчов штрихлари ёрдамида ва шу каби, жадвал бурчакларидағи доира ичида жойлашган, олдингига ўхшаш ўлчов штрихлари орқали гурухий аниқлик баҳоланади. Жадвал марказий қисмидаги штрихлар етти частотали 2,8:3,8:4,8 ва 5,8 МГц синусоидал тебранишлардан иборат ва улар 200, 300, 400 ва 500 ТВ

чизиқли аникликни ифодалайди (улар шартли 2, 3, 4 ва 5 рақамлари билан белгиланган), бурчакларда эса частоталари 3,8 ва 4,8 МГц частотани тебранишлар ифодаланган (улар 300 ва 400 ТВ чизикқа түғри келади). Оқ-қора штрихларнинг ажралган ҳолда кўриниш чегараси аникликнинг қийматини беради.

*Кескинликнинг вертикал чегараси* тасвир деталларида тикланиши штрих тасвир сигналининг 10 дан 90% гача ўсишида ўтган вакт билан аникланади. У сигнал сатрини ажратувчи осциллограф ёрдамида *16л..16т* квадратдаги оқ-қора штрихдан олинган сигнални ажратиб ўтчаш орқали аникланади.

*Ранг аниқлиги* (горизонтал йўналиш бўйича рангли деталларнинг шаклланиши) гунафша ва яшил, сарик ва кўк, шунингдек, қизил ва ҳаворанг *9e...9x* штрихларнинг тикланиши билан баҳоланади.

Рангли штрихларни бузилиши ва уларнинг бир хил (сидирға) бўлмаслиги кўпроқ ТВ қабул қилувчи курилмасининг равшанлик сигнални спектридан ранг сигналини ажратиб берувчи контурнинг нотўғри созланганлигини билдиради. Штрихлар сигнал частотаси 0,5 МГц.

*Тасвирнинг вертикал бўйича аниқлиги* бевосита сатр ташлаб ёйиш сифати синов жадвалининг *10с. . . 10x* ва *11в. . . 11к* катакларида жойлашган қия оқ чизикларнинг тикланиши орқали баҳоланади. Сатр ташлаб ёйиш бузилган тақдирда бу чизик синиб, зинапоя кўринишида бўлади.

*Ўрта ўлчамили тасвир деталларининг тикланиши сифати*, яъни улар ортидан чўзилувчи соялик мавжудлиги *10e...10x* квадратларида оқ-кулранг-қора ва *11e...11x* квадратларида қора-кулранг-оқ синов элементлари ҳамда *16 б...16 ў* квадратларида жойлашган қора-оқ квадрат ёрдамида баҳоланади.

*Оқ рангнинг мувозанати* рангли кинескопнинг уч нур қийматлари нисбати орқали аникланади. Мувозанат тўғри бўлса *8 б . . . 8ш* катакда келтирилган турли равшанлик поғоналари орқали амалга оширилади. Бунда равшанлик поғоналари шкаласи оқ-қора тусда тикланиши керак, яъни бўял-

маслиги лозим. Бундан ташқари, оқ рангни мувозанати равшанлиги ва тўйинганлиги икки турли **6-7б...6-7и** ва **14-15б...14-15и** катакларда жойлашган ранг шкаласидаги бир номли ранглар бир хил тикланиши орқали аниқланади. Оқ ранг мувозанати кинескоп электродларидағи кучланишларни созлаш орқали амалга оширилади.

**Ранг сидирғалилиги** тасвирнинг ишчи юзасидаги катта ўлчамли оқ, кулранг ва қора йирик элементлар орқали назорат қилинади. Бу майдон равшанлиги ва ранги сидирға бўлмаганда кам тўйинган кенг доғ кузатилади.

**Рангнинг тўғри тикланиши** икки ранглар шкаласи орқали кўз ёрдамида текширилади: **6-7 б...6-7 и** квадратларида кам тўйинган- «оқ» ранг сатҳ 75%, «қора» ранг сатҳи 37,5%, ранглар тасмаси сигнал экстремал сатҳи ( $75/37,5\%$ ) (яъни ҳамма сигналларни сатҳи  $75/37,5/75/37,5$ ни ташкил қиласи): **14-15б...14-15 и** квадратларида юқори тўйинган шкала  $75/0/75/0$  сатҳли сигнал орқали шаклланади. Синов жадвалида рангларнинг тартиби оқ, сарқ, ҳаворанг, яшил, гунафша, қизил, кўк, кулранг (қора). Иккала шкала тартиби ва рангининг тузи ушбу келтирилган рангларга тўғри келиши керак.

**Тасвирнинг «акс-садо»** – *кўп контурли, гардии кўринишида ва бошқа турда бузилиши қабул қилувчи қурилма* амплитуда-частот тавсифи (АЧТ) юқори частота қисмининг ногтўғри созланиши, тўғри ва аксланган радио-телевизион сигналларни қабул қилиниши, алоқа йўли мослаштирилмаганлиги, равшанлик ва ранг сигнални вақт бўйича фарқ қилиши орқали юзага келади. Улар якка қора ва оқ штрихлар (масалан, 10 ва 11), тўр майдоннинг вертикал чизиқлари, рангли синов элементлари ва бошқалар орқали баҳоланади.

УЭСЖ дан ташқари, унинг ранг шкаласи элементларига ўхшашиб саккиз вертикал тасмалар синов жадвали кўлланилади. Бундай синов жадвали маҳсус рангли тасмалар генератори (РТГ) орқали шакллантирилади. Уни амалда тизимининг хоҳлаган нуқтасига киритиш ва назорат қилиши мумкин.

Тасвирнинг якуний ва унинг одатдаги сифатидан фарқини баҳолаш интеграл сифат мезони орқали амалга оширилади,

унинг қиймати бирламчи кўп сонли сифат кўрсаткичлардан ташкил топади.

Бундай мезоннинг муҳимлиги шундаки, факат унинг асосида бутун ТВ тизими кўрсаткичлар мезони ва алоҳида қисмлари сифатининг бирламчи кўрсаткичлари қийматини «алмашшиш» ҳисобига баҳолаш мумкин.

Интеграл мезон қўлланилиши ТВ тизимининг алоҳида қисмларида, айнан ТВ қабул қилувчи курилмада бузилишларни мословчи автоматик созлашни амалга ошириш имконини беради.

## 7.10. РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕДА НАЗОРАТ ВА ЎЛЧАШ

Рақамли телевидение тизимининг турли қисмларида сигналлар асосий кўрсаткичини аниқлаш ва назорат қилиш учун назорат воситалари ва усуслари мавжуд. Рақамли телевидениеда аналог услубдаги субъектив ва объектив усусларга кўшимча талаблар киритилади.

Рақамли телевидение тизимида тасвир сифатини субъектив назорат қилишда айлантиришлар блоклаб бажарилиши ва ҳаракатни баҳолаб ҳамда компенсациялаб кадрлараро кодлаш натижасида янги бузилиш кўринишларини ҳисобга олиш керак бўлади. Маълум энг кўп ишлатиладиган усул маҳсус тест видеосюжет (турли мазмунли реал ҳаракатланувчи тасвир фрагменти) ёрдамида тасвир сифатини аниқлашдир. Рақамли телевидениеда аналог телевидениедаги анънавий синов жадвалини узатиш усулини қўллаш мумкин. Бунда узатиладиган жадвалда равшанлиги бир текис ўзгарувчи кенг кўлламли жойлар бўлиши керак, улар орқали блоклар тузилиши аникланади, шунингдек, ҳаракатланувчи, айланувчи ва ш.к. элементлар мавжуд бўлиши керак, улар орқали эса кадрлараро кодлашни баҳолаш мумкин бўлади.

Тасвир сифатини объектив баҳолаш усулари декодланган тасвирга ишлов бериш ва уларни бирламчи синов тасвирлардан фарқини баҳолашга асосланган. Бу услублар телевидение

канали орқали маҳсус синов сигналларини узатишни кўзда тутади.

Янги назорат-ўлчов аппаратлари сигнал узатиш жараёнида рақамли маълумот оқимини ўлчовчи асбоблардир. Бундай асбоблар ТВ сигнал оқимини тузилишини, рақамли оқим тезлигини, пакетларни аниқ идентификаторли даврий қайтарилишини, дастурий - боғланган ахборот жадвали борлиги ва таркиби ва хизматлар тўғрисида ахборот, таянч тактловчи сигнални тўғри узатилиши, рақамли сигнал оқимда скремблир борлиги ва шунга ўхшаш кўп бошқа кўрсаткичларни аниқлаш имконини беради.

# МУНДАРИЖА

|  |     |
|--|-----|
| Сўз боши .....   | 3   |
| КИРИШ .....  | 5   |
| 1. ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТИЗИМИ ТУЗИЛИШИ АСОСИ.....                            | 18  |
| 1.1 ЭЛЕКТРОН ТАСВИР .....  | 18  |
| 1.2. ОПТИК ТАСВИРНИ ЭЛЕКТР СИГНАЛИГА                                 |     |
| АЙЛАНТИРИШ.....  | 26  |
| 1.3. ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТИЗИМИНИНГ УМУМЛАШТИРИЛГАН<br>СХЕМАСИ.....          | 29  |
| 2. ЁРУГЛИК МАНБАИ, ОБЪЕКТ ВА ОПТИК ТИЗИМ.....                        | 32  |
| 2.1. ФОТОМЕТРИЯ .....  | 32  |
| 2.2. ЁРУГЛИКНИНГ ҚАЙТИШ ҚОНУНИ .....                                 | 33  |
| 2.3. ГЕОМЕТРИК ОПТИКА .....  | 36  |
| 2.4. КОЛОРОМЕТРИЯ .....  | 43  |
| 3. ИНСОННИНГ КЎЗ ОРҚАЛИ КЎРИШ МЕХАНИЗМИ.....                         | 58  |
| 3.1. КЎЗНИНГ ТУЗИЛИШИ .....  | 58  |
| 3.2. КЎРИШ МЕХАНИЗМИ .....   | 60  |
| 3.3. РАНГ ВА ҲАЖМНИ ТИКЛАШ .....                                     | 67  |
| 4. ВИДЕОСИГНАЛ ШАКЛИ ВА СПЕКТРИ.....                                 | 71  |
| 4.1. САТРМА-САТР (ПРОГРЕССИВ) ЁЙИШ ПРИНЦИПИ .....                    | 71  |
| 4.2. ВИДЕОСИГНАЛ ШАКЛИ .....   | 76  |
| 4.3. ВИДЕОСИГНАЛ СПЕКТРИ ВА УНИНГ АЙРИМ<br>ХУСУСИЯТЛАРИ .....        | 81  |
| 4.4. САТР ТАШЛАБ ЁЙИШ .....  | 87  |
| 5. РАНГЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТИЗИМИ ТУЗИЛИШИНИНГ<br>УМУМИЙ АСОСИ.....       | 92  |
| 5.1. РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗИОН ТАСВИР .....                                  | 92  |
| 5.2. МОСЛАШТИРИЛГАН РАНГЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ<br>ТИЗИМИ.....                | 95  |
| 6. РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТИЗИМИ ТУЗИЛИШИНИНГ<br>УМУМИЙ АСОСИ.....      | 99  |
| 6.1. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР.....  | 99  |
| 6.1.1. РАҚАМЛИ АЛОҚА ТИЗИМИДА ИШЛАТИЛАДИГАН<br>АСОСИЙ АТАМАЛАР ..... | 105 |
| 6.2. МАЪЛУМОТ УЗАТИШНИНГ МОҲИЯТИ.....                                | 111 |
| 6.2.1. МАЪЛУМОТ ВА АҲБОРОТ .....                                     | 111 |
| 6.2.1.1. Кодларнинг самарадорлиги.....                               | 115 |

|   |     |
|---|-----|
| <b>6.2.2. СТАТИСТИК ЭХТИМОЛЛИК ЁРДАМИДА АХБОРОТНИ КОДЛАШ ВА СИҚИШ</b>   | 116 |
| 6.2.2.1. Физик узатиш   | 118 |
| 6.2.2.2. Сигнал алматини узатиш   | 119 |
| 6.2.2.3. Частота ёки баландлик (оханг)                                  | 120 |
| 6.2.2.4. Амплитуда ёки баландлик (дажм)                                 | 121 |
| 6.2.2.5. Оханг  | 121 |
| 6.2.2.6. Фаза   | 122 |
| 6.2.2.7. Рақамли ва аналог узатиш                                       | 122 |
| 6.2.3. ШОВҚИН ВА КУЧЛИСИЗЛАНИШ (СҮНИШ)                                  | 123 |
| 6.2.3.1. Шовқин   | 123 |
| 6.2.3.2. Сүниш  | 124 |
| 6.2.3.3. Маълумотни узатиш тезлиги                                      | 125 |
| 6.2.3.4. Модуляция тезлиги  | 125 |
| 6.2.3.5. Сигнал тизимларида маълумотни узатиш тезлиги                   | 126 |
| 6.2.3.6. Маълумотлар узатиш тезлиги                                     | 128 |
| 6.2.3.7. Полосалар кенглиги   | 130 |
| 6.2.3.8. Рақамли узатишда частоталар полосаси кенглигига талаблар       | 134 |
| 6.3. СПЕКТРЛАР ВА СИГНАЛЛАР   | 138 |
| 6.3.1. Бирламчи частоталар полосасида маълумот узатиш                   | 140 |
| 6.3.2. Белгилараро бузилиш  | 141 |
| 6.3.3. Найквист шарти   | 143 |
| 6.3.4. Кўп позицияли сигналлар  | 147 |
| 6.3.5. Модуляция ишлатиб, маълумот узатиш                               | 148 |
| 6.3.6. Амплитудавий модуляция   | 148 |
| 6.3.7. Амплитудавий, частотавий, фазовий модуляция                      | 151 |
| 6.3.8. Балансли, бир полосали, ён полосаси кисман бостирилган модуляция | 152 |
| 6.3.9. Квадратли модуляция  | 153 |
| 6.3.10. QAM, QPSK модуляциялар  | 154 |
| 6.3.11. OFDM модуляция  | 156 |
| 6.4. РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ АСОСЛАРИ                                       | 158 |
| 6.5. РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТРАКТИНИНГ УМУМЛАШТИРИЛГАН ТУЗИЛИШ СХЕМАСИ     | 163 |
| 6.6. ТЕЛЕВИЗИОН СИГНАЛНИ ДИСКРЕТЛАШ                                     | 165 |
| 6.6.1. Умумий маълумот  | 165 |
| 6.6.2. Дискретлашнинг ортогонал тузилиши                                | 166 |
| 6.6.3. Шахмат кўрининишида дискретлаш                                   | 168 |
| 6.7. ТЕЛЕВИЗИОН СИГНАЛНИ КВАНТЛАШ                                       | 171 |
| 6.8. ТЕЛЕВИЗИОН СИГНАЛНИ КОДЛАШ   | 173 |
| 6.8.1. Умумий маълумотлар   | 173 |
| 6.8.2. Интерполяцияни кодлаш  | 174 |
| 6.8.3. Алмаштириш усулида гурӯҳли кодлаш                                | 180 |
| 6.8.4. Мослаштирилган гурӯҳли кодлаш                                    | 184 |

|   |            |
|---|------------|
| <b>6.9. ТЕЛЕВИЗИОН СИГНАЛНИ ФИЛЬТРЛАШ .....</b>                                 | <b>185</b> |
| <b>6.10. РАҶАМЛИ СИГНАЛЛАРНИ ВАҚТ БЎЙИЧА<br/>АЙЛАНТИРИШ.....</b>                | <b>189</b> |
| <b>6.11. МУРАККАБ ВИДЕОСИГНАЛНИ РАҶАМЛИ ШАКЛГА<br/>КЕЛТИРИШ .....</b>           | <b>190</b> |
| <b>6.12. КОМПОЗИТ СИГНАЛНИ РАҶАМЛИ ШАКЛДА<br/>УЗАТИШ.....</b>                   | <b>196</b> |
| <b>6.13. РАҶАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СИГНАЛИНИ АЛОҚА<br/>КАНАЛИ ОРҚАЛИ УЗАТИШ .....</b> | <b>197</b> |
|   |            |
| <b>7. ТЕЛЕВИЗИОН ТАСВИРНИ БАҲОЛАШ.....</b>                                      | <b>202</b> |
| <b>7.1. УМУМИЙ ТУШУНЧА .....</b>  | <b>202</b> |
| <b>7.2. ТЕЛЕВИЗИОН ТАСВИР СИФАТИ .....</b>                                      | <b>205</b> |
| <b>7.3. ГЕОМЕТРИК БУЗИЛИЦЛАР .....</b>  | <b>206</b> |
| <b>7.4. НИМРАНГЛАРНИНГ БУЗИЛИШИ.....</b>  | <b>209</b> |
| <b>7.5. АНИҚЛИК ВА КЕСКИНЛИКНИНГ ПАСАЙИШИ.....</b>                              | <b>212</b> |
| <b>7.6. ЎРТА ВА КАТТА ДЕТАЛЛАР РАВШАНИЛИГИНИНГ<br/>БУЗИЛИШИ .....</b>           | <b>217</b> |
| <b>7.7. РАНГНИНГ БУЗИЛИШИ .....</b>   | <b>220</b> |
| <b>7.8. ТАСВИР СИФАТИГА ХАЛАҚИТ БЕРУВЧИЛАРНИНГ<br/>ТАЪСИРИ .....</b>            | <b>221</b> |
| <b>7.9. ТАСВИР СИФАТИНИ СИНОВ ЖАДВАЛИ ОРҚАЛИ<br/>БАҲОЛАШ.....</b>               | <b>225</b> |
| <b>7.10. РАҶАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕДА НАЗОРАТ ВА ЎЛЧАШ .....</b>                       | <b>231</b> |

# ТЕЛЕВИДЕНИЕ

## (Физика асослари)

*(Дарслик)*

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2011

Муҳаррир: М.Ҳайитова  
Тех. муҳаррир: А.Мойдинов  
Мусаввир: Ҳ.Гуломов  
Мусаҳхиқа: Ф.Исмоилова  
Компьютерда  
саҳифаловчи: Н.Ҳасанова

Нашр.лиц. АЛ№149, 14.08.09. Босишига рухсат этилди 10.08.2011 йил.  
Бичими 60x84 1/16. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Шартли босма табоби 15,00. Нашр босма табоби 14,75.  
Тиражи 200. Буюртма № 93.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.  
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.